

НИГИНА НИЁЗ

СҮНГГИ КУН

1-китоб

Тошкент
«MERIYUS»
2012



41485/1
2

Huzurna Huzuz

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

2013/7
5768

А. Н. Радишев: «Инсон ўлгач ҳам барҳаёт бўлиб қолади; унинг танаси емирилиб кетади, аммо руҳ емирилмайди. Унинг ерда нозил бўлишидан мақсад комиллик сари интилишидир. Демак, ўлимдан кейин ҳам руҳ ўз тадрижини давом эттиради ва такомилаша боради. Ниҳоят, у мутлақ баркамол ҳолатга эришиади. Ҳаётдан мақсад шу эрур... »

Бенедикт Спиноза: «Инсон руҳи тана билан бирга емирилиб кетмайди. Ундан мангу нимадир қолади».

Робиндранат Тагор: «Тонг чоги, ёргулкни кўрдиму, бу олам мен учун бегона эмаслигини дарров ҳис этдим. На исми, на сийрати менга таниш бўлган сирли хилқат она қиёфасида мени бағрига босди. Ўлим чогида ҳам мен азалдан бишган ўша сирли хилқатнинг ҳузуримга келишини биламан. Негаки, мен ҳаётни яхши кўраман. Аминманки, шу сингари ўлимни ҳам севиб қоламан».

Вольфганг Гёте: «Руҳимиз ҳеч қачон емирилмаслигига ҳеч қандай шубҳаи йўқ. У мангуликда мангу яшайди. У худди қуёшга ўхшайди. Чунки қуёши бизнинг лоддий кўзларимиз учунгина ботади».

Жек Лондон: «Ўлии бўлмаган нарса. Тирикликнинг асоси руҳдир. Руҳимиз эса абадий яшайди... Факат руҳгина абадий, сўнгсиз эврилишлар замирида у ёргулк томон юксалаверади».

Ибн Сино: «Руҳ – абадий. У жисм ўлгандан кейин ҳам мавжуд бўлиб қолаверади».

Гераклит: «Токи биз тирик эканимиз, руҳимиз ўликдир. Ўлганимиздан кейин улар тирилади».

УДК: 821.512.133-3

ББК: 84(5У)7 - *Уб. араб.*
H55

Ниёз, Нигина

Сўнгги кун: Китоб 1: Хаёлий қисса/ Н. Ниёз; мухаррир
Х. Маҳмудова. - Тошкент: Meriyus, 2012. 272-б.

Америкалик киноматографчилар томонидан яратилган «Привидение» («Арвох») фильмни ўзбек томошибинларини ҳам ҳаяжонга солган эди. Бош ҳаҳрамоянинг ҳалокатга учраши, танасини тарқ этгач, ўлганлигини тушунмаслиги, суюклиси билан бўладиган учрашувлар гоят қизиқарли, ишонарли килиб суратга олинган.

Адиба Нигина Ниёзнинг «Сўнгги кун» асари ҳам у дунёдаги ҳаёт ҳақида ишонарли, мароқли ҳикоя қиласи.

УДК: 821.512.133-3

ББК: 84(5У)7

ISBN 978-9943-395-44-2

© Нигина Ниёз (Мавлуда Иброҳимова), 2012

© «Meriyus» нашриёти, 2012

МУҚАДДИМА

Мехрибон ва Раҳмдил Аллоҳ номи билан бошлайман!

Ушбу асарни ёзиш осон бўлмади. Асар ёзилиши мобайнида мени бу йўлдан қайтаргувчилар кўп бўлди. Негаки, бу жуда мунозарали мавзу, барчага бирдек манзур бўладиган асар ёзиш кийин, дедилар. Чиндан ҳам у дунёдаги ҳаёт борасида турли қарашлар, тахминлар, илмий фаразлар мавжуд. Бундан ташкари, турли диний китобларда у ҳар хил ёритилган. Буддавийлик унинг бир томонини талқин этган бўлса, веда адабиётларида муфассалрок далолатларни кўришимиз мумкин. Ислом динида ҳам ўлим чукур ёритилган. Диншунослар ҳам ўлим ҳодисасини маълум бир нуктаи назардан ўрганадилар. Аммо фикрларда фарқланишлар кўп учрайди. Масалан, суфийлик тариқатида комилликка эришган руҳлар фалак оламларига кетади, деб талқин қилинади. Тирикликда эзгу ишлар қилмаган гуноҳкор бандалар эса осмон остида қолиб, фалакка кўтарила олмайдилар, дейилади. «Одамларнинг руҳи жисмдан жудо бўлгач ва фалак оламига етгач, – деб ёзади Азизуддин Насафий «Зубдат ул ҳақойик»¹ китобида. – Фоний маркаб (от) лардан кутуладилар ва абадий маркабларга минадилар ва шу абадий маркаблар устида абадий бўладилар ва ҳар бири ўз макоми меъёрида роҳат ва фароғатда турадилар». Китобнинг яна бошка ўрнида эса ҳалифанинг руҳи жисмини тарқ этиши билан абадий Қодири роҳманир-роҳийм ва Раббил оламин хузурида фароғату роҳатга эришади, деб ёзилади. Умуман олганда, суфийлик тариқатида руҳнинг танадан чиқиши ва мақоматига кўра оламларга кетиши батафсил талқин этилган адабиётлар кўп. Шунингдек, XIX асрда араб уламолари томонидан ёзилган «Мунтажаби китоби руҳ», «Мажмаи-латоиф» асарларида ҳам ўлимдан кейинги ҳаёт, жаннат ва дўзах даражалари атрофлича тасвир этилади.

Бундан хulosса шуки, диний адабиётларда ўлим ҳодисаси ҳар хил талқин этилган. Шу боис бир фикр издошлиари бошқача фикрловчи ёки бошка мазҳабдагилар билан тортишгани тортишган.

¹ Зубдат ул ҳақойик – Ҳақиқатлар қаймоги

Қарашлар турлича бўлгани учун ҳам мен бугунги кундаги илмий адабиётларни ўрганиб чиқдим ва улардан ўз асаримда холисона фойдаландим. Хусусан, Моудининг «Ўлимдан кейинги ҳаёт», С.Тухолканинг «Оккультизм ва магия» ва бошқа қатор дунёвий адабиётларни ўкиб ўрганиш асносида талайгина қизиқарли далилларга дуч келдим.

Хозирги кунда ўлим ҳодисасини ўрганувчи фан танатология деб аталади. Бу ҳодиса юзасидан қатор илмий далолатлар, фаразлар мавжуд. Олимларнинг талқинига кўра, ўлим ҳаётнинг бир шаклидан бошқа шаклига кўчишдир. Яъни тана ўлимга юз тутгач, шахс-руҳ соғ онг шаклида ҳаётни давом эттиради. Онг қанчалик соғ, руҳий қуввати юкори бўлса, у шу қадар юксак даржаларга кўтарилади ва ўзи сингари руҳлар билан бирга қолади. Бошқа бир илм намоёндаларининг фикрича, онг ернинг ўзида қолиб ҳаётини давом эттиради. Улар ерда бир неча ўлчамлар бор, руҳ биз кўролмайдиган ўша ўлчамларга ўтиб кетади, деб фараз килишади. Умуман олганда, илм намоёндалари ҳам бу масалада ҳали яхлит бир тўхтамга келганларича йўқ. Бу мумкин ҳам эмас.

Фикрлар, қарашлар ранг-баранглиги мени кўпроқ изланишга ундали.

«Сирли олам» ойномасида ишлаб юрган кезларим ўлимдан кейинги ҳаёт борасида кўплаб қизиқарли далолатларга дуч келганман, клиник ўлим ҳолатида бўлган кишилар билан сухбатлашганман. Тўплаган материалларим асосида «Марҳумлар хикояси», «Жон чиқканда кўрганларим», «Умр шоми етгач», «Марҳумнинг кирки» сингари қатор маколалар ёзганман. Шу тарзда қадам-бақадам менда ўлимдан кейинги ҳаёт борасида муайян тасаввур ҳосил бўлди ва мен уларни жамлаб, турли тоифа инсонлар такдири орқали ифодалашга жазм этдим. Бир чеккаси ушбу асар яқинларидан эрта айрилган, фарзанд доғида куйган оналар учун бир юпанч бўлсин, дедим. Чунки марҳумлар тирик ва ҳамиша биздан огоҳлар деб ўйлайман.

Клиник ўлим ҳолатида бўлган аксарият кишилар, танадан чиқиб, жисмларини четдан кузатганларини, атрофдагиларнинг гап-сўзларини аник-тиник эшишиб туришганини, воеаларда бевосита иштирок эта олганларини таъкидлашади.

Улар ўлим чоғида бутун ҳаётлари кинолавҳа каби кўз олди-ларидан ўтганини, қилган хато-ю гуноҳларини ўzlари ҳам кўриб, бундан жуда уялганларини айтадилар.

Бу қай бир жиҳатдан ҳакиқатга яқин. Шу боис мен асарни ёзиш мобайнида шу фикрларга таяндим ва балки мункарнакир, сўрок-савол деганлари шу тарзда намоён бўлиши мумкин, деган тўхтамга келдим.

«Сўнгги кун» воқеаларининг аксарияти ҳаётдан олинган. Уларни излаш ёки тўкиб ёзишга ҳожат бўлмади. Қабрда тирилган бола, тирик кўмилган деб фараз қилинган отин аёл, суфийлик тариқатида юқори мақоматга эришган Нуриллоҳ кори Накшбандий ҳаётда бўлган кишилардир. Нуриллоҳ кори ҳозир ҳам ҳаёт, шогирдлари билан беморларни даволайдилар. У киши тириклик чоғида уруж(руҳнинг танадан чиқиши)ни кўрган, маърифат мақоматига эришган, нафсни енгган такво аҳлларидан биридир. Орамизда киши билмас авлиёлар, авлиё даражасида бўлган комил зотлар, назаркарда инсонлар бор. Факат улар ўzlарини кўз-кўз қилмайдилар, хилмликда, камтарона умр кечирадилар.

Шунингдек, китобга ўзим кузатган, гувоҳи бўлган воқеаларни ҳам киритганман.

Холам, математика фанлари номзоди, уч нафар фарзанднинг онаси Робияхон Яминова 52 ёшларида саратон ҳасталигидан вафот этганлар. У киши ҳамманинг ташвишини қиласидиган фидой, куйди-пишди, кўнгли дарё инсон эдилар. Холамизнинг ўлимлари дилимизда армон бўлиб қолган. Бу ҳолат каттиқ таъсир қилганиданми, кўп тушимга кираардилар.

Бир куни тушимда оппок кўйлакда ўз уйларида юрганимishлар. Дастурхонлар ясатилган, хонама-хона учib юргандайлар. Бирам курсандларки... бизлардан:

– Менинг тўйим бўляптими? – деб сўрармишлар.

Худди шу куни холамнинг қирқлари бўлиши керак эди. Маросим ўтказиладиган хонадонга бориб, яна бир воқеа тафсилотидан хабар топдим. Холамнинг қизлари Наргиза онасини кўрганди.

– Шундок кароватимнинг оёғида омонат ўтирганларини ўз кўзим билан кўрдим, – деди у. – Ухламаётгандим. Чехралари аниқ-тиник кўриниб туради.

Ойи, деб чакиришим билан ғойиб бўлиб қолдилар. Ортларидан ҳатто дарпардалар силкиниб қолди. Буни қандай изоҳлашни билмайман, –дейди у ҳайратланиб. Энг ажабланарлиси, биз мархумани бир кунда, бир пайтда кўрганмиз.

Хуллас, ҳаётда бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо у дунёдаги ҳаёт ҳакида асар ёзишдан пировард мақсад уни курук тасвирлаб ўтиш эмас, балки бу дунёдаги ишларимизга охирад нуктаи назаридан баҳо бериш, чунончи инсон ҳаётида ўлимнинг энг катта сабоқ эканини эслатиб кўйиш ҳамдир.

Умримиз давомида биз тайёргарлик кўришимиз зарур бўлган муҳим ҳодисалардан бири ўлимдир. Сарҳисобимиз эса савоб ишларимиз, одамларга, элга қилган хизматимиз, яхшиликларимиз билан ўлчанади, деб ўйлайман.

Асарни ўқиб, хукм чикариш сиз азиз китобхонларга ҳавола.

Балки асарнинг айrim ерларида ноаникликлар бордир, хатоликка йўл кўйгандирман, балки баъзи тасвирлар сизнинг билганларингиз билан муштарак келмас. Булар учун, хатою гуноҳларим учун аввало Пок Парвардигордан, сўнгра эса сиз азизлардан узр сўрайман.

Зеро, асар воқеаларини ҳакиқат деб эмас, дунё ишларидан, туриш-турмушимиздан олинган бир сабоқ деб қабул қилинг. Агар сиз, азиз китобхон, асарни ўқиб, воқеаларни охирад нуктаи назаридан талқин этишни ўрганган бўлсангиз, шугина мен учун етарлидир. Чунки мен ўз олдимга айнан шу нарсани мақсад қилиб кўйганман. Буни нечоғлик уddaлаганим, сизнинг хукмингизга ҳавола, мен ўқиганларимни, эшитганларимни ёздим. Яна ҳам Аллоҳ билгувчироқдир!

Нигина НИЁЗ

ЖОН ҚАНДАЙ КҮЧАДИ?

Рұх вазни қанча?

Хаётлик чогимизда бу ҳақда ўйламаймиз. Тана ва рұх бирлигидан баҳтиёр ҳолда орзу-умидлар сари интилиб яшайверамиз. Аммо барибир бир күн келиб, ҳаммамиз бу мураккаб ҳолатни бошдан кечиришга мажбур бўламиз. Ана ўшанда нималарни ҳис киламиз? Жоннинг кўчиши қанчалар осон ва қанчалар қийин? Лопиллаб кетаётган тобутни кўриб, этларимиз увишади, вужудимизни қандайдир мискинлик қамраб олади. Ҳаёт шу ерда тугайдими? Охирги борар манзилимиз шуми? Ўлим ҳак! Бирок ҳаётнинг ҳакиқати ўлимми?

Паймона тўлиши бу дунё нұқтаи назаридан қаралганда, инсон тақдирида фожиавий ҳодисадир. Аммо ҳаётимизнинг маъноси ҳам ана шу бир лаҳзада кечадиган ўлим ҳолатига боғлиқ эмасмикан? Балки биз шунинг учун умр кечирармиз? Ҳаётимизнинг маъносини факат ўлим лаҳзасидагина тушуна олармиз?

Жон талвасасида ётган Пушкинни таникли ҳаким В.Даль дорулбакоға кузатган ва бу ҳолдан таъсирланиб кетиб, бундай деганди:

— Мана, донолик амалини, ҳаёт фалсафасини қаердан изламок даркор. Бу ерда жилд-жилд, қалин китоблардан ҳам топилмайдиган, омонат илм ошёнларида учрамайдиган ҳақиқатни, рұх тана қафасини ёриб чиқишга уринаётган илоҳий лаҳзаларни кузатиш мумкин.

Рұхнинг озодликка талпиниши. Бу мураккаб ҳолатни, тириклидан ўлим ҳолатига ўтишдек сирли жараённи қандай изоҳласа бўлади?

Кўп йиллардан буён олимлар ҳам бу соҳага катта қизиқиш билдиримокдалар. Ана шу оний тезлиқда юз берадиган, жоннинг кўчиши жараёнини қайд этиш мумкинмикан? Шундай жараённинг ўзи мавжудми? Келинг, шу лаҳзани бир ҳисобкитоб қилиб кўрайлик.

Олимлар бу жараённи тадқиқ этишни энг оддий ишдан

бошлашди. Кейинги йилларда ўта сезгир бўлган ва киши жисми оғирлигини аниқ ўлчайдиган кўпгина мураккаб асбоблар яратилди. Амриколик олимлар жон тарқ этаётган киши оғирлигини ана шундай асбобда ўлчаб кўришиди. Жон чиқаётганда киши 2,5 мисқолдан 7 мисқолгача оғирлигини йўқотар экан. Устига-устак, бу жараён бир эмас, бир неча босқичда кечар экан. Буни қандай тушунтириш мумкин? Нафси замини айтганда, жон танадан осонгина сирғалиб чиқмайдиганга ўхшайди. Балки у танадан кўчишга бир неча бор уринар... Шу жараённи бевосита кузатиш мумкинми-кан?

Фаранг шифокори Ипполит Барадюк фотоаппаратни ишга солиб, бошка дунёга ўтишга ҳозирланётган кишида қандай ўзгаришлар юз беришини яқиндан кузатди. У буни жон таслим килаётган ўз рафиқаси мисолида тадқиқ этди.

У марҳумани турли вактларда суратга олди. Биринчи сурат марҳума вафот этганидан кейин 15 дақика ўтгач мухрланган. Иккинчи лавҳа бир соатдан кейин, учинчи лавҳа орадан тўққиз соат ўтгач, суратга туширилди.

Аёл жон таслим қилганидан кейин жасад узра кичик оқ булатча пайдо бўлган. Иккинчи суратда оқ булат деярли бутун лавҳани эгаллаган. Орадан тўққиз соат ўтгач эса булат деярли тарқаб кетган. Бунинг нима эканини тушунтириб беришдан фан ҳозирча ожиз. Аммо биз бу суратлардан куйидагича холосага келишимиз мумкин. Ўлим соатларида киши танасида қандайдир кувват табиятли ўзгаришлар юз бериши шубҳасиздир.

Жоннинг кўчишини суратга олган одам фактат Барадюк эмас. Буни петербурглик шифокорлар ҳам инфракизил нурлар ёрдамида суратга туширишди. Жон кўчаётган пайтда одамдан тухумсимон шаклдаги нурли жабха ажралиб чиқсан. Кейинчалик хавога сингиб кетган. Бу борадаги тадқикотлар ҳозир ҳам давом эттирилалаяти.

Демак, бундай деб холоса қилиш мумкин.

Руҳнинг вазни ва уни олиб юрувчи, бизга номаълум бўлган қобик мавжуд. Аммо буни илм-фан билан боғлашнинг иложи бормикин? Ахир бу маълум ва муҳим ҳодисанинг белгилари, холос.

Шу ўринда анъанавий диний ақидаларимизнинг хаққоний асоси бордек туюлади. Марҳум вафотидан кейин ўтказиладиган 7, 20, 40 кунлик маъракалар, шу кунлари Қуръон тиловат килиниши бежиз эмас. Минг йиллардан бўён амал қилиб келинаётган бу урф-одатлар марҳумнинг дорулбакога рихлат қилганидан кейинги ҳаёти билан боғлиқ бўлса эҳтимол. Марҳумни ана шу саналарда йўклаш ҳам руҳий, ҳам жисмоний маънога эга бўлса керак...

РУҲ ЖАСАДГА ҚАЙТАДИМИ?

Маълумки, озука билан таъминланмай колган мия хужайраларида қайтариб бўлмайдиган, ҳалокатли жараён кечади. Ўлим содир бўлгач, орадан олти дақика ўтиб, мия фаолияти тўхтайди ва уни ҳаётга қайташибнинг сира иложи йўқ.

Шунингдек, бу жараён танадаги рух тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Мия фаолиятини чўзар эканмиз, демак, «танадан чиқишига» уринаётган руҳни ҳам олиб қолишга муваффақ бўламиз.

Қадимда африқолик коҳинлар бу борада катта тажрибага эга бўлишган. Одатга кўра, улар марҳум атрофида давра қуриб ўтиришган ва жон-жаҳдлари билан, овозларини баралла кўйиб, дуо ўқишиган. Улар руҳнинг танага қайтишини илтижо қилганлар. Бошқа бир қабилада эса коҳин марҳумнинг ёнида уч кечаю уч кундуз ётган ва рух танага қайтишини ёлвориб сўраган. Орадан уч кун ўтгач, коҳин марҳум билан бирга ёки бир ўзи чиқиб келган ва йиғилганларга: «Худои таоло уни ўз даргоҳига олиб кетди», деб жавоб қилган.

Замонавий тиббиётда ҳам руҳнинг танага қайтиши, марҳумнинг қайта тирилиши ҳоллари кўплаб учрайди. Бунга сабаб шифокорларнинг ўта фидокорлик билан ишлаши, марҳумнинг тирилишини чин дилдан исташлари эмасмикан?! Акс ҳолда рух бизнинг ўтичларимизни англамас эмиш...

Бундан бир неча йил илгари Булғориянинг пойтахти София касалхоналаридан бирида ажабтовур ҳодиса содир бўлди. Ҳамшира қиз Пенка Найденовани ўз эҳтиётсизлиги оқибатида юқори кучланишли ток уради. Фожиа содир бўлганидан кейин орадан 15 дақика ўтгачгина шифокорлар ўша хонага кириша-

ди ва қандай фожиа юз берганидан хабар топиб, зудлик билан қизни тирилтиришга киришадилар. Қизни сунъий нафас олдириб, кўкрак қафасини укалашади, юрак мушакларига игна урадилар... Аммо нафи бўлмайди. Қизда тириклик асорати сезилмасди. Шунда доктор Дорежиян сўнгги илинж, дея ўта ҳатарли ишга кўл уради. У полда ётган қизнинг кўкрак қафасини шу ернинг ўзида очиб, юракни қаттик укалай бошлайди. Аммо бундан ҳам ҳеч қанақа натижа чиқмайди.

Орадан ўн дақика ўтади, ярим соат, бир соат. Ҳаммаси туғаган эди...

Кутилмаганда, орадан яна 25 дақика ўтгач, юрак ожизгина кимирлаб қўяди. Балки айнан шу сонияда рух танага қайтгандир, ким билади. Ахир рухнинг маскани – юрак дейдилар-ку!

Қиз юрагига электр токи юборадилар. Энди иккинчи ма-ротаба! Шундан кейингина юрак ишлаб кетади. Аммо мия-чи? Олти дақиқада ёк умри ҳазон бўладиган миянинг ҳоли не кечди экан? Ахир у деярли бир ярим соат озукадан маҳрум бўлган. Наҳотки у омон қолди?

Уч кеча-ю уч кундуз Пенка ҳушига келмайди. Қон босими 40-90 дан ортиқ кўтарилилмас, юрак бир дақиқада 150 марта урадди. Қиз шу кунлар мобайнида туз тотмайди.

Учинчи куни кечга томон қизнинг исмини айтиб чакирадилар. Шунда у эшитилар-эшитилмас жавоб беради. Буни қарангки, у рус тилида: «Менга нима бўлди?» деб сўрайди. Қизиги шундаки, у рус тилини жуда кичиклигига ўрганган, кейин эса бутунлай унутиб юборганди.

НОМАИ АЪМОЛИ БИТМАГАН БЎЛСА...

Бундан бир неча йил илгари кўриқ ердаги «Ярославский» давлат хўжалигига Владимир Харин исмли ёш йигит тракторчи бўлиб ишларди. Аёзли қиш кунларида унинг машинаси чўлнинг кок ўртасида бузилиб қолади. Тракторни юргазиш учун йигит нималар килмади, дейсиз. Аммо юргизолмайди. Шунда у қишлоққача яёв кетишга аҳд килади. Аммо кечга томон, чироклар кўринган пайтда, Харин ҳушсиз йиқилади. Унинг жасади орадан уч кун ўтгачгина топилади. Жасад музлаб, котиб қолган, урса тошдай тарақларди. Касалхона ши-

фокори ҳам йигитнинг ўлганини тасдиқлайди. Фақат биргина илинж ҳакимга умид бағишларди. Мархумнинг жасади кулранг-оқ эмас, пушти-сиёхранг тусда эди. «Тирилтиришга уриниб кўрсак-чи!» ўйлади ҳаким.

Ўша заҳотиёқ касалхона ходимлари «мархум»ни тирилтиришга киришиши. Унинг оёкларини иссиқ сувга солиши, та-насини спирт билан ишқалаб, юрагига адреналин юбориши.

Тирилтириш жараёни узок, мاشақкатли кечди ва ниҳоят... юракка жон киргандай бўлди. Шундан кейин қон томирлар сунъий юрак ва сунъий ўпка вазифасини бажарувчи асбобга уланди. Йигит ҳаётга қайтди.

Аммо қизиги шундаки, шу уч кун мобайнида унинг руҳи каерда эди? Муқаддас китобларда айтилишича, руҳ танани тарк этгани билан бу дунёдан ҳали кетмас экан. Латиф тана билан бирга кўчган жон янги ҳолатга кўнишиш учун ўзи яшаган жойида, кариндошлари, дўсту ёрлари атрофида айланиб юраркан. Тасаввуда ва Исломнинг фалсафий талқинларида ҳам руҳнинг ерни кирқ кундан кейингина тарк этиши баён килинади. Шу ўринда номаи аъмоли ҳали битмаган руҳ танасига қайтган бўлса, эҳтимол. Биз шарҳлаб ўтган икки ҳодисада ҳам юракка жон қайта киргани алоҳида таъкидланади.

Продно шаҳрида юз берган воқеа янада сирли. Гранаткин деган кимса туман озиқ-овқат омборида ишларди. Бир куни ишда ушланиб қолди ва уйига жуда кеч қайтди. Йўлда кетаёт-тиб шу омборда ишлайдиган ҳамкасбини учратиб қолди. Мечник мотоциклга турли хил мол ортиб келаётганди. Гранаткин мотоциклни тўхтатди-да:

– Ишлар қалай? – деб сўради оғайнисидан. Ҳайдовчи эса мотоциклдан тушиб, Гранаткинга яқин келди ва бир сўз демай, унинг бошига оғир нарса билан урди. Кейин жасадни мотоциклга ортиб, шаҳар чеккасидаги кор ўрага ташладида, устини қалин кор билан беркитди. Қотил топилмади. Орадан 22 кун ўтгач, ўрмон кесувчилар Гранаткиннинг жасадига дуч келишиди ва у ўликхонага топширилди.

– Мархум нимадан ўлганлигини аниқлаш учун жасадни ёриш керак, – деди прокурор.

– Жасад тош қотиб ётиби, сал муздан тушсин. Эрталабга-ча кутамиз, – жавоб кайтарди жарроҳ.

Жасадни иссиқ хонага олиб киришди. Навбатчи ҳаким мархумнинг кўзларига эътибор қилди ва юраги ғалати бўлиб кетди. Жасаднинг тирноқларини текширди. Гранаткин нафас олмас, юраги ҳам урмайтганди. Шунга карамай, шифокорни, балки тирик бўлса-чи, деган хаёл тарқ этмасди.

— Бўлиши мумкин эмас... 22 кун совукда, корда қолган. Сувсиз, овқатсиз... йўқ, бунақаси бўлмайди!

Бироқ шифокор ҳақ бўлиб чиқди. Гранаткин тирилди! 22 кундан сўнг ўлик тирилганига ҳакимлар лол қолишиди. Улар бу ҳодисани тушунтириб беришдан ожиз эдилар. Шу боис Гранаткиннинг тирилишини қандайдир тасодифларга йўйиб асослашга уринишди. Аммо тиббиёт нуктаи назаридан карапланда, бундай ҳодисанинг бўлиши мутлако мумкин эмасди. Олти дақиқадан кейин ҳалок бўладиган ва қайта тикланмайдиган мия ҳужайралари борасида нима дейиш мумкин! Ҳақиқатан, тириклик ва ўлим ҳодисасини фақат табобат тили билангиша тушунтириш мушкул. Боз устига ҳаётда юз беражак воқеалар доим ҳам биз билган ва кўниккан қонунларга бўйсунмас экан.

Шу ўринда «Ўлимдан кейинги ҳаёт» асарини ёзиб, машхур бўлиб кетган Раймонд Моудини эслайлик. Бу китобда юзлаб «марҳум»лар ҳикояси келтирилади.

Кўпчилик «тирилганлар» ўлимдан кейинги илк дақиқаларда нималарни ҳис этганларини эслашади. Гўё одам иккига бўлинади: жasad ўлади, иккинчи киёфа эса ўз ўлимини тепадан кузатиб туради. Шифокор, ҳамшираларни кўради, улар нима ҳақда сухбатлашаётганларини эшигади. Буни қарангки, мархумнинг билганлари амалдаги воқеага тамомимила мос келади. Шундан кейин руҳий ўзлик танадан узилиб, кувурсимон йўл бўйлаб, нурли жабха томон интилади...

Шундай қилиб, руҳнинг танани тарқ этиши жараёни ўз исботини топаётгандай... Ўлим пайтида вазн камайиши, булутсимон нарсанинг жasad тепасида суратга тушганлиги, қайта тирилган кишиларнинг ҳикояси ҳақиқатан ҳам руҳ ёки киши танасида соф кувват шаклидаги қандайдир бир моҳият мавжудлигини тасдиқлайди.

Шу ўринда фаранг физиолог олими И.Барадюк билан санкт-петербурглик олимларни табрикламоқ жоиз. Чунки улар инсониятга парда ортида яширин бўлган яна бир сирни

ошкор этдилар, яъни руҳнинг танадан кўчиши жараёнини суратга туширдилар. Балки бу ҳодиса энди ҳаётнинг мазмунини теранрок тушунишимизга ёрдам берар, руҳий дунё, чин дунё аталмиш олам синоатларини зохир этар...

Ким билади, омон бўлсак, кўрармиз...

ҚАБРИСТОН БИР ҒАРОЙИБ ШАҲАР...

«Кўччиликка мавжудликнинг

маъносини қабр англатади...»

Абул Аъло ал-Мааррий

Бу бедаво дардга чалинганимга анча бўлди. Гўё аллакандай онгли жонзотлар танамга ин кўйгандай, мени еб, баданим ҳисобига яшаётгандай. Тун бўйи алоқ-чалоқ тушлар кўраман, тушимга ҳам ўшалар киради, бирам кўркинчлики улар!

Киши ўлими яқинлашаётганини билади, деганлари ҳакқас рост. Баъзида «балки...» деган умид учкунни «йилт» этади-ю, аммо аёвсиз оғриқ бу учкунни бир зумда ўчириб кўяди. Нима ҳам килардим; осмон – узок, ер – каттиқ. Дард билан узок олишдим. Муштлашавериб дабдала бўлган боксчидай сафдан чиқдим. Энди нима бўлса бўлар, деб узала тушиб ётибман. Ҳатто туришга мажолим йўқ. Дунёнинг бевафолигидан зорланаёттир, дерсиз. Ҳа, чинданам ёшим 22 да, ҳатто турмушга чиқиб, фарзанд кўриб ҳам улгурмадим, аммо зорланишга вақт қайда, куч қайда! Одам соғ-саломат юрганида буни ўйларкан, ношукурлик қиларкан. Ҳозирги абор аҳволимда хоҳиш-истакларим жуда арзимас... Жоним оғримаса эди, бир қошиқ овқат томогимдан ўтсайди... Бунинг бахт эканини билганимдингиз?!

Аста-секин бошимга тушган кўргиликка ҳам кўнишиб, охират ҳакида ўйлай бошладим. Тирик жон борки, бу тўғрида ўйлайди, лёкин вақти қазойинг етиб турганида бошқача ўйларкансан киши. У дунёнинг борлиги ростмикан?.. Дўзахга тушсам ҳам майли, факат йўқ бўлиб кетмасайдим. Қаро ерда ҳам шу алфозда ётишимни ўйласам, нафасим тикилиб, юрагим тўхтаб қолади. Аммо у маҳал буни сезмайман, чунки унда ўлган бўламан.

Биламан, бу шу оқшом юз беради. Бироқ ҳечам ўлгим келмаяпти. Икки кундан бери тушларим осойишта бўлиб қолди. Фаришталарни, нурли водийларни кўраман. Айникса, бир жувон келаверади. «Кўркма, болам! – дейди у гарчи мендан анча ёш кўринса ҳам. – Мен ёнингдаман!»

Бу нарса юз берадиган оқшом менга ҳеч ким халақит бермаса. Шу боис, бошимда ўтирган онамга қараб жилмайдим:

– Бугун тузукман, бориб бироз дам олинг. Керак бўлсангиз чакираман...

Онам иккиланга-иккиланда даҳлизга жой солиб ётдилар. Шўрликнинг икки йилдан бери уйқусида ором йўқ. Шу оқшом тинижиб ухлаб олсалар бўларди. Бу жудоликни кўтара олмайдилар, деб кўркаман... Онаизоримни ўллаб кўзларим жиққа ёшга тўлди. Даҳлиздан эшистилган оғир хўрсиниш юрагимни ўртаб юборди. Туни билан ҳаммани бир-бир ёдга олдим. Бутун ҳаётимни эсладим! Ҳаёлан ҳамма билан видолашдим. Назаримда, дунё эзгулиқдан яралгандай. Қариндош-уруғлар, якин-йирок дугоналарим – бариси оз-оздан бўлса-да, яхшилик қилишган менга. Баъзида кўринмай кетган дугоналаримдан ўпкалаб кўярдим. Бир шаҳарда яшаб туриб, йиллаб кўришмаймиз-а?! Мана энди тушундимки, бир-биримиз билан кўришмасак ҳам, фикран боғланиб турган эканмиз. Улар менга, мен эса уларга суюнкарканман. Мени кечиринг, сизларни жуда эрта ташлаб кетяпман...

Тоғам раҳматли, аслида зигирча ёрдамлари тегмаса-да, бақир-чакир килиб далда бўларканлар. Гарчи мени деб ҳеч ким билан уришиб-талашиб юрмаган бўлсалар-да.

– Сени ким хафа қилса менга айт, жиян! – дейишларининг ўзи кўнглимни тоғдай кўтараркан.

Энди эса ўша кўринмас ришталарни узиди кетяпман. Қанчалар яшагим келаётганини билсангиз эди... Каравотим атрофи бирдан ёришиб кетди. Бояги аёл пайдо бўлди. Кўз камашади сулувлигидан... Уни кўриб дилимдаги ғашлик хурсандчилик билан қоришиб, ҳадик пайдо бўлди.

– Ухла! – деди у. – Ўлим уйқуга ўхшайди асли.

– Гули, болам! – онам гўё кўнгиллари сезгандай мени чакирдилар. Шу боисми, туйкус пайдо бўлган нур устун ҳам, аёл ҳам изсиз ғойиб бўлди.

– Ойи, ухляяпман. Мен яхшиман! – тетик гапиришга уриниб дедим.

— Укол вакти бўлди, шекилли. Оғримаяптими?

Овозим чиқмасин, деб бошимни ёстиқ билан буркаб олдим.

Ичимдан отилиб келаётган зардобни ютиб дедим:

— Оғримаяпти, ойижон. Ҳечам оғримаяпти.

— Зора тузалиб кетсанг-а, болам! – умидланиб дедилар онам.

— Айтганингиз келсин! Оғриса чақираман, бемалол ухлай-веринг!

— Ухляяпти деб хижолат чекма, болам! Дарров чақиргин.

Нима, битта укол!

Шундан кейин онам уйқуга кетдилар. Тепадан яна нур устун тушди, бояги аёл пайдо бўлди.

— Ухла, ухла! Уйқуда жон чиқиши осон кечади.

Уйқуга толишга уринаман, ичим бўм-бўш... қўрқаяпман.

Жарликка кулаётгандай, бошим чириллаб айланади-ю, чўчиб уйғониб кетаман.


— Бунинг ҳеч ҳам қўрқинчли жойи йўқ, опогим. Чўчима!

— Сира... сира ўлгим келмаяпти. Қўрқаяпман, жуда қўрқаяпман! – ўпкам тўлиб дедим мен. – Ҳали ўшман, ахир...

Аёл индамади. Кўзлари маъюслангандай туйилди. Балки Азроил деганлари шудир, аёл киёфасида кўринаётгандир менга. Демак, бошка иложим йўқ экан. Алвидо, ҳаёт! Алвидо, онажон! Бевафо қизингизни кечиринг. Сўнгги кунда сизни алдаб кўйдим. Бир кун бўлса-да, умидланиб ухланг, дедим-да! Ҳамма гапларимни айтганиман, биласиз. Юм-юм йиглагандингиз ўшанда. «Сен ўлмайсан! – дегандингиз. – Агар шундай бўлса, бу дунёда адолат йўқ ёкан, дейман. Ахир, ёлғиз бошим билан отасиз катта қилганман сени. Бировларникида ҳовли супуриб, коп орқалаб катта қилганман, болам. Ёлғиз умидимсан, болам. Сенсиз кандай яшайман!»

Ўйларим хиралашди, хаёл ҳам, тириклик ҳам миямда чаплашиб кетди. Бошим «чир-чир» айланиб чоҳга қулагай бошладим. Унинг эса туби йўқ... Атрофни зулмат босди. Зимиштон! Ўзимга нима бўлаётганини тушунмаяпман. Ўзимни ўнглаб ололмайман. Мазам қочяпти, деб ўладим. Балки ўлим деганлари шудир... Аммо мен борлигимни сезиб турибман-ку, ҳатто фикрлайпман.

Секин-аста атроф ёриша бошлади. Уйдаги ҳамма нарсани бемалол кўриб турибман. Ҳатто тумбочкам устидаги тунги чироқ ҳам кўзларимни камаштиряпти-я! Ана, дориларим ҳам жойида



турибди. Демак, тирикман ҳали. Беихтиёр бу фикрдан қувониб кетдим. Шундагина каравотда уйқуда ётган жисмимга кўз ташладим. Ухляпман, шекилли? Юзларимдан кон кочган, роса озиб кетибман. Шу пайт касалим эсимга тушди. Орадан қанча вакт ўтди, бироқ оғриқ хуруж кильмаяпти-ку! Бу янгиликдан қувониб кетдим, балки чиндан ҳам тузалиб кетарман.

Вужудим қандайдир енгил бўлиб қолди. Жоним оғримаётганидан бўлса керак. Аста ўрнимдан кўзғалдим. Ўн беш ёшлиқ чоғларим эсимга тушиб кетди. Доим ракс тушгим келаверарди. Вужудимда барабар мусика янграр, хонадан хонага ўтиб, гир айланиб ракс туша кетардим. Оккушдай кенг қулоч ёзиз, учмоқка шайланардим. Борлиғимни чулғаган қувонч парвоз қилгани чорларди мени! Худди ўша пайтдагидай енгил сездим ўзимни – хонадан хонага ўтиб, ракс туша кетдим. Қандай яхши жоним оғримаётгани, роҳат-ку бу!

Даҳлизга ўтаётib, ухлаётган онамга кўзим тушди. Ечинмабдилар ҳам, устиларига енгил кўрпачани ташлаб, омонатгина ётибдилар. Чакирса, дарров турман деганлар-да! Эрталаб хурсанд қиласман. Ахир, мен тузалдим-ку! Ўша оғриқ эди мени холдан тойдирган. Энди иштаҳам очилар, бир нима есаммикан? Онам роса хурсанд бўлардилар. Ҳатто зарурат учун туролмаётган одам, bemalol ошхонага ўтдим. Онам хушхўр бўлсин, деб картошкадан котлет пиширгандилар. Ҳиди бирам ёқимлики, лекин... козонни очиш им билан кўнглим суст кетди. Одамларнинг шуни ейиши ғалати туюлди. Иштаҳам йўқолди?. Кейин хонамга ўтдим. Карасам, жисмим ўша алфозда – уйқуда. Эссиз-э! Туш кўраётган эканман-да! Йўқса, нега жисмим мендан айри ётибди. Шу боис, хеч ерим оғримаяпти. Энди нима килсан экан? Жисмимга қандоқ кираман? Майли, майли, каравотдаги жисмимнинг оёқ учida ўтираман. Эрталаб карасам ўрнимда ётган бўламан. Уйғонаманда! Шундай ўйда бир чеккага ўтирдим. Жисмим ҳалиги ётишда ётибди. Уф-ф, кутиш бирам зерикарлики! Бояги аёлни эсладим. Қаёкка гойиб бўлди? Э-ҳа, ахир, мен туш кўряпман. Шу алфоз канча ўтирдим, билмайман.

– Гулхумор! – кутилмаганда онам шахд билан ўрнидан турди. – Энди уколингни қиласак бўлмайди, болам! Оғримаса ҳам килиб кўяман. Кейин қийналиб юрма! Кўлимни ювиб келай...

Онам шундай деб юваниш хонасига ўтдилар.

«Уйгонаман, уйғонишим керак!» – зўрикиб ўйлардим мен. Жисмим атрофида гир-гир айландим. Кўзимни юмишга уриндим. Аммо кўзим юмилмаётганди. Шундагина даҳшат билан... ўлганимни ҳис этдим. Наҳотки, ўлган бўлсам! Йўқ, бу туш, туш... Ҳозир уйгонаман. Онам... уйғотадилар. Кейин кула-кула тунги саргузаштларимни гапириб бераман.

Онам тунчирок олдидағи дориларни кавлаштирилар.

– Ухляяпсанми, ҳой! Тура қол... укол қилмаймизми?

Ўзим эса саросималаниб жисмимга кўз ташлайман. Уйгона колсам-чи?!

– Тур, ҳей! Кейин ухлайверасан! Уззуқун ухлайсан-ку, болам... – онам шишадаги дорини шприцга тортиб, жисмимга якин келди. – Ухляяпсанми?! – аввалига ҳайрон бўлди. Кейин бирдан шошиб қолди: «Бунақа ухламасди ҳеч?» Довдираб қолганларидан кўлларидағи шприц ҳам тушиб кетди.

– Гулхумор, болам! – бу ўқирик мен учун ҳам хукмдай янгради. Демак, мен ўлганман! Безовталаниб, ўзимни ҳар ён уриб учдим. Танамга киришга ҳаракат қилдим, бефойда!

Онам жон ҳолатда кўрпамни очиб, мени силкитдилар.

– Болам, кўзингни оч! – юзимга шапатилаб урдилар. – Жон болам, мени қўрқитма! Ҳой, ким бор! Шахноза!!!

Шахноза ҳолам чопиб хонага кирди.

– «Тез ёрдам»га телефон қил! – изиллаб йиглаганча дедилар онам. – Ҳой, анқаймасанг-чи! Гули оғирлашиб қолди! Болам, болам...

Ўзлари эса талмовсираб шприцга дори тортар, шприц кўлларидан тушиб кетаверар... Бўм-бўш хоналар ичидаги зир югуриб:

– Ёрдам беринглар! Ҳой, ким бор! – дея изиллардилар. – Ёрдамни кутма, Шахноз! Бор, Рухсора олангни чақир!

Холам ялангоёқ пастки қаватга чопдилар. Қизиги, буларнинг ҳаммасини мен кўриб-билиб турибман. Юрагимда қандайдир бўшлиқ, локайдлик. Фақат онамни юпатгим келади.

– Мен, ахир, ўлганим йўқ. Мана, ёнингиздаман, йигламанг! – дейман бақириб, аммо зшифтмайдилар мени.

Йиглаб бошимни силайдилар, кўлларимни уқалайдилар. Тегмасалар-чи, дейман!

– Гули, кўзингни оч, болам! Яхшиман, дегин! Уйгона қолгин!

Шошиб Рухсора опам кирди хонага. Кетидан Шахноза опам билан «Тез ёрдам»да келган шифокорлар киришди. Шу ҳам онамга тасалли-да! Онам нажот билан уларга боқади. Гүё улар мени тирилтириб берадигандай. Ҳозир онамнинг наздида оқ халат кийганлар хар нарсага қодир – уларга топинишга тайёр турибдилар.

Оқ халат кийган шифокорлар шоша-пиша ваҳимали асбобларини олишиди.

– Сиз анави ёкка ўтинг, хола! Деразаларни очиб юборинглар, – буюрди шифокор йигит.

Кимдир кетма-кет укол килди, кимдир кислородли ёстик тутиб, кўкрагимни уқалади. Аммо дорилар танамга шимишмайди. Қайтиб чиқаверди. Пешона-ю қўлларимга сим ўраб, кичик «телевизор»ни ёкишди. Унда биргина чизик ҳуштак чалиб ўтади. Бу ниманинг белгиси эканини биламан, киноларда кўрганман. Юрак уришдан тўхтади, дегани. Йигит менга қараб хўрсинди, чехраси мотамсаро:

– Хола, бардам бўлинг! Кечга қолибмиз...

– Болам! – онам ўкираб юборди. Ўзини устимга отиб, айтиб ийғлади: – Ғафлатда қолдим! Нуридийдам, ёлғизим! Сенсиз қандок қиласман. Қандай яшайман,войдод!

Дод-фарёдан қўни-қўшни йигилди. Боягина осуда хонадон арининг уясидай бесаранжом. Онамга сув сепишган, укол қилишган. Холаларим тутунларни титган, бир йиглаб, бир пи-чиралишиб, нималарнидир маслаҳат қилишади.

Энгагимни, сёклиарим бошмалдокларини боғлаб, юзимга оқ сурп тортишди. Дод солиб йиглаётган, ўзига келолмаётган онамни хонадан олиб чиқиб кетишиди.

– Марҳума безовта бўлади! Ёмон бўлади! – тушунтиришди унга. Ўзим эса буларнинг барини маъюс, қандайдир безовта кузатиб турибман.

Жисмим атрофини ўраган аёллар жўр овозда «лоилоҳа»ни айтишади. Қўшиқдай эшитилади менга. Мунис оҳанг вужудимга оқиб киради. Қандай яхши! Шундагина безовталик тарк этади мени.

Кизиги, мен ҳатто уйларидан шошилиб чиқиб, бизникига келаётган кариндошларимизни ҳам кўриб турибман. Онамнинг Эркинда турадиган тоғалари бор. Жуда кариб қолганлар. Бекор

айтишибди-да тоғамизга! Ўғиллари икки томондан ушлаб олган, «жигарим»лаб йиғлаб келяптилар. У кишини шу ахволда кўриб, ўртаниб кетдим.

— Менинг гўримга тушган болам! — деб ҳаммани йиғлатдилар.

Ана, Гулнора ҳам келибди, Мохира, Мунира опам — амакимнинг қизлари. Ҳаммалари йиғлашаётчи. Нигора-ку хун бўлиб шишиб кетибди. Эшик тагида тумонат бел боғлаган. Тоғаларим, амакилар, уларнинг ўғиллари... Тобуткашларим йўқ деб куюнмасам ҳам бўлар экан. Ҳаммалари йиғлашаётчи. Мимиттой жиянларимни айтмайсизми?! Йиғламанглар, дегим келади ҳаммаларига. Мен ўлмаганман, ахир. Буларни ташлаб, кандок кетаман?! Йиғлаётганлар узра париллаб учдим. Яна, яна учдим, кафасдан чиккан қушдай. Нима қиласман энди! Жим бўлишса-чи, ўйлаб олардим.

Онам ётиб қолдилар. Тобутни кўтариб олиб чишишганида ҳам сўнгги бор жисмим билан хайрлашолмадилар. «Нима қилай, онажон! Менга қолса, шундай бўлсин дебманми?! Кетмайман, ҳозир жисмимни кузатиб бораман-у, ёнингизга қайтаман... »

* * *

— Пиррон, сен ўлганмидинг? —
сўрадилар файласуфдан.

— Билмадим,— дея жавоб қилди у.
«Ҳакиқат манзаралари» китобидан

Тумонат одам. Бирлари олиб, бирлари кўйиб қабристон сари одимлашади. Тоға-амакиларим йиғлаганча олдинда боришаётчи. «Опамнинг ёлғизгинаси яшаса бўлмасмиди?!» дейишади-да!

Ўзим эса тобутим ёнида учеб боряпман. Ҳа, биз Сағбон мозорига кетяпмиз. Хилхонамиз шу ердалигини билардим. Бир-икки бор онам билан бирга бувимнинг қабрларини зиёрат қилгани келгандик. Қаерга келаётганимни билсан-да, ғашлик қийнарди мени: бегона жойда, майитлар орасида... Ўзимнинг ҳам майитга айланганимни сира тан олгим келмасди.

Ана, Сағбон қабристони. Узун машиналар кириб чиқадиган йўл, йўлнинг икки чеккасига катор дараҳт экилган. Дараҳтлар ортида эса кўрганда этни жунжиктириб юборадиган қабрлар

дүппайиб турибди. Буларни айтмаганда, бу жой гулзору да-рахтзорнинг ўзгинаси. Мархумларнинг истироҳат боғи. Ту-монат одам. Қабрлар тепасида икки-учтадан одам турибди. Бунақасини кўрмаганман ҳеч. Ўртадаги узун, катта йўл ҳам одамлар билан тўла. Улар сув остида юргандай секин ҳаракат килишади. Кўпинча бир нуктага қадалиб туришади. Айни чоғда уларнинг мархумлар эканини хаёлимга ҳам келтирма-япман. Чунки эркаклар кора кийимда, аёллар эгнида ҳам ҳар турли кўйлак. Шу сабаб янгишдим чоғи. Илгарилари бутун қабристонда беш-олтитагина одамни учратардингиз. Буниси эса... Ҳайронман... Мархумлар дарров мени ўраб олишди.

– Хуш келибсиз, хуш кўрдик! – деб қаршилашди. Ким эканимни, нима воеа юз берганини суриштиришди. Кўзларидаги меҳр ва айни чоғда қандайдир мунг бор. Кўпроқ бокийлик куйини тингла-ётганга ўхшашади. Айрилиқ билан бокийлик ёнма-ён юаркан. Улар фано дунёси билан видолашиб, бако оламига ўтишади. Ўтиш даври рухият учун қийин кечади ҳамиша. Кўзларидаги мунг балки шундандир. Яна билмадим. Мен эса уйга шошардим. Дарди ҳасратимда фифон чекаётган онажоним ҳузурига!

Атрофимда гирдикапалак бўлаётган мархумларга ҳам эътибор қилмай, қабримга тушдим. Мени бувимнинг оёғи тарафга қўйишди. Қизиги, ер остини ҳам, устини ҳам бирдай кўриб турибман. Суякларнинг ҳолати, қинғир-қийшиқ, ҷишли-тишсиз жағлар, сарғайган-корайган суяклар... кўриб безовта уча кетдим. Қабрга ҳам тушгим келмади. Аммо бир фикр сира тарк этмасди мени: жисмимга киришим керак. «Нега, ахир?!» Ҳайрон бўламан яна. Ахир, уни ерга қўйиб бўлишди-ку! Бефойда энди, бари бефойда... Шу тоб онам ёдимга тушиб, қайтишга чоғландим. Ана... шу ердан ҳам кўряпман: шундок кираверишда «Тез ёрдам» турибди. Уйга пориллаб учдим. Борсам, онам чиндан ҳам оғирлашиб қолибдилар. Укол қилишаётганди. Ухлатадиган дори беришибди. «Ухлаганлари яхши! Уйқуларида ҳаммасини тушунтириб қўяман! Ўлмаганимни ҳам!»

Уйқудаги онамнинг руҳи қошимга келди. «Мени кўряптилар!» деган фикрдан бирам қувондимки! Биз учрашиб турсак бўларкан.

– Гули! Болам, шу ердамисан! Кийиминг юпун-а? Манави шол рўмолни елкангга ташлаб ол. Гал қайтарма! – худди ҳеч нима бўлмагандай дедилар.

— Онажоним! — доимгидай бўйинларидан қучоклаб ўпдим. Илгарилари шундай қилсам, меҳрим товланиб кетарди. Энди эса... қандайдир хотиржамлик, ички сокинлигим мени ҳайрон колдирди. Ўзгирибман-да мен ҳам! Аввалги Гулхумор эмасманми? Наҳотки? Нега?

— Ўлмаган экансан-ку, болам! Юрагимни ёрдинг-а!

— Ўлмагандим, рости билан. Мен тузалдим, ойи, каранг!

— Чиройли бўлиб кетганингни! Ўзим ўргилай сендан! Энди мени кўркитмайсан-а!

— Ёнингиздаман-ку! Доим ёнингизда бўламан. Фақат сиз кўрмайсиз-да, мени. Ойи, фақат йиғламанг, жон ойижон, йиғламанг. Йиғласангиз, чидолмайман.

Гапим охирига етмай, онам уйғониб кетдилар. Туриб ўтирганча йиғлашга тушдилар яна:

— Эй худойим, шундоқ гулни қаро ерга лойик кўрдингми-я!

Мен яна безовталаниб, уча бошладим. Нима қилсам экан-а, онамни қандай овуттай...

Дарддан адойи тамом бўлган волидамга яна укол қилишди. Шаҳноза холам онамнинг тепасида қолди.

Жуда хафа бўлиб кетдим. Ахир, бу ёги нима бўлишини билмасам. Гўё бир уйдан бошқа уйга кўчаётгандай. Лоақал битта дастрўмолча ололганим йўқ. Бу мажбурий кўчиш... Устига-устак ўша уйда кимлар билан яшашимни, тақдири азалимда яна нималар ёзичтанини билмайман. Аммо бир нарсадан хурсандман: мен ахир тирикман, фикрлаялман! Бир кунмас бир кун тирик эканимни онамга ҳам исботлаб бера оламан...

Тушлик вақти бўлди, шекилли, қўни-қўшидан ош, мошхўрда чиқди. Уни косаларга сузиги ичишди, кейин Куръон ўкишди... Шундагина таомга бефарқ бўлиб қолганимни ҳис килдим. Аслида ҳам марҳумга таом керакмас. Шу вақтда овқатланишим кўникмага айланган, холос. Тундаги воқеалар ёдимга тушди. Онам пиширган котлетларни емокчи бўлганим, ракс тушганим. Ҳа, айтганча, козонни кўрмоқчи эдим. Ошхона тўла одам. Жиянларим хизматда, келиб-кетувчиларга мошхўрда сузишяпти. Ҳаммаёк алғов-далғов бўлиб кетган, ҳеч нимани то-пиб бўлмайди. Бизнинг қозонни қаерга қўйишибди экан?! Ана, ишкопнинг тепасида турибди. Бор кучимни тўплаб, козоннинг копқоғини аранг очдим. Қўполлигимдан қопқок пастга тарақлаб

тушиб кетди. Мошхўрда сузилган косаларнинг бир-иккитаси чил-чил бўлди. Жиянларим бир-бирини айблаб, уриша кетиши. Кимдир мушук деб ўлади ҳатто:

- Пишт-э, пишт! – деб бақирди амакимнинг кизи.
- Домда мушук нима қиласди, овсар. Яна бешинчи қаватда!
- Қозоннинг қопқоғини яхши ёпмабсизлар-да!

Амакивачча, тоғаваччаларим бир-бирларига айб тиркаб жиғиллашишади-ю, шу ердалигимни пайқашмайди. Котлетларга келсак, ҳамма котлет жой-жойида турибди, биронтасини ҳам емабман. Ўшандаёқ жоним чиқкан-у, буни ўзим билмаганман. Энди тушуняпсизми, тириклик билан ўлимни ажратиш қийинлигини! Ахир, котлетларни кўриб роҳатланганимни айтинг! Яна шунақа бўляпти. Одамларнинг буғи чиқиб турган мошхўрдага қатиқ, оз-моз ошкўк солиб ичишаётганини кўриб, маза қиляпман. Бу жуда қизик ҳолат. Улар еса, мен егандайман. Гўё оғиз уларники, қорин эса меники. Қуръон тиловат қилингандা, яна ҳам ҳузурланаман. Бошимдан қуйилган нур товонимга қадар сингади. Арғамчи учайтгандай роҳатланаман; янги ҳолатимга кўнишиб қолдим, шекилли... Ўлим унчаям даҳшатли эмасга ўхшайди. Факат тунда қабристонга боришим керак экан... шуниси қўркинчли... Сўрок-савол бўлармиш, жисмимга кирап эканман...

Пастга тушдим. Ҳовли тўла бола! «Дайди болалар, шекилли. Бу ерда нима қилишяпти?» ҳайрон бўлдим. Қора-кура, каровсиз қолган болалар.

- Нима қиляпсанлар бу ерда? – ўзимча «бақириб» бердим.
- Қани, жўнаб колларинг-чи?!

Улар кимга гапиряпсан дейишмади. Бундан баттар ажабландим. Кир-чир қўлларини дуога очишияпти. Ахир, булар кафансиз кўмилган гўдаклар-ку! Ташлаб кетилган, аборт қилинган, ҳатто исм ҳам қўйилмаган уларга. Қуръонталаб, дуо излаб келиштан улар. Демак, улар таъзия жойларда дуо излаб юришаркан-да, дарбадар... Уч-тўртталашиб уйма-уй изғиб юришади. Кўзга кўринмай ликоп синдирадиган тўполончи шулар-да! Нариги дунёга кетишини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Айниқса, электр сими билан ўйнашишини яхши кўришади. Кимларгадир сим қоқиб, сўзлашишади ҳам. Гаплари поинтар-сойинтар, шу боис улар билан сўзлашган одам «Бирон «псих» сим қоқяпти», деб ўйлайди. Ҳаммаси тушунарли... Бебош руҳлар...

Онамнинг тепалариға бориб, пешоналаридан ўпдим-да, йўлимга равона бўлдим.

Жисмим ёдимга тушиб, ўртаниб кетдим... Агар ҳозир унинг ичida бўлганимдами, ох, йиғлардим, шундай йиғлардимки...

Бутоғидан узилган япроқдай пирпираб қабристон томон учдим. Шундай учаяпманки, «ғир-ғир» шамол, қуёш нури ялаб ўтияпти. Машиналарнинг «ғиз-ғиз»и, одамлар ғовури эши билади. Аммо мен уларга эътибор килмайман. Чунки менга дахли йўқ. Факат ўша абгор вужудим керак менга. Ақл-хушим жойида, бирок жисмимга кириш фикридан қайтганим йўқ. Ҳали онамни тинчлантириш учун бу менга жуда керак. Аммо онам мени шишиб, товонлари ёрилган танада кўрсалар, қандай ахволга тушишларини тасаввур ҳам қилолмайман...

Қабристон инсон жисмининг, руҳининг ҳам сўнгги қўналғасидир, балки. Само қўйнида битта-иккита юлдуз кўрина бошлаган гира-шира пайт. Шамолда дарахтлар ваҳимали чайкалади. Дунёда абадийлик ва меъдага ураг даражада бир хиллик ҳукмонлигини таъкидлаётгандай оғир ва вазмин тебранади. Пастда дўмпайган қабрлар ҳам шуни дараклаб туради. Мунтазамлик белгиси. Бу қабр эмас гўё, эврилиш, чексиз эврилишлардан далолат.

Қабристон ўтиш майдонига ўхшайди – икки олам туташган ҳудуд.

Меҳмонга отланган киши эски кийимларини ечиб, янгила-рини ки...гани каби, марҳумларнинг руҳлари ҳам суяқ-саёққа айланган таналарини шу ерга ташлаб кетишади. Қабристоннинг ноxуш томони шунда... Аммо янги либосдан кўра эски-туски уй кийимингиз қанчалар кулай эди-я?! Эсиз-е!

Тунда хувиллаб ётган қабристон кўркинчли. Азбаройи мажбур бўлганимдан келдим-а! Қабристон тўла одам, ажаб! Балки бирор-бир бечорани олиб келишгандир яна. Йўқ, унақага ўхшамайди. Ҳар бир қабр тепасида беш-олтигадан одам, оппоқ кийимларга бурканган. Машина кирадиган ўрта йўлда тумонат. Кундузи, ҳатто жаноза пайти ҳам бу қадар гавжум бўлмас бу жойлар. Тириклигимда қабристонни мангу уйқудаги салтанатга ўхшатардим. Доим осудалик ҳукмон эди. Четдан караганда шундай кўринаркан-да! Аслида марҳумлар истироҳат боғида сайр қилиб юрган одамларини эслатишади.

Янгигина дүппайган қабрим тепасига келиб, лаҳадга тушдим. Құрқадим. Ёнимдаги сүяк-саёкларга ҳам күнишибман. Жиссимин күриб, эзилиб кетдим. Ох, менинг құлларим, оёқларим. Құзларим, гавҳарларим... Тупрокта тұлдими-я?! Үх-хү, роса шишибман-ку! Ёрилгудай. Манави рүмөл томоғимни бүғиб ташлабди-я! Иложим қанча, мажбурман-да шу алфоз ётишга. Тириклигимда қаро ерга киришимни эсласам, икки қайта ўлардим. Энди эса жимгина ётибман, мана.

Бир маҳал лаҳад ичи ёришиб, қабр осмон билан туташди гүё. Назаримда ёнимда икки одам пайдо бўлди. Ёруғликдан уларни аниктиник кўриш қийин. Бири оқ, бошкаси қора либосда. Булар мункарнакирмикин?! Сўрок-савол бошланса керак... Вужудимни кўркув, аллабир локайдлик камраб олди. Чунки... энди ҳеч нимани ўзгартиролмайман. Кеч! Нималар бўлаётганига рости ақлим етмайди.

Шу тоб осмон кино экранига айланди. Балки бу миямда юз берәётгандир балки аслида шундайдир, билмайман. Қарангки, умрим мобайнида кўрган-кечирғанларим бир-бир кўз олдимдан ўта бошлади. Қизиги, бу манзаралар ўлимим билан бошланганди. Саратон хасталигига чалинганим, онамнинг йиғлаганлари, онкология шифохонасида нур олганларим, яшаб қолишга интилганларимни кўриб, дилим хуфтон бўлди. Одамларга яхшилик қилганларимни кўрганимда қушдай енгил тортдим. Қизиги, қабримга тушган ҳилкатлар гурзи билан бошимга урмадилар. Мен умримни гүё китобни вараклагандай кўрар ва ўкир, каерда савобу қаерда гуноҳ қилганимни аник-тиник билиб турардим. Айниқса, қўшнимиз Исмоил ака билан бўлган воқеани кўриб, ўсал бўлаётдим. Уялсан майли эди, виждон азоби ёмон...

Ўша кезлари бу ҳакда ўлаганман, лекин ақтим етмагандир балки. Ана у... кўп ичганидан юз териси қорайиб, тиришиб кетган. Бурни совук олдирғандай қип-қизил. Йўлимни тўсган кўйи пул сўрайди.

– Минг сўм бериб тур ... – тиланчидай қўлинин чўзади.

Мен энсам қотиб юзимни терс бураман.

– Ароққамас... ддорига! – ўйлаб топганидан хурсанд, бақириб юборади.

– Холанг касал. Минг сўм бўлмаса, беш юз сўмгина, бер, – қўзларимга мўлтайғанча ялинади у. Ортимдан дайди итдай эргашади.

Онамнинг гаплари ёдимда, пиёнисталарга пул бериш гуноҳ. Кулоғимга қуибгина олганман.

— Э, талабада пул нима қиласди! — дейман у кишини йўлимдан қувиб. — Ўзи рўзғоримиз учма-уч бўляпти-ку!

— Хеч бўлмаса 200 сўминг бордир?, — шалвираб сўрайди у.

— Бор, — дейман каловланиб. — Бу автобусга-да!

У мўлтираганча ортимдан караб колади. Гўё мен унинг бор илинжини чўнтағимда олиб кетаяпман... Ўшандаги автобусга чиккач, курсанд бўлганман. Ахир Исмоил ака, кечгача ичмаса, савоб иш қилган бўламанми?!

Бирок... тушда ўқишдан қайтсам... Подъезд олди тумонат одам. Шовур-шувур босилмайди. Нима бўлганини юрагим сезгандай дағ-дағ қалтирайди.

— Али аканинг ўғли Исмоил, ўзини осиб қўйибди!

— Ана ичкиликнинг оқибати!

— Иккита бола нима бўлади энди?

Ўйга киролмайман. Қоронги ҳам тушиб кетса-да, совукда дийдираб, уй атрофида айланиб юравераман.

Ўшандаги кўрмагандим, энди кўярпман. Қоп-қоронғи хона, шишилар бетартиб сочилиб ётиди. Дераза тарафда... Исмоил аканинг осилган жасади! Эгнида илвираган қизил тўр кўйлак, оқариб, матоси сизилиб кетган жинси шим... Эсладим! Ўша куни худди шу кийимда эди... Бошимга гурзи келиб тушгандай чил-парчин бўлиб кетдим.

Ерда яхшилигу ёмонликни ажратиш қийин экан. Яхшиликдан ёмонликкача бир кадам, дейдилар. Наҳотки, ароқ яхшиликка хизмат қиласа?! Қандай қилиб, бунга ақлим етсин? Ахир у исса яшаб қоларди-ку! Жонига қасд қилиб, гуноҳга ботмасди. Тирик колса, бир кун ахир инсоф берарди худо, оиласига кайтарди, балки... билмадим, билмадим.

Уруғдай сочилган вужудимни аранг йиғишириб олдим. Бири оқ, бири қора либос кийган ҳаётим ҳакамлари бир нималарни ёзиб-чизиб чиқиб кетишиди. Қандай хулосага келганлари менга коронғу.

Сўрок-савол тугади шекилли, экран ғойиб бўлди, ёруғлик сўнди. Туйқус ёнимда кимнингдир бетўхтов қичқираётгани эътиборимни тортди. Кўркиб кетдим. «Қийнашяпти, қийнашяпти!» деган фикрдан чил-парчин бўлаёздим. Қабристон – сукунат сал-

танати, дейишарди. Қаёқда, ана сизга сукунат! Менга кабрдош қўшни шекилли, худди бирор бўғизлаётгандай бақирди. Майитни ким ҳам бўғизларди. Лоп этиб миямга «кабр азоби» деган фикр келди. Ҳа, азоблашяпти! Бориб қарасаммикан? Э, бегонанинг лаҳадига кириш осонми? Қўрқинчли-ку! У яна чинкирди. Аёл, шекилли... Чидолмадим. Балки худованд шу алфоз мени синаётгандир. Истар-истамай ёнимдаги лаҳадга ўтдим. Қарангки, лаҳадларнинг ичи илма-тешик бўларкан. Кавлашганда девори ўпирилиб тушганми, нима бало?! Ким экан у бетоқат? Қарасам, қўшним ўзимга ўхшаган ёшгина қиз экан шекилли, устига-устак кафандланмаган, кўйлакда ётибди. Танаси бузилмаган ҳали, яқинда кўйилганга ўхшайди. Жасаднинг тепасида бошини тик тутиб турган илонни кўрдим-у додлаб юбораёздим. Илон ҳам майли, майитнинг қорин томонида бир нима ғимирлаяпти. Мени ваҳима босди:

– Ё, Оллоҳ, курратингдан! У тирилганмикан-а?! Қўлими қимирлаётган?

Шу дам у яна кичкирди. Қорин томондаги ҳаракатлар тезлашди. Мархуманинг чехрасида эса хотиржамлик муҳрланган. Унда чинкираётган ким?

– Ёрдам беринг! Бу азобдан кутқаринг!

– Кимсиз, ҳой? – кўрқа-писа унсиз савол бердим мен.

– Шу майитнинг рухиман. Каламушни ҳайданг, барака топтур. Гўрингиз нурга тўлсин, илоё!

Қарангки, қорин томонда қимирлаётган каламуш экан. Майитни кемиряпти, бемалол, тишлиб-тишлиб! Илон эса чақишга шай, вишиллаб турибди. Мен каловланиб қолдим. Қандай ҳайдайман, ахир. Тош отолмасам, ёғоч кўтаролмасам...

Ўзимча пуфлаб кўрдим. Ўдағайларим. Каламушга энди якинлашган эдим, илон ташланиб колса бўладими, бақириб юборибман. Ҳартугул илон майитга тегмади. Аммо томоги шишганига қараганда, каламушни ютди-ёв. Кейин симиллаганча пинак бузмай менинг лаҳадим томон ўтди. Шошиб қолганимни кўрсангиз... У ерда нима бор экан?! Қизга эътибор ҳам қилмай, илоннинг кетидан отилибман. Аммо у қилпанглаганча йўлида давом этди.

– Кетдими? – сўради қиз.

– Даф бўлди!

– Янги келгансиз, шекијили? – деди у менга.
– Кеча опкелишди. Сиз-чи?
– Беш кун бўлди. Беш кундан бери шу аҳвол. Қабр азоби деганлари шу бўлса керак. Жоним чиқай деди-я! Каламуш ёмон нарса экан...

Мен ўйланиб колдим. Эрта-ю кеч шу алфоз ётавериш керакми? Одам сикилиб ўлади-ку!

– Уйга бормадингизми? – сўрадим мен. – Ҳеч бўлмаса шу атрофда айланинг...

– Бу ер сизга истироҳат боғимиди, бир айлансангиз билардингиз. Гўристон деб бежиз атамаганлар.

– Сўроқ-саволдан ўтдингизми?

– Шуни кутиб ётибман, – деди қиз. Кейин қўшимча қилди:
– Сўроқ-саволи қанака бўлишини билмасам. Гўр бир ёришиб, бутун хаётим кинодай кўз олдимдан ўтди. Йиғлайвериб кон бўлдим.

– Ўша-да, сўроқ-савол. Кимданчир эшитгандим: марҳумнинг бутун ҳаёти кўз олдидан ўтиб, қачон гуноҳ қилган, қачон савоб. Ҳаммасини ўзи билиб ётаркан.

– Мункарнакир келади, фаришталар келади, дейишганди-ку!

– Ким билсин яна! Аллақачон онамнинг ёнига жўнаб қолардим. Шунга ҳайронман, – бироз сукунатдан сўнг қўшиб кўйдим: – Онам чидолмаятилар.

– Э, қўникишади, ҳали. Ўлдинг-ўчдинг, дейдилар. Эсламайдилар ҳатто. Ана шуниси ёмон...

– Исмингиз нима?

– Моҳигул.

– Моҳигул! Меники Гулхумор. Иккимиз ҳам гул эканмиз. Неча ёшда эдингиз?

– Йигирма бешда!

– Ёш экансиз-э! Касалмидингиз?

– Э, асти сўраманг, синглим. Ҳозир ҳам бировнинг гўрида ётибман, билсангиз. На ювишди, на кафанлашди. Гуноҳим оғир, осий бандаман, – рух келиб ёнимга қунишиб ўтирди. Чиройли қиз экан. Гарчи тутундай шаффоф тусда бўлса-да, латиф танасида ҳам қош-кўзлари билиниб турарди. – Мехрибонлик уйида катта бўлганман. Ота-онам ким, билмайман ҳам. Никоҳсиз туғилган бўлсам керак... Қилмаган ишимиз қолмаган ҳисоб. Бир опамиз бўларди, Суюма детан. Унга атаб шеър ҳам тўқиганмиз.

*Акишка-ю макишка
Егим келар картишка.
Ҳамма тенгин севганды,
Күнглим түшіган артисга.
Суюмахон, Суюма,
Күп ҳам ноз қылаверма.
Дүхтириңигит келганды
Севмайман деб алдама!*

Тилидан бол, қамчисидан қон томарди. Чиройлирок кизларни пуллар змиш деган мишиш юради. Йүкчилик курсин, биров ширин гапирса лакқа тушаркансыз. Мени ҳам шунака алдаб қўйишган... Ҳомиладор бўлиб колибман. Билардим, кизлар ҳомиладор бўлиб колишса, колонияга топшириб юборишарди. Шу боис, буни Суюмадан яширдим. Қорним қаппайгандагина билиб қолди. Барибир колонияга топширди. Айникса, колонияга «ахлоқи бузук» деган ном билан тушсангиз ёмон, болани ҳам олиб қўйишади. Ўзим ота-онасиз катта бўлганим учун болани бергим келмади. У нимжон туғилди, Шорасул деб исм қўйдим. Кундузлари ишлар, кечкурун ұни кўргани жўнаб қолардим. Гўдак шўрлик кир-чир тагликда четлари қатирмоч сўрғични сўриб ётарди. Болага ичим ачир, оналик меҳрим жўшиб эркалатордим. Ҳамширалар бўлса, ижирғаниб, тикилиб туришарди менга, «Сен ҳам одаммисан?» дегандай. Шундай бўлсаям, Шорасулни кўргани бораверардим. Болам бечора, кўпинча оч бўларди... Сутим бўлганда-ку, эмизардим-а! Аммо сут қаёқдан бўлсин... Менинг касрим болага ҳам урди. У ўлди. Менга айтмай кўмдириб юборишибди. Мушук-кучукнинг мурдасини кўмгандай. Тўполон кўтаргандим, «Ўзинг кимсану, тукқан боланг нима бўларди!» дейишибди... Йиғлаб, далли-девона бўлдим. Ўч оламан, деб безорилик қилдим. Э... резина қопга солиб, роса дўппослашди. Бир ой лазаретда ётиб чиқдим. Э, кўрган куним курсин... Колонияда тўрт йил ўтирдим. Яхши ишлаганим учун олдинроқ чикариб юборишибди. Ҳалол яшайман, деб онт ичгандим ўшанда. Мардикор бозорга чиқдим. Ҳалол ишласам, ҳалол ошимни ичарман, дебман. Э, ҳаммаёқда хўроздир бир хил қичкираркан. Мардикорга олиб кетиб... билганларини қилишаркан... Аммо мен ўзини биروفга хафа қилдириб қўядиганлардан эмасман. Детдомда тишли-тирнокли бўлиб ўстганман. Тоштемир акам билан мардикорчиликда таниш-

гандик. Бошимдан ўтган воқеаларни гоҳ йиглаб, гоҳ кулиб айтиб бердим. У ҳам қийналган йигитга ўхшарди. Оиланинг кенжаси. Ота-онаси ўлгач, ака-опалари ҳовли талашиб, шўрлик кўчада қолибди. Нима қилишини билмай чориғини судраб Тошкентга келибди.

Икки ёрти бир бутун бўлиб, ижарага уй олдик. Никоҳ ўқитиб, бирга яшай бошладик. Бир кун дераза артаётib, то-йиб йиқилдим. Қон тупурдим. «Оббо, тишим синибди», деб ўйладим. Шорасулга оғироёқ бўлганимда икки-учта тишимдан айрилганман. Яна бир-иккитаси кетса, кампир бўламан-кўяман, ўлсин илоё, дедим. Орадан бир ҳафта ўтиб ҳам кон тупуришим тўхтамади. Ҳайрон бўлиб эримга айтдим. Буни эшитиб унинг ҳам кайфияти тушди:

– Ўпкани текширириш керак! – деди-ю, ташқарига чикиб устма-уст сигарет тутатди. Бедаво дардга йўлиқдимми, деб юрагим увшуди. Ўша оқшом туни билан йиглаб чиқдим. Колонияда ўпкани олдирган эканман!

Тоштемир акам кўярда-кўймай касалхонага ётқизди. Э, дўхтирнинг қўлига тушсангиз кўймас экан – дардим зўрайиб кетибди.

– Ёш экансиз, тузалиб кетасиз! – деди шифокор. Ўшанда ҳам ўламан, деб ҳеч ўлламабман. Аслида куним саноқли экан. Гулхумор, яхши одамлар ҳали ҳам кўп дунёда. Ҳамшира Шарифа опамни айтаман-да. Олтмишларни коралаб қолган. Ҳаммага бирдай кирибон. «Э, Шарифа опа, олдимда кўп турманг, юқиб қолади», дейман. Опа кулади: «Вой, қизим-а, юқса аллақачон юқмасмиди?! Қирқ йилдан бери ишлайман шу ерда. Сенга ўхшаганларнинг қанчасини оёққа турғазганман, болам», дейдилар бошимни силаб. У кишига етимхонада ўсганимни айтмадим. «Амаким катта қилганлар», дедим. Бир куни Шарифа опа эримни палатага бошлаб кирибди, денг. Эсим чиқиб кетди. Юқишидан кўрқиб кетдим. Ҳамшира ўлишимни билган бўлсалар керак. Аммо менга айтишмагани армон бўлиб қолди. Рози-ризолик тилашармидим, ҳеч курса. Тоштемир акам билан яна бир марта учрашдик. Негадир дилгир кўринганди менга. Бу бечора етимни ҳам қийнаб кўйдим. Энди уч-тўрт сўм топганида, ҳаммаси доридармонга кетялти, деб ичим куйди. Бу диспансерда аслида текин даволашади. Аммо дўхтирлар у дори йўқ, бу дори тугади, деб катта рўйхат килиб беришади.

– Қыйналмаяпсизми? – сүрадим Тоштемир акамга ачиниб, – Ҳамма ёзганини ташиб келаверманг, пишироқ бўлинг. Менга ёзиб, бошқа касалларга қилишади. Неча марта шунақа бўлди, – дедим эримнй аяб. Мардикорлик оғир меҳнат. Бирор минг сўм беради, бирор икки минг. Нуқул уларга ҳеч кими йўқ чолкампирлар дуч келади. Йўқ, фалон сўм бер, деёлмайдилар. Бергани беради, бермагани дуо килади... Хуллас, эримга ҳам қийин бўлди. Дилтирлиги шундан деб ўйлабман. Кетар чоғи мунгли каради... Кечаси билан йигладим. Эримга раҳмим келади-ю, бироқ санокли соатларим қолганидан ўзим бехабарман. Кундузи бир мазам қочди, бўшашиб, ғалати бўлдим. Ҳеч кимга айтмадим – гулғула бўлиб кетади. Шу куни Тоштемир акамни кутдим негадир. Кундузи ишда, келолмайдилар. Буни билсам-да, икки кўзим эшикда! Ўша алфоз жон берибман. Одам қачон уйқуга кетганини билмаганидай, жони узилганини ҳам билмай қоларкан. Туш кўряпман, деб ўйлайман нуқул. Бир пайт ёш ҳамшира қиз:

– Нима бўлди? У ўлдими? – деди ташвишланиб.

Шифокор унга бир ўқрайиб қаради-да:

– Палатада бунақангичапларни гапирманг! – деб жеркиб берди.

Замбилда олиб чиқиб кетишди... Ўлклар хонаси – даҳшат! Шаффоф, сояга ўхшаш одамлар ўз жасадлари тепасида изиллашяпти. Биласизми, руҳларнинг орасида ҳам жиннилари бўларкан. Биттаси нуқул бошимни топинглар, дейди. Уч кун ётдим. Ташкарига чиққани танамни кизғанаман. Чиқмасам бўлмайди. Тоштемир акамни кўришим керак. У киши бош врач билан гаплашаётганларини эшитиб колдим.

– Ука, ЗАГСдан ўтмаган экансиз. Майитни беролмайман сизга. Қонунан сиз унга бегонасиз!

– Бечора етим ўсган эди. Ҳеч кими йўқ. Сиз бунакаларни ТошМИга топшириб юборасиз, биламан. Илтимос, ака, ёрдам беринг, руҳи чиркирамасин.

– Қонун бор дедим-ку! Қанака мужмал одамсиз! Вақтида ЗАГСдан ўтиш керак эди, энди менга акл ўргатишинингизни қаранг! Боринг, кимга арз қилсангиз қилаётгандай!

Бош шифокор атай шундай қилаётгандай туйилди. Яхши ям, бирон аъзойимни кесиб олишмади. Акс ҳолда анавиларга ўхшаб буйрагим қани, ошқозонимни топинглар, деб роса сарсон бўлармидим.

Жисмим ерга күйилмаслигини билиб, рұхым безовталанди... Нақотки ТошМИда амалиёт дарслари учун намуна бўлсам! Шуни ўйлаб, этларим жимирилаб кетди. Ҳамманинг олдида қипяланғоч қилиб ётқизиб кўйишади. Кейин бафуржа чаваклашади, тўгрими? Худойим, ўзинг асра! Одам танадан чиққандан кейин ғалати бўлиб қоларкан-а?! Асли ўша Моҳигулман, аммо нимадир бошкacha. Фикрларимми, туйғуларимми – билмайман. Ичим бўм-бўш. Йиғлолмайман. Йиғлолмасангиз ҳам кийин экан. Бирон марта бошим саждага тегмаган. Калима қайтаришни ҳам Шарифа опа ўргатгандилар. Шуни айтиб, худога нола қилавердим. Бу ёқда эса тўполон. Инс-жинслар тўлиб ётибди. Эгаси йўқ, бошвоксиз руҳларнинг кўпи ўшаларга кўшилиб кетар экан. Тиловат қилинмаса, бирор эсламаса... Мажбур-да улар ҳам. Бир пайт яrim тунда коровул болалар кириб, танамни олиб чикишди. Тоштемир акам бир йўлини қилганлар, шекилли. Кўзимга бирам яхши кўриниб кетдилар-э! Тирик бўлганимдами, бўйниларига осилиб, роса хўнграб йиғлайдилар.

Тоштемир акамнинг кўзлари қизарган, буд-шудидан айрилиб колган одамдай абгор аҳволда эди. Кўлларида кўйлагим. Шарифа опам бир ёnlарида. Опадан уялиб, кўйлагимни юзларига босиб-босиб йиғлайдилар.

Касалхонанинг «Тез ёрдам» машинасида, яширинча қабристонга келтиришди. Бу срда тумонат одамни кўриб, ҳайрон колибман. Аввалига жанозамикан, деб ўйладим. Ярим тунда-я! Руҳлар эканини билмаганман-да. Сиздай, мендай кийимда туришибди. Бир пайт гўрков тирғала бошлади: «Дўхтирдан қоғоз борми? Мен каёқдан билай, кимни кўмаётганингизни? Балки битта-яримтасини ўлдириб, опкелгандирсиз», дейди. Шарифа опам «Астағифиуллоҳ!» деб юбордилар. Анча-мунча тортишишди. Тоштемир акам охири мусулмончиликни ўртага соглач, гўрков йўқ деёлмади. Кейин мени Шарифа опамнинг бувиси ётган қабрга қўядиган бўлишди. Ётимгинага ер берган ҳам савобга қолади, дейди йиғлаб. Бу хали кўмишнинг машмашаси эди. Нариғи энди қандок бўларкан, – дея Моҳигул шаффоғ тиззаларини кучди. (Тириклиқдаги одатларимиз қолмас экан-да!)

Унга қараб ачиниб кетдим. Ўзимни Моҳигулнинг ўрнига кўйиб кўрдим – шоҳона яшабман.

– Ими-жимида шу кўйлакда қабрга кўйишди. Аслидаям

хилватда туғилган бўлсам керак. Ўлимим ҳам шундай бўлди. Гуноҳим кўп менинг. Шундан кўрқаман. Дўзахга тушсам керак. Даҳшат, даҳшат!

– Бу Яратганинг иродасига боғлиқ. Бир китобда ўқигандим. Ривоят. Ҳиндларнинг руҳонийси билан бир фоҳиша аёл ҳақида. Руҳоний тоат-ибодатни канда килмаскан. Фоҳиша аёл эса очликдан ўлмаслик учун эркакларнинг кўнглини овлашга мажбур экан. Кунлардан бир кун иккисининг ҳам вақти казоси етиб, оламдан ўтишибди. Шунда ҳалиги фоҳиша жаннатга, мулла эса дўзахга тушибди. «Ие, бу қанакаси? Мен умр бўйи тоат-ибодат қилган бўлсам. Бу аёл эса мудом эркаклар билан ишратда бўлди, ибодат нималигини билмади. Энди нега у жаннатга киради-ю, мендай такводор эса дўзахга! Тушунтириб беринглар!» деб дўқ урибди руҳоний. Шунда ғойибдан бундай жавоб келган экан: «Фоҳиша аёл бир умр сенга ҳавас қилиб ўтди. Ибодат қилаётганингни кўрганида: «Эй, Тангрим! Қачон мен ҳам шу руҳонийдай эрта-ю кеч ибодат қиларканман», деб илтижо этарди. Сен эса ибодат чоғида: «Эй Тангрим, анави жононнинг васлига қачон етишарканман!» деб ўйлардинг. Шу боис у жаннатга, сен эса дўзахга тушдинг!»

Бу ривоятни айтиб, Моҳигул маъюс, бошини эгди. Ундан бирор сас чиқмади. Нега у индамай қолди? Туйқус йиғлаганга ўхшаш товуш эшилтилди.

– Эшилдингизми?

– Ҳа, – деди у хўрсиникка ўхшаш овоз чиқариб. – Жисмим тирик бўлганида эзилиб йиғлармидим. Бизни ҳам тушунадиганлар бор экан-ку, а?

Яна йиги овози келди. Ажабланиб Моҳигулга қарадим.

– Сизми йиғлаётган?

– Йиғлай олганимда тирик бўлардим-ку, сингилжоним!

Жимиб колдик. Кимдир ҳўнграб, айтиб-айтиб йиғларди.

– Овоз лаҳаддан чиқаяптими, тепаданми? – сўради Моҳигул.

– Ичкаридан! Яна кимдир қабр азобини торгаётир, шекилли. Йиғлаётган ё аёл ёки ёш бола. Овоз ингичка...

– Кўрқмасангиз, бир қаранг, Гулхумор. Факат ҳазир бўлинг, ҳар хил инс-жинслар руҳингизни ўғирлармиш. Ўшаларга кўшилиб тийиксиз бўлиб кетармишмиз. Кейин у дунёга ўтолмай сарсон-саргардан бўлармишмиз... Худо арасин-э, илоё.

Ўзимнинг икки газли жойимга кўниkke эканманми, бошка лаҳадга киришдан чўчиidim. Кўрка-писа илма-тешик бўлмалардан сирғалиб, бошқа лаҳадга ўтдим. Қарасам, бир чолни илон-чаёнлар чакиб ётибди. Ҳалигининг азобдан овози чиқмаяпти. Шўрлиг-эй, нима гуноҳ қилган экан-а? Лаҳадлардаги абор бўлиб ётган майитларни кўриб кўнглим ағдарилаёди. Айникса, охиргиси ҳаммасидан ўтиб тушди. Лаҳаднинг бир бурчагида ҳурпайиб арвоҳ ўтирибди. Жасадини эса бошдан-оёқ кора илон чирмаган.

– Нима бор бу ерда, йўкол! – дея у менга дўқ қилиб қолса бўладими!

Чўчиб тепага учиб чиққанимни сезмай қолдим. Қаттиқ кўркиб кетдим. Рухим или узилган мунчок доналаридай сочилиб кетганга ўхшади. «Буниси хақиқий ўлим бўлади!» Шу фикр кора илондай шууримга чирмашди. Чатоқ бўлди-да! Тинчгина ётсам бўлмайдими, жойимда. У ёқда онам мени чорляяпти... Ҳеч кўйиб юборай демайдилар. Ҳали уйга ҳам бориб келишим керак...

Нихоят, дўнгликлар устидан учиб ўтиб, йиги товуши чиқаётган лаҳадни топдим. Аввал тепадан қараб билмоқчи бўлдим. Боягидай қахри қаттиқка учраб қолмайин тағин. Янглишибман, шекилли, йиглаётган ёш болага ўхшарди... Ичкари тушдим. Жасаднинг тикка турганини кўриб, яна сочилиб кетай дедим. Чамаси тўрт-беш ёшлардаги бола. Лаҳад ичида туриб олганча, «ойижон»лаб йигларди. «Тирик кўмиб кўйишганми, нима бало!» деган ўй кечди кўнглимдан. Аввал ўзимга қараб олдим: аёл шамойилидаманми, ишқилиб. Рух танани тарқ этгач, одамнинг киёфаси ҳам ўзгариб кетармиш. Бадхулқ одам ваҳимали қиёфага киравмиш... Ҳаммаёқ зимиston. Бунақа коронгиликда бола ҳеч нимани кўролмайди. Демак, бояги фикрим ҳам аҳмоқона. Ўзини гўрда кўриб, юраги ёрилгандир шўрликнинг. Яхши ҳам бола экан, лаҳадда ётганига ақли етмайди. Катта одам бўлганида-ку, кўркувдан жон таслим киларди!

– Нега йиглаяпсан, тойчок? Кўрқдингми? Асал бола экан-ку, бу! – дедим уни юпатмоқчи бўлиб. – Совқотдингми? – боланинг оёқ-кўлларини иситишга уриндим.

– Мамлакат опамга бораман! – деди у йиглаб. – Опамга олиб боринг. Қорним очиб кетяпти!

– Сен кўркма, шу ерда ўтириб тур. Ҳозир бирор егулик топиб

келаман, хўпми! – шундай деб «ғув» этиб гўрковнинг уйи томон учиб кетдим.

Қабрлар тепасида, боягидай марҳумлар туришибди. Чеҳралари ҳоргин... нимани кутишяпти, ҳайронман. Атроф коронғи, дараҳтлар залворли чайқалади.

Гўрковнинг ошхонасига ўтиб, сут, нон топдим. Қизиги, нима каерда туришини ўз уйимдай билиб турардим, музлатгич ичидаги нарсаларни ҳам сиртдан караб бемалол кўраётгандим. Бу мен учун янгилик эса-да, негадир хайратланмасдим. Сутга нонни тўғрадим-да, сочиққа ўрадим. Бир тонна юк кўтаргандай азобланганимни кўрсангиз. «Боланинг тириклигини гўрковга билдириб кўяйин, уни казиб чиқариб олишсин. Кейин лаҳад ичига ўт ёқиб кўйишим керак, шунда у кўркмайди, инс-жинслар ҳам қочади».

Нон тўғралган сутни боланинг олдига кўйдим.

– Еб ол, тойчоқ!

Кейин гўрковнинг уйидан ўт олиб келиб ёқдим. Бола овқат еб бўлгач, уни ухлатиш керак, кўркмаслиги учун.

– Энди ухла, тойчоқ, эртага яна келаман, хўпми?!

Бола бош силкиб, рози бўлди. Маъқулгина экан, дарров ухлади-қолди.

Яна гўрковнинг уйи томон йўл олдим. Уйкусида у билан гаплашишим керак. Марҳумлар наздида тирик одамнинг ухлагани уйғонгани, бедорлиги эса уйқу пайти бўлади. Чунки одамзод уйғоқлигига марҳумлар билан гаплашолмайди, чунки бу пайт бизнинг олам уларга кўринмайди. Ухлаган чоғида бошқа гап – рух эркинликка чикади.

Гўрковнинг уйига кетяпману кўнглимга ғулғула тушди. Чунки бу ердаги товушлар кун сайин аниқ-тиник эшитила бошлаётганди. Майитларнинг оҳ-воҳи юракни эзиз юборади. Улар бакириб-чакиришмайди, дод солишмайди. Аммо бир маҳзун «оҳ» уришадики, бундан дунё ларзага тушар...

Қабристоннинг орқа тарафида кора-кура нимарсалар визиллаб учиб қолди. Дараҳтларнинг тепасида, юлдузлар милитираб турган кўм-кўк осмонда, худди кино тасвирига ўхшаш кора соя шаклида эди улар. Шу боис, бегона кўзлар уларни илғаёлмаслиги мумкин. Зеҳн солиб қарасам, тириклигимда кўрмаган маҳлукотлар бир нима талашияпти. Бирининг даҳани

йўқ, юзлари шишиб, кўзлари кўпчиб чиқкан. Иккинчисининг кўзи ботик, кўзи атрофидаги кабарик ҳалқалар юзини янада кўрқинчли, ёқимсиз қилиб кўрсатади. Учинчиси ярми ириб оққан майитга ўхшайди. Вагиллашиб бир нимани талашишяпти. Бола! Қабри тепасида бошини чангллаганча, не қиларини билмай турибди. Бечора-я! Шу ерда ҳам бола ҳимоясиз... Куюндан ўша ёққа отилдим. Ҳалиги учаласи шу қабр тепасида изилляяпти. Боланинг рухи уйқудалигига танадан чиқкан... Қўрққанидан кўкариб кетибди. Қабр ичига уч ёқилгани боис, анавилар яқинлашолмаяпти...

— Қимиrlама тойчок, ўша ерда тур! — уни фикран огоҳлантиридим.

Кейин зувиллаб учеб бориб, боланинг рухини олиб лаҳадга тушдим. Аммо қайтиб чиққанимда анавилар мени пойлаб турган экан, уч томондан ёпирилиб келса борми?! Ўзимни қандай ҳимоя қилишни билмасдим. Ўзим ношуд бўлсан-у, яна уни ҳимоя қилгани чоғланганимни қаранг. Худойим-а, энди нима бўлади?! Бири оёғимдан, бири кўлимдан тортиб, латиф танамни омбурдай исканжага олиб, учириб кета бошлишди. Вужудим япроқдайн титраяпти. Осмонда эсаётган шамол ҳам мени тутундайнин ҳар ёққа тўзитади. Аммо ўзим негадир хотиржамман. Бундан бир кувонсам, ўлганлигим ёдимга тушиб, тағин хафа бўлиб кетаман. Ҳар қалай, бу ҳолатда одам нима бўлишини олдиндан билса керак-да! Ахир, ҳаётимда юз берини мумкин бўлган энг ёмон ходисага учрадим-ку – лаҳадда ётибман, ахир. Агар ёнимда бирон тажрибалирок рух бўлганида ғўрлигимдан кулармиди?! Тасодиф туфайли омон қолмаганимда, билмадим, ҳолим нима кечарди.

Ўша даҳшатли махлукотлар руҳимни учириб кетаётган бир паллада чақмок чаққандай осмон ёришиб кетди. Самовотда юлдузлар чақнаб ётиби-ю, чақмоқка бало борми-я?! Махлукотлар бир ниманинг хавфини сездими, мени «ташлаб» юборишиди. Ўзларича алланималарни ғулдирашиб тум-таракай бўлишди. Мен эса аёвсиз денгиз тўлқинида писта пўчоғидай қалкиб – чирпирак бўлиб пастга эниб кетдим. Аммо ерга кор учқунидай юмшоққина кўндим. Бунинг ҳам хузури бор экан, худди аргамчи учгандай... Тасодифан омон қолганимдан, ҳам аргамчи учишни ўрганиб олганимдан хурсанд бўлиб қабримни кўзлаб кета бошлидим. Шу дам ёнимдан ўтган трамвай симидан олов чиқиб кет-

сами?! Ҳаммаси аён бўлди-кўйди – шундан қўркибди ҳалигилар! Симдан чарсиллаб чиккан олов чақмокка ўхшайди. Чакмокда инс-жинслар куйиб кетаркан-да! Уларнинг ён юраклигиндан кулганча, ортимга қарадим. Қарадиму лол қолдим. Тепадан, нақ осмон къеридаи кучли турли устун кабристонга қадар тушиб келганди. Уступ ёрнишиб катталаша борарди. Шунда нур устуни ичидаги хумога ўхшаш гўзал қушлар галаси қўринди. Уларнинг ортидан олмосдай ярқираётган шарми, фойтумни, билолмадим, тушиб келди. Нур устуни ичра чимматдай осмонни ёриб, шар шаклидаги олмоснинг ёғдуланишини бир кўрсангиз эди! Кўз ўнгимда қандайдир илоҳий воқеа юз берадиганини фаҳмлаб, вужудимга титроқ кирди. Еруғликка дош беролмай, ўзимни дараҳт панашиб олдим. Дилемда уйғонган бесабаб қувончдан ажабландим. Дараҳт панашиб турив яна мўраладим... Ох! Ёрқинлиги кўзни олади... Бинафшаранг аралаш яшил тусда. Бу рангни тасаввур этиш кийин. Шудам умримда кўрмаган, аммо муқаддас китобларда ваъда қилинган руҳий дунё сарҳадларини, унинг бир чимдимини кўриб, илоҳиёт маҳобати, залвори қаршисида увокдай бўлиб қолдим. Кўнглимда уйғонган кўркув аралаш қувончдан пориллаб учгим, ўша ёғдуга сингиб кетгим келди. Аммо кимдир қулогимга: «ҳали фурсат етмади!» деяётгандай бўларди. Ёғдуланаётган нурлар раксидан сармаст бўлиб, кўзим қамашиб, яна ўзимни четга олдим. Ўша шаргоҳ кўкиш, гоҳ сиёҳранг тусда товланаёттир... Бунақа гўзал манзарани умрим бино бўлиб кўрган эмасман. Қабр тепасида мудом ниманидир кутгандай осмонга маҳтал термилган марҳумлар саф-саф бўлиб нурли устунга талпинишар, бошка тарафдан бировлар тушиб келарди. Манзарага анграйганча қараб турганимда марҳумлардан кимдир келиб ёнимга кўнди. Қарасам, бир йигит шарпаси.

– Чиройини қаранг! – деди у. – Қирк кун бўлганларни олиб кетишялти. Анави тушиб келаётгандар хеш-акраболаридан хабар олгани келган марҳумлар эмиш. Йилда шундай бир-икки тушиб кетишаркан.

– Қушларни кўрдингизми? Патларининг товланишини!

– Фаришталар... Ким туғилади, ким ўлади – рўйхат қилиб текширишармиш. Яна ҳам Оллоҳ билгувчиидир. Эшитганларим бу...

– Ё тавба! Бизни ҳам шунақа олиб кетишадими?

– Ўша күшарга етказсин, илоё! – деди у.

Бу жилвакор манзара қанча давом этди, билмайман. Чунки вакт рухий сарҳадларда нисбий маъно касб этади. Балки ўртача бир одам умрига тенг вакт ўтгандир, балки бир сониягина давом этгандир бу илоҳий манзара... Нима бўлгандаям менга узок, жуда узок давом этгандай туйилди.

Секин-аста нурли устун тортилиб, ҳаммаси аслига қайтди. Қабр тепасидаги мархумлар самога кўз тикканча кетганларни кузатиб қолишиди. Булар бояги аравада келган янги мархумлар бўлса керак.

Осмон дарвозалари уч билан тўртнинг орасида очилар экан. Дунё гафлат уйқусига чўмган пайтда! Биласизми, тун билан тонг оралиғида бир сония борки – жумла жаҳон уйкуга чўмади. Бу паллада кушлар ҳали уйғонмаган, тунги паррандалар «чули-чули» қилиб мудраётган бўлади. Курраи замин сукунатга чўмади. Жимжитлик. Бунақа осудаликка ҳеч гувоҳ бўлмагансиз. Қизик, айни шу сонияда учоклар учмас, ё олдинроқ, ё кечроқ учар экан.

– Қайтиш фурсати етди! – деди Йигит ҳамон нурли устун тушган жойдан кўз узолмай. Бу ерда ҳамма бир-бирини танийди, аммо бу йигитни энди кўришим. Шошилаётганим боис, уни гапга тутмадим. Гўрковнинг олдига борай, у уйғониб қолади. Уйғонса, яна бир кун кутишга тўғри келади.

Йигит қабристондаги ўрга йўлга тушиб ғойиб бўлди. Унинг кай бир гўрга кирганини кўрмай қолдим ва гўрковнинг уйи томон елдим.

Лойсувок уй, омонатгина қурилган – гўрковлар дабдабани ёқтиришмайди. Ёқтирадиганлар эса гўрковликни касб қилишмайди... Улар ҳамманинг ҳожатини чикаришади, лекин ҳеч ким уларга иши тушишини истамайди. Бирон аёлнинг «Эрим гўрков», деб мактанганини эшитмаганман. «Қоровул» дейишлари мумкинdir, лекин гўрков дейишмайди. Шунга қарамай савобли касб, қийин, балки касблар ичida энг қийинидир. Вакти келса иту мушукнинг лошини кўмиш ҳам муаммо бўлади. Улар эса кунда-кунора одамларнинг мусибатига шерик. Шу боисданdir гўрковлар кирқ-элликка бормай ўлиб кетишиади, деганда жон бор.

Қизик, гўрковлар эшикдан одам кириб келишини кутишармикан?! Кутса, ўзининг ҳам бўлари шу, ачинади. Кутмаса, тирикчилиги ўтмайди...

Уч хона, бирида эр-хотин, бирида болалар, бири меҳмонхона. Деворлардан бемалол сингиб ўтдим. Мени кўриши билан бир мушук вағиллаб, эшикка отилди. Ўзимни четга оғизим. Дарпардалар силкиниб кетди ҳатто.

- Пишт-э, пишт! – бакирди гўрков.
- Нима гап? – сўради хотини уйғониб кетиб.
- Мушук кирибди. Ҳайдавордим.
- Неча марта айтдим-а сизга, мушук бокманг деб! Бехосият бўлади, бу ўлгур...
- Каламушларни кўрмайсанми?

– Ўлсин каламуш ҳам. Майитнижемиради, балога гирифтор бўлгур. Эпидистансадан одам чақиринг дедим-а, неча марта! Шундек тилпон қилсангиз бўлди-ку а? Шу қийинми?

Гўрков лом-мим демай ташқари, а чиқиб кетди. Хотини эса шундек учта хонанинг ёнига тушган ошхонага ўтди. Сутнинг тўклилиб ётганини кўриб, баттар тутакди.

– Вой, яшшамагур-э, сутга тегибди бу! – у жаҳл билан мушукни бир тепганди, мушук вағиллаганча нарирокка учиб тушди. Кейин тепки еганини унутиб, йўлакдан келаётган гўрковнинг оёғига сўйкалди.

– Нари тур! – жерқди гўрков ҳам. – Уйку ҳам ҳаром бўлди.

Гўрков минғирлаб таҳорат олгани ўтди. Бомдодга ҳали эрта бўлса-да, қайта ётса туролмаслигини билиб шундай қилди.

Мен мушукка ачиниб кетдим. Мен туфайли тепки еди жонивор. Аммо менга қараб ҳурпайиб, вишиллади. Балони билади булар. Режам чиппакка чиқиб, гўрков билан гаплашолмай, маконимга қайтишга мажбур бўлдим. Лаҳадга тушиб, жисмимга назар солдим. Танам шишган, зил-замбил бўлиб кетганди. Нимага умид қилаётганимни билмайман. Ҳафсалам пир бўлиб, энди уйга кетаман, деб турганимда Моҳигул чиқди.

– Гўрковга учрадингизми? Болани айтдингизми?

Унга ҳаммасини, осмон дарвозаларининг очилганини кўрганимни ҳам бир бошидан галириб бердим.

– Мен ҳам кўрдим, – деди у чиройи очилиб. – Бирам ғаройиб... Биласизми, жаннатиларни шунақа олиб кети shadedi, дейишяпти. Осийларни ер остига тортиб кетишармиш... Бизга насиб киладими-йўкми, ҳали худо билади...

Бироз жимиб қолдик.

– Боланинг көрни очиб кетгандир, – деди у гапни бошқа ёққа буриб.

– Сутга нон түғраб бердим!

– Овқатни кўрсам кўнглим суст кетяпти... Ниманидир истаяппман.

Очиги, ўзим ҳам шу ахволда эдим. Қорним очмаганини биламан, лекин бу хисдан кутулолмаяппман.

– Юринг, бизникига борамиз. Болага ҳам ул-бул олиб келамиз.

Қизик, рухингиз танадан чиққандан кейин нимани ўйласангиз, ўша нарсани кўраверар экансиз, гўё масофа йўқдай. Моҳигул иккимиз қушдай учиб кетяпмиз. Уйимизни, онамни аниқ-тиник кўриб турибман. Ётибдиларми, яна? Тепаларида Шаҳноза холам йиғлаляпти. Дастурхонлар ясатилган. Бир уйга жой қилишибди. Аминманки, буларни Моҳигул ҳам, гарчи онами танимаса ҳам, уйимизга бормаган бўлса ҳам кўярпти.

– Ойингиз бетобмилар? – сўради у.

– Чидолмаяптилар! Ёлғиз киз эдим. Отамдан ёдгорлик. Отам болалигимда ўлганлар. Мени деб онам бошқа турмуш курмаганлар... Шунгами, жуда қийналяптилар.

– Меникилар эса... ташлаб кетишган. Ҳатто эслашмайди ҳам. Онадан онанинг фарқини қаранг.

Онамни ўйлаб, пўртанаңлар қалқитган кемадай безовталандим. Онамни ҳам олиб кетсаммикан?! Бу фикр менга қандайдир умид бағишлади. Фано билан бақо ўртасидаги тўсиқ емирилгач, рух нима яхши-ю нима ёмонлигини ажратолмай қоларкан. Тириклар назарида ўлим фожиа, аммо рух учун бу эркинлик.

Кўп қаватли бино ёнига етиб келгач, ерга юмшоқ кўндинг-да, шаффоф вужудимизда сувда сузгандай оҳиста «сузиб» кетдик. Вужудимиздан куёш нурлари ўтиб турар, соя тушмас, вазнисизлик ҳолатидай бир ахвол – оёқ-кўлларимиз секин кимирлайди. Пастда тогаларим, жиянлар туришибди. Кўришмаяпти-ю, лекин биз турган тарафга бир-бир қараб қўйишибди. Одамнинг юраги сезади, шекилли.

Уйга кирганимизда онам ухлаётгандилар: Укол қилиб, ухлатиб қўйишибди. Тепаларида Шаҳноза холам «пик-пик» йиғлаляпти. Хонага киришим билан худди сезгандай, жимиб қолдилар. Онамнинг рухлари қаёқларга кетибди, ха, онам

қабристонга, мен эса бу ёкка келибман-да! Ана қабрим тепасида рухлари изиллаяпти. У ерда яна кимдир йиглаёттанди. Эркак киши! Шундагина Моҳигулни эслабман. У негадир безовта эди.

– Онам қабристонга кетибдилар, қаранг. Ёнларида эркак киши ҳам бор. Таниёлмаяпман.

– Тоштемир акам! – дедя Моҳигул гувиллаб қабристон томон учди. Мени огоҳлантирмади ҳам. Эрини жуда яхши кўраркан. Ёлғиз ўзим маъюсланиб қолдим. Аммо зум ўтмай қайтиб келишини билардим.

Соғинган эканман, хоналарни бир-бир айланиб чиқдим. Чиройли безатилган дастурхонларни кўриб қувондим. Бу пайт Моҳигул ҳам қайтди.

– Тоштемир акангиз тузукмилар?

– Озиб кетибдилар. Ғам адо қилибди. Ҳали мен ҳам уйга бориб келаман.

– Моҳигул, олинг, тотининг! – дедим безатилган дастурхонга имо қилиб.

Дераза раҳига кўниб олганмиз. Ноз-неъматларни ўзимиз еёлмаймиз, фақат одамлар тотинаётганини кўриб ҳузурланамиз.

Шу пайт онамнинг руҳи қайтди. Уйғониб кетсалар гаплашомлай қоламан, деб дарров руҳларига рўпара бўлдим. Мени кўришлари билан қучоқ очиб келдилар..

– Онагинанг ўргилсин! Келдингми? Вой, кўзларим тўрт бўлди-я!

– Тўй бўляптими, ойижон? – дедим кўзларим чакнаб. Гапим ўзимга ҳам ғалати туйилди. Айни дамда на қайғу ва на қувончни ҳис этардим. – Қандай яхши! Менинг тўйим бўляптими?! Билгандай дугонамни олиб келибман-да. Бу – Моҳигул! – онамга уни таништиридим.

Онам унга бепарво қараб сўрадилар:

– У ёқда кийналмаяпсанми, болам? Нималарни кўрдинг?

– Ойи, у ёқнинг ҳам ўзига яраша тартиб-коидалари бор экан... Кўникаяпман. Моҳигул билан танишганим яхши бўлди, бир-бirimизга далдамиз.

Енгил талпиниб онамни қучдим. Юзларига юзимни босиб дедим:

– Сизни бирам яхши кўраманки! – кейин учиб хона айланаштган Моҳигулга қараб дедим: – Бу киз етим, ҳеч кими йўқ. Ойижон унга ҳам Қуръон ўқинг!

Шу пайт онам уйғониб кетди. ўрнидан туриб, «болам»лаб ийғладылар. Чопиб Шаҳноза холам кирди:

– Яна ийғлаяпсизми, Зарофат опа! Қўйинг энди, опа, ийғламанг. Касал бўлиб қоласиз...

– Ҳеч кимга фарзанд доғини кўрсатмасин, – дедилар онам кўз ёшларини артиб. – Мархумлар тирик, дегани шу-да! Тушимга кирибди жиянинг. Оппок кўйлакда хонадан хонага ўтиб юрганмиш. Хурсандмиш-э!.. «Ойи, тўйим бўляптими», дейди! Нималарни кўрдинг десам, у дунёниг ҳам ўзига яраша тартиб-коидалари бор экан, дейди. Ёнида бир қиз билан келибди. Исли Моҳигулмиш. Дугонам етим, ойижон, унга ҳам Куръон ўкинг, дейди.

– Вой, қаранг-а! – Ҳайратланди Шаҳноза холам. – Тўйим бўляпти, дейдими, а? – холамнинг ҳам кўзлари жиққа ёшга тўлди. – Тўйини кўрсанак бўлмасмиди, шўрлик-ей. Жаннатлардан, ато этсин, илойим, опа!

Бирпаста уй хотин-халажга тўлди. Бошдан-оёқ оқ либосдаги отин онамга кўп гапирди. Ийғлаш гуноҳлигини, рух безовталаниб, у дунёга кетолмай қолишини, борар манзилини тополмай саросар кезишини тушунтириди. Мавлуд ўқилди, Куръон тиловат қилинди. Ўша пайтда бу овозлар қулоғимга мусиқадай эшитиларди. У дунё билан бу оламни боғловчи илоҳий мусиқа... Моҳигул ҳам бир жойда турганча қотди. Куръон ўқиётганлар узра қули патидай эмин-эркин уча бошлиди. Тиловат нуридан кониб, мархума янада гўзаллашиб кетди. Мен ўз чехрамни кўролмайман, руҳим енгилки... Чир айланиб рақс тушгим келадими-ей... Онамга тушунтираман, ўлиш кўрқинчли эмас экан, дейман. Қайтага яхши, бирам яхшики... Олиб кетаман онамни! Бу фикримни Моҳигулга ҳам айтдим. У индамади. Бироз сукутдан сўнг қўшиб қўйди:

– Бунинг иложи бўлганида, дунёда тириклар қолмасди.

Нихоят мавлуд тугаб, ортимизга қайтадиган бўлдик. Тугунлар тушяпти, ур-сур, тўполон.

– Менга ҳам бирон нима туғиб беринглар! – дейман ҳазиллашиб. Моҳигул кулади, уйдагилар эса эшитишмайди.

Онам кўнглимдан ўтаётганини сезгандай, югуриб таванхонага кирдилар:

– Ҳай, мозорбошига ҳам тугун қилинглар! – дедилар ҳорғин.

– Эсдан чиқариб кўйманглар.

«Түгүн қилишар экан! Биз кетаверамиз унда! – Мөхигүлга юзландим мен. – Болага ҳам ўшандан берамиз».

Аёлларга «күрсатма» бериб чиққач, онам яна кириб ётдилар. Мен у кишини кучоқлаб, иккى юзларидан ўпдим. Онам күзларни бир очиб қаралилару, аммо ҳеч нима сезмадилар. «Якында учрашамиз, онажон! Ундан кейин ҳеч қачон ажралмаймиз!», – ўзимча пичирладим мен. Кейин Мөхигул иккимиз иккى қушдай қабристон сари парвозда қылды.

Келсак, қабристонда түмонаат. Тирикларми, мархумларми, билиб бўлмайди. Аммо тобут кўтарган, бел боғлаганларни кўриб, «ҳа, жаноза экан!» деб ўйладик.

Қабристонда кизик бир одат бор: майит кўйилаётганда мархумлар жам бўлишади. Янги келганни кутиб танишиб олишади.

Биз ҳам мархумлар сафига қўшилдик. «Отин аёл экан!» дейишди баралла. Сафимиизга яна бирор қўшилибди!

Аммо рух послапонларини олдирган қушдай безовта учарди. У мархумларнинг «Хуш келибсиз! Хуш кўрдик!» қабилидаги ҳазин қаршилашларга парво ҳам қилмасди.

– Мени тирик кўмишяпти, тирик кўмишяпти! – дерди у изиллаб. – Шўрлик танам, сени лаҳадга лойик кўришдими? Чидомлайман, чидомлайман!

Мархума кўз ўнгимизда ўзгара бошлади. Юзлари ажинлардан кат-кат бўлиб кетди, гўё юзига тўрли ниқоб тортгандай. Япаски бурни ичига ботиб, лабига бирикди. Бадбуруш юзида митти тугмачадай парда қоплаган кўзларигина қолди. Кампирнинг аҳволини кўриб, мархумлар ҳам ўзларини четга тортишди. «Оtinga ўхшамайди-ку, ҳеч!» ўйладим мен ҳам ҳайрон бўлиб.

Шу куни бир уламони ҳам келтиришибди. Мархумлар ёғилиб кетди. Қарангки, оддийгина қабристонга бошка қабристонлардан ҳам келишибди. Уламога дарахтга гуж кўниб олган қушларгача саловат айтди. Атрофини эса кўзни камаштирас даражада нур ёғду қоплаганди.

– Хуш келибсиз! Хуш кўрдик! – дейишди мархумлар.

– Ўлим ҳақ, биродарлар. Чин уйингиз муборак! – дедилар у киши ҳам.

Бу манзарадан кўнглимни бир сархушлик згаллади.

Биламан, мархумлар уламодан кўп нарсаларни суриштириб

билишни исташарди. Аммо янги ҳолатга кўниссинлар дея, у кишини ёлғиз қолдиришиди.

Маросимга алаҳсиб, болани бутунлай унутибман! Тугуним келганмикан... Моҳигул аллақачон қабрдадир. Бизникига бориб келгандан кейин у ҳам ғалати бўлиб қолди. Мозор бошига етар-етмас Шаҳноза ҳолам билан ойим кўриндилар. Кўлларида катта тугун. Касалхонада ётиб, зериккан одам яқинларини қанот коқиб кутиб олгандай, хурсанд бўлиб уларга пешвоз чиқдим. Дўппайган қабрим тепасидаги тиловатларни эшишиб, сел бўлдим. Улар эса йиғидан ўзларини тутишомайди. Мени кўришмаяпти. «Йигламанглар!» десам ҳам эшитишмайди. «Болам бечора! – ўйладилар онам. – Бир уюм тупрокка айланди-я!». Шундай хаёллар билан йиглаб-сиктаб, тугунни кўтарганча кетарга чоғландилар.

– Шаҳноза, буни гўрковникига ташлаб ўт!

Мен ҳайрон бўлдим.

– Тугун менга-ку, ойи! – деб юборибман.

Тугуннинг кетидан парвоз қилдим.

Гўрков тиловат қилиб тугунни олиб қолди. Мен эса ўғри мушукдай пайт пойлайман. Ахир, боланинг корнини тўйғазиш керак. Ошхонадаги стол устида турган тугунни очиб, нонни сураман, деб тушириб юбордим. Мушук мени кўриб, хурпая бошлаганди, тепки еб қолди-ку!

– Балога йўликкўр! – гўрковнинг хотини шундай бақирдики, кўркқанимдан жуфтак ростлаб қолдим. – Мушугингизни қаранг! Нонга тегибди!

Ҳадемай кеч кириб қолади. Шошилишим керак. Борсам, бола энди уйғонган экан. Лаҳаднинг уч бурчига учта шам ёқиб кўйдим. Кизик бўлди – шамга кафтимни тутгандим, «гуп» этиб ёнди. Топган-тутганимни боланинг олдига кўйиб овқатлантирдим.

– Сиз менинг ойиммисиз? – кутилмаганда сўради бола. Мен ҳайрон бўлдим.

– Буни сенга ким айтди?

– Ухлаб ётганимда-чи, кўппала бола келди. Биза-чи, симга осилиб ўйнадик. Кейин шамолда учдик, мазза бўлди-да! Ўшала-чи, сен ўлгансан, дейишиди. Ойи, мен ўлганманми? – сўради у мўлтираб. – Яна улар айтишдики, бу ерда ҳамманинг ойиси топиларкан. Сиз менинг ойимсиз-а?

— Ҳа, болам! – дедим қандай жавоб қилишни билмай. – Ойинг бўлганим учун ёнингга келдим-да, тойчок.

— Мени яхши кўрасиз-а? Энди кетиб қолмайсиз-а?

— Ҳечам кетмайман! – шу тоб менда «боланинг онаси йўқ экан-да», деган фикр туғилди.

— Ойи, ўлганим яхши бўлти, унда. Сизни топдим-ку! – гўдакнинг бу тахлит жавобидан кўнглим бузилди.

— Унақа дема, тойчок! Сен ҳали кичкинасан, кўп нарсани билмайсан...

— Биламан! У дунёда ҳамманинг ойиси келиб, осмонга олиб кетади. Сиз билан осмонга кетамизми?

— Ҳали кетмаймиз, болам.

— Мени-чи, боғчада Мамлакат опам борла, – мақтанди у. – Бир марта девордаги токка тиқадиган бор-ку, шуни кўрсатиб, бунга тегманлар деганлар. Анови Рустик-чи, шу симни тешикка тикиб кўр, деди. Бандини латта билан ӯради-да, «тиқ» деди. «Тиқмайман!» деб йиғладим. У мени урди. Уришиб берасиз-а, ойи уни! Рустик мени доим уради. Кейин ўша симни токка тиққандим, «гуп» этиб олов чиқди. Шундан кейин қарасам, учеб юрган эканман. Ойи, ток урса, одам учадиган бўлиб қоладими?

— Ҳа, учадиган бўлиб қолади.

— Анови болалар билан-чи, токка осилиб ўйнадик-ку, бу сафар олов чиқмади-ю, ойи. Нега?

— Билмасам, болам. Ухла, кеч бўлиб қолди!

Бола ухлагунича яна анча жавради. Эринмай тингладим. Айниқса, Мамлакат опасини кўп эслади. Соғинган кўринади. Бола ухлагач, гўрковга учрашдим. У тушида ҳам қабрларни кўрар экан. Даҳшат! Қабристон адогидан топдим уни. Ҳаёлан гўр кавляяпти. Қийналяпти, шекилли, кетмон уриб «Қандай осий банда экан!» деб қўяди ичиди. Аввалига салом бердим. Менга ҳамдардлик билан тикиларкан:

— Нима юмушингиз бор эди, синглим? – деб сўради. – Якинлардан бирор вафот этдими?

Мен бош чайқадим.

— Икки кун аввал ток урган болани кўмганмидингиз?

Гўрков кетмонини қўйиб, менга ажабланиб қаради.

— Ҳа, нима эди? Етим болани айтяпсизми? Роза жанжал бўлувди!

— Ұша бола тирилган! Уни қазиң чиқариб олиш керак. Қабр тоши 971. Үтишаман, уни күтқаринг!

Шундай дея ортимга кайтдим. Гүрков бу ғалати тушдан уйгониб лол қолгаңдир, бечора. Эртага күзлари мошдай очилиб, күрган тушини ҳаммага айтади. Ишқилиб, Азаматжон омон қолсинг-да! Йўлда кетаётиб кечагина қўйилган уламо мозори ўзидан нур таратиб турганини кўрдим. Боши саждада. Шу ўтиришда у менга дунё тилсимига алокадордай, сирли ва тушунарсиз бўлиб туйилди! Унга ҳавасим ортди.

* * *

Қабристонда марҳумлар сайр қилишяпти, тун ярмидан оккан кўринади, бирок бу оламда кун-туннинг фарки йўқ – парда очилиб ёпилгандай гап. Вактнинг туганмаслиги ҳам кўркинчли, ҳам зерикарли. Тунда ухлаб, кундуз бедор бўлишга ўрганганимизданми, кишининг дам олгиси келади. Аммо буни қандай бажаришни билмайсан, киши. Ақалли кўз юмолмасанг! Сукутга чўмишдан ўзга чора йўқ. Мудом кабрлар азобини тортаётганларнинг ҳазин «оҳ-воҳ»и эшитилиб турарди. Дўзахий ҳам, жаннатий ҳам азоб чекади: дўзахий осийлиги учун, жаннатий унинг азобланётганини кўриб... Энг огири шу. Гоҳида ёнгинамда Моҳигул инграганида азоб чекаман, аммо ёрдам беролмайман, овозини эшитиб, жим ётишга мажбурман. Яна шуни биламанки, биз марҳумлар хеш-ақрабларимизга жуда ўрганиб қолгаи бўламиз. Баъзида ҳатто тириклар орасида шу алпозда яшайвериш мумкиндай туйилади. Ҳаёт тўхтаган жойидан давом этиши керакдай. Чунки биз бошқача яшаш қанақа бўлишини билмаймиз. Абгор кампир кимларнидир карғайди, сўқинади, аҳволига қараб бўлмайди унинг. Анави ёш йигит ўзини оғсан, доим севгилисинг уйига равона бўлади. Билишимча, у бир аёлни каттиқ севгаи, аёл эса ундан ўн ёш катта бўлган. Ота-онаси унинг уйланишига розилик беришмагач, аёл бошқа одамга турмушга чиқиб кетган, аламига чидолмаган йигит эса ўзини оғсан. Қабристондаги беш яшар кизча уйидан бери келмайди. Тунда кетиб, ўртоқлари билан уларнинг тушида ўйнаб келади. Ҳалокатга учраган аёл ҳам бор. Уйидан тез-тез хабар олиб туради. Айниқса, бир ишбилармон йигит ҳаммага калака бўлади. Беш-олтита ўзига ўхшаган йигитларни эргаштириб юради. Улар ҳар куни бозорга чопишади,

ўзларича бориб бир айланиб келишади. Бу кишим құл телефонидан сим кокиб чарчамайды. Қабристондаги ўрта йүлга тушиб олиб, у ёқдан бу ёкка юргани юрган. Телефонда қизаси билан гаплашиб турармиш, деб эшигдим. Жуда яхши күраркан қизини. Қизи 4 ёшда. Хуллас, ишбілармен ва унинг шериклари кечә-ю кундуз савдо билан банд: бирөвнинг савдосига ёрдамлашишса, бошка бирөвникини бузишар экан... Ҳа, чинданам қабристон бир ғаройиб шаҳар... Бу ерда түрли тоифага доир одамларни учратиш мүмкин. Ҳатто одамга ўхшамаганларни ҳам. Чунки кора-қура нимарсалар ҳам күзга ташланиб колади, гоҳо. Улар ким деб сўрагандим, ўғри-қотиллар дейиши – кўзлари бежо, қозик тишлари лабларини туртиб чиккан, вужуди беҳаловат... Отиннинг шуларга қўшилиб кетганини кўриб ҳайрон колдим. Умуман, бу ердаги ходисаларни туғунириш кийин. Шу пайт кулогимга бўғик йиги товуши чалингандай бўлди:

– Нурийдам! Уйимнинг фариштаси! Соғиндим-е...

Зорланган йиғидан кўнглим бузилди. Йиглаётган онам эмас-микан, деган ўйдан сесканиб, сирғалиб ташқарига чиқдим. Онам қабримни қучиб йигларди. Ўзимни кўйгани жой тополмадим:

– Туринг, туринг, ойижон! Мен, ахир, ёнингиздаман! – дедим куйиниб. Онам бир нимани сезгандай рўмолларини тўғрилаб, атрофига қарадилар, аммо кўрмадилар мени.

– Қаро ерда ётишингга қандоқ чидай, қандоқ! Олиб кет мениям!

Шишиб, товоңлари ириб оқаётган жасадимга кўз ташладим. «яхши ҳам кўролмайсиз, онажон! – дея хаёлимдан кечирдим, – наҳот бунинг баҳт эканини тушунмасангиз». Не киларимни билмай, атрофларида парвона бўлдим. Ибодатда ўтирган уламо ҳаммасини кўриб-билиб турарди. Ёрдам сўрагандай унинг атрофига чарх урдим. У тиловат қила бошлади. Мусикадай овози «оҳ-воҳ»ларни босиб кетди-ю, қабристон илохий сукунат қаърига чўмди. Онам ҳам жимиб қолдилар. Тиловат тугагач ҳорғин, маъюс кайфиятда уйга йўл олдилар. Албатта, онамни шу аҳволда ташлаб кўёлмасдим. Ортидан шамол учирган япроқ мисол пирпираб учдим. Гаплашиб олмасам бўлмайди, шекилли. Кейинги пайларда онамни ўзим билан олиб кетиш пайига тушганим сир эмас. Боз устига, марҳум яқин қариндошларидан бирини ўзи билан олиб кетиши мумкинлигини эшишиб, кувонганим ҳам рост.

Қандай яхши, онам билан яна бирга бўламиз, деб ўйлардим. Мен учун фано дунёси билан бақо дунёси ўртасида чегара қолмаганди.

Шаҳар кўчаларидан гўё онамни таъкиб килгандай учиб боряпман. Нега шундай килаётганимни ўзим ҳам билмайман.

Онам кўп каватли бинодаги уйимизга кириб кетдилар. Волидам ортидан уйга кирдим. Аммо мени Шахноза холам кутиб олди. Опасини кута-кута меҳмонхонада ухлаб колганди. Эшикдан киришим билан ёнимда ҳозир бўлди. Тириклик чоғимда кучок очиб, икки юзимдан чўлпиллатиб ўпид, кутиб оладиган холам мен билан хушламайгина саломлашди. Холам ўша-ўша-ю, аммо нимасидир бўлакча, бегона эди унинг.

– Нега келдинг? Нега адеб келаверасан? – биринчи саволлари шу бўлди.

Бу саволдан дилим ўқиши. Гарчи ўзгарган бўлсам-да, ўлганимни тан олгим келмасди. Ҳатто мажрухга ҳам «Сен мажруҳсан!» деб юзига айтмайдилар-ку! Оғир ботади.

– Сизларни соғинганман! Онам билан гаплашгим келяпти, – дедим паришон. Кейин ичкари йўналдим. Холам ортимдан кирди. Авзори бузук. Кўриб ҳайрон бўлдим. Ахир, улар ҳам айрилик дарди нима эканини биладилар-ку! Учта фарзанд билан ёлғиз қолганлар. Наҳот мени тушунмасалар!

– Сен ўлгансан! – дедилар шартта. – Кет бу ердан! Ўлгансан, кет, тушундингми?! – дедилар жаҳл билан. Менга дағдаға қилиб, хонадан қувиб солдилар.

Бошим эгилди, ғамга ботдим. Қанчалар бегоналашиб кетибмиз. Мен энди одам эмасманми? Мен мархумман! Буни тушунишим керак эди аллақачон, бунга кўникишим керак эди, аллақачон! Дилим хун бўлиб кабристонга қайтдим.

Қандайин дилтанг аҳволда бўлмай, гўрковнинг уйи олдидан ўтаётиб, Азamatжонни эсладим. Тонг бўзариб колибди. Ҳозир бомдодни ўқиса керак. Кейин... кейин хабар оламан ундан!

Мархумлар кабр тепасида ўтирганча яратганга ҳамд айтишади. Дил ибодати бу. Фано дунёсида баъзилар одамлар кўрсинг учун ибодат қилишса, бу ерда ундаи қилишининг иложи йўқ. Дилдан намоз ўқиёлмайдиганлар, тахтадай қотиб тураверишади. Чин дунё ибодати шунақа.

Намоз пайти самодан бир мусиқа эшишилади. Сехрли оҳангни илиа бу кўхна оламни мадҳ этаётгандай. Етти қават осмон

қаъридаги оламлардан, руҳий дунёнинг ҳуруғи филмонларидан дарак берәётгандай. Шундай көзлар қалбни ўртаб юборгуячи куйга ҳамма сел бўлиб колади. Мен ҳам қабрим узра гизз букиб ўтирганча Худодан гуноҳларимни кечиришини сўрайман. Қарасам, Моҳигулнинг ҳам боши эгик, мусика тингляпти. Каражат аҳволда. Мусика тинганидан кейин ҳам марҳумлар анча пайт шу оҳанг таъсирида қолишади. Бу табиий. Ўйдаги воқеаларни эслаб, янада маъюсландим. Чунки марҳума эканимни юзимга солаётгандай эди бу куй. Марҳума бўлиш аслида яхшими-ёмонми, бунга ақлим етмасди.

– Бугун хафароқмисиз? – сўради Моҳигул ҳолатни тушунолмай. – Ҳеч нима азоб бермаяптими?

– Ўйга боргандим, – дедим маҳзун. – Ҳолам ҳайдаб чикардилар. Сен ўлгансан, дедилар. Қаттиқ ботаркан одамга. Ўзингники ўзингга бегона бўлиб қоларкан...

– Э, нимасини айтасиз! Мана, сенсиз бир кун ҳам яшолмайман, деган Тоштемир акам бир ойда бир марта ҳакимга тиловат қилишга ярамадилар. Кўнглим бир нимани сезиб юрибди. Тунов куни хаёлан уйга бориб келдим. Ҳаммасини кўрдим... Аммо бирорвга айттолмайман. Ўлдинг-ўчдинг экан-да!... Ҳабар олиб келсаммикан?

Моҳигул шаффоф ҳолатда безовта парвоз килди – уйи томон учди, шекилли. Уни кузатаётуб, йўл бошига чикиб қарасам, бир қабрнинг тепасида одам ғуж! Ҳардамхаёллик курсин, қабрни очишаётганини унутибман-ку!

Масжиддан одам чакиришибди, болалар уйидан, милициядан, йўл ёқасида Тез ёрдам машинаси ҳам турибди. Гўрков терлаб-пишиб, кетмонда лорсиллатиб тупрокни чиқариб ташляпти. Одамлар эса чекка-чеккадан унга танбех беришарди:

– Ҳой, мусулмон, бекор қиласиз-да, шуни. Бемаза тушга ишониб, марҳумни безовта килиш яхшими?

– Нима бўлибди? – сўрашади воқеадан бехабар «томошибинлар».

– Гўрков туш кўрганмиш. Тушида бир оплок кийинган қиз кўринибди. Ток урган бола тирилди. Унинг гўрини очинг, деганимиш.

– Астағифиуллоҳ!

Гўрков индамас, атрофдагиларга парво килмай тупрок

тортишда давом этарди. Бахор бўлишига карамай. терга ботган, кўк енгил чопонини энди ниш урган майсалар устига ташлаб кўйганди. Терлагани иссиқдан эмасди. Ҳозир кай манзарани кўраркинман, деган хавотирда бўлса керак. Қабр очилиб, лаҳад ичига тўшалган пахталик кўзга ташланди. Атрофдагилар жўр овозда: – Субхоноллоҳ! – деб юборишди. Бола ўралган кағанлик ечишган. уни кўрпадай килиб устига ташлаб олганди. Азаматжон беҳуш ётарди. Рангги докадай оппок. кўз остилари корайган. Гўрков уни лаҳаддан тортиб олганида ҳамма яна «оҳ» уриб юборди. Болани чопонга ўраб. чеккарокка олиб чикишди.

Одамлар ғуж бўлиб. уни ўраб олишган. марҳумлар ҳам ибодатдан чалғиб. воқеани кузатишарди.

– Бола тирик эканми, тирикми? – чекка-чеккадан шуни сўрашарди.

– Ҳушидан кетибдими?

Тез ёрдам шифокорлари кутчларини кўтарганча. чопиб келишди. Кимдир боланинг томирини текшириди. кимдир кўзларини йириб кўрди. Шоша-пиша болага симу найларни улаб ташлашди. Ўша алпоз уни замбилга солиб олиб кетишди. Уларнинг дардиг-фирки болада. Атрофдан ёғилаётган саволларга ҳам жавоб қилишмасди. Бунга вакт кетади. деб ўйлашарди.

– Ҳаво етишмай. бўғилиб колган. – деди кимдир.

– Қўрқиб. юраги чиқиб кетгандир. – одамлар ўзларича воқеани изоҳлашга уринишарди. Марҳумлар эса яна хаёлга толгандилар. ниманидир кутгандай... Шу пайт кўнглимга бир иштибоҳ оралади. Мен безовталаниб колдим. Нега у беҳуш ётибди? Демак рухи танага қайтмабди-да?

Кечгача изиллаб. боланинг руҳини ахтардим. Уйга ҳам бормадим. ҳатто. Боланинг тақдири учун масъулдек хис килардим. ўзимни.

Хориб-чарчаб. лаҳадга қайтдим. Келсам. Моҳигул йиғлагандай ўтирибди. Сирғалиб. унинг ёнига ўтдим. Жасадини кўриб. кўнглим ағдарилди. Ҳа. бечора устухонлари кўриниб қолибди-ю... Моҳигул мени пайкаса-да. азбаройи азият чекканидан қайрилиб ҳам карамади. Латиф танаси хиралашган. чехраси рангпар... Агар рух изтиробда колса. шунака бўлади. қувонганида эса латиф танаси нурланиб. янада гўзаллашиб кетади.

– Тинчликми. Моҳигул! – ташвишланиб сўрадим ундан.

– Уйланибди!

– Уйланибди?! – юрагим шув этиб кетди. Гарчи бу табиий хол бўлса-да, юрагим ғашланди. Аёллар учун бунинг қанчалик оғир эканини билардим. Моҳигул эса Тоштемир акасини жонидан ортиқ кўрарди. Бу шўрлик ҳам бир нарсани, ўлганини тан олгиси келмаётганди. Ахир ёш бўлса, хотини ўлган бўлса, уйланади-да!

– Хотини менинг лиbosларимни кийиб олибди. Кулоғидаги олтин сирға ҳам менини! – Ҳиқиллаб йиғлаганга ўхшаш овоз чиқарди.

– Сен ўлсанг, мен ҳам ўламан. Чидолмайман, дерди. Ёлғончи! Кирқим чиқмай уйланволибди. Хотин ҳам топила қолибди. Моччағар! Кунингни кундан кўрсатмасам...

– Қўйинг-э! Улар бошка, сиз бошка энди! Балки охиратингизни бергандир, ҳудойим, сабр қилинг!

– Сабр қилиб бўладими шунга! Унинг хотини бор, тушуняпсизми, хотини бор! Э, сиз қаёқдан ҳам билардингиз!

У шундай дея асабий кўл силтади. Безовталаниб учди. Шу кетганча даф бўлди.

Менга унинг «Э, сиз қаёқдан ҳам билардингиз!» дегани алам қилди. «Ишқиз эшак, дардсиз кесак» демоқчи бўлди, шекилли. Чинданам... Ҳамиша бир умид билан яшардим: «Менга ҳам аталгани бордир...» деб ўйлардим, аммо умрим кутиш билан ўтди-ю, лекин кутганим келмади. Мана энди кутишнинг ҳам маъноси йўқ.

Тунги ибодат бошланди. Қабристонга сукунат чўкиб, азоб чекаётганлар ҳам бу маҳал тин олишади. Яратгандан мадад кутишади, бирам яхшики... Шу пайт далли-девона бўлиб юрган отин аёлга кўзим тушди. Даҳшат, соchlари ёйилган, кўзлари чақчайган... Ибодат бошланиши билан у ҳам жим бўлди. Кўркўронга бўлса-да, ибодат қилгани фойда бериб қолди, шекилли. Аммо бу аёлнинг ўз зурриёдларига кўрсатаётган хунарларини билиб, мархумлар ҳайрон қолишиди.

Ибодат тугаши билан у яна жунбушга келди:

– Тирик кўмишди мени! Тирик тупрокка кирдим-еий!!!

Аммо уни тирик кўмишмаганди. Буни мархумлар билишарди. Шунга қарамай, ўғил-қизларини шундай деб айблаб, ҳолижонига қўймасди. Ҳар куни бориб, тўполон қилар экан. Айниқса, тунда! Деразаларни шақирлатиб ураркан! «Тирик кўмишди!» деб чинкираркан. Унинг дастидан кенжатой кизи на овқат ея

оларкан, на сув ичаркан. Дүхтир қизи шу экан-да! «Сени олиб кетаман!» дер экан унга.

Воқеа бундай бўлган. Рисолат отин дейишарди уни. Эл-юрт ичида хурматда, иззатда бўлган. Вактида олиб-сотарлик қилиб, болаларини ёлғиз боши билан ўстирган. Умр йўлдоши саратон хасталигига учраб, 42 ёшида вафот этган экан. Карим ака деганилари дўхтир бўлиб, фарзандларидан биронтаси шу касбни эгаллашини орзу киларди. Кенжатойи Насиба отаси ўлганида икки ёшда эди. Ота меҳрига комади. У ҳақдаги ҳикояларни эшлиб катта бўлди. Хаёлида уни алқади, унга ўхшагиси келди. Балки шу сабабдир, дўхтирилик касбини танлади.

Хуллас, эри ўлгач, Рисолат опа икки ўғил, икки кизни ок ювиф, ок тараб, ўқитган, уйли-жойли қилган. У ярим кун тушдан кейин мактабда дарс берар, тарагча бозорда нарса сотарди. Оила тебратиш ташвишида катта ўғил ўқимади. Онанинг ёнига кирди. Бозорда онасига кўмаклашди. Она кексайгач, унинг ўрнини эгаллади. Рисолат ая гапга чечан, шаддодгина аёл эмасми, эскичага ўқиб, савод чикарди. Хотинлар ичига кирса, ҳаммани оғзига каратиб ўтиради. Ҳадисдан, Қуръондан ўқиганларини сўзласа, одамлар жон кулок бўлиб тинглашарди. Ниҳоят, билимдонлиги, гапга чечанлиги туфайли у Рисолат отин номини олди ва эл-юрт ичида маросимларга бориб мавлуд ўқийдиган, ҳатми Қуръон қиласидан бўлди. Айникса, ок рўмол ўраганидан кейин Рисолат отин фариштагина аёлга айланди. Одамлар орасида хурмати ошгандан ошаверди. У ҳар бир сўзининг бирида:

– Э, отинлар дўзахнинг энг тубига тушади. Сиз билмай қиласиз гунохни, биз билиб қиласиз. Одамларга гапириб, ўзимиз амал қилмаймиз, – дерди хижолатпаз жилмайиб. Шундан кейин аёллар уни яна ҳам яхши кўриб кетишарди. Чунки у бошқа отинларга ўхшаб тилёгламалик қилмаётганди-да! ҳадиси шарифдаги ҳикояларни шундай кифтини келтириб сўзлардики, атрофдагилар уни сел бўлиб тинглашарди. Эшишишмча, у иссиқ-совук қилган экан. Эрларни хотинларга, хотинларни эрларга иситма қилган дейишади. Гарчи оилани саклаб колиш савоб бўлса ҳам, бако дунёсида гуноҳи азим экан. Чунки бесўрок ҳеч кимнинг тақдирига аралашиб бўлмайди. Гап бунда ҳам эмасдир балки. Отин аёл эскичани ўқиб ўзлаштирган бўлса-да, онги ўзгармаган. У қалбан олиб-сотарлигича колган... Дуоларини сотиб кун

кўрган... Албагта, ақли заифам ҳамма нарса да етмаса да. Сир нарсанни комил ишонч билан эйтишим мумкин. Бу дунёнинг биз билмайдиган, буз кўрмаган ўлчовлари, тўловлари бор. Онин аёл ана шу тўловни тўлаяпти. Шу боис норози ҳаммадан. Тирик кўмишди, деб ўз фарзандларига тухмат қилиб ётиби. Бу ерда ҳамма бир-биридан боҳабар.

Кечагида отин аёлнинг қариндошлари унга атаб худойи қилишди. Аёл эса бундан баттар дарғазаб бўлди.

– Мендан кутулишмоқчи! Нега худойи қилишади? Мен ўлмаганман!

Кечкурун худойи бўлган ота уйида кизлар ётиб қолиши. Она вафот этгандан бери Насиба ўзига келолмайди. Айниқса, уйда бўлаётган нотинчликлар уни ўйлантириб кўйган.

Кўзини юмди дегунча онаси тушига киради. Оппок хижоб ўраган, фаришталикини Рисолат отин эмас, соchlари тўзғиган, кўзлари бежо бир аёл. Уни гўё қалтирок тутаётгандай, газаб, қаҳр танасини беадад силкитаётгандай. Насибага қараб нуқул:

– Мени тирик кўмдинглар! – деб таъна қилаверади.

Насиба негадир шу аёлни онам деб ўйлади. Нега? Қозик тишлари ўсган бир бадрўй аёл унинг отин аяси бўлса-я?! Бунга ўзи ҳам тушунмайди.

Ўша куни, онаси оғирлашиб қолган куни ҳамма ўғил-қизлар йигилди. Чинқириб етиб келган «Тез ёрдам» Рисолат отиннинг жони узилганини тасдиқлади.

«Тез ёрдамда» келган дўхтирлар ҳам оила аъзоларига таъзия билдириб чикиб кетишиди.

Уй эгалари мархумани кўмишга тайёргарлик кўра бошлади-лар. Пикиллаб, унсиз йиглашиб. Яқин-йирокдан қариндошлар оқиб кела бошлашибди. Мархум ётган уйга кириб, у билан видолашибади. Кейин саловат ўқиётгандар каторига қўшиладилар. Онасининг бошгинасида кенжакизи Насиба ўтиради. Бир нарсалар деб пичирлаб йиглар, майитнинг юзларидан чўлпиллатиб ўшиб кўярди.

Майит асрга чиқариладиган бўлди. Мархуманинг жони тунда узилган бўлса да, чошгоҳга бориб ҳам тана совумади. Буни Насиба сезди, дўхтир эмасми?! Пичирлаб опасига фикрини айтди.

– Опа, ойимнинг таналари совумаяпти. Балки... ўлмагандирлар. «Скорий» чақириб, яна текшириб кўриш керак!

Бу янгиликдан оласининг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Бадавлат хонадонга келин бўлган Шарифа опа ўзидан чўчиди. Шундай миш-меш тарқалса, қайн-эгачиларининг олдида нима деган одам бўлади. Онасини тириклийн гўрга тикибди, дейишмайдими?!

Дарров «Тез ёрдам»га кўнғироқ қилинди. Зумда катта яшикда алламбало асбоб кўтарганча уч-тўртта оқ халатлилар кириб келишди. Мархумани ҳар қанақасига текширишди. Асбобдан чийиллаб чизик ўтди. Юракнинг тўхтаганини билдиради бу! Тана ҳарорати 35, 5. Зеро тирик одамда ҳам шундай ҳарорат бўлиши мумкин. Бу эса дўхтирларни ўйлантириб қўйди. Насиба, уй эгалари яна ҳам ташвишда қолишли.

– Медицина тарихида бундай ҳолатлар учраб туради, – деди дўхтирлардан бири Насибани ташқарига етакларкан. – Бу кон таркибига ҳам боғлиқ. Юрак гўхтаганидан кейин, олти сония вакт ичидаги мия хужайралари ўла бошлайди. Мархуманинг юраги тўхтаганига эса саккиз соат бўлибди. Яна нимани кутяпсиз... Ҳамкасб экансиз, ўзингиз тушунасиз-ку! Унинг ўлганлигини тасдиқлашимиздан бўлак иложимиз йўқ. Бардам бўлинг!

«Тез ёрдам»да келган дўхтирлар асбоб-ускуналарини ортиб кетишиди.

Насиба эса танг аҳволда қолди. Дўхтирларнинг иши қийин. Ҳамиша икки йўлдан бирини танлашга тўғри келади. Йўллар эса туганмас. Ўша иккита йўл. Айқаш-уйқаш йўллар чексизлик қадар туташган. Энди-чи, энди... У онасининг тақдирини ҳал қиляпти... У ўлганми, ўлмаганми?

Насиба энди қабристондан қайтган акасини имлаб чакирди. Акаси марҳум асрга чиқарилишини айтиб, гўрков билан гаплашиб келганди. Акаси ҳайрон бўлиб, унинг қошига келди.

– Ҳа, нима гап?

– Тана совумаяпти. Тана совумасдан мархумни ерга қўйиб бўлмайди. Балки эртага бомдодга ёки пешинга чиқарармиз...

– Жинни-пинни бўлганмисизлар... Жанозага одам ёғиляпти-ю!

– Одам йигиляпти, деб онамизни тирик кўмамизми?

– Гапингни қара, Наси! Менга қолса, онамни тирик кўмаманми? Ўйлаб галир. «Тез ёрдам» чакирдингларми?

– Ҷақиридик...

— Нима деди?

— Ўлган деяпти.

— Нафас олмасалар, юрак урмаса, ўлган буладими одам...

Насиба «онам»лаб йиглашга тушди.

— Бўпти! Яна бир текширириб кўрамиз. Шундан кейин... агар у ҳам ўлганларини тасдиқласа, асрга чиқараверамиз.

Бу сафар Насиба паталогоанатом, профессор Лазиз Каримовични чақиртирди. Бўлган гапни йиглаб тушунтириди.

— Нима қилишни билмаяпман! — деди у.

Соат учларда Лазиз Каримович кириб келди. Мархумани қайтадан текширишди. Тана ҳарорати 33, 5.

— Тана ҳарорати тушяпти! — деди профессор.

— Баъзиларнинг танаси секин совийди. Бир нимадан умид килаётган бўлсанг, умидингни уз!

Холоса шундай янгради, мархума учун эса ҳукм!

* * *

Бу пайтда Рисолат отин нима бўлаётганига тушунмаётганди. Нега кетма-кет дўхтирлар келишяпти? Нега танаси айри ётибди? Унга нима бўлди ўзи? Касалмикин? Касалдир балки... Айни чоғда унинг фикрлаши, ташки кўриниши ўзгариб борарди... Нега бундай бўлаётганини ўзи тушунмасди.

Танадан чиқиши билан уй бурчагида сичқон пойлаган мушукдай сергак ўтирган, юзларини жун босган нимарсаларга кўзи тушди-ю, кўрқиб кетди. Бу ўшалар. Доим уларни тушида кўтарди. Афти хунуклигини...

— Калимангни қайтар! Калима қайтар... — деган сас келди аллақаёқдан. Рисолат отин калима айтишга улгуролмади. Қорақура нимарсалар унга ташланди-ю, ичига сингиб кетди. Бу унинг гуноҳлари эди... Унинг зоҳири шундай ўзгариб кетдики... Тиштиреноклари ўсиб, алвастига айланди-кўйди. Аёл ўзига нималардир бўлаётганини тушуниб турарди. Асосийси, у ўлишни, каро ерга кўмилишни истамаётганди. Ичидаги нимадир бунга қаттиқ монелик қиласди.

У ўша қорақура инс-жинслар билан мулокот қилган эканда! Улар кўзига нуроний чол бўлиб кўринишганди аввалига. Уларнинг асл башараларини мана энди кўрди... Уни йўқликка чорлаган ҳам шулар... Ногаҳоний ўлимдан довдираб колди. Ху-

дога тавба қилолмади. Окибат бу бўлди. Ўзлигидан чиқди ва улар амрига бўйсунди. Жони чиккан заҳоти унга сингган нимарсалар эса унинг осий фикрлари, тухмат, фиску фужурдан иборат фикр булувлари эди. Ҳаммалари уни кутиб туришган экан...

Шу лаҳзада у ҳаммани ёмон кўриб кетди. У ўлмаслиги керак эди! У ўлмайди, ўлмайди!

Рисолат отин бу янгиликдан қувонди. Анави тасқаралардан кутузишнинг ягона усули шу, яшаб қолиш!

Отин қувват тўплашни биларди. Шу боис танасига қувват берди. Тана совумади.

Қизи Насиба қўмиш маросимини колдиришга уринганидан курсанд бўлди. Атрофидаги йигилган, уни исканжага олган нимарсалардан яширинишга жой газарди. Аммо бетоқат бўла бошлади. Нимарсалар уни сёғидан тоғ гиб чиқаришди. Рухи осмон қадар кўтарилаётганини, кимлардир уни куч билан тортаётганини хис қилди. Кейин уни қай бир хилват жойларга учириб кетишиди.

Вужудидан шамол ўтарди, у гўё енгил матодай... Уларга қандай қаршилик кўрсатишни билмасди. У яна ҳам юқорирок кўтарилишни, анавилар исканжасидан кутулиб кетишини истар, аммо кучи етмасди. Айни дамда бирор тилини михлаб қўйгандай, онг занжирбанд этилгандай бирон дуони айтольмасди, калима қайтаролмасди. Сувга чўкаётган одамдай жон ҳолатда сувни шалоплатарди-ю, овоз беролмасди, ёрдамга чорлолмасди. Қўнгли ноxуш бир нимани сезгандай увишарди.

Халигилар уни қандайдир чакалакзор томон сургаб кетишиди. Бирининг соchlари ёйик, бошқасининг қозик тишлари ўсган, яна бирининг юзлари кўпчиб тушган, даҳшатли нимарсалар уни ўртага олиб, роса кўрктишиди. Улар зувиллаб келиб, унга даф қилишар, вужуди тилка-пора бўларди шунда. Учқундай майдаланиб, атрофга сочиларди. Ҳа, буни танада хис қилиш мумкин бўлган биронта оғриқка қиёслаб бўлмайди. У суюкларнинг оғришига ҳам, тифнинг тилимлашига ҳам ўхшамасди. Вужудининг оғриши булардан юз чандон баттар-у баттар! Гўё инсонни азоблаш учун ўйлаб топилган ҳамма кийноклар бирдан исканжага олгандай. Шу боис у ҳамма нарсага тайёр эди. Фақат анавилар ситам қилмаса бўлди.

Латиф оламда нимарсалар бир-бирига яқин келганда уларнинг қувват майдони туташиб кетади. Шунда қиёфалари ҳам бир-бирига ўхшаб қолади. Улар қандайдир одам сингари фикр-

лашмасди. Фикрлари узук-юлук, бир мағсадда қаратилмаган ва ўзгарувчан.

- Қизингни чакир, чакир!!!
- Жон талаб қил, жон, жон!!!

Улар шундай дейишди-ю, уни уйи томон судрадилар.

Эшигу ойналарни шакирлатиб урган факат угина эмасди. Нимарсалар деразаларни зириллатар, у эса уйдагиларидан нажот кутгандай деразага ёпишиб оларди. Қизлари тунлари Қуръон ўқиб, баҳшида қилишарди.

– Кам, кам, кам! – Ҳаво етишмай қолган баликдай ютоқарди у. Бир куни қизи Насибанинг тушларига кирди. Сочлари тўзиган, яланг оёқ бир аҳволда. Аввал «соғиндим, болам!» деб қизининг бошларидан силади. Кейин ялиниб ёлворди.

– У ёқда қийналиб кетдим. Мен билан кета қол, юрақол! Қўрқаман, улардан қўрқаман. Мени ҳимоя қил! Сен ҳаммадан кўра меҳрибонроқ эдинг...

Онаси шундай дея узоқлашди. Насиба эса шу куни кўз ёшлардан ёстиқлари шилта бўлиб уйғонди. Кўрган тушини опаларига гапириб берди. Буни айтиб, ўзи балога қолди. Шарифа опасининг жаҳли чиқиб кетди. Унинг нега жаҳли чиққанини Насиба тушунолмади.

– Ҳадеб шуни ўйлайверасанми? Миянгга қуйиб олганмисан, нима бало! Тирилиб келармидилар энди!!!

Насибанинг дили оғриди. Ҳаммасининг оиласи, бола-чақаси бор, ташвиши бўлак. Ўлганнинг жони кетади, деб шунга айтсалар керак-да! Онаси тирилиб келмаса ҳам, хотираси, руҳи яшайди-ку!

Насиба индамади. Аммо кечкурунги овқат маҳали Насибанинг косаси ўз-ўзидан учиб кетганини ҳамма кўрди. Овқат иккинчи марта сузилди. Яна ўша аҳвол такрорланди. Бу эса онасидан айрилиб, бўзлаб колган Насибага қаттиқ таъсир қилди. Ҳўнграб йиғлаб юборди. Унга пўписа қилган Шарифа опаси ҳам пилдирпис бўлиб қолди. Кечаси яна ўша аҳвол. «Миянгга қуйиб олгансан!» деган опаси «тунги зилзиладан» эсхонаси чиқиб уйғонди. Деразага ёпишиб олган онасининг қўрқинчли киёфасини кўрди-ю, жони чиққудай бакириб юборди.

- Насиба, юр мен билан! Наси... – онаси чорларди уни.

Оила аъзолари яна эскичага зўр беришди. Амалдор ўғил казоказо домлаларни чақириб, хатми Қуръон килдирди, мархумага атаб қўй сўйилди. Аммо у тинчимади. Эшигу деразаларнинг

шакирлаши қолмади. Шўрлик қизга шунча кўргиликлар етмагандай, овқат ҳам ёёлмасди. Конфет сўриб кун кўрарди. Бир сафар ликопда овқатини олаётган қизнинг юзига қарс этиб шапалок тушганини кўриб, ҳамма анграйиб қолди. Насиба озиб-тўзиб кетди. Кўп хаёл сурадиган бўлиб қолди. Бу эса ойла аъзоларини яна ҳам ташвишга солди. Мархума жонтараб экан! Дағн куни Насибанинг оёғига гишт тушишидан бошланган машмаша охир-оқибат қизнинг автоҳалокатга йўликиши билан тугади. У тушган троллейбус симидан чиқиб кетиб, симёғочга бориб урилган. Насибанинг жароҳати оғир бўлмаса-да, ўн кун касалхонада ётиб, муолажа олишига тўғри келди. Катталардан маслаҳат сўралиб, яна бир таомил килинди. Яъни қўғирчоқ ясалиб, унга Насибанинг кўйлаги кийдирилди, кейин спасининг қабрига кўмилди. Шундан сўнг мархума кенж қизини ўшқа безовта қилмай кўйди.

Бу боқий дунёга келиб ҳам киши нима бўлишини билмас экан, қаранг. Отин аёлга мен ҳам ачинардим... Олами фанода оқ рўймолларни ўраб, Куръондан гапириб, ваъзхонлик қилгандир, зоти муҳтарама бўлгандир. Бу ерда унақанг иккюзламачилик кетмайди. Сохталикни яширгувчи жисмингиз авгор бўлган чунки. Юзларингиздаги пардалар сидириб ташланган. Шу боис дил покиза бўлсин экан, акс ҳолда ким ҳам анави аёлдек ваҳшатли кўринишда дарбадар бўлишни истайди, дейсиз. Ҳар ким ҳам ўзидан тинсин экан.

Ибодатга берилиб, аёлнинг атрофида кора-кура нимарсалар ошуфта учиб юрганини кўрмабман. Аёлни ҳоли-жонига кўйишмаяпти-ку!

Улар изиллаб паст тарафга елдилар.

Кўкча даҳасида жарликлар сероб. Ўша ёкка учишди-ёв! Балки... Азаматжоннинг руҳи ҳам ўша ердадир?!

Бундай ўйлаб карасам, бу дунёning синоатлари, қонуниятлари ёруғ оламникidan-да мураккаброқка ўҳшайди. Ёруғ дунёда кўрардинг-билардинг, фикр қилардинг. Бу ерда-чи, бегона дунёда кимдан нима кутишни билмас экансан. Одам тоифасидан бўлмаган нимарсалар-ку тўлиб ётибди. Улар ким, улар нима, муддаоси қандай, ўйлаб ҳам тополмайсан, киши. Улар сенга ёмонлик истайдими, яхшиликми, номаълум. Ҳар қалай, эҳтиёт бўлган яхши, чегарадан чикмаган маъқул. Лекин у ҳолда болажонисини, тойчогини қандай топади?! Ана шуниси коронғи.

ДОНИШМАНД ВА ШОГИРД

«Эй, дарвеш, шуни ҳам эси...да тутки, анбиё ва авлиёнинг уружи табиий ўлим юз бергунга қадар содир бўлади. Бошқалар табиий ўлимдан кейин кўрадиган нарсаларни улар табиий ўлимгача кўрадилар...»

Азизуддин Насафий

Ҳаво яна булут. Шамол эсяпти. Худонинг куни-да. Шамолда дарахтлар маҳобатли чайқалади. Дунё уйғунлиги руҳиятига оқиб киради. Унинг учун бу дарахтлар оддий эмас. Уларнинг ҳам жони бор, уларнинг ҳам улуши бор бу дунёда. Уларсиз дунёни тасаввур қилиш кийин. Зеҳнини солса, дарахтларнинг ҳам ўзига яраша хулқ-атвори бор экан. Бирори шўх, бирори вазмин... Бир куни шафтолизордан ўтиб кетаётуб, гаройиб манзарага дуч келди. Кеч куз эди чамаси. Чор-атрофдаги дарахтларнинг барглари куриб, тўкилиб кетган. Факат ўртадагиси ям-яшил бўлиб яшнаб туради. Биргина дарахтнинг омон қолиши, камолга етиши учун шунча дарахт қурбон бўлганди. Бунда ахир анави бир чеккада мунғайиб турган кўримсизгина бутанинг ҳам ҳиссаси бор-ку! У хаётда балки ўзидан ҳеч нима қолдирмагандир, аммо ўртадаги илдиздошининг яшнаб туриши учун у хаётини қурбон қилганди. Демак, бежиз яшамади у ҳам. Бу дунёда кичиккина хаснинг ҳам ўз ўрни, вазифаси бор, бирон зарра йўқки, у кераксиз бўлса... Ҳаётнинг мазмуни ҳам шу эмасмикин?! Биргина инсон камолотга етиши учун минглаб қурбонлар берилади...

У қайси тоифага кирав экан-а? Нуруллоҳ кори уфқка назар ташлади. Бу қадар гўзал манзарани яна қаерда учратиш мумкин. Осмонга кўз ташлаши билан хотиржамлик ва кувонч қамрайди дилини.

Тилларанг хошияли парқу булутлар қизғиш, бинафшаранг тусга кирган, осмон унга руҳий дунё манзараларини эслатгандай бўлади. Тириклик ташвишларидан фориғ дунёнинг қанчалар гўзаплигини одамзот качон англаркин?!

Эшик тақиллаб, хаёллари пароканда бўлди. Гарчи у Тошкентдай шахри азимдан шу хилватдай жойга яшириниб олган

бўлса-да, барибир одамлар уни излаб топиб келишади.

Айвонда Куръон мутолаа килиб ўтирган шогирд йигит Икромжон дарров бориб эшикни очди. Бу сафар ундан илинж излаб келган ёшгина қиз экан. Ёшига ярашмаган ҳолда жиддий, жуда чарчаган, рухи синиқ. Қора киймаган бўлса-да, азадордай мотамсаро. Қизни кўриши биланок дарров ҳаммасини тушунди. Кўз олдида тўшакда ётган ёшгина жувон намоён бўлди. Вақти-казоси яқинга ўхшайди. Атрофини фаришталар ўраб олишибди. Армонлари кўп шекилли, бу дунёдан умидини узолмаяпти.

— Сиздан ёрдам сўраб келдим, — деди қиз хазин товушда.
— Кеч эшишибиз дарагингизни. Шундок бўлсаям... ноумид шайтон дейдилар. Олам, гулдай опамнинг сўлиб бораётганини кўриб чидолмаяпман. Энди 36 га кирдилар. Ўн гулларидан бир гуллари ҳам очилмаган. Турмушга чикқандилар, поччамиз бошқасига уйланиб, опамни ташлаб кетди. Фарзанд ҳам кўрмадилар. Энди эса... — қиз йиглаб юборди, гапиролмай колди. — Жуда азоб чекяпти, шўрлик. Касалхонадан аллақачон жавоб беришган. Нима қилишни билмаяпмиз. Шифохонада ётиб, муолажа олганида, ҳар қалай, умиди бор эди. Энди бўлса... опамни қандай алдашни билмаяпмиз. Бир бориб кўринг, домла. Умид бўлмасаям... кўнгил учун.

Кори индамади. Деразадан осмонга тикилганча тек колди.

— Бир нарсани тушунишингизни истайман, синглим. Ҳаммамизга умр ўлчаб берилган. Ким эртароқ, ким эса кечрок кетади. Пешоҳамизга битилганидан бир кун ҳам ортиқ яшамас эканмиз, — мубҳам жавоб килди домла.

— Умид борми, домла, умид борми? — нажот истаб сўради қиз.
«Ха, бор!» дейишини қанчалар истайди бу қиз.

— Кеча мендан музқаймок сўрадилар. «Сизга мумкин эмас!» десам, «Мен барибир ўламан-ку, охирги марта бўлсаям шуни егим келяпти» дедилар.

— Одатда оғир ётган беморнинг барча истаклари вожиб килинади. Ҳамма умид ёлғиз Оллоҳдан. Опангизнинг бир армонлари бор экан. У киши шу ҳақда кўп ўйлайдилар, аммо айттолмайдилар. Шуни билинг нималигини. Ҳозир муҳими шу. Киёмат карз бўлиб колмасин яна.

— Кўргани борасизми? — сўради қиз кўзлари мўлтираб.
— Борасиз-а!

Кори жилмайди. Далда бериш учун шундай килди.

— Албатта. бориб Ёсинни ўкиб кўяман.

Киз кетгач. Нуруллоҳ кори казо бўлган намозларини ўқиди. У ҳеч качон бошқаларга ўхшаб, меҳмонни ёлғиз колдириб, намозга турмасди. «Ибодат пардали!» дерди доим. Ибодат шу кадар муқаддаски. бирон иш орасида кимнингдир кошида шошиб ўқиладиган нарса эмасди. Ибодат маҳали у ҳамма нарсани унтарди. Гарчи танаси билан бу дунёда яшаётган бўлса-да, рухан у дунёга кўчиб бўлганди.

Албатта, киши ўз-ўзидан такводор бўлмайди. Такводор бўлиб туғилади. дейилса тўғри бўлар...

У ўтган ҳаётини сархисоб қилас экан, ҳаммасини англайди. Ҳа. шундай бўлиши керак эди, аслида.

Нуруллоҳнинг бобоси ниҳоятда такводор одам эди. Вактида хинд сори сафар килган, бир пайтлар Абу Райхон Беруний турк тилига ўғирган веда илмини, жўгиликни ўрганиб қайтганди. Бу иймон нурига нур кўшганди.

Эс-эс билади, бобоси билагига игна санчиб бу томондан чикарап, терисини чимчилаб, тўғноғич ҳам қадаб кўяр, аммо на оғрирди кўли, на кон чикарди. Нуруллоҳ эса кўзлари каттариб, бобосига ҳайратла тикиларди. Қанийди, у ҳам шунака қилолса?! У болалигиза нимажонгина эди. Сабаби туғилган заҳоти онаси вафот этган, кексайиб колган бобоси билан бувиси уни амаллаб бокишганди. Бобоси Қуръон оятларини ўқиса, Нуруллоҳни албатта ёнига чакириб оларди. Катталарнинг ичиди, боз устига эскичани, мусулмончиликни ўрганиб улғаётгани учун у бошка болаларга ўхшамасди. Ҳамиша ўйчан ва маъюс юрадиган бу бола тенгқурларига ёкмасди. Шу боис боланинг жисмоний заифлигидан фойдаланиб, уни кўп калтаклашарди. У ҳам бобосидай зўр бўлганидами, адабини берарди анавиларнинг! Шул сабаб, бобосига ҳавас килиб, кўлига игна тикар, кейин эса оғриқданвой-войлаб коларди.

— Бобо, нега сизники оғримайди-ю, менини оғриб кетади? — Ҳайрон бўлиб сўрарди у.

— Э, болам-а, — кулиб дерди бобоси. — Сенда иймон кучи йўк!

Ўша пайтда иймон нималигини у яхши тушунолмасди. Факат иймон бўлса, бобосига ўхшаб колишини англарди, холос. Бобоси эса... энгагида бир тутам сокол, кўзлари доим кулиб турадиган

бобосини ҳамма ҳурмат қиларди. Бобоси истаса, ёмғир ёғар, истаса, ариқлар тескари оқарди. Нуруллоҳнинг ҳаваси ортарди-ей...

— Бобожон, қандай қилсам, мен ҳам сизга ўхшайман? — сўради у.

— Оятларни ёдлаб, айтиб юрсанг, сен ҳам шунақа бўласан!

— Кучли бўламанми?

— Жуда кучли бўласан!

— Анави, Йўлдошларни ҳам ура оламанми? Улар мендан кўркиб қочадиган бўладими?

— Кўркиш ҳам гапми, ёнингга йўлолмайди! — дерди бобоси.

— Иймон нури шунақа кучли бўлади. Одамни ёмонлардан, балоқазолардан асрайди.

Нуруллоҳ бобоси ёдлатган оятларни тақорорлаб чарчамасди. Ўн ёшга етиб-етмас, Куръонни ёд ўқийдиган бўлди.

Бола кўп йиғларди. Она меҳрини кўмсаб йиғларди, чоги. Нега ҳамманинг ойиси бор, нега меники йўқ, дея кўп изтироб чекарди. Баъзида ҳеч кимга керак эмсадай, ҳеч ким уни севмайдигандай туюларди. Меҳрни, аёл меҳрини кўмсарди. Нуруллоҳ онаси ҳақида сўраб-суриштирса, бобоси дарров гапни буриб юборарди. Худо ҳақида, намоз тўғрисида сўзлай кетарди. Бобоси доим тўлиқиб гапирадиган Худо ким бўлдийкин, деб роса бош қотирарди. Бир куни тунда бобоси билан ёнма-ён ётиб, уйқуси қочди:

— Бобо, Худо ким? — деб сўради шунда.

— У жуда меҳрибон ва раҳмидил зот. У сени ҳам яратган, бутун оламни яратган.

— Ойимга ўхшайдими? Ҳамманинг ойисими?

— Ҳамма ойилардан ҳам меҳрибон. У сени жуда яхши кўради.

Бобоси шу сўзларни айтганда негадир кўзларига ёш қалқди. Уни ҳам яхши кўрадиганлар бор экан-ку, дунёда. У ҳам Худони яхши кўради энди.

— У ҳар нарсага қодир. Ҳар қандай истагингни рўёбга чиқаради. Аммо бунинг учун уни ҳам хурсанд қилиш керак. Бувинг келгунича, идиш-товоқларни ювиб қўйсанг, у хурсанд бўладими? У зот ҳам шундай. Худо йўлида нимадир қилсанг, у ҳам севинади.

— Мени кўпроқ яхши кўрадими кейин?

— Кўпроқ яхши кўради.

— Мен ҳам уни яхши кўрсам бўладими?

— Албатта-да, чирогим.

Шу кундан эътиборан Нуриллоҳ Худони яхши кўр. шга чинакамига аҳд қилди. Ойисининг ўрнига Худони яхши кўради занди. Шунча йиллик айрилиқдан кейин онасини топгандай... Намоз ўқиганида, Куръон тиловат килганида йиғлайдиган одат чикарди. Худога топиниб, шундай хўнграб йиғлардики, атроф-дагилар хайрону лол қолишарди. Она меҳрига зор бир гўдак, Худонинг тимсолида онасини кўтарди. Яратганга муҳаббат ана шундай уйғонганди унда. Йигитлик ёшига етганида албатта унинг ҳам ўзига яраша орзу-умидлари бор эди. Аммо эришол-мади уларга. Худонинг иродаси шундай бўлган экан-да! Қалби изтиробда қолди. Ҳатто шаккоклик қилди. Тушкунликка тушиб, намозлари қазо бўлди. Моддий ҳаёт, унинг конуниятлари қанчалар қаттиклигини тушунди. Ҷобоси ҳаётлигига буларни билмаган экан. Уни гўё шиша ичига солиб ўстиришганди. Бу шаффоғ ҳимоя эса ибодат деб аталарди. Ейишга нони бўлмаган кунларни ҳам кўрди. Факат Оллоҳ, ёлғиз Оллоҳгина унга дўст бўлди. Унга қадар ҳамма тенгкурлари сингари келажакка интилишни, оиласи, бола-чақали бўлишни, бир яхши касбни танлашни хоҳларди. Аммо ич-ичидан нимадир унинг ўзи учун ўта жоҳилликдай туюлаётган бир фикрни уқтиради, баралла уқтиради: «Дунёдан воз кеч, ўзлигингни асраб қол!» Инсон ўзлигини асраш учун ўзини, яъни ҳаётининг маъноси – орзу-умидларини ўлдирмоғи керак. Ўзини ўзлигидан олиб кочмоғи лозим. Чунки у кўр кўзларни очадиган ҳаёт сабоғини олди. Агар инсон ўша нидога вақтида кулоқ тутмаса, у куч ишлатишга ҳам кодир экан. У ёшлиқда одамга жаннатий фароғатни ваъда этади, қалбда бетизгин истагу умидлар ғалаён қиласи. Кейин эса, биз уларнинг амалга ошувини интиқлик билан кутаётган бир дамда риёкор дунёning асл киёфаси очилиб колади гўё. Шунда инсон орзу-умидларининг қанчалар соҳта ва ялтироклигини англайди. У яшаётган дунёда жаннатий фароғатнинг бўлиши мумкини, ахир!

Кунлардан бир кун у туш кўрди. Тирикчилигини ўтказиш ниятида у қай кўчаларда адашиб-улоқиб юрмади дейсиз. Ҳалокатга ҳам учради, дўстларидан айрилди. Заранг ерни уриб йиғлаб ҳолдан ҳам тойди. Шунда осмонга ўгирилиб, юлдузларга

бокди. Осмон галати туулди күзига. У сохта эди. Күк бағрига янада диккәт билан тикилди. Карасаки, осмоннинг бир чеккаси йиртилган, шу даричадан эса чин, мусаффо осмон күриниб турарди. Буни англади-ю, хайратдан күзлари каттариб, уриндан турив кетди.

— Чин осмон! Ана, ана у! Мен чин осмонни күрятман! — деб бақириб юборди.

Тонг саҳарда, ёстиклари хўл, кўзида ёш билан уйғонди. Дилида эса хотиржамлик. У чин дунёни курди-я! Чин дунё бор! Бобоси айтган дунё бор. Факат у олами шухул ахлидан¹ пинҳон килингган. Шундан кейин руҳида бир ўзгариш туйди. Дунёвий ишлар, дунёвий истаклар уни ортиқ кизиктирмай кўйди. Албатта, дунёвий оламда руҳий истаклар билан яшаш хаётидаги кайси бир мувозаатни бузди. У моддий дунё ва унинг конуниятлари билан руҳияти орзуларини уйғунлаштиромай кийналди. Иккиси бир-бирига зиддай туулди. Факат илм олиб. Накшбандий ҳазратларининг ўғитларидан кониб, аслила иккиси — моддият билан руҳият бир-бирини тўлдиражагини тушунди. Акл — кишини бузади, кўнгил — куткаар. Акл одамни кайси хилват кўчаларга бошлаб кирмайди, дейсиз, кўнгил эса тўғри йўлни бишади. Бу Оллоҳ йўлидир. Учкун гулханга иштилагани каби, инсон ҳам Яратганга иштилади.

Аввал-боша да илмга қаттиқ берилди. Алалхусус, ҳатти-харакатлари мутасиблік даражасига бориб етди. Аммо у буни хеч кимга билдирамасди. Одамлар орасида у ўзини узар каби тутарди. Уларни орзу-истаклари учун айбситмасди. Ахир Оллоҳ таоло ҳар кимга ўзига яраша юмуш юклиб, андармен килиб кўйган. Улар меҳнат килишади. Меҳнат улар учун бир овунчокка айланган. Ҳар кимса эса ана шу овунчокниң кўнгилга урмаслиги борасида қайғуради. Агар шу овунчок оркасида пул келса, унданда яхши. Бу хаёт конуниятларидан бири. Бизни ялтирок дунёда хийла узокрок ушлаб туриш учун бир баҳона, холос.

Тирикчилик ўтказиш айб эмас. Тарага овқат, либос керак. Бунинг учун эса ҳалол меҳнат кильмок даркор. ҳалол лукма емок лозим. Акс ҳолда бари ибодатларингиз бежиз кетгай. Жадолиддин Румий ҳазратлари айтган эканлар: «Энди орамигздан авлиёлар чикмайди. Чунки лукма ҳаром бўлди!».

¹ Олами шухул ахли — шоҳиёнлар.

Нуруллох ёши ўттизларга етиб, обдон оқу корани таниб олгач, ўзи учун тирикчиликнинг оқил йўлини танлади. Табиблик кила бошлади. Бу касбни ҳам у бобосидан ўрганган. Куни бўйи ибодатда бўлар, тасбих ўғирав, ҳузурига одамлар келгандагина ибодатдан чекинарди. Ҳатто ёши улуғ кишилар ҳам уни иззат килиб, икки кўллаб кўринишниар, унча-мунча одам унинг ҳузурида сўз айтишга ботинолмасди. Унинг нурли киёфаси, назокати, лутфи карам ила сўзлаши бу зоти шарифни бошқалардан айириб турарди.

Дунёда икки тоифа одам умрим зое кетмади деб ўйлаши мумкин экан. Биринчиси, яхши фарзанд ўстирган инсон, иккеничиси, яхши шогирд етиширган устоз. Шу боис кори домла унга шогирд тушмокликни ихтиёр этган йигитчаларни жон деб кабул киласарди. Шогирд йигитлар унинг иссанк-совуғига карап, юмушларини бажарап ва ундан таҳсил олиб, сухбатларидан баҳраманд бўлишарди. Шогирларнига меҳр билан карап экан. Оллоҳнинг ўзи меҳрибон, дэб кўярди ичилади, ҳар кимга истагига ярашасини беради. Биз ожиз бандалар эса доимо недандир норизомиз.

Аммо бир нарса уни ҳамон қийнарди. Тарикатга чукуррок кириб боргани сайин, дунёвий оламдан узоклашаётганди.

Кишилар билан сўзлашганида уларнинг дилидагини сезиб турарди. Ҳаётида ниманки воеа юз бермасин, ҳодиса интиҳосини олдиндан биларди. Кўнгли нимани тусаса, вожиб бўларди. Ёлғиз ўлимгагина чора тополмасди, холос. Бу таҳлит умргузаронлик килиш эса кераксиз юкни судрашга ўхшарди. Яъники, қанот ёзган капалакни гумбакда саклашдан не нафъ. Вазифасини адо этган танани бемаксад моддий оламда судраб юриш унинг учун қизик эмасди. Лекин шунга карамай, Оллоҳнинг иродаси шу эканини англаб турарди. Улусга, шогирларига кераги бор ҳали.

Кунлардан бир кун руҳи енгил уйғонди. Турибок, совук сувга чайиниб, ибодатга ўтирди. У ибодат олдидан ҳеч вакт соатга караган эмас, бинобарин, вактдан ҳам сира адашган эмас. Шу куни дилдан ибодатга чўмди. У аста-секин руҳий фароғатга кўмила бошлади. Илгари ҳам шундай бўларди. Яна ва яна ўқигиси келарди намозни. Бундайин руҳий ҳаловат яна кайда бор? Бу сафар янада ҳайратланарли воеа юз берди. Намоз ўқиётган зам кўнгил кишанлари узилиб кетгандай, кўкси осмон кадар кенгайли. Шунда тепадан келган Фароғат уюрмаси

бошидан обғигача уни забт этди. У бениҳоя хузур түйді. Мехрмұхаббат исканжасида колди ва бу роҳат-фарғатта аранг дош берди. Бу Оллоҳ мөхрининг бир учкунин зди, холос. Унинг эса шунга ҳам сабри етмади. Намоз тугагач, Нуруллоҳ кори аранг үзига келди. Ботинан қандай ҳодиса юз берганини сезиб турарди ва бундан хурсанд зди. Шу кундан зытиборан у ҳар нарсада Оллоҳ зухрини кўра оладиган ва бундан фарогат топадиган бўлди. Ҳатто бетобланганида танасини исканжага олган оғриклардан ҳам роҳат турарди. Зотан, ҳамма нарса фикрлашимизга боғлиқ экан. У вакти казосини ҳам биларди. Аммо буни зеламасликка тиришарди.

Тунов куни шогирдининг бийрон-бийрон жавоблари ҳам унга умр шоми якинлашиб колганини эслатиб кўйди. Шогирди комиллик даражасига етиб колибди. Энди унда устозга эхтиёж йўқ. У охирги имтиҳонни топширса бўлди. Бу имтиҳон эса жуда ғазати. Улар овоз чиқармай, ботинан фикрлашадилар. У фикран шогирдига бир юмуш буюрали. Шогирд унинг фикрларини нечоғлик тўғри англагап бўлса, вазифани шундайни аниқ адо этади. Бу синов шартлари ҳали айтилмади. Ҳазрат уни шинҳон сақлайди. Факат энди анави муаммо пайдо бўлди; бемахалда келган кизнинг илтиҳоси. Уни бажармаса бўлмайди. Ўлим олди талвасасида ётган жонни тинчлантириш, маконига йўналтириш ҳам савоб...

* * *

Барно табиб домланикидан ҳафсаласи пир бўлиб қайтди. Опасига нима дейди, энди. Нуруллоҳ корини дараклаган гофаси Раъно опасининг олдида роса оғиз кўпиртирганди. Бир күшхабар кутиб, эшикка тикилиб ётгандир. шўрлик. Бемор одамнинг олдида сал ўйлаброк гапириш керак-да! Гуё кори домла келади-ю, бир куф-суф билан Раъно опасини тўшакдан турғизиб юборади. Қанийди, шундай бўлса?!

Оласига жуда ачинади. Уззу кун шифтга тикилиб, оғрик азобида ётади. Беморнинг ҳаёти бир кошик шўрва, кат ва «морфий уколи» допрасидан четга чикмайди. Ҳай, ора-сира кариндошлардан кимдир bemorning ҳолидан хабар олгани келиб қолар. Яхши ҳам Мекенка сернайларни бор экан, бир хилда туссиз

кечаётган кунларга бироз байрамона кайфият бағишилайди. Касал опасини ҳам, унинг доғида куяётган ота-онасини ҳам унугади. Опаси бұлса, кино бошлангунча оғрик колдирадиган дориларини ичиб олади. Фақат бაзьыда, мұхаббат сақналари кечеётган пайт, күзларидан ёш оқиб тушади. Ҳеч кимга билдирим артиб олади. Уни нега йиғлаётганини ҳамма билади. Онаси چукур хүрсениб күяди. Дадасининг боши зғилади. Опаси Баҳтиёр поччасини эслаяпти. Эр-хотин бир-бирини жуда яхши күрарды. Поччасининг ота-онаси «туғмас хотин» билан яшаттирмади. Мажбурлаб, поччасини сикувга олавериб, ахийри шыятларига етишди. Опаси күявериб, шу касалга йүлиқдай. Баҳтиёр акасы уйланганида яна ҳам ўлыб қолмади-я! Ёшгинаңа уйланған поччаси аввалига опасидан хабар олиб турди. «сени ҳам ташламайман» деб вәйдалар берди-ю, кейин эса сувга чўккан тошдай жим бўлиб кетди. Ҳатто собиқ хотинининг унинг дардидаги бундайин хунук касал орттириб олганини ҳам билмасди. Билса, келарди. Аммо келгандаги ҳам бу уйдан тирик чиқмасди-да, тоғаси нақ гўштини нимта-нимга киларди. Барно кўради ҳали, тирик бўлса кўради, опасини бебаҳт қилиб, баҳтли бўлармикин, ўша Баҳтиёр. Опаси бўлса ўшинаңг ёнини олаверади. Яхши кўради ҳали ҳам. Ўшани деб, шу балоларга йўликкан бўлсаем-а?! Барно уни сира тушунмайди. Уни ҳеч ким тушунмайди, ўзи. Мабодо опаси поччаси ҳакида гапириб қолса борми, опасини уриб ташлашга тайёр-а! Одам ҳам шунчалик ўзини камситадими?! Опаси олти ойдан бери шу ахволда ётибди. Поччаси на кўнғирок килди, на кўргани келди. Опасининг айтишича, телефон қилғанмиш, ўшиандаги тоғасидан бир ботмон сўкиш эшитиб, кўнгли вайрон бўлғанмиш. Орадан бир-икки кун ўтиб, яна телефон қилибди. Бу сафар онаси роса бежабди. Гапирмаган гапи қолмабди, ўшандаги. Опаси юм-юм йиғлагани эсида. «Нега бизнинг муносабатимизга аралашасизлар!» эмиш. Дардини ичига ютиб, аламини йиғидан олди.

– Ҳеч ким мени тушунмайди! – деб роса хўнгради. Обидийда килавериб ҳаммани сиқиб юборди. Улар онасини «тушуниб» Баҳтиёр поччасини топиб келишлари керакмиди?! Бундай қилишга эса ҳеч кимнинг бўйни ёр бермасди. Аммо... ахир опаси ўляптикү... Эргага армон бўлиб қолмайдими?! Яшаб юрса майли-я, ҳамма хатони тузатиш мумкин, бироқ яшамаса, дилида армон билан кетса, нима бўлали. Боя табиб «опангизнинг армоши бор»

деб, шуниназарда тутмадимкин?! Бизибди, каранг билган! Ҳа, мактаганларима бор экан-да!

Опаси поччасининг йўлига илҳак бўлиб ётганини билади. Некин Бахтиёр поччаси учун бу уй эшиклари аллакачон така-так беркилган, ҳатто остона ҳатлашига йўл кўйишмайди.

У келини билан опасига караб ўтирган Наргиза дик этиб урнидан турди. Барно кўзларини юмиб ётган беморга караб сўради:

— Ухляяптими?

— Ҳозиргина морфий килгандим. Сизни роса кутдилар. Кейин огрикка чидолмай колдилар. Мажбур бўлиб укол қилдим.

Бемор уйғонгунинча Барно ота-онасига табибни келишга кўндирганини айтди. Ота-онасининг кўнгли кўтарилиди. Уммидли дунё деганлари шу бўлса керак. Беморни тузатиб бермаса ҳам, дардини енгиллатса ҳарна-да! Сал берни караса эди. Онасининг фикри-зикри шунда. Барно эса бунга ишонмайди. Кечалари ҳеч кимга биядирмай йиғлаб-йиғлаб олади. Онасининг меҳрибончиликларини эслайди. Ювингиргани борми, ўйнатгани олиб боргани, музкаммок олиб бергани, сафардан ўзига олмаса ҳам, синглисига турфа хил либослар келтиргани, синглиснинг кувонганини кўрса бўлгани эди. Ҳеч ўзини ўйлаган эмас. Гўнгич фарзанд бўлгани учун ота-онасининг ёнига кирди, ишлаб-ўқиб уларнинг оғирини енгил қилини. Бахтиёр поччаси билан ўқишида танишган. Ў, бу муҳаббатнинг тарихи узун. У хар куни опасини кузатиб келарди. Якшанбада келиб, дадасига бояшларига кўмаклашарди поччаси. Отасининг ўғил фарзанди булмагани учун Бахтиёрга бўлакча кўз билан қаради, меҳри тушди. Очиккўнгил, хар қандай ишни чиппа қовушиб киладиган Бахтиёр поччаси дарров оиласа илакишиб, аҳил бўлиб кетди. Туй бўлмасидан, кизлар уни почча дейишар, бу унга мойдай ёкарди.

Тўй кезлари унинг кувончдан порлаган кўзларини кўрганингизда эди. Бокий саодатга эришганлай гўё. Аммо, афсус... Ҳаммаси бундайин чапла айланади, деб ким ўйлабди ўшанда. Щуларни эслар экан, Барно кўз ёшларини тез-тез артиб олди. У поччаси опасини, уларни ташлаб кетганига чидаётмаеди. Ўйланволгучча ўзиб тирилганди. Ота-онасидан дакки эшитгунча экан садокати. Таги нозик одамлар эмиш. отасининг жаҳли ёмонмини... Хулзаси камом, туртқилайверганига Ҳемир ҳам

чиdamас экан-да! Хітойликларнинг энг оғир бир жазо усули бор экан. Маҳбуснинг бошига сув томчилатиб кўйишаркан! Шунинг нимаси жазо, дерсиз. Ўша томчи йиллар давомида томавериб, маҳбуснинг бошида аввал чуқурча ҳосил қиларкан. Охир бориб ўша томчи сүякни тешиб ўтиб, маҳбусни ҳалок этаркан! Ана сизга томчининг қудрати. Сўз, заҳарли иборалар ҳакида-ку, гапирмаса ҳам бўлаверади. Ҳа. Бахтиёр поччасини ҳаммалари яхши кўришарди. Бир мусибат устига иккинчиси кўшилгани ёмон бўлди. Опасининг касали сабаб. Бахтиёр бу онла учун ашаддий душманга айланди. Опаси эса ҳамон ўшани дейди. Барно шунисига чидолмайди. Агар кимdir унга шундай килганидами, пешонасдан отарди, аяб ўтирмасди! Лекин нима килса ҳам опаси. ота-онасига айттолмаган сирини унга айтади. Энди поччасини гапирса, силталамайди.

Барно опаси уйғониши билан унинг қошига учди.

– Тузукмчиз? – сўради у. Опаси жилмайди.

– Қара, кўлимнинг шиши қайтибди.

– Ҳали тузалиб кетасиз. опа. Кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Габиб ҳам бораман, леди! – худди келиб, опасини тузатиб юборадигандай тантанавор оҳангда дели у.

Барно опасининг соchlаридан сийпалади. Аслида аҳволи танг бўлсаем, синглиси ни овутиш учун шундай деганди. Буни сезиб Барнонинг томоғига бир нима кадалди. Опасига билдиримаслик учун терс бурилиб, тумбочка устидаги чойнакдан чой куйиб ичди.

– Бугун киномиз борми? – сўради опаси. – Дориларимни ичиб олсан бўларкан.

Бемор бир нимани сезгандай синглисига савол назари билан каради. У нимадир демоқчи-ю, айттолмаяпти. Табиб, авлиёдай бўлиб колган экан, қазоси якин деган бўлса-чи?! Раъононинг ичидай бир нима чирт узилгандай бўлди. Жони ҳалкумига келганида ҳам яшашни истаркан одам. Умиди сўнмас экан. Бахтиёр акаси уйланиб, қаҳрга минганида ўзига ўлимлар тилагани рост. Аммо мана энди ўлим билан рўбарў келиб турганида ҳаммаси бошқачалигини тушунди. Аслида ўлишни истамаган экан. Бахтиёр акасини жазолагиси келган. У ҳеч бўлмаганда эрини узоқдан кўриши, овозини эшишини мумкин эди-ку! Энди эса ўлим уларни чинакамига айиряпти. Ҳаммадан айиряпти. Қанчалар калта ўйлаган экан ўшанда. ўзига ўлим тилаганида!

Табиб Барнога бир нима деган шекилли. Йиғлабди, күзлари кизарган. Яна ҳам яширишга уриняпти.

— Кіногача бир дилдан гаплашайлык. — кулимсираб деди Раъно. — Куни билан ётиб, зерикіб кетади одам. Бир нималарни галириб берсанг-чи?! Ҳәттін узилиб колганман... ўкишлар калай? Ўкишда нима янгиліклар бор?

Барно ялт этиб опасига караңы. Үқиш күнгелімінде сиғармиди, деёлмади фактат. Қорпі домладан гап очди:

— Опа, бунака одамнын умрінде күрмаганман. Күриниши ҳам ғалати. Сиз билан бізга үхшамайды, — деди у. — У тарки дүнё қылған экан. У — зохид. Ёши сиз билан тенг бўлсаем, чолларга үхшаб галиради. Ҳузурига келган мўйсафидлар ҳам уни ўзларидан каттадай куришаркан. Чиндан ҳам каттага үхшайди. Кўзлари меҳрли бокади, лекин уларда эркакларга хос каттиқ нигоҳ йўқ. Қарашлари майин. Ота меҳри ҳам, она меҳри ҳам бор. Хотиржамлигини кўрсангиз, ҳайрон коласиз. Авваллари юзидан нур ёғилади, дейишса ҳайрон бўлардим. Юзидан нур ёғилган одамни энди кўришим.

— У сенга нима деди? Мен ҳакимда ҳеч нима демадими?

— Ёсинни ўқиб кўяман, деди. Ҳамма умид Оллоҳдан деди.

Опа-сингил жим колишиди. Беморнинг кайғияти тушди. Аммо буни билдирамади. Синглесини гапта солишга уринди. Ўша асосий тапни айтмаяпти бу.

— Кейин... — чайналди Барно. — У айтдики... опасининг бир армони бор. шуни сўранглар деди. — киз шундай деди-ю. кўзларини олиб кочди.

Бу гапдан bemor ҳам нокулай ахволга тушди. Пешонасини маржон-маржон тер босди. Барно орадаги нокулайликни бузни учун:

— Чой қуйиб берайми? — деди-да, тумбочка устидаги чой-накдан чой қуйиб узатди. Кейин дока рўмол билан опасининг терларини артди. Шунда димогига гуп этиб дориларнинг хиди урилди. У опасининг юзига синчковлик билан назар ташлади. Беморнинг юзлари окарган, бу оқлик ўзига ярашган, кора қошлари, қурагай кўзлари мавж уриб туради. Факат кўзлари сўнин... Буни карангкиси, касаллик зигирча булса-да унинг гўзаллигига зарар етказмаганди. Факат танаси озиб, кок суюк булиб колганди. Дори ва тер хиди анқирди ундан. Шу ахволда поччасига кўринишни истармикни у?

— Айтинг опа, ичингизда қолиб кетмасин. Ҳеч бўлмаса, менга айтинг...

Опаси индамади. Орик, ингичка қўллари билан дока рўмолни ғижимлаб юзига босди. У йиглаётганди.

— Опа, опажоним... Йигламанг! — Барнонинг ўзи ҳам йиглаб, опасининг юзларидан чўлишллатиб ўпди. — Галиринг, опа! Айтинг...

Аммо Ръяно гапиролмади. Ичидан ҳайкириб келган дард овозини бўғиб кўйди. У бир муддат котиб турди-да, деди:

— Уни... уни кўргим келяпти! — Йиги ожизгина танасини ларзага солди. — Ахир... уни кўрмай кетолмайман-ку! Буни ҳеч ким тушунмаяпти... У менинг эрим, ахир. У билан ҳам видолашибим керак...

— Опа, сиз ўлмайсиз, ўлмайсиз! Поччамни ўзим бошлаб келаман. Биттаси бир нарса десин-чи!

Шу алпог' опа-сингил анчагача дардлашиб ўтиришди. Беморнинг кайфияти кўтарилганди. Ниҳоят, уни тушунишди. Аммо ногаҳон келган ўхчик сухбатга якун ясади. Барно дарров туриб, тоғорача келтирди. Туз тотмаганига қарамай, bemor жигарранг тусли бир нима кайт қилди. Ҳар сафар шундай бўлганида «ҳаммандизни кийнаб юбордим» деб, ўксиниб йиглайдиган опаси йигламади. Оғзини чайиб, синглисидан кўзгу келтиришини сўради. Бир фурсат ўзини ойнага солиб турди-да:

— Барно, ювинишим керак экан! — деди. — Яхши атирларинг борми? — сўради яна.

Барно хурсанд бўлиб кетди. Балки шу баҳона тузалиб кетар опаси. Ахир, муҳаббат ҳар нарсага кодир дейдилар-ку! Катталар ҳам қизик, иззат-нафсларини кизларининг соғлиғидан устун кўйишади. Отаси, агар куёв остона ҳатласа, оёгини уриб синдираман деган. Опаси йигласа, «йифиштириш кўз ёшингни!» деб бакириб беришади. Ана энди опасини тушунди Барно. Ўзлари келмайди. деб койишади-да, келса, оёгини синдирамиз дейишади. Телефон килмади дейишади-да, телефон килса, «оғзидан конини лахтабаб» келтиришади. Шу вактгача ҳеч ким ўйламабди, опаси эрини кўрса, тузалиб кетарди, балки. Бир кинода кўрганди, унда ҳам киз оғир дардга чалинади. Дори-дармон кор килмайди, bemor овқат емай кўяди. Унинг севгилиси эса изтиробда, не киларини билмай гаранг. Шунда кизни касалхонадан олиб чикиб кетади. Даля

хөвлига олиб боради. Йигит кизнинг оғзидан чикқанини мұхайё қиласы. Асосийси, табиат күйнида уннинг кайфияти күтарилади ва биринчи күннөк йигитта:

— Қорним очди! —дейди. Бу кизнинг соғая бошлаганидан дарап әди. Кино шу жойда тугайди. Табиат на муҳаббат уни оғир дарддан халос этади. Нега аввалроқ шу ҳақда ўйламади, ўша кинони эсламади. Уннинг ҳам аччиғи чиқканда-да поччасидан. Рости ҳали ҳам хафа, иккі дунёда кечирмайди уни. Факат опаси учун, опасининг соғайиши учун у ҳар нарсага тайёр...

ХАЛОС БҮЛГАН РУХ

Рух ўғрилари... Кейинги пайтда шу ҳақда күп ўйлайдыган бўлиб колдим. «Ҳақоқиқу-л-ахбор» китобида ёзилишича, синовли дунёда ўз рухининг қотиллари ҳам бўларкан. Булар котиллар, золимлар, жиноятчи ўғрилар, шаҳватпараст кишилар дейилади унда. Рух абадий булгани билан Раббони олам пароканда рухларни ўлимга маҳкум этади. Улар жаҳаннам қаърига тушиб, йўқликка сингиб кетишади. Ҳатто дўзахда покланишга ҳам нойил килинмас эканлар. Гўё кўзаси нобол чиккан ҳунарманда уни синдириб, лойга кўшиб юборганидай.

Бу ерда рух ўғрилари ҳам кўп экан. Ёndoш оламда кўз кўриб, кулок эшишмаган шундай жонзотлар борки, юмуши кувват сўриш, рух ўғирлаш эмиш. Шу вактгача у ёкка ўтиб кўрмадим. Кўркканимдан бўлса керак. Энди эса Азаматжон учун мажбурман шундай қилишга.

Қабрдошлиларимдан сўраб-суриштириб, ўша Ёndoш олам туйнугини топишга муваффак бўлдим.

Эрининг дардидаги ҳурпайиб ўтирган Моҳигулга ҳам бир нарса демадим. Индамай қабристон поёнига ўтдим. Ғира-шира тушган пайт. Дўппайган кабрлар бу маҳал кўркинчли кўринади. Лекин мен бунга анчайин кўнишиб қолганиман. Қабристон оёғида буталар кўп. Пакана, эгри-буғри дараҳтлар қабристондаги воеаларни жимгина кузатишади. Улар сукут сақлашга, мархумлар эса жим ётишга маҳкум.

Дараҳтзор оралаб, вужудим или туйнукни излай бошладим. Шу пайт кимдир гап қоси:

— Түйнүкни кидиряпсиз, чоги? Бу ёкка қаранг, хой! — овоз келган томонга ўгирилди. Мендан 10-15 газ нарида. чапроқда бир шарпа күринди. Одамми бу, соями, ким? Яқинрок бордим. Үрта бўй, жиддий чехрали одам менга караб кулимсираб турарди. Унга карай туриб, мархум эканини дарров пайқадим. Сиз хам билиб олинг, мархумларнинг кўзида бир мунг бўлади. Уни ҳеч бир ҳолатга киёслаб бўлмас, оддий ғамгинлик маъюслик хам эмас, балки армондир, ачинишдир. Моддий оламдан, ёронларидан, ўзи кўнинкан ҳаётдан айрилган рух уртаниб, унинг кўзларида илоҳий маъюсликни зохир этади. Тириклик давринг ҳеч качон қайтмаслигини англаб тутилган аза. Ширин хотиротлар билан видолашув лаҳзалари чехрангга ўша мунгни, маҳзунликини муҳрлар, балки. Бундай ҳолат Нуруллоҳ коридагина сезилмайди. Унинг кўзларида ҳамиша меҳр балқийди, кувонч балқийди. Унга ҳамма ҳам ўхшай олмайди-да!

Латиф спам нималигини билмаганим боис ҳаяжондаман. Танада буни яши:rsa бўлади, аммо латиф ҳолатда ҳамма сизни очик китобдай ўкий олади.

— Буни ҳеч кўркалигиган ери йўқ, — менга далда берди у. — Мен ҳар куни ўтаман у ёкка!

— Ҳар куни? — Ҳайрон бўлдим мен. — Ҳар куни у ёқда нима қиласиз?

— Намоз ўқигани... у ер жуда гўзал!

Факат гўзал бўлгани учун ўтиш керак эканми ўша томонга. Сухбатдошим осмонга интиқлик билан тикилганча сўзлашда давом этди. Пайтдан фойдаланиб уни кузатарканман, бир холосага келдим. Жиддий, зиёли, виждонли кўринса-да, кандайдир ноxуш томони бор эди унинг. Кўз қарашидами, ўзини тутишидами, билмадим, ишқилиб...

— Сувга чўйканман, — деди у ногоҳ. — Чўкаётиб, латиф оламга ўтиб колганман. Сиз, мана, излаб юрибсиз. Унинг борлигини кимдандир эшитдингиз. Мен эсам ўлган заҳотим кўрганман уни... Сувда чўмилаётиб, ўрама ўз домига тортганини билмай колибман. Довулдай чир айлантириб, сув тубига олиб тушиб кетди. Сув ютиб, нафасим кисилди. Нафас етмай, томирларим ёриламан деганда, бирдан енгил тортдим. Қанот чиқарган күшдай юқорига парвозди килдим. Гепадаги дарахтларни кўрсангиз, яшил, кўк, кизил баргли, гулми, япроқми дейсиз. Атроф ниҳоятла

чарогон, кўзингизни камаштириб, турфа хил нур тўплар учади. Туш кўряпман, дейман нукул. Чунки бунақанги гўзал водийни умрим бино бўлиб учратмагандим. Ё, раббим, тугамаса эди бу туш, дейман. Туш чиндан ҳам тугамади! Факат кўмиш маросимлари бошлангач, қайтишга тўғри келди... Шундагина англадим нима бўлганини, унгача юравериман. Ибодатгўйлар билан Самои нурафшонда намоз ўқиймиз ҳар куни. У ерда ҳар кишининг ўз гўнаси бор, ўз хаёллари ила яратган водий. Бу жуда фаражбахш макон. Истасангиз сизни ҳам олиб бораман.

Худли ўша жойни кўриб тургандай вужудимда бир масрурликни сездим. Қизикаётганимни билиб, бояги одам яна тилга кирди:

— Бир кунни белгилассангиз, бирга борамиз, — кутилмаганда дадилланди у. Кўзлари чакнаబ кетди. Бундан мен хушёр тортдим. Нега бундай бўлди? Шу дам кўнглимга бир иштибоҳ оралади. Гарчи марҳумлар ўзаро мулокотдан беадад завқ олсалар-да, кувват алмашсалар-да, унинг руҳиятидаги ўзгариш менга ёкмади.

— Аммо мен... бошка максадда, — деёлдим, холос. — Бир болани топишим керак.

У ўйга толди. Кейин худди болани кўргандай деди:

— Тирик кўмилган болами? Ўшани изляпсизми?

Мен ялт этиб, унга карадим: «Билар экан-да!»

— Уни кўргандайман. Янглишмасам, ҳа... у ўша бола бўлиши керак! Юринг-чи...

У бир оз ўйланиб колди. Мени парвоз килишга ундали. Ёндош оламга ўтиш учун парвоз килиш шарт эканми? Аслида ёндош оламга дуч келган ердан ўтиш мумкин. Масалан, танада одамнинг кўриш имконияти ҳам чекланган бўлади. Танадан озод бўлгач, макон билан замоннинг уйғунлашиб кетганини ўз кўзларинг билан кўрасан. Бир ерда колганча, ҳар ердаги воқеликни кузата оласан. Масалан, мен кабристонни ҳам, онамнинг уйини ҳам, шаҳарни ҳам бир вактда кўриб турибман, манави одамни ҳам. Бу жуда ғалати, тушунарсиз... Ҳар ерда кўзларинг бору, ўзинг йўқсан... Азаматни нега кўролмаётганимга ҳайронман. Мен уни бутунлай бошка жойдан изляпман шекилли.

Бояги одамга эргашгим келмади. Яхшиси тинч ўтирганим маъқул. У мени ишонтиrolмаганди. Буни ўзи ҳам сезиб турарди.

— Майли, бошка сафар борармиз. — деди у тарвузи кўлтиғидан

тушиб. Ортига ўтпрылмай кета бошлади. Оёклари қалта, боши үзинчок, энди эътибор килибман. Шу пайт у тўхтади.

— Айтганч... — деди у мен томонга караб. — Намозга борганимда болани кидириб кўраман!

У шундай зеб кўздан гойиб бўлди. Мен эсам кўнглим ғаш кабримга кайтдим. Бир чеккаси кўркоклигим учун ўзимни койядим. Ана шу кўркоклик бир умр ҳамроҳ бўлди менга. ҳаётимни барбод килган ҳам шу. Мен ҳамма нарсадан кўрқдим. Такциримни бошка кишининг қулига тоширишдан, мавжуд турмушимни йўқотишдан, ўзим ҳеч нарса билмайсанги келажакдан! Охир-окибат уни излашдан ҳам кўрқасиган бўлиб колдим шекишли. Чунки у тошилса, нима бўларди?! Буни карангки, ҳаёлимдаги шаҳзоданинг тошилиши даҳшат эди мен учун. Ахир кўнишиб колган ҳаётимни ўзгартиришим керак эди-да! Накадар кўркинчили бу... мубхамлик.

Шу ўй-хаёллар билан лаҳадга кирдим. Ўзим бу ахвол, кўшини булмада чна аза! Моҳигул эри уйланганидан бери безовта, изиллайди. Ана, йиги-сиги киляпти тагин. Мен онамга ёпишиб олгандай, бу ҳам эрига ёпишиб олган. Уйланади-да, нима килади энди. Бу эса чидолмаянти. Яхшиямки, мархума, йўкса, анавининг ҳолига маймунлар йигларди-ей!

— Мени билмас экан. Ҳали кўрсатиб кўяман ҳаммасига! Далли-левона килеман.

— Яна нима бўлди, ҳой? — унинг ёнига ўтиб сўрадим мен.

— Ҳамма нарсамни ўшангаберни юборибди. ер юткур! Эримнинг тушига кирдим. Нарсаларимни жойига кўйинб кўймасанг, гўримда тикка тураман, дедим.

— У-чи, у нима деди?

— Э, худо олсин! Бакрайиб туриб, сен ўлгансан, дейди.

Шу ерга келганда Моҳигул чидолмади. Йиғлаб юборди. — Мени ҳайдади! Гулхумор, бунга кўнишиш қийин экан. Ўлганингга кўнишиш... Сен ҳаммага ўхшаб фикрлайсан, лекин ҳеч ким сени тушунмайди.

— Мархумлар тириклардай фикрламайди-да! Ахир мен ҳам онамни олиб кетишни истагандим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳаёт бўлсан, шуни истармидим?! Мана сиз... мархумасиз. Танангиздан суюк-саёқ колган, холос. Барибир эрингизни кизганяпсиз. Ахир у яшашни керак-ку! Унинг учун ҳаёт тугамади-ку!

– Тугашшы керак эди! – деб ёзгирди у. – У факат мени яхши күрарди. Илгарилари доим хаёлида эдим. Куръон ўкирди, хеч курса! Энди-чи?! Ўшани бағрига олволиб... – Моҳигул чинқирикка ўқшашиб овоз чикарди. – Мени ҳали билмас экан, – секин овозини пастлатиб деди у. Қалбыда ёнган нафрат уни шу кадар мадорсизлантириб кўйгандики, ҳатто овозларни чикмай колганди. Унинг ўзгариб кетганини!

– Бу шаштингиздан кайтинг! – дедим.

Бирок Моҳигулга тап кор килармиди?! Ўша алпоз безовта учди. Эрида ҳам айб бор. Жилла курса бир йил ўтишини кутмайдими, бу ҳам кўнукмайдими! Э. тасаввурнида ўзини тирикдай хис килияти, албатта чидолмайди-да!

Моҳигулнинг қаерга кетганини билолмадим. Уйига караб учди-ёв, бир балони бошламаса эди! Аммо унинг кетидан борломасдим. Азаматжондан хабар олишим, касалхонага боришим керак эди. Унинг руҳини топмагунимча тиличий олмайман, ахир.

Осмонда ўлдузлар чароғон. Баҳор эмасми. кунлар ҳам исиб колди. Аммо мен буни сезмайман. Мен учун об-ҳаво доим бир хилдай туюлади. Факат дараҳтларнинг кийғос гуллагани, гир-гир эсаётган шаббода кўнглимга баҳорий ҳисларни олиб киради. Бу ўша туйғулар... ўсмирлик чоғимда баҳор кезлари кувоничдан дунёларга сиғмай кетардим. Қуш бўлиб учшиб кетгим келарди. Мана ҳозир ҳам мисоли күшдай парвозда килишман. Худди аргамчи учаетганга ўхшайсиз. Аргамчи юкорилагани сайни, зилингизни роҳат чулғайди. Аргамчи юкорираб пастга тушади. Парвозда килганда эса бир маромда учаверасиз. Кўкрак кафасида оғрик билан бошланадиган фароғат эса кучаяр, кучаяверар, аммо камаймас.

Соат кечки 11лар чамаси. Кечки ибодат ярим тунда. ун иккила бошланади. Шунгача етиб келишим керак.

Кўчашар сокин. Мен эса эпкиндай эркин учияман. Гунда шаҳарни марҳумлар босиб кетади. Буни факат хеч ким кўрмайди. Кимайр учади, кимлардир ерда сайдир килишади. Туғилмаган гўдаклар эса гадойчилик килгандай Куръон ўқиладиган жойларда изғишади. Агар кайси бир марҳумнинг осмонга кетар куни етган бўлса, ўша ерданок олиб кетишади. Зоро бу оламда макон ҳам, замон ҳам йўқ. Унинг шакли тасаввуримизда колган, холос.

Ана касалхона биноси. Деворлардан сирғазиб, аста ичкари

үтдим. Даҳлиздан юриб, Азаматжон ётган бўлмага йўналдим. Даҳлизда бир эмас, беш-ўнта марҳум изғиб юрарди. Устига устак бир аёлнинг танасини тарк этаётганини шундокқина кўриб колдим. Олтминш ёшлардаги аёл танасига ҳайрон тикилганча гуарди. У менга юзланди:

– Сиз янги келдингизми? Касал кўргани келган десам, вакт алламаҳал. Тавба, шу вактда даҳлиз тўла одам. Бугун бир бало бўлганми? Намунча шовкин, ярим тунда-я?!

У танадан чикқанини хали тушунмаётганди. Аёлга ачиниб караб кўйдим. У эса ҳайрон.

– Нега бунақа карайпсиз? Менга бир нарса бўлибдими? Ҳа... кўз оғсиг кўкарган. Бу юракдан. Юрак касал...

Мен яна ҳайрат билан унга каралим.

– Бир нарсани тушунолмаяпман. Нега мен бошқаману танам бошка. Туш кўряпманми?

– Сиз ўзлингиз! – дедим мен. – Ҳозиргина!

Марҳумларға очиғини айтган маъқул. Акс ҳолда баттар кийналишади. Аёл «оҳ» уриб юборди. Чарх уриб танасига киришга уринди. Бундан бир иш чиқмагач, ноумид жасадининг ёнига чўқди. Айни чоғда у нима қилишини билмасди. Кўнглим сезганди буни.

Азаматжон ҳамон беҳуш ётарди. Кўлларига томчи дорилар кўйилган, оғзида нафас олдиргич! Бу ваҳимани кўриб, вужудим пароканда бўлди. У яшаши керак, болагинам яшаши керак!

Болалигинга бориб, ўлимни ҳам, тирикликни ҳам англай олмаяпти у. Рухи каерда тентираб юрганийкин? Кимларнинг измида, кимлар исканжасида... Кўз олдимга даҳшатли кора-кура нимарсалар кийнаётган Азаматжонинг латиф вужуди келди-ю, пориллаб шифтга кадар учдим. Нега мен ҳар нарсани кўришга кодир бўла туриб, уни кўролмаяпман. Оллоҳнинг иродасими. бу?! Мен ҳайронликда колгандим. Бу мушкулотни қандай ҳал қилишни билмасдим...

Шу пайт қабристон томонга тортила бошладим. Ҳа, ҳозир ибодат бошланади. Бугун нафакат ибодат қилинади, осмон очи-либ, фаришталар тушадиган кун.

Касалхона даҳлизида чопа-чоп бошланганди. Бояги аёлга сунъий нафас олдириб, юрагини укалашаётганди. Хонада эса марҳумлар ғуж бўлиб воеани кузатишарди. У барибир ўлади, уни қуткариб колишюлмайди. Бу шундок ҳам аён ҳақикат.

Қабристонга эзгүн ахволда қайтдым. Аммо юрагимнинг бир чеккасида кишига хуш ёқадиган уминд пайдо бўлганди. Чунки кўнгил ғашлик мени тарк этган, менда мавжуд ҳолатимга нисбатан кўнишка ҳосил бўлган ва мен «ўлим унчалик ҳам хунук ходиса эмас экан» деб ўйлай бошлагандим. Ана Моҳигул ҳам ибодатга етиб келибди. Туриши бир ахвол...

Шу дам осмон ёришиб, илохий бир мусинка бутун қабристонни камради. Мархумлар дил ибодатига чўмдилар. Улар осмондан нигоҳ узмас, унга армон ва интизорла тикилардилар. Ҳамма ўз қабри тепасида тек қотган, кўз ўнгидага содир бўлаётган таҳайюлий ҳодисани ички ҳаяжон или кузатарди.

Ана ўша сафаргидек нурағионлигидан нигоҳлар дош беролмайдиган ёғду зохир бўлди-ю, яшил аралаш бинафша тусдаги нур устуни қабрлар шахрига тушди. Аввал патлари камалак тузида жилоланган хумо қушлари галаси кўринди. Улар ортидан шарсизон, олмосранг фойтунда осмон эгалари, хуруғилмонлар тушиб кела бошлади. Улар ерии бир неча йил аввал тарк этган мархумларни куршаб олишган, уларга йўлбошчилик килишаётганди. Ибодатни бузиб бўлмасди. Ҳамманинг диккаг-эътибори осмонда...

Осмон чарогон бўлиб кетганини кўринг. Само ичра чакнаган олтин юлдузлар эса унга илохий маҳобат кўшди. Нур устунидан сирғалиб тушаётган олмос фойтунда оппок ҳарир либослар кийган, пешонасига қадалган дурлари, тиллақошлари ўзига ярашган пари-пайкарлар, салласига олмос жиға қадалган фаришта йигитлар ўтиради. Уларнинг вужудидан нур ёғилиб кўзни камаштиарди.

Ўша сафаргидай дилимни бесабаб қувонч чулғади. Қувончки, бағримга сигмас, оғрикка айланар даражада кучли роҳат эди бу. Ўша осмонларга сингиб кетгим келди. Бир зум «мен»лигини унутдим ҳатто.

Бирин-сирин улар ерга кўнишди. Самоватдан келган мархумлар ўз хилхоналарини, хеш-акраболарини топишди. Кимнингдир ҳоласи, тоға-ю аммалари, эр-хотинлар бир-бирлари билан юз кўришдилар. Келганлар 15-18 ёшлик йигит-қизлар киёфасида бўлиб, бир-бирларини таниб олишлари хийла мушкулрок кечди. Кейин осмондан тушганлар ҳам ибодатга чўмишли. Ўша бинафшаранг яшил тусдаги ёғду илохиёт учкуни

күзларимиздан дилларимизга қуйилди. Инсон бағртты әрітиб, оқызгувчи мусика эса бизни уммондай гирдобинга олди. Бу хұзур ҳаловат деңгизи эди, уни сүз билан тушунтыриб беролмасман. Шу дам бир фикрга келдім. Ҳа, буни юз бор түғилиб, юз бор үлган кишилар аллақачон айтиб бўлишган. Лекин мен буни энди англадим, ҳозир англадим. Ёруғ дунёда күрганларим-кўргулукларим – бари иккиласмач! Ҳаётимда юз берган ва мен нодонлигим туфайли бахтсизлик деб атаган воеалар ҳам. Аслида улар ҳам мен учун эди. Шикаста хулк-авторимни тобламок учун урилган бир зарб эди. Темирчи уста бирон асбобига ишлов бергани каби. Бу воеалар ичра, дорул фано ичра муҳими менман ва менинг оламни англаганим, ўзлигимни ҳис килганим. Болалигимдан бошлаб шу кунгача юз берган воеалар ҳозирги ҳолатимда арзимас бир нарсадай туюлади. Уларнинг барн бугунги күн учун хизмат килганди асли!

Ибодатға берилиб, шундок ёнимга, қабрим тепасига келиб кўнган фаришталарни кўрмай колибман. Иккى қизу бир йигит. Уларни кўриб «юрагим» кинидан чикаёзди. Шунга ўхшашиб ҳолатни ҳис килдим. «Наҳотки мени ҳам олиб кетишса?!» Қизларнинг сулувлигини кўриб тилим лол. Донишманднамо нигоҳлари, киприкларининг майнинлиги, ғунчамисол лаблари, улардан келаётган анбар ислардан вужудим киркка бўлинди. Уларнинг нозиклигини кўриб, нурдан яралганми булар деб ўйлабман. Йигитнинг ҳам юзлари жилваланяпти. Хушрўйки, чехрасига караб бўлмайди. Аслида уларни умримда кўрмаганман, лекин ни масидир таниш. Кўнглим сезяпти. Фаришталарми улар? Жаннат хуръайнлари... Бир муддат балки мен ҳам жаннатга нойил қилингандирман, деган хаёлда хурсанд ҳам бўлдим. Улар менга ачиннишар, айни чогда бу дунёга ўтганимдан шод ҳам кўринардилар.

– Гулхумор, болам, хуш келдингми? – деди қизлардан бири.

Мен унга ҳайратланиб қарадим. Мендан ҳам кичик бир киз, нари борса 18 ёшда. балки 16 дадир. мени «болам» деяётгани кизик туюлди. Балки фаришталар одамларни «болам» дейишшар, ким билади. Унга разм солиб қарадиму тўшагим тепасига келган аёлни таниб қолдим. «Оппогим, кўркма!» деган шу киз эди-да! Фаришта бўлса керак. ўшандада Азроил деб ўйлагандим. мен нолон.

— Мени танимадынг-а, болам! Бувинг буламан. Офият бувинг!
Буниси Робия холанг, униси менинг отам бўладилар. Қайтиш
қилганингни билганмиз. Ерга тушар муддатимиз етганди.

— Бувимга ўхшамайсиз-ку? — дедим кизга ҳайронлик билан
тиклиб. — Ёшсиз жуда.

— У дунёда ҳамма ёшариб кетади, болам. Мени ёшлигимда
кўрмагансан-да, танимадынг.

Биринчи сафар келганларида бувим эканликларини айтма-
гандилар. Нега шундай килганиларига ҳайронман. Қўрқасин,
дегандирлар. Ахир мен жуда ёш эдим, ўлишни истамаётгандим.

Бир-бирларимиз билан кучоклашиб кўришдик. Багримизда
шур тўлкинлар бирлатиди. Шу дам атрофга гулмисол учқунлар
сачрагандай бўлди. Улар бизга ўхшамасдилар. Чехраларидан
факат ёзгулик уфуриб туради.

— Буви, сиз бошқачасиз! — дедим у кишига ҳавас билан ти-
клиб.

— Сен ҳам мендайин бўласан! — дедилар комил ишонч билан.
Кайдам, бувимдай бўла олармикинман. У кишидай раҳмидил
инсон бўлмаган дунёда. Доим уйлари тўла одам бўларди. Таниш-
нотанишлар бувимнинг ширин сўзларини, ширин овқатларини
соғиниб келаверишарди. Оғирчилик йиллари ҳам келгувчилар
учун бир бурда нон топганлар. Ҳабиба хола деган, мияси сал
айнигап кампир билан кўшни турадик. Жинниси кўзиган пайт
у бувимни неча бор кувган, жабр ҳам етказган. Шундоқ бўлсаям,
шўрликнинг хабар оладигани йўқ, деб бир коса овқат кўтариб
чикардилар. Фарзандларининг норозилигига қарамай, албатта,
ўшанинг иссик-совуғидан хабар олардилар. Уйларига кириб
колса, айланиб-ўргилиб меҳмон килардилар. Буларни яхши
эслайман. Ҳолам билан сўзлашувимиз бироз ҳижолатли кечди.
Иш-ўкишни деб, касал ётган кезлари у кишидан хабар ололма-
гандим. Оддий шамоллашдан кетдилар. Ким ҳам ўйлабди, дейсиз
буни. Меники-ку, бир оддият, аммо қиёмат карз марҳумларга
катта-катта ваъдаларни берганлар, ваъда бериб бажармаганлар
кандай кўришаркин. Марҳумлар кек саклашмайди. албатта. Аммо
ўртада заъфарон тўсик пайдо бўларкан. Бу тўсиқни эса мен ўз
амалларим билан енгишим керак.

— Буви, осмонда ҳам кийинчиликлар бўладими? — сўрадим
мен. — Нималарни кўрганингизни гапириб беринг.

– Буни айтольмайман, саодатим. Ҳар қалай янги ҳәётга күнниңи ҳамма жойда ҳам осон кечмайды. Ҳудо сабр берсін экан. Аммо ҳар ерда сенга эмакдош, күмакдош буламіз. Үу дүнёга ўтиб кийналдингми? – сурадилар мендан.

– Оз-моз, довдираб колдым.

– У ёкда ҳам шундай бўлади. Лекин... у ерниң конун-коидалари буткул бошқача! Бу сафаргиси дийдорлашув, кейинги гал сени олиб кетамиз. Ердаги муддатинг тугаб коляпти.

Бу гапларни эшитиб, юрагим шув этиб кетди. Биринчидан, ерни ташлаб кетгим йўқ эди. Иккинчидан, үзимни нималар ку-таётганини билмасдим.

Шу кеча бувим билан бирга онамни кўргани бордик. У кишининг тушларига кирдик. Онам мени бувим. холам, бувам билан бирга кўриб роса кувондилар.

Қабрлар шахрида ҳамма Қосим ота деб атайдиган хоки-соргина кария бор эдилар. У киши завжай ҳалоллари билан учрашдилар. Гарчи ахли аёллари 15-20 ёшли қиз сувратида эса-ла, уни дарров таниб олдилар. Аввалига бир-бирларига интизор тикилганча туриб колишли. Кейин Қосим ота йиғлагандай товуш чикарди.

– Саломат, Саломатим! Бормисан... Дийдор куришадиган кун ҳам келар экан-ку!

Икковлари юз кўришиб, роса йиғлашди. Ҳамма саловат айтти, қушу гиёхларгача!

Вакт тугади. Марҳумлар кетишга чоғландилар. Улар саф торғанча нур устун томон учиб, олмос фойтуналарга қўндила. Осмон яна ёғдуланди, атрофга илохий нур таратиб, марҳумларни бағрига олганча, бир зумда ғойиб бўлди. Фойтун ҳам, хумо қушлари-ю, бинафшаранг нур устун кўзларни камаштириб, само бағрига сингиб кетди. Қабрдошларимиздан Қосим ота ҳам ахли аёли ҳамроҳлигига самоватга кетганди.

Марҳумлар осмонга тикилганча тек колишли. Бир кун келиб улар ҳам кетишади.

Шу пайт қабри тепасида мунгайш бурган Моҳигулга кўзим тушди. Шунча воеа бўлиб ўтди-ю, бунинг гуси ўзгармабди-да?! Уни ҳам кўргани келишганимкин?! Ёнига бордим. Хираланиб турганини кўриб, кайфияти чатоклигини тушундим.

– Сизни ҳам кўргани келишчили!

— «Делегация» бўп кетишди, — кесатди у. — Ҳаммаси насиҳат килади. Мени ўрнимга қўйиб кўришсин-чи ўзларини! Бу йўлингдан кайт эмиш. Қайтмайман, икки дунёда ҳам, Нима бўлса, бўлаверсин! Тўйиб кетдим ҳаммасидан! — у ғазаб билан шундай деди. Кейин хиринглаб кўшиб қўйди: — Бугун уни бопладим...

— Кимни айтяпсиз?

— Анавини-да, мегажинни! Кийимларини қиймалаб ташладим. Ниҳоҳ қоғози ҳам майда-майда бўлди. Бопладим!

Унинг руҳияти, телбанамо чакнаган кўзлари менга ёкмади. Моҳигул илк бора танишганимда қандай хокисор эли-я! Бугуни билан яшаяпти, эртага нима бўлишини ўйламаяпти. Худо асрасин-э! У дунёда эканимизда «ўлсам, кутуламан!» дердик. Ўлик бўла туриб, нима деймиз энди?! Одам ўзлигидан қандай кутулади!

Вакхим бўлганида у билан бироз дардлашган бўлардим. Аммо шошяпман. Муддатим оз колганга ўхшайди. Айникса, бугунги учрашувдан кейин кўнглим ғашланиб колди. Ҳали ҳеч бир ишни охирига етказмадим. Йоакал Азаматни ҳам топмадим. Уни шу алпоз ташлаб кетолмайман, ахир. Онам-чи, онаи зоримчи, қандоқ ташлаб кетаман.

Бирдан уйга боргим келиб колди. Бир-икки кун уйда юрсам-микин? Анави Моҳигулни кўриб сикилмасдим, ҳарнечук. Онам билан ҳам тўйгунимча бирга бўлардим. Волидамнинг бошка фарзандлари бўлганида-ку, унчалик оғир бўлмасди жудолик... Шу боис ҳам Азаматжонни онамга ташлаб кетмоқчи эдим. Овунчок бўлармиди, онамга, дейман.

Шамол тўзитган япроқдай уйим томон учдим. Ён-веримда бошка марҳумлар ҳам парвоз килишаётганди.

Уйга келиб, болхонамизга кўндиним. Шундок деразадан кира коламан... Ичкари ўтиб, ҳамма хоналарни айланиб чиқибман. Бу видолашув онлари эли. Кетишимни эшитганимдан бери ғалати бўлиб қолдим. Ўтмишимни кўп эслаяпман. Шундок эркинликни хис қилиб турган эсам-да, бъаззизда танадаги ҳаётимни кумсаб қолардим. Бу ёш ўлиб, ҳаётга тўймаганим боис бўлса керак.

Ҳар куни ўқишдан кайтгач, кела солиб музлатгични очардим. Чунки қорним таталаб кетарди-да! Музлатгичдан кўнглимга ёқкан нарсани олиб, ошалаб еб олардим. Иситиб ҳам ўтирмасдим. Худли шу нарса онамга армон бўлиб қолди!

— Ана, музлатгичга сув кўйиб ичганларинг, музлаб ётган овқатни еганларинг оқибати. Айтардим-а, сенга айтардим! Нечта марта тайинлаганман. Йўк, дангасалик шунчалик! Ҳа, бизга ўхшаб, ўчокка ўтина каламасанг, самоворда чой қайнатмасанг, шундок гугурт чизишга эринасанми, ўлмагур! – дердилар.

Шунда мен онамга америкалик эр-хотинлар ҳакида сўзлаб берид. Яна балога колардим.

Дангасалик – техника тараққиёти иплати-ку, шуни ҳам билмайсизми, дердим кулиб. Америкада автомат-ошхона деган нарса яратишган. Масофадан туриб бошқарилади. Ўшанака асбоби ҳам бор, телевизорникига ўхшаган. Шундок керакли тутмачани боссангиз, пишириб-кўйдириб, сузиб ҳам бераркан. Энди дэнг, ўша тутмачани ким босиши устида роса жанжал бўларканда, ўзи ҳам.

— Азизам, овқат пишпрадиган автоматни ёкиб юбор! – дер экан эри. Хотини зса эрига димоғ-фироғ килиб:

— Мен ҳам сенга ўхшаб ишдан чарчаб келдим. Бироз дам олгим келади. Кимнинг корни очган бўлса, тутмачани ўша боссин! Мен кечки олтидан кейин умуман овқатланмайман! – дер экан.

— Сен ўзи хотинмисан! – дея ўшқираркан эри. – Пишириб бер демаяпман-ку! Шу оддий тутмачани босиши шунчалик қийиями? Шуни ҳам қилиб бермасанг, сенга нега уйланганман, ўзи! Кўрдингизми ойи, шу арзимаган нарсага роса жикиллашишаркан. Сиз гугурт чакишга эринасанми, дейсиз.

— Ҳа, ўлма-я! Биз амриколикмас, ўзбекмиз, болам. Қиз бола деган номининг бор, уят-а, уят. Ўшанақалардан худо асрасин! Шунинг учун амриколик йигитлар ўзбек кизларга уйланаётгандимиш, билсанг. Анов Пошшапанг бор-ку, шуникига сап-сарик амриколик йигит совчи бўп кеса, опангнинг юраги ёмон бўлиб колибди. Амриколик кизлар яхши бўлса, йигитлари хотин килириб, Ўзбекистонгача келармиди, болам. Кўй-а, каёқдаги гапларни гапирасан, – дердилар аччиклари келиб.

Бева бошларига ҳам едириб, ҳам кийдириб, яна ҳам орттириб, менга сеп йигитаётгандилар. Бир сандик бўлиб колиб кетди ҳаммаси.

Уйда ҳеч ким йўк шекилли. Онам бирон жойга кетган бўлсалар керак. Уйда сикилиб, ёлғиз ўтиргилариг келмайдиди! У киши ҳам, ҳатто, марҳума бўлсан-да, келиб туришимга ўрганиб қолганлар. Бир сафар Шахноза холам мени уйдан

кувганларидан кейин анчагача келмай юрдим. Хафа бўлганим рост. Шунда онам холамга йиғламсираб ҳасрат қилаётганлариниң шитиб қолдим. Бу сўзлар қандайдир йўл билан менга етиб келганди.

– Жиянинг леч тушимга кирмай қўйди-я! Соғиндим-э! Шунга хам овуниб ўтиргандим. Нима бўлдиийкин, биздан хафамникин?

– Нега хафа бўлади? Тинчдир-да! Мархумлар безовталанса, тушга киради, дейишади-ку!

– Э. Шахноз, кайна тинч бўлади-я, бегона жойда!

Холам шараклаб кулиб юборди.

– Вой, опа-ей! Бегона жойдамиш! Балки асл уйидир ўша ер. Бу дунёга меҳмонмиз ҳаммамиз.

– Барибир... Энди кўрятни-да у дунёни. ёки осмонига кетганмискин? – тусмолладилар опам. У киши гўё мени кўриб-билиб тургандай гапирадилар.

Холам ўнғайсанланди. Менинг йўқ бўлиб кетганимга ўзи айбадор эканини сезди, чоги. Юраги алланечу к бўлиб тилга кирди.

– Мархумлар 40 кунда осмонига кетади, деб эшитганим бор эди. Гулхуморнинг киркни ўтмади-ку, ҳали.

– Кўнглим сезяти, хафа бўлган унинг. Йўқса, кунда-кунора хабар олиб турувди...

Онам йиғладилар, холам сукутда. Кейин хижолатпаз гап бошлидилар.

– Гулхумор тушимга кириб эди, опа. Нохуш туш. Сизни олиб кетмокчи бўлаётганиши. Хонангизга кирмокчи эди, йўлини тўсдим. Сен ўлгансан, дедим, опамни тинч кўй, дедим.

Бу сўзларни ёшитиб, онам йиғлашга тушдилар.

– Нега унака дейсан. Шахноза! Биздан бошқа кими бор унинг!

– У энди марҳума, опа. У ўзгарган. Йўқса, сизни олиб кетмокчи бўлармиди?! Индамасангиз олиб кетади ҳам-да!

– Майли эди, олиб кетса! Унинг ёнида бўлгим келяти. Она бўлиб, унга нима бердим. Бу дунёга келиб нима кўрди болам бечора!

– Кўйинг, опа, шунака гапларни. Худога хуш келмайди. Қўлимидан нима ҳам келарди. ўлчаб берилган умри қиска экан. Энди ўзингизни ўйланти. Бунака килаверсангиз, у ҳам кетолмайди. Ароади бўлиб, ларба бердишини. Яхшими шу?!

· Онам индамай колдилар. Лабларини каттиқ тишлаганча унсиз йиғлардилар. Бу лавҳаларга гувоҳ бўлган мен эса без-овгаланиб уча бошладим. Сездимки, қандайдир ипсиз риша бизни ҳамон бир-бири мизга боғлаб турарди. У кишини бу аҳволда ташлаб кетолмасдим. Назаримда ҳолатимдан атрофга учкундайин сочилиб кетдим. Чиндан ҳам Азаматжонни у кишига бериш фикри маъкул эди. Болага меҳр. онамга эса дилбанд керак. Менинг ҳам кўнглим тўқ бўларди. Буёғига ўзим ҳакимда ўйлардим. Ахир мен ҳам катта имтиҳон каршисида турибман-ку! Буёғи нима бўлади, билмайман.

Шу хаёллар билан музлатгични очганимни биламан, «ғув» этиб бир нарса устимга куласа бўладими?! Латиф танамдан ўтиб, полга узала тушди. Кутимаган воқеадан ҳушим бошимдан учиб, пориллаб шифтга қадар кўтарилдим. У эса йўргалаганча қайси бир хонага кириб йўқ бўлди. «Барабашка!» Миямга келган биринчи фикр шу бўлди. Буёкка қаердан келиб колдийкин?! Нега музлатгич ичида ўтирибди?! Изма-из мен ҳам хоналарга йўналдим. Ҳа, ана диваннинг тагига яширинди. Латиф танаси кичик бўлгани учун уни барабашка деб ўйлабман. Ёш болага ўхшайдими?! Болалигига борган-да! Пўлат сандик ичига яширгани тақдирида ҳам уни бемалол кўра олардим.

– Ҳой, чиқ буёкка! Сени кўриб турибман! – дедим. У мик этмай ётаверди. Қўлимни олдинга чўзиб, тортгандим, бола диван тагидан сирғалиб чиқди. Уни кўриб, ҳайратимни яширолмадим.

– Азамат?! Сен бу ерда нима киляпсан?

Азамат айбдорона бош эгиб, мум тишлагандай мик этмай тураверди.

– Гапир деялман! Бу ерда нима киляпсан?

– Яшириниб олдим. Сиз бу ерга кўп келасиз-ку?

– Ҳа, бу ер менинг уйим! Кимдан яшириниб олдинг?

– Сиздан!

– Мендан?! Нега мендан яширинасан, болам?

Азамат ковогини уйиб, ғўнгиллади.

– Сиз мени у ёкка кайтармокчи сиз-ку!

– Кетишинг керак-да, тойчоқ, – дедим меҳрим товланиб.

Юмшаганимни кўриб у ҳам дадилланди.

– Сиз ҳам кетасизми?

– ... боришинг керак. болам.

— Сиз-чи?

— Мен... мен кетолмайман. Аммо сен билан албатта күришамиз.

— Осмондами?

— Ҳа!

— Мен кетмайман. Сизсiz кетмайман! — яна инжиқланди Азамат.

— Азаматжон! Тойчоғим, — дедим мулойимлик билан унга тушунтиришга уриниб. — Бунинг ҳеч иложиси йўқ. Оқаётган дарёни тескари оқизолмаймиз-ку! Кучимиз етмайди, бунга. Ўзинг аклли боласан-ку, ҳамма нарсани тушунасан.

— Сизсиз нима киламан, ойи. Рустик мени уради. Бу ерда мазза... шамолда пириллаб учасан, дўстларим бор. Улар айтиш яптики, яқинда осмонга кетар эканмиз! Мен ҳам кетаманими?

— Осмонга ҳамма ҳам кетолмайди.

— Нега? Мен ёмон боламаними?

— Сен асал боласан. Лекин... сен тириксан, тойчоғим. Одам факат ўлганидан кейингина кетади. осмонга.

— Унда... қачон ўламан? Ўлгунимча шу ерда пойлаб туралай. Мени-чи, бу ердан ҳеч ким тополмайди. Ўртоқларим ҳам бор! — болаларча мактанди у.

— Улар ҳам шу ердами?

— ...

— Гапир...

— Қўшни квартирада... тўполон қилишяпти!

Мен ҳайрон бўлдим.

— Маҳмуд билан Маъруфни-чи, буйрагини ўғирлашган. Улар ўша дўхтири қўрқитишяпти. Ойи-чи, мен музлатгични юргизишни биламан. Рудик амаки ўргатди.

— Ким у? Қанака амаки? — Ҳайрон бўлдим мен.

— Рудик амаки-чи, ароқ ичган. Машина босиб кетган. Уни-чи, юрагини ўғирлашган. Шунга энди осмонга кетолмас экан. «Сенлар бориб, менга ҳам жой олиб турларинг», — деди.

Биз жим қолдик. Мен нима дейишни билмасдим. Икки дунё ўртасидаги фарқни манави гўдакка тушунтира олмаётгандим.

— Бўпти, — дедим суҳбатга якун ясад, — ўртоқларинг билан хайрлашгин, кетамиз!

У менга шубҳали назар ташлади.

— Сиз ҳамми? Бирга кетамизми?

— Ҳа-да, тойчок!

Бола хурсанд бўлиб кетди. Бўйнимдан қучиб, деди:

— Унда юринг, сизни ҳам Рудик амаки билан таништириб кўяман. У-чи ликопчаларни отишга роса уста! Сизга ҳам ўргатади.

— Ўзинг бора кол, тойчок! Тез кайтгин, шошилишимиз керак.

Боланинг пойинтар-сойинтар гапларидан топган дўстлари бебош руҳлар эканини тушундим. Уйга кириб олиб тўполон чикарадиган шулар-да! Улар жабр килган одамдан қасдини олмагунча тинчимайди. Бу дунёни ташлаб кетолмайди. Кейин бирдан орқа девор-хонадонда ким яшаши лоп этиб ёдимга тушди. Ахир бу уйда Козим Карбало яшайди-ку! Машхур жарроҳ! У жарроҳлиги билан эмас, киши билмас қинғир ишлари билан ном чикарган. Одамларни қўйдай сўяди, деб эшиганим бор. Лекин ҳеч тутишолмайди уни. «Таги бакувват» дейишади. Мана, нодонлигидан Аҳмаджон деган йигит «чув» тушиб ўтирибди. Ҳам пулидан айрилди, ҳам буйрагидан. Йўлга катнар, мол олиб келарди. Бойвачча! Пулига ишониб, кўричагини шунга олдирибли-да! Козим жарроҳ унга наркоз бериб, уйқудалигига битта сопла-сог буйрагини ҳам кесиб олган экан! Кейин маълум бўлди бу. Шу боис кўни-кўшнининг бошига иш тушса икки дунёда ҳам Козим жарроҳдан ёрдам сўрашмайди. Кўркишади. Мана энди Аҳмаджон деганлари ярим жон бўлиб колди. Аввалига тўполон килди, кейин бирдан мушукдай юввош тортиб колди. Козим акани кўрса, терс бурилиб кетадиган одам энди узокдан кўрса, чопкиллаб келиб кўришади.

Бу Карбалонинг икки-учта дангиллама иморати бор дейишади. У ёқда бошка хотинлари билан туармиш. Катта хотинига шу тўрт хонали квартира теккан. Айтишларича, шу хотини балои азим эмиш. Чакаги бакувватлигидан эрини қўймаганмиш, «Пул топасан!» – деркан-да! Охири-оқибат Козим ака пулни ҳам топибди, хотинни ҳам алмаштирибди! Ана оқибат. Хотинини кўрсангиз, осмонда, унча-бунча одамни менсимайди. Битта жазоси – эри хоҳлаганда келиб, хоҳлаганда кетади. Хотинлар унга ачинишади. Ҷарди ичиде дейишади, сир бой бермас эмиш, каранг. Эрни эр киладиган ҳам, балойи-куйдирги киладиган ҳам хотин, деб бекорга айтишмаган-да!

Кўп ўтмай Азаматжон қайтиб келди. Ўртоқлари «кетма» дейишибди. Ортидан улар ҳам сирғалиб биз томонга ўтишди. Азаматжон билан хайрлашдилар.

— Ў, мадам! — мен билан сўрашган бўлди Рудик деганлари. Кир-чир. «соқоллари ўсган». Агар одамнинг руҳияти юксак бўлмаса, унинг латиф танаси ҳам хира тортиб, кирланиб колади. Аммо кўнгли оқ одамга ўхшаяпти.

— Хизматингизга тайёрман! — деди у сарой аъёнларида мулозамат килиб.

Азаматжоннинг орқасига яширинган болакайлар менга ботинмайгина қараб:

— У биз билан колсин! — деб ялинишди.

Рудик амакиси болалар тилини биладиган кўринади. Шу боис унга мурожаат килдим.

— Рудик амаки, — дедим унга юзланиб. — Бунга қайтиши керак-лигини ҳеч тушунтиrolмаямсан. Унинг муддати тугамаган ҳали. У ёруғ дунёга қайтиши керак. Болажонга тушунтиринг, плитмос.

Азамат ковогини уйиб, бошини эгди. Мен билан гаплашишни ҳам истамаётганди. Гўё мен уни ўртоқларида айиряпман.

— Шоколад ейишни яхши кўрасанми? — сўради амакиси тўсатдан. — Музқаймокни-чи?

Бола ялт этиб амакисига қаради-да:

— Жуда ҳам! — жавоб берди. Бола меҳрибонлик уйида бунака нарсаларни тўйиб еган дейсизми?! Албатта, йўқ.

— Унда роса кўп шоколад, музқаймоклар етанингдан кейин учрашамиз яна.

— Қанча ейман, бир мошинами?

— Ундан ҳам кўп, полвонтой!

— Ростданми, алдамаяпсизми?!

Рудик амаки «нега алдар эканман» дегандай кўлларини ёзиб, елкасини учирди.

— Ачомлаш, кейин кетасан!

Азаматжон ҳамма билан ачомлашибди.

— Биз унгача ҳам учрашиб турамиз-а! — кўз қисди Рудик амаки. — Дўст бўламиз! Музқаймок билан бизни ҳам меҳмон киласанми? Унда кўлни ташла!

Боланинг чиройи очилиб колди. Аразлагани дарров ёдидан чиқди. Дўстлари кетишгач, улар нима деб ваъда бериштанини айтиб вайсай бошлиди.

– Улар доим менга ёрдамлашишар экан, нима вокеа бўлишини олдиндан айтиб турамиз дейиншди. Ёмон болалар урса, айт, боплаймиз, деди Рудик амаки.

– Азамагжон, болам. Улардан умид қилма! Улар кетиши керак. Сен эса коласан.

– Улар кетмаймиз дейиншяпти-ку!

– Кетини-кетмаслик мархумларнинг кўлида эмас, болам.

– Кимнинг кўлида унда?

– Ҳудонинг!

– Худо осмонда ўтирадими? Сиз ҳам уни кўрасизми?

– Қайдам, болам. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

– Борсангиз, ундан рухсат сўранг, ойни. Маҳмуд билан Маъруф келишин... Сўрайсиз-а?

– Сўрайман, болам... – болага меҳрим товланиб кетди. Гўдаклар учун икки дунё бир шекилли, бу албагта, беғуборликдан.

Азamatjon билан кетишга чоғланиб тургандик, онам келиб колдилар. Яхши бўлди келгандар. Azamatни таништираман. Кўлларида тогора, алпанг-талпанг юрганча, ошхонага ўтдилар-да, тогорани стол устига кўйдилар. Соchlari окариб кетибди, юзларидаги ажин кўлайган. Нонларни идишга солиб, пиширикларни ликобчага тахладилар. Конфетлари ҳам бор экан. Чой кўйдилар. Ammo ичишга келганда... кўзлари жикка ёшга тўлди. Ҳа, мени эслаяптилар. Ҳозир ёнимда бўлганида талашиб-тортишиб, ширинликларни пақкос туширади, деяётгандирлар. Доим тогора келса, онам билан тортиша кетардим. Онам шўрлик иккитагина пиширикни ҳам «эшикли уй», дастурхонни безайди, деб олиб кўйишга уринардилар-да! Йўқчилик курсин. Муаллимиликдан оладиган маошлари нимага ҳам етарди, мен талаба бўлсам... Устига-устак, рўзгордан кисиб, менга сеп йиғардилар. Кунлардан бир кун худди шу бугунгидай тўйдан катга тогора кўтариб келиб колдилар.

– Ў, тогорали зўр туғишибди-ю! – дедим мен кела солиб дастурхонни ечаркаиман. – Қаний, нималари бор экан?

Устидан нонларни олиб, ширинликларга кўз олайтирдим.

– Вой, «шафтоли»си бор экан! Ў. кремини каранг!

Ўша пайтда шафтолига ўхшатиб пиширилган ширинлик урф бўлганди. Xамири оғизда эрийдиган бўлар, ичнга крем тўлдирилар, усти эса бир томони сарик, иккинчи томони кизил

рангга бўялар, устидан шакар сепиб қўйиларди.

– Ойи, ойижоним! Биттадан ейлик, – дедим қувлик билан. Чунки «йўқ» дейишларини билардим-да! Онамнинг қошлари чи-мирилди. «Кўзим очлиги»дан номус килдилар. Мен эса азбаройи ўшани егим келганидан эмас, онамнинг соддаликларини кўриб, завқланиш учун атай жигларига тегардим.

– Эшикни уй, меҳмонга турсин! – дедилар доимгидай.

– Меҳмон келмаса-чи?

– Унда еяверасан...

– Котириб, могор бостириб ёиш шартми! – дедим-да, битта шафтолини гарч этиб тишладим. Онам «вой-вой»лаганча колдилар.

– Э. она-я, шу одамдан азиз бўлибдими?! Олинг енг, сиз ҳам.

Аммо онам емадилар. Унинг ҳузурини кўшнилар кўришди. Энди эса ачинятилар, армон ҳаммаси, «Боламдан бир гишилам нонни кизғонгандман!» деб эзиллятилар. Э, бири кам дунё. Бир-биirimизни согинганмиз, гаплашгимиз келади, лекин бупинг иложи йўқ. Ҳозир ёнгиналарида турганимни билсалар, иchlари узиларди-ку кувончдан!

Шу пайт Азамат кўлимдан тортди:

– Кетайлик!

– Шошма, болам!

– У кампир ким? – сўради Азамат.

– Менинг ойимлар. Сенга эса буви бўладилар.

– Буви... менинг бувим бормилар? – кўзлари каттариб деди у.

– Ҳа-да, тойчок! Мехрибонинг бор сенинг.

Бола хурсанд бўлиб кетди. Мени бўйнимдан қучди. Кўнглим ёришиб, икки ёрти бир бутун бўлиш насиб этсин, илоё деб ўйладим.

– Ўлганмилар? – сўради у.

– Тириклар. Бувинг билан таниширийми?

– Эшитмайдилар-ку! Хоҳлайсизми, битта фокус кўрсатаман.

Азамат латиф кўллари билан стол четидаги пиёлани аста итарганди, у полга тушиб, «карс» этиб синди. Онам чўчиб тушдилар. Бу килиги учун Азаматни уришиб бердим.

Онам энгашиб пиёла синигини терарканлар:

– Жувормаг-э! – дедилар унинг қандок синганига тушумомай. Онам худди бир нимани сезгандай биз томонга қараб кўйилар. Одамнинг кўнгли сезаркан, карант. Хуфтомини ўкий

бошладылар. Биз ҳам қабристонга қайтмадык.

Мархұмлар намозны. Қуръон үкімшінин шиткілік билан күтишади. Чүнки бу пайтда улар Коннот билан, азалий аспият билан боғланишады-да! Намоз үкімшіні, осмондан эса илохий мусика товуши көляйті. Мен ҳам. Азамат ҳам қарант булиб колдик. Шу пайт үнгү сұлта сағом берестіб онамнинг күзлари менга тушди. Мени күрділару, анграғайып колдилар.

– Тұф-туф, астагфирүллах! – дедилар үчүніб. Намозни қайта үкімділар. Мени күриб яна күркмасындар леб, орқа томондағыраға ўтдым.

Азамат эса ҳамон хархаща кілдарды кетамиз леб. У касалхона-нага боришини билмасди. Қабристонға бораман леб үйлаётганди. Мен эсам онамнинг үйкуға толышларыннан күтаёттандым. Тезрок ухлай колсалар-чи! Қабристондай илохий мусика охандары на-моз пайтиға тұғри келады. Үйде үриб ҳам қабристонда нималар бұлаётганини күриб турардым. Ана, мархұмлар қабр тәпасига чиқиб, ибодатга ғарк бұлыпты. Осмондан тушаётгандың харир нұр қабрлар шаһрини тілде ранға белгілігерді. Бирам чирайынки бу манзара.

– Ойи, қарант, чирайылғанын?

Хайрат биләп болға қарадым. Худонинг құдратыдан, у ҳам құраётгандың экан-да!

– Энди буни күролмайман... – деди Азамат хомуш. Худай катта одамлардай гашырди. Иңіца үкімшіні, қарант. Гүё мен үнга ёмөнлик күзяпман. Илохийдан айиряпман. Аммо у ҳали яшаш керак-ку! ҳар күшиннінг ёруғ дунёда кілладыган вазифасы бор, ахыр. Машиналардың бир мұрваты бўлмаса, у ишиламайды. Ё ишласа ҳам, ўша камчилігі билиниб турады. Шу сингары ҳар биримиз хаең оламида бир мұрватмиз. Азаматжон ҳам керак...

– Азаматжоп, болам. Ҳафа бўлмагин, – уни юнатишга уринидим. – Бувиннін ёлғыз ташлаб кетолмаймиз-ку! Сен бўлсанг, ўғил боласан, бувиннітта қарайсан, тойчок.

– Ўшанды йигіламайдиларми? Машиналада олиб юраман-а, бувимни. Пакетда узум-олмалар олиб келаман. Бувим мени яхши қўрадилар-а?

– Жуда ҳам!

Онам жойнамозни йиғишириб ётдилар. Ўйға толдилар: «Наҳотки уни кўрдим! Болгинамни кўрдим-а?! Ёки хаёлпараст бўлиб колдиммишкін? Ҳайрланғани келгандың бўлса-чи? Ёнида

болача ҳам бор эди, шекиляли!» Онам бугунги вокеадан ҳайрону лол эдилар. Үйқулари беҳаловат бўлди. Бир ухлаб, бир үйғониб кийналдилар. Бир сония уйқуга толғанларида тушларига кирдим.

— Ойи, сизни жуда соғиндим! — дедим кулиб.

— Болам. Гулхумор... келдингми? Келмаганингга роса хавотир олдим. Энди келмайсан, деб кўркандим...

Онам йиглаб юбордилар. Кейин бирдан саросимага тушиб:

— Энди кетиб қолмайсаими? — деб сўрадилар.

— Қайдам... — хаёлчан дедим мен. Кейин Азаматни чакирдим.

— Бу менинг ўғлим. Азамат! — дедим гурурланиб.

Онам ҳайрон бўлиб колдилар.

— Ўғлинг?! Қанакасига?

— Ойим мени топиб олганлар. Ҳамма ўлгандан кейин ойисини топади, — гапга аралашди Азамат.

— Бу бола ўлганми? У ёқда учратдингми?

— У ўлмаган, ойи. У тирик! Уни тирик кўмиб қўйишган. Мен унга ёрдам қилдим. Тириклигини тўрковга айтдим. Шундан кейин қабрни очиб, чиқариб олишди.

Онам:

— Астагфируллоҳ! — деб кўксиларига туфлаб қўйцилар.

— Ҳужжатларини 2-мехрибонлик уйидан оласиз. Мамлакатхон деган тарбиячисини топинг. Ундан илтимос қилинг. Болани ўғил қилиб олмоқчиман денг. У жуда яхши бола. асал бола!

— Буви, сизни ҳечам йиғлатмайман. Ақли бола бўламан.

Мени яхши кўрасиз-а? — сўради у мўлтираб.

Аммо онам жавоб беролмадилар. Гапиролмай йиглаб юбордилар. Ўз йигиларидан ўзлари үйғониб кетдилар.

Гапимиз чала колди. Кетишига чоғландим. Мени кўрмаётган бўлсалар-да, «хайр» дедим. Азаматжон ҳам кўл силкиб колди.

Кейин юлдузлар гужон ўйнаган тим кора осмон остида парвозда қилдик.

Касалхонага етиб келдик. Азамат эса ҳайрон. Танаси шу ердалигини билмайди ҳали.

Одам каттиқ кома ҳолатига тушганда рух билан тана ўртасидаги ришта узилиб кетиши мумкин. Шунда рух танасини тополмай саргардон кезади. У танага кайтолмаслиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Баъзилар ўша алпоз ўлиб ҳам кетишади. Азамат ҳам яна бирор кун дайдиб юрса, танасига қайтолмаслиги мумкин. Мен эса буни истамайман. Даҳлиздга наивбатчи ҳамишира

столга бошини күйгөнча ухлаб ётарди. У ердан үтиб, Азаматжон ётган бўлмага кирдик. Ёеморнинг ётиши ўша ахвол. Болатой ҳар хил найу, томчи дорилар улаб ташланган танасини куриб. саросимага тушиб колди.

— Кирмайман бу танага! Оғрийди! — жанжал кила кетди у.

— Оғримайди-е! Сира оғримайди. Ўйғонганингда тупла-тузук бўласан. Ўғил боласан-ку. тоҷочо! Ҳеч нимадан кўркмайдиган ботир боласан-ку. ўзинг!

Боланинг латиф танаси ўзи ётган каравот ёнига келди. Менга ўқпинч билан караб кўйди. Гўё энди учрашолмаймиз-ку. дегандай.

— Кўришиб турамиз, тоҷофим...

Шу сўзлардан кейин у дадилланди.

Латиф тана хираланиб, бемор танасига сингди. Шунда Азаматжоннинг кўзлари пирпираб кетди. У кўзларини очди. Аммо бурнида ғафас олдиргич бўлгани боис ганиролмади.

— Ойи, ойи... кетмалиг! — унинг фикрларини үқиб олдим мен. Унинг ўзига келганидан хурсанд, ҳамширані хонага киришга чорладим. Унинг ухлаётгани менга кўл келди. Бу ҳолатда мен у билан бемалол гаплаша оламан.

— 4-палатадаги бола ўзига келди, ундан хабар олинг! — дедим.

Кўп үтмай чопа-чоп бошланди. Навбатчи шифокору ҳамширалар Азаматжоннинг бўлмасига кириб кетишди. Мен эса болажоним билан хайрлашиб, кабристон сарн учдим.

УЗВИЙЛИК

Инсон зотига мансуб одамлар бирбирига ухшамайдилар. Уларнинг ўхшани томони бинта. Уҳам бўлса, барчаниша тировард мақсади — мукаммалик.

Иоганн Готтлиб Фихте

Бу уй гарчи кўримсиз, камбағалбоп эса-да, жуда шинам кўринади. Пастаккина, деворлари окланган, ўртага хонтахта кўйилиб, ораста кўрпаҷалар тўшалган. Хона тўридаги жавон китоблар билан тўла. Шу боис хонадан китоб иси келади. Эътибор килганмисиз, унинг ҳам ўзига хос ифори бор, тафаккур.

денишмандлик иси десак түғри бўлар балки. Бизгача асрлар тажрибаси-ю, ҳакикатини ошкор этган китоблар десангиз-чи! Йиллар ўтиб, оддий китоб ҳам фалсафага айланади. Ҳа, хонанинг ўзгача бир шукухи бор. Шогирдлар ҳам бу хонага ийманибгина киришади. Ибодат маҳали эса улар ҳатто эшик ҳам очишмайди. Чунки кори шогирдларига «Ибодат пардали» деб ўргатган. Шогирдлари билан ҳамсухбат бўлганида оддий ва ҳазилкаш куринган устоз ибодат маҳали бошқа одамга айланади, гўё. Шунда шогирдлар агар унуган бўлишса, унинг чин олами каер эканини яхши тушуниб олишади.

Рамазон ҳайити арафасида устоз шогирдлари билан Тошкандга тушди. Ҳайит намозини Тилла шайх масжидида ўқишини ният килгандилар. Шу куни масжидга роса мухбир ёғилган экан. Корининг чиройли сўзлашиге маҳлиё бўлиб, бир-иккита мухбир йигит ул зот билан сухбат кургани ошиқдилар.

Мустақилликнинг дастлабки Йиллари. Ватан ҳакида савол бериш урф бўлган даврлар. Мухбир йигитлар албатта сухбат асносида бу мавзуни четлаб ўтишолмади. Шунда кори:

— Мен ҳам Ватанимни севаман, — деди-ю, осмонга ишора килди. Ўшанда йигитчалар мулзам бўлиб колишганди.

Икромжон устози айтган малҳамни тайёрлаб, ичкари кирди. Бу пайтда Нуруллоҳ кори Куръон мутолаа қиласарди. У ўқишдан тўхтамади. Йигитча ҳам малҳамни хонтахта устига кўйиб, кўрпача четига омонатгина ўтирди. Унинг ҳам унча-бунчага акли етадиган бўлиб қолган. Аммо корининг тайсаллаётгани уни ҳайронликда колдирди. Ахир бемор жон таслим қилса-чи, кечикишса нима бўлади? Шогирд йигит бунга жавоб тополмас, корининг беморга нисбатан локайдилиги уни карахт килаётганди. Нуруллоҳ кори йигитнинг иштибохини сезиб, кулимсираб кўйди. Биргина шу имодан у ҳамма нарсани тушуниб олди. Ахир ҳазратга кўл нарса аён-ку!

— Келажакни қандай кўрасиз? Ўтмишни билиш мумкиндири, аммо келажак факт Оллоҳга аёп...

— Ботинимизда Оллоҳ муҳри борлигини унугманг!

— Уни ҳамма ҳам ўқиёлмайди-да!

— Анави ҳужрани кўяпсизми? — Ҳовли оёғидаги ўтинмиди, кўмирмиди, иш яроғлари турадиган учага инпора килди. — Сиз ўша ерга кириб, «кўриш»ни ўрганинг:

– Кўришни? У ер коп-коронги-ку!

– Коронги зулматда кўрмокликни, суқунатда эшигмокликни ўрганинг, деган машойиҳлар. Фикрингизни чалғитувчи ёруғлик бўлмаса, сиз ботинга саёҳат киласиз. Ботинингизнинг тили рамзий шаклларда намоён бўлади. Сиз ҳужрага киринг-да. суқунатга кулоқ тутинг, у сизга неларни ошкор этаркин...

Шогирд бир сўз демай ўрнидан кўзгалди. Зотан, бу ҳам бир имтихон каби эди.

Ҳужрага кириб, гарчи қоронги бўлса-да, кўзларини юмди. Аввалига ҳеч нима кўринмади. Аммо дунё ўйғунлигини, онийликни ҳис килди. Каердадир тоғ ёнбағрида трактор гариллади. Қушлар чиркиллашди, хўroz қичкирди. Воқелик товушларга жо булиб, тафаккуринга сингди. Ҳа, товушлар ҳам уни чалғитаётганди. Ботинга саёҳат қилиш шунчалик кийинимикин? Бир дам кўз ўнгига барглари сарғайган азим дарахт зоҳир бўлди. Шамол туриб, дарахтнинг барглари тўқилиб тушди. шоҳларда бир нечта барггина илиниб колди. У хаёлан шоҳдан узилган баргларни ортига қайтаришга, дарахт баргларини бутлашга уринди. Лекин барглар барибир тўқилиб тушаверди. Шу боис ўрнидан туриб уй томон йўналди.

– Нималарни кўрдингиз? – шогирдига синчков караб сўради ҳазрат.

– Бир азим дарахтнинг япроклари тўқилиб тушди. Мен япрокларни ортига қайтаришга қанчалик уринмай, буни уҳдалолмадим.

– Албатта, уҳдалолмайсиз. Ҳазон бўлган умрни тиклаб бўлмайди, бўтам. Дарахт устида қанча барг колди?

– Уч-тўрт япроқ бўлса бордири, аниғини билолмадим...

– Бу беморнинг колган умри бўлади. Тўққизта барг – тўққиз кун демак!

Шогирд ялт этиб устозига каради. Унга ҳаваси ортди. Устози буларни аллақачон билиб бўлган, бу ерга келган киз билан кўришгандаёқ.

– Ҳазрат, факат бир нарсага тушунолмадим... Билишимча, bemor ёшгина аёл, нечун дарахт бу қадар азим эди. япроклари ҳам катта?

– Бу ўша аёлнинг ҳаётдан эрта кетаётганидан дарак. У ҳисстуйғуга бериллиб, умрини жувормарг килибди. У ана шундай

азим дарахт бўлиши мумкин эди. Япрокнинг катталиги эса умр мазмуни. Кам яшаган бўлса ҳам ҳаётини мазмунли ўтказибди. Аммо... бу дунёла хеч нимага суюниб бўлмайди. Сарзаминда боқий таянч йўқ. Боқий ҳолат ҳам. Ҳар қандай ҳолат ўткинчи. Зеро, хурсандчилик ғам-ташибиши билан, омад омадсизлик билан, баҳт баҳтсизлик билан алмашаверади. Шундай экан, факат сабргагина суюнинг! Мўмин-мусулмон сабрли бўлади. Эҳтиросни деб умрни ҳазон этмоқлик нодонликдир. Аммо бемор аёл эканлигини унутмаслигимиз керак. Үндаги юрак – юрак эмас, муҳаббат булогидир. Она бўлолмаган қалба меҳр кайнайди-ю, каерга тошишни билмай, ҳужайра-ю томирларга сингади. Бу курдат танани ҳалок этади. Ана шунака, бўтам. Бу дунёнинг конуниятлари шафқатсиз эмас. Факат бу конуниятлар уни билмаганларгагина озор етказади. Ўзлигини билган одам ўз табиатини ўша конуниятларга мослаштира билади. Зотан, инсонга шу ниятда заковат берилгандир. Заковат бизни пўртана-ю, довуллардан кутқарувчи ҳалоскоримиз. Жавобдан қоникдингизми?

Муллавачча кулиб бош силкиди.

– Сизнинг ютуқларингиз мени қувонтиради. Ҳар қалай аёлнинг умр шоми етганини, умридан қанча қолганини била олдингиз. Факат ботин тилини ўқиётганда зийракроқ бўлинг.

Нуруллоҳ қори отлана бошлади. Аслида у камдан-кам кўчага чиқарди. Шу хонада яъка ўзи китобларга кўмилиб ўтираверарди. Намоз ўқир, кейин эса тиловат қилишга киришарди. Аввал бошда Икромжон буни куриб, юраклари сиқилиб кетарди. «Зерикиб кетмасмикин?» – деб ўйларди у. Қори эса, аксинча, ҳамиша хуш кайфиятда буларди. Унда ҳаётга меҳр минг чандон зиёда эди. Хуллас, у шаҳарга кам чиқарди. Автобусларда юришни ҳам ёктирасди. Шу боис Икромжон доим енгил машина ахтариб қоларди.

Зиёуддин исмли қўшни йигит топармон-тутармон бўлиб, яқинда эски машинасини сотиб, янги «Нексия» олган, кори домлани ниҳоятда ҳурмат қилгани бопс, «хизмат бўлса, айтинглар», дерди қўлини кўксига кўйиб.

– Сиз билан сұхбатлашишини яхши кўраман-да, таксир, – дерди у. – Кўнглимнинг ғашлиги дарров ёзилади. Баъзида гуноҳ билан савобнинг фарқига бормай қоламиз. Сиз эса ҳаммасини жой-жойнга кўйиб кўясиш. Бойликка, дунёвий ишларга ҳаддан

зийд бериллиб кетмаяпмизми, деб ўйлаб қоламай баъзан. Бу ҳам бир занжир эканки, бир ҳалқага иккинчиси уланиб, чикиб кетолмас экансиз. Айтинг-чи, бойлик ортириш гуноҳми?

– Эшигтан бўлсангиз, Зиёуддинхон, бир ҳикмат бор. Бой кўп бўлса, камбағалга қайишади. Камбағал кўп бўлса, ким-кимга қайишади, дейишган. Сизнинг агар ҳалқка ёрдамингиз теса, катта савоб бу! Бир куни Жаноби Пайғамбардан (саллаоҳу ъалайҳи вассаллам) сўрабдилар: «Сизнингча, мусулмонлар ичиди энг яхшиси ким?». Пайғамбаримиз шунда элга фойдаси тегадигани, деб жавоб берган эканлар. Зиёуддинхон, яна шуни ёдда тутингки, яхши фарзанд ўстирган, яхши шогирдлар етиширигган инсоннинг ҳам умри беҳуда кетмаган бўлади. Чунки яхши фарзанднинг ҳам, шогирдларнинг ҳам элга фойдаси бисёр! ҳадисда шундай дейилган. Зеро, ҳадис бу – Ҳаёт китоби, ҳаёт сабоги.

Қори домла зум ўтмай кийиниб чиқди. Бошида кўк духоба дўпни, костюм-шим, ичидан оппок охорли кўйлак кийиб олганди. Аввалига қори домланинг бу қадар ғалати, яъни замонавий кийинишидан ҳамкишлоклар таажҷубланишди. Кейин кўниги кетдилар. Бу борада бир-якки қизиқувчан кишилар унга савол ҳам бердилар.

– Домла, нечун бошқалар сингари исломий либос киймайсиз?

– Либос бу бир безак, холос. Қори домлалар кияётган либосларни исломий деб ким айтади? Зеро, илгариги замонда ҳамма шундай кийинган. Менимча, либос об-ҳавога ва замонга мос бўлиши керак. Гап бунда ҳам эмас. Мен учун либоснинг аҳамияти йўқ, борини кияман, холос. Исломий бўламан, деб алоҳида кийим тикиргани вакт кайда. Асосийси, иймон либоснинг бўлсин. Ана у либосга эришиш мутқул. Афсус, уни кўз-кўз ҳам қилолмайсиз-да! Уни кимгадир буюртириб, тикириб ҳам бўлмайди. Яна ҳам Оллоҳ билгувчидир. Бир чеккаси Оллоҳга садоқатини ифода этиши ниятида саришта ва сипо кийиниш ҳам маъкул гап. Факат бир нарса хато – мен шунакаман, дея кибрга берилиш. Зеро, либос бунга сабабчи бўлиб колмаслиги лозим. Шуни ёдда тутсангиз бўлди.

Чиндан ҳам кори домла ҳеч қачон «мен ундейман, мен бундайман!» деган эмас. Гарчи оддий кийимда бўлса ҳам, эл-улус доим иззат-икром киларди уни. Мана шу кийимида ҳам ҳилмлиги намоён шундок. Бошқалардай сочини кирдириб, узун сокол ҳам кўймаган. Мўйлаби бор, холос. Унинг бўлакчалигини ана шу

кўзлари-ю, хилмлиги, донолиги ажратиб туради.

Ҳаммалари Зиёуддиннинг машинасида йўлга тушишди. Юз-икки юз кишига бошчилик қиладиган ишбилармон, шу салобатли йигит ҳам кори домланинг олдида ёш боладай бўлиб колади. Ножӯя гапириб кўйишдан чўчигандай, саволни ҳам ийманиб-ийманиб сўрайди. Икромжон бу ҳакда устозига айтиб эди, у кулимсираб:

– Зиёуддинхон иймонли йигит. Иймон кишини камтар, андишали килиб кўяди. Оллоҳ бундай бандаларини сужди ва ёрлақайди, – деганди.

Хозир ҳам ўрганган суралари, арабча ҳарфларнинг ўкилиши ҳакида саволлар беряпти. Аммо кори домланинг сўзлашишга хуши йўклиги кўриниб турарди. У атроф далаларни қузатганча ўйга чўмиб кетарди. Қора кўзларида эса бир маъно мухрланган: дунё ўткинчи! Албатта, дунё ўткинчи деб, зоҳидликни ихтиёр айлаш ярамайди. Факат инсон ҳою ҳавасга беришганда, шуни эслаб кўйса бас. Бинобарин, Нуруллоҳ корининг маъюслиги бундан эмасди.

– Аёлнинг касали оғир эканми? – туйкус сўради Зиёуддин.

– Ёши нечада экан?

– 35 ларда!

– Шўрлик ёш экан-да!

– Ўз жонига жабр кипти! Туғмаган жувон экан. Қайнота-қайнона ўғилларини ажратиб, бошкасига уйлашибди. Шунга куйиб, бедаво дардга йўликиби. Бир нимага каттиқ куюниш бехосият бўлади, Зиёуддинхон. Оллоҳнинг кахри келади. Фарзандга ҳам ортиқ меҳр бериш яхши эмас. Зеро, Оллоҳ учун ўлигимиз хайрлимн. тиригимизми, буни факат Угина билади. Кимнингдир ўлими бошқалар учун сабок-синов бўлади. Ўша қайнота-қайнона учун ҳам, бўш-баёв эр учун ҳам. Улар бир инсон тақдирини ҳал килишаётганини англамаганлар. уни кераксиз матоҳдай итқитишган. Ана энди Оллоҳ олдида жавоб берншади. Бу дунёда кеч ким факат ўзинигина ўйлай олмайди. Чунки унинг тақдирни бошқаларники билан занжирбанд этишган. Халқани узиб ташламоқчи бўлсангиз, табиийки, ўзингизни ҳам кўшилиб узилади. Бошкача килиб айтганда, кайтар дунё шу бўлади. Биз ўз хатти-харакатимизда эркинмиз, гўё дарё эркин окканидай. Аммо унинг харакати чекланган, ўзанидан чикиб кетолмайди. Маболо шундай бўлса, канча галафот келтиради у. Одамлар эса унл

жазолаб, ўзанларни, түғонларни яна ҳам мустаҳкамлайдилар. Бу билан у ўзига ўзи зиён килади, холос. Анави ота-она ҳам шунинг ҳолатидалар. Ўзани бузганлари билан жазодан кутулиб кололмайдилар. Баттарроғига учрашади. Ҳатто ўша ўғилларидан коладиган зурриёд ҳам кўзларига кўринмай колади. Магар улар мусулмон бўлганларидами, Оллоҳнинг конунларидан хабардор бўлганларидами, бир кун келиб, юзлари ёруғ бўларди охир. Э, нодон, одамлар-а!

Машина муюлишга етиб такка тўхтади. Чунки кўча бошида каттагина юқ машинаси йўлни тўсиб кўйган, ҳамма унинг шофёрига ўлағайлар. шофёр эса ноилож елка қисишдан нарига ўтмасди.

Айнан шу ерда йўл четида азим бир чинор ўсган, сал нарироқда эса унча катта бўлмаган чойхона ҳам бор эди.

– Доим шу чинор олдида бир кориҳол рўй беради, – норози оҳангда деди Зиёуддин. Кейин эшикни очиб пастга тушди. – Билиб келайчи, нима гап экан.

Кўп ўтмай кори домла ҳам машинадан тушди. Чинорни чамалаб борди-да, бироз туриб колди.

– Машинани итармаса бўлмайди, – деди у боядан бери капотни очиб, терлаб-пишиб, уни кавлаштираётган йигитларга. – Машина бузилмаган. Сал итарсанглар ўзи юриб кетади.

Аввалига йигитлар унинг сўзларини писанд килишмади. Бесамар ишни давом эттираверишиди.

– Йигит, – унга юзланди кори домла. – Бир ой илгари ҳам шу ерда тўхтаб элингиз. Машинангизни шатакка олишган экан-ку!

Шофёр бошини кўтариб, капот ортидан домлага каради. Ҳайронликдан лаблари сўлжайиб колди.

– Қаердан билдингиз? Сиз ҳам бормидингиз ўшанда?

– Доим чинорга такаб юаркансиз. Йўл тор, машинангиз эса баҳайбат. Шу ерга келганда мотори гўлдираб ўчиб колади. Нега бунака бўлади, деб ўйламагансиз ҳам. Ўтган сафар умуман рулни буриб юборгансиз.

Шофёр яна ҳайрон.

– Моторнинг ўчиши рост, – деди у гудраниб. Шофёр етти ётбегона одам унинг машинасида ўтиргандай, ҳамма воқеани аник тавсифлаётганидан саросимага тушиб қолди. Аммо кори домла унга сир бой бермай сўзида давом этди.

— Бу ерда ахир сағана бор-ку! Чинор тагига бир авлиё кўмилган экан.

Буни эшитиб, ҳамма жиҳм бўлиб колди.

— Брatan. сиз шу ерлнкмисиз? — корининг сўзларига ишон-кирамай сўради гудайған шофёр йигит.

Домла кулимсиради. Бу пайтда Икромжон ҳам машинадан тушган, устозига бир корҳол бўлмасин деб, дарров бунда ҳозир бўлганди.

— Бу ерлик эмасман, лекин биламан! — деди домла йигитнинг бетакаллуфлигига эътибор килмай.

— Икромжон, болам, чойхонада ўтирган кексалардан сўрангчи, сағана бўлганмикин?!

Йигитлар замонавий кийинган, кўринишидан на чолга ва на йигитга ўхшайдиган бу ғалати одамга савол назари билан қараб туришарди. Шунда Зиёуддин йигитларнинг қулоғига бир нима деб шилпшизи. Улар домлага яна ҳайратланиб карашди-ю, машинани итаришга чоғландилар. Айтидан. Зиёуддин уларга бу кишининг азайимхон, кори домла эканини айтгандир. Чиндан ҳам домланинг гаплари тўғри чикди. Машинани сал силжитишганди, мотори ишлаб кетди.

Бу пайтда Икромжон ҳам етиб келди. Аммо унинг билиб келганлари ҳеч кимни кизиктирмади.

Ҳамма машинасига ўтириб кетиб юборди. Факат юк машинасинг шофёригина Икромжонга юзланди.

— Ҳа, сағана бўлган эканми? — сўради у жиддий. — Шу ерга келганда хит бўлиб кетаман-а! Доим бир ишқал чиқади. Сағана бўлса, ажратиб қўйишмайдими-а? — асабий оҳангда деди шофёр.

— Бўлган экан! — унинг сўзларини тасдиклади йигит. — Кексалар йўл тушгани боис сағана кишлок кабристонига кўчирилган, дейишияпти. Лекин шунга қарамай, доим шу ерда авария бўлармиш...

— Э, букинни гўр тузатади, дейишиган, — деди Нуриллоҳ кори хафа бўлиб. — Шўролар даврида хўб бемаъни ишлар бўлган. Сағанани ҳам кўчирадими? Ана окибат. Икромжон, айтинг уларга, чинор остига белги килиб қўйишсан. Шояд фалокатлар камайса! Атрофини ўраб, гул экиб қўйишса яна ҳам яхши. Куръон ўкиб туриш керак.

Учовлон чинор остига чўккалашди. Кори ломла тиловат

кила бошлади. Унинг овози мусиқадаї янграр, Куръон оятларидаги илоҳийлик вужуд-вужудга сингар, этларни жимирлатиб юборарди. Домланинг тиловати титрок қалбларга кўчиб, атрофга одам йиғилди. Жума намозидаги каби атроф сукунаттга чўмди-ю, факат бутун маҳобати ила тиловат янграй кетди. У макон ва замон чегараларини бузиб, одамларга охиратдан хабар берди, қалб пардаларини ланго-ланг очиб, хонага мусаффо ҳаво киргани янглиғ, чехраларни нурафшон айлади. Тиловатни сармаст тинглаган қариялар дуога кўл очдилар. Кейин домлани алқаб, у билан кўшкўллашиб кўришдилар. Юқ машинаси шофёри эса унга тикилганча анграйиб колди. Умрида бу қадар такводор одамни кўрмаганди шекилли. Кексалар қори домланинг сұхбатидан баҳраманд бўлиб турган бир пайтда шофёр Икромжонни имлаб чакириди:

– Бу одам авлиёми, дейман, – деди у кўзлари каттариб.

Икромжон индамади. «Шунга ўхашаш...» дегандай кулим-сирауб кўя колди.

– Сиз ўғилларимисиз? – сўради у яна.

– Шогирдлариман, – камтарона деди у.

Шофёр яна ҳам ҳайрон колди.

– Оиласи борми бу одамнинг?

– У кишининг оиласи – биз. Биз сингари шогирдлари кўп.

– Оила ҳам қилмаганми? Вой, бечора-ей... – унга ачинган бўлди шофёр.

Икромжон эса буни эшлиб, кулиб юборай деди.

Йўл бўйи сұхбатга ҳам мавзу топилди. Авлиёлар сағанаси ҳакида сўзлашиб кетишиди. Манзилга етиб келгач, Зиёуддин уларни колдириб, ўз юмушлари билан кетди ва бир соатлардан кейин уларни ола кетишини тайинлади.

Икромжон ҳам яқин ўртадаги масjidга киришини айтиб хайрлашди.

Оила аъзолари қори домлани илиқ кутиб олишди.

Она ҳам, ота ҳам изтиробда. Аёл дастрўмолини лабига босиб йиғлаб олди. Ота бошини ҳам қилганча чукур хўрсинди.

– Наргиза! Чой-пой обке! – буюрди Карим ака.

Оиланинг кичиги чаккон-чаккон юриб дастурхон тузади. Афтидан, келди-кетди кўп бўлгани учун бунака юмушларга кўнигиб кетган чоги.

— Күёвимиз нобоп чикди, — деди у маъюс. — Ўшани деб шу дардга чалиниб ўтириби.

— Ундей деманг, отахон. Энди буни тақдир дейдилар. Кимнинг нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Оллоҳ ишини ўнгласа ажаб эмас...

Озода ая шу ерга келганда барадла йиглаб юборди. Чунки буни, неча ойлардан бери интиқ бўлиб кутиб ётган ўша нажоткор сўзларни — оддий одам эмас, салкам авлиё деб донг таратган кори ломла айттаётганди. Чўкаётган хасга ёпишади, деганларидаи ая унинг қўлларидан ўпид, чўкка тушиб тиланишга ҳам тайёр эди.

Нуруллох кори буни бир карашда илғаб олди-да, бироз хижолат чекди. Суз амалнинг сояси, дейдилар. Хонадон эгалари ундан мўъжиза кутишяпти шекилли.

— Оллоҳнинг иродасисиз қўлга тикан ҳам кирмайди, дейдилар. Вакти қазоси етган одам, бир кун ҳам ортиқ яшолмайди. Мабодо ажали етмаган бўлса, кабрдан ҳам қайтганлар бор. Мен беморни бир кўрайин... — дея ўрнидан кузғалди у.

Шинамгина ёруғ хона. Беморнинг бош томонига қўйилган жавон дори-дармонга, шиша-ю қутичаларга тўлиб кетган. Жувоннинг тўғрисига телевизор қўйилган. Нуруллох кори хонага кириши билан bemorga қараётган қизни дарров таниди. Ўша куни хузурига келган шаддодгина киз шу эди-да!

Барно домлага стул келтирди. У bemор аёл билан енгилгина саломлашди. «Чиндан ҳам лобар экан, — хаёлидан ўтказди домла. — Яратганинг мўъжизаси. У бундайларни ўзи учун яратади, дейдилар». Бемор анча вазмин, хотиржам кўринарни. Хотиржам эмас, локайд деса тўғрирок бўлар. Бир нима деб, уни ҳайрон колдириш, сўзларига инонтириш мушкул. У обдон уқубат чекиб бўлган, бу ёғига энди курашмок учун унда на бир илтиж, на бир истак колганди. Таассуфки, у касалга енгилиб қўйганди. Энг ёмони шу. Бундай bemorga на сўз, на дори-дармон кор киплати.

— Умрдан бир кун қолган бўлсаям умид билан яшамок керак. — деди у жилмайиб. — Бунда кўл ҳикмат бор, кизим. Сиздаги умид ота-онангизга, сингилларингизга ҳаёт бағишлашини биларминдингиз? Болаликдаги мушукчангизни эсланг. Уни даволай турраб, ўзингиз ҳам ўлиб тирилгандингиз. У-ку, бир мушукча эди, сиз эса фарзанди аржумандсиз...

Буларни эшитиб, Раъно «Ота-онам домлага болаликтаги

ғалати одатларимни эринмай айтиб беришибди-да!» деб ўлади. Бундан норозиланди, лекин билдирмади. Нуруллох қорига эса буларни гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди.

Чинданам мушукчалар билан бир нохуш ҳодиса рўй берганди. Она мушук ўлиб, болалари етим қолган, онасини излаб «миёв»лаб чиқкан мушукчаларни болалар топиб олиб, роса кийнашган, охир-окибат, уларни симга тортиб осмокчи бўлиб тургандаридан Раъно келиб қолганди. Болаларнинг қулокларидан чўзиб, ҳаммасини тум-тарақай қилганди ўшанда. Ахир, жоҳиллик жониворларни кийнашдан бошланади-ку! Раъно уларни бир ҳафта парваришлаб, аранг оёкка кўйди. Шуларни деб бир тупканинг тагига, азза-базза эчки сути учун борарди. Уларни катта килиб, кўни-кўшни, кариндош-уруғларга улашиб юборди. Касал эчки боласини боккани-чи?! Ёдида, бир куни буваси унга ширингина улокча олиб берди. Онасидан эрта айрилгани боис жонивор тезда касалланиб қолди. Дадаси сўйиб юбормоқчи эди, Раъно «Сўйманг!» деб роса тавалло қилди. Карим aka ҳам кизининг кўнглига қаради. Аммо орадан бир кун ўтиб, улоқчанинг аҳволи яна ҳам оғирлашди. У ҳеч нима емас, маърамас, факат ётарди. Ўшанда улоқчасининг аҳволини айтиб ҳар соатда онасининг ишхонасига сим кокарди. Охири улоқчасининг ўлганини ҳам телефонда айтиб, роса йиглади. Бола экан, ўшанда улоқчасига икки ҳафта аза туттанди ўзиям. Жониворларни суйгани учун у ветеринарликни танлади. Институт тажриба хонасида амалиёт дарслари учун каламуш, қуёну сичконлар бокиларди. Талабалик йиллари Раъно шу ерга ишга кириб олганди. У эса каламушларини ҳам суюр, ҳар бирининг хулқ-атворини ўрганган, уларни соатлаб томоша қилиб чарчамасди. У жониворларни аъло парваришлар, аммо... тажриба ўтказиш учун ундан куён ёки каламуш сўраб олиш жуда мушкул кечарди. Ёмон томони, синов учун бериладиган дориларни яшириб кўя коларди. Ёш экан, содда экан, бир кун келиб ишим ошкор бўлади, деб ҳам ўйламабди. Ахийри тажрибахонадан уни бўшатиб кутилишди. Шунга қарамай, ундан яхши ветеринар чиқди. Энг аламзода кучук ҳам, ер депсинган бука ҳам унинг олдида ювош тортиб коларди. Бахтиёр акаси билан доим маслаҳатлашиб иш киларди. «Сен жониворларнинг ҳам гилини тушунасан», дерди у хотиннiga ҳавас килиб. Мана энди ҳаммаси ўтиб кетди. Унга энди ҳеч ким

ёрдам беролмайды. Ҳатто манави авлиёсифат одам ҳам. Аммо кори домланинг қироат билан тиловат килаётганини эшишиб бўшашди. Ёсин суралари ёқимли оҳанг мисол борлиғини жимирлатиб, уни ўз огушига ола бошлиди ва охир-оқибат уни забт этди. Албатта, Раъно илгари ҳам казо-казо домлалар килган тиловатни эшифтган, лекин бунчалик дилига тушмаганди, бунчалик ҳаловат топмаганди. У бир муддат бутун дунёни унугти, Раъно учун икки дунё бир қадам бўлиб колди. Қанийди тинмасайди бу овоз, қанийди доим шундай хузур туйсайди қалби. Афсус, тиловат тугади. Нуруллоҳ кори жилмайғанча беморга кўз ташлади. Унинг руҳияти кўтарилганини кўриб, каноатланди.

— Фаришталарига раво кўрмаган муҳаббатни худойим инсонларга ато этган. Дунёвий ошиқликни тотимай туриб, ишқи илоҳий таъмини қаердан ҳам билардик. Оллоҳ сизга катта баҳт ато этибдики, дилингиз ўшандай муҳаббатни туйибди. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Сиз жуфтингиз билан албатта топишгайсиз, тоабад бирга бўлгайсиз! Чунки худои таоло сизларни бир-бирингиз учун яратибди. Илоҳийдан берилган баҳтни бандаси бузиб юборолмас ҳаргиз. Бу ҳолат ўткинчи! Сизни жуфти ҳалолингиздан вақтгина ажратиб турибди, ишонинг. Бир кун келиб, шу сўзларни эсларсиз, кизим. Омон бўлинг!

Кори домла муҳаббат ҳакида гапираётганида Раъно тўлиқиб кетиб, дастрўмолини юзига бости. Домла хонадан чикқанида ҳам бемор ўша алпоз ётарди.

Кори домла дахлизга чиқиши билан яна ўша умидли кўзларга нишон бўлди. Уларга нима дейди?

Алдасинми ёки ростини айтиб, шундок ҳам куйиб ётган юракларни чилпарчин қилсинми, нима қилсин? Бундай мушкулотга илк марта дуч келаётгани йўқ-ку-я, лекин... барибир кийин. Тийрон кўзларга тик караб, ҳукмни айтиш азоб. Шу боис инсон тақдирни ўз сохибидан ниҳон килинган. Эртасига, келажакка ишониб яшасин, дея умр интихоси парда ортига яширилгандир балки.

Ўша пардани кўтаришга унинг ҳаки бормикан? Умуман, уни ҳак деб ким айтади. Оллоҳнинг мўъжизасига ишонмоқ керак.

— Ноумидлик шайтондан! — деди у кизнинг ота-онасига караб.
— Ҳар не бўлганда ҳам умидингизни сўндирамнг.

Кейин уларга ушбу ривоятни хикоя килиб берди.

— Бир йигитнинг умридан атиги бир кун колган экан. Ҳас-

та, устига-устак, жуда камбағал бўлган бу йигит пайғамбарни йўқлатибди. «Бир илинжим бор. Бу дунёдан армонда кетмайни, – дебди у пайғамбаримизга. – Уйланмокчиман!» Пайғамбар Мұхаммад саллаллоҳу ъалайҳи вассаллам саҳобалари билан маслаҳатлашиб йигитни бир ночор кизга уйлантиришибди. Уларнинг ейишга ҳатто овқати ҳам йўқ экан. Шу боис, пайғамбаримиз ўзларига келтирилган неъматларни шу ёш келин-куёвга бердириб юборибдилар. Ёш рафиқлар ундан беҳад шод бўлиб, энди овқатланай, деб турсалар, эшик тақиллаб колибди. Очиб карасалар, остоңада жулдур кийинган бир чол турғанимиш. «Бугун егулик олиб бормасам, болаларим очдан ўлади. Бир бурда нон бўлса ҳам беринглар», деда ёлворибди у. Келин-куёв пайғамбар юборган неъматларни қандок бўлса, ўшандайлигича ўраб, карияга бериб юборишибди.

Орадан бир кун ўтиб пайғамбаримиз ҳалиги йигитни эслабдилар. «Шўрлик бандаликни ҳам бажо келтиргандир. Бориб бир хабар олиш керак», дебдилар.

Келиб карасалар, келин ўйнаб-кулиб хизмат қилиб юрганимиш, йигит эса соғая бошлаганмиш. Бу ҳолатдан ҳайрон бўлиб, Жабройил ъалайҳиссаломдан: «Бу не синоат?» деб сўрабдилар. Шунда ул зот йигитнинг бир бечорага қилган яхшилиги учун Оллоҳ унга умр кўшиб берганини айтибдилар.

Ривоят мухтасар бўлгач, Нуруллоҳ кори қизнинг ота-онасига юзланди:

– Ажаб эмас, кайси бир амалингиз ёкиб, худойим қизнинг умрига умр кўшиб берса... – кейин қори домла бироз тайсалланиб тургач, деди: – Беморнинг истаги вожиб. уни кўп кийнаманглар! – шундай деда у куёвлари билан бўлаётган можароларга ишора қилганди. Буни эшитиб, эр-хотин бош эгиши.

Куп ўтмай Зиёуддин ҳам келди. Нуруллоҳ кори улар билан ҳайр-хўшлашиб, манзилига йўл олди. Бемор жувон эса кўзлари жилваланиб, олам-жаҳон орзулари билан қолди. Наҳотки, кори домланинг сўзлари рост бўлса?! Қанийди...

Йўлда кегаётиб Зиёуддин кори домлага юзланди:

– Беморнинг аҳволи қалай? Умид бор эканми?

Кори домла ўйга толди. Зоро, у бутунлай бошқа нарсалар сакила ўйлаётганди.

Унид ҳамиша бор, – деди у ўйчан. – Ёш экан, армони кўп.

Бу дунёдан умидини узолмай ётибди. Күнлардан бир күн кайси бир билим юртида ўқийдиган қыздар дугоналари оғир ақвозда ётганини айтиб келиб қолишиді. Онасін шылдига ўлыб кетган, отаси бошқа аёлга уйланиб, уни етимхонага топшириб юборган экан. Борсам, ўн саккыз яшар гулдай қызы жон талашшыб ётибди. Оқкон касалига чалинган, бир йилядан бери даволаниб тузалмабди. Уни күриб хайрон қолғандым ўшанда. Тана аъзолары ишламаётганди. Факат юраги базур уриб турибди. Кон босым ҳам жуда паст. Аранг нафас оляпти. Мантикан у ўлыб бўлган, кайси бир илинж, жон таслим қилишга кўймаяпти-да! Жуда кийналиб кетибди шўрлик. Атрофини фаришталар ўраб олишибди. Қаҳратон киш, совук. Акс ҳол – киш ҳам каттиқ келганди ўша йили.

Ёсинни ўқиб бўлгач: «Нима тилагингиз бор?» – дедим муло-йимлик билан. – Уялмай айтаверинг, қизим. Бирон ниша егингиз келяптими? Ёки кимнидир кўрмокчиридисиз?!» «Таксир. – деди у базур. Бу орада йўтали тутиб аранг ўзига келди. – Памилдори егим келяпти, кип-қизил!» деди у. Пул берниб, дугоналарини памилдорилар бор. Истаганингизча еяверасиз!» тушунтирдим унга. Бу сўзлардан қизнинг кўзларин яраклаб очилиб кетди. «У ерда памилдорилар кўп, денг... » У тамшанди. Кейин тепасида турган фаришталарни кўраётгандай: «Ана, ана улар. Памилдори олиб келишапти. Ойи, ойижон! – деди ютоқиб нафас оларкан. – Памилдорилар кип-қизил!» деди у менга қараб. Мен сергакландим. «Калима кайтаринг-да, биттасини олиб енг... Ла илаҳа иллаллоҳ, – дедим мен. Қиз менга қўшилиб калима кайтарди. – Мұхаммадун расуллурроҳ... »

Кейин тепасида турган фаришталарга караб жилмайди. Та-бассум килаётib, бир «уф» деди-ю, жон чикарди. Фаришталар куршовида жанинат меваларига маҳлиё бўлганча кетди...

Дугоналари памилдори келтирганида у кайтиш қилиб бўлганди. Кўрдингизми, бу дунёдан кўнгил узолмай ётган экан. Армон шунақа нарса, у одам ўлгандан кейин ҳам рухни бу дунёга боғлаб кўяди. Шу боис ҳар кимга армонсиз кетиш насиб этсин экан.

– Аслида биз ўлмаймиз, – хотиржам сўзида давом этди кори.
– Ҳаётнинг бошқа шаклига ўтамиш, холос. Кўпчилик ўлимни «йўк бўлиб кетини» деб тушунгани учун ҳам ундан кўркади. У ҳунёдан

хеч ким қайтолмаган-ку! Нечун одамлар ўзлари билмайдиган нарсадан бу қадар кўркадилар? Охиратга ишонмок, фалакнинг ишоратларини англамок лозим.

— Одамлар ўлимдан факат йўқ бўлиб кетини деб кўркмайдилар. Улар номаълумликдан кўпроқ чўчишиади. У дунёда ўзларини нималар кутаётганини билмайдилар-да! Ўлим тирикликтининг якуни бўлгани учун ҳам одамни тушкунликка тушириб кўяди, — деди Зиёуддин.

Қори домла кулиб кўяди. Кейин оғир вазминлик билан бир ривоятни сўзлашга киришди.

— Хитой донишманди Чжуан-цзи бир куни Чу ўлкаси томон кетаётиб, йўлда бош чаногига дуч келади. У номаълум киши тақдиринга ачиниб бундай дейди: «Сени ким бу ахволга солди? Яшашга бўлган иштиёқингми ёки кундами? Балки ота-онанг, хотин, бола-чақангни шарманда этган ножӯя ишларинг ёки каҳратон кишу очлик азоби сени шу ахволга солгандир? — Чжуан-цзи сўзида давом этиб: — Хоҳлайсанми, мен Яратгандан сенга жон ва рух ато этиб, ота-онанг, хотин, бола-чақанг, дўсту ёрларинг бағрига кайтаришни илтижо киласман», дейди. Шунда бош чанок донишмандга истехзоли қарайди-да, бундай деб жавоб киласди: «Марҳумнинг тепасида хукмдори, қуйида эса хизматкори бўлмайди. Унинг учун вакт ҳам йўқ, замон ҳам. Фалак остида у мутлако эркин. Ҳатто бундайнин баҳт шоҳларга ҳам насиб этмаган. Демакки, шохона фароғатни инсоний азоб-уқубатларга алмаштиришни истамайман!»

— Ҳа, — деди кори домла маъноли кулиб. — Ўлим ким учундир азоб, ким учундир фароғатдир. Бунга фоний дунёда қилган яхши-ёмон амалларимиз сабабкор бўлади. Гўёки биз бу дунёга меҳмонга келганимиз. Меҳмондан иззат-икром билан қайтиш ҳар кишининг ўз қўлида. Бу дунёда тасодиф йўқ, Зиёуддинхон. Ҳар бир амалимизда ўзлигимиз намоён бўлади. Иймонли одам янглишмайди. Ўлимни ҳар он эсламок жоиз. Чунки у бизни эзгу ишлар қилишга чорлайди, бу дунёга нима учун келганимизни, мувакқат ҳолатимизни эслатиб кўяди. Бунинг ҳам ўзига яраша тарбиявий аҳамияти бор.

Улар кишлоқка шом қоронгисида кириб келдилар. Ҳаммалари жим колишган, азим тоғлару дов-дарахтларга ти-килганча ўйга толгандилар. Бугунги сұхбат Зиёуддин учун ҳам

сермазмун бўлди. Чинданам ҳадеб дунёвий ташвишларга берилавермай, охират ҳакида ҳам ўйлаб кўйиш керак. Баъзилар эса «Тирик эканмиз, ўлимнинг бизга дахли йўқ. Вафот этгач эса биз уни хис қилмаймиз», дейдилар. Бу дунёнинг борлигини идрок этган ҳолда у дунёнинг мавжудлигини мантикан исботлаш мумкин. Чунки агар охират бўлмаса, фано дунёси нега керак?! Бунда маъно йўқ. Зоро, бу дунёда ҳар нарсада, ҳар бир ҳаракатда илоҳий узвийлик мавжуд. Буни фақат акл эгаларигина ҳис эта оладилар.

КИСМАТ

*Ёмонлик жазосиз қолмайди.
Холбуки, бу иллатга эга булишининг
ўзиёқ – энг биринчи жазо.*

Бозций

*Бошингга қандай иш тушишини
ҳаммаси аввалдан тақдирингга
ёзиб қўйилсан. Зоро, чигал сабаблар
ибтидоданоқ сенинг мавжудлигини
шу шиларга боғлаб туради.*

Марк Аврелий Антоний

Бахтиёр Раъононинг ўша кунги гапларини ҳамон эслайди. Кўксига бошини кўйиб чунон йиғлагандики... Кейинчалик бу ахвол тушига киравериб, уни далли девона килди.

... Раъононинг ўзи йиғлаб, ўзи уни юпатгандари. Юзларига юзларини босиб, баҳтли бўлинг деганилари... Чидаб бўладими шунга, унтиб бўладими шуни! Ўртала фарзанд бўлганида-ку, Баҳтиёр икки дунёда ҳам Раъносини ташламасди, ожизгина вужудини кон какшатмасди. Таассуфки, ўшанда енгил ўйлаган экан...

Мана бошқасига уйланибдикি, ичини ит таталайди. Юрагини ёриб чиккан данакдай яра оғрийдики, бирам оғрийдики...

Уйингиздаги кераксиз матоҳни олиб чикиб ташлайсиз – кутуласиз. Аммо ўшанинг ҳам ўрни бўшаб колади. Кўнгил уйидаги инсонни-чи? Унн чиқариб ташлолмайсиз-ку! Буни исстаган тақдирингизда ҳам! У бармокка кирган наштар бўлсаки, олиб ташлаб кутулсангиз...

Томирларигача сингиб кетган одамдан у кандок халос бўлсин! Томирларини кесиб ташласинми, ё... Раъноси ҳамиша хаёлларида яшашини билмабди. Виждон амри уни ҳар лаҳзада киймалагичдан ўтказишини англамабди. Э, осий банда-я! Наҳотки, наҳотки у йўлларига бир кора кўз интизор бўлиб ётганини била туриб, ёшгинаси билан хотиржам яшай олса?! Виждона чидармиди бунга!

Ота-онаси-чи! Улар нимани ўйлашди? Раънонинг ўзи шўрпешона эмиш... Шундай дебгина кутулишди. Бахтиёр-чи, пешонасига ёзилганига нега у кўнмади? Ота-она, бурч, орзуҳавас, деган тушунчалар кани энди қалбини исита олса...

Раънонинг «тоабад сизни дейман!» деганлари, унинг ёқимли овози, унинг ислари... Ҳеч қачон тинчлик бермайди! Токи тирик экан, таъкиб этаверади уни. Бу аслида энг оғир жазо. Бахтиёр учун энг катта мусибат! Танда жони борича Раънони йўқотмасликка интилди, хўрликларга чидади, аммо...

Иккинчъ хотини Холидага ота-она қистови билан уйлангани рост. Лекин ўша қадамни у босди-ку, бирор эмас! Агар ўзи рози бўлмаганида ота-онаси оёғига кишан солиб тортармиди?! Ҳа, ўзини ўйлади у ҳам! Ўз болам бўлсин деди! Аммо кийин экан. Кўшганинг билан кўша кари, деб бекорга айтилмас эканда! Кўшгани Раъно эди. Холидани Раънога ҳеч ўхшатолмаяпти.

Тўй кезлари Раъно нималарни ҳис килганини энди тушуняпти шекилли. Кўзлари жиққа ёш бўлсаем, жилмайган эди-я! Унга баҳт тилаган эди-я. шўрлик! Ўшанда, ўшанда бошланган бу касали, иchlари ёниб кетган... Бахтиёр эркак эмасми, эр бермок – жон бермок эканини тушунмабди. Энди армон ҳаммаси. Вактни оркага кайтариб бўлармиди...

Шу хунук хабарни эшигандан бери Бахтиёр ўзини қўярга жой тополмаяпти. Ҳамма кўзига балодай кўринарди. Қорни анча билиниб колган Холида ҳам, доим унинг устидан қандайдир қарорлар қабул килгувчи ота-онаси ҳам яна меҳрибончилик килишлари ортикча. Раъно бедаво дардга чалинганини эшитиб, мулзам бўлиб қолишиди ўзлари ҳам.

Кейинги пайтларда Бахтиёр сал нарсага ловуллаб кетадиган одат чикарди. Холидага-ку кун йўқ.

– Ўзи ивирсик бўлса, айб мендами? – деб ўдағайлади онасиға. – Уйга кириб кўринг, ана! Юрадиган жой колмаган. Ўғри киргандай, ағдар-тўнтар ҳаммаёк.

– Ҳай-ҳай, болам? Бунақа пайтда хотип кишининг кўнглига караш керак! Асабийлашса, болага таъсир қилади.

Бола тилга олиниши билан Бахтиёр индолмай коларди. Қулт этиб ютинарди-ю, жаҳл билан ўрнидан туриб кетарди... Нима ҳам дерди, гўдакда нима айб, ҳали туғилиб улгурмасидан шунча машмаша... Туғилса нима каромат кўрсатади, худо билади. Бир балони бошламаса гўрга эди.

Аввал-бошда фарзаандлик бўлишиня эшитиб, юраги гупиллаб уриб кетгани ёлғонни Бахтиёрнинг?! Ахир буни ўн йил кутди, ўн йил-а! Ҳазилакам гапми??

Холиданинг ҳам умиди шундан эди. Бахтиёр акаси ҳали турмуш курмай туриб, шарт кўйган: «Биринчи хотинимни ташламайман!» Ўшанда ичи чирт узилганди. Бирок ёш бўлсаям, пишиқкина чиқди. Ҳомиладорлигидан фойдаланди. Ҳали уни, ҳали буни важ-карсон килиб, эрини кундошиникига юбормади, бир амаллаб ўзига ўргатиб олди. Нозланса, Бахтиёр жилмаядиган бўлди. Холида бундан хурсанд, «ҳар тугул-а» деб кўярди ичидা.

Барibir унга ишонмасди. Муносабатлари омонатдек туюларди. Бахтиёрнинг кетиб колишидан кўркарди. Ҳамма умиди боладан эди. Агар анави бетобланиб қолмаганида, ҳаммаси ҳамирдан кил суғургандай кетаётганди. Холида эрини дўхтиргача судраб чиқаётганди ва Бахтиёр шунга кўнганди.

Яқинда концертга ҳам тушиб келишганди. Бурундан булоқ бўлди ҳаммаси. Омонат иморат бир кун келиб қулаганидай харакатлари бежиз кетди. Холиданинг вактинчалик бахти тугади. Эри яна илгариги тунд Бахтиёрга айланди-қўйди. Бир чеккаси Холидага ҳам алам киларди. Ўзи-ку унга уйланган! Унга қолса, шундай бўлсин, дебдими? У ҳам не умидлар билан келди бу хонадонга.

Бир куни Бахтиёр акаси уни:

– Ювениб юрсанг бўлмайдими?! – деб койиганди, у ҳам уввос солиб йиғлаб берди:

– Эртаю кеч тиним билмасам, ювенишга қўлим тегармиди?! Качон караманг койииверасиз. Айбим нима менинг! Сиз халиям ўшани дейсиз! Сабаби шу! Кўра-била туриб, сизга теккан ўзим аҳмоқман!

– Ўчир! – Бахтиёр уни юпатиш ўрнига шундай деб бакириб берди.

— Ўтирсам ўпок, турсам сўпокман! Ўшанингизни олиб келинг, мен кетаман! Жонимга тегиб кетди ҳаммаси...

— Ўчир дедим!

— Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим! —бозорчи хотинлардай сонлагрига шапатилаб уриб, додлади Холида. Бахтиёр уни қандай уриб юборганини ўзи сезмай колди.

Шу пайт эшик очилиб хонага бирор кирди.

— Оғироёк аёлни урмай кўлинг синсин! — деди осто нада пайдо бўлган онаси.

Шундагина у ўзига келди.

— Бола кўр килсан сени! Бугинада нима айб! Раънойинг касал бўлса, аламини шу боёқишидан оласанми, ер юткур! Сенга оталик хайф! Худо ўзи билиб фарзанд бермаган, сенга!

Онаси шундай дея, пик-пик йиглаётган келинини бағрига босганча олиб чикиб кетди.

Бахтиёр эса уст-уст сигарет чекди. Хонада чекмаётганди. Чекишни ташламоқчи эди ҳатто. Раънони эшишиб, яна бошлаб юборди.

Кайфияти йўқлигига сабаб бугун ишхонасига Раънонинг синглиси Барно келган ва у оласи йўқлаётганини айтганди.

Барно илгаригидай кесатиқ гаплар килмади, таъна-дашном ёғдирмади. Опасининг оғир ётганини, икки-уч кунлик умри қолганини айтиб, йиглай-йиглай кетди.

Бахтиёрнинг кайфияти тушди, оёклари йўқ бўлиб колди. Кўллари қалтираб, Барнога бир сўз деёлмади. Оғир «уф» тортди. Аввалига:

— Бугуноқ бораман! — деди. Кейин уйдагиларнинг чакагидан безиллаб:

— Ёки эрталарга ўтиб коларман! — деди.

Поччасининг чайналгани Барнога алам килди. «Одам ўлялтику, у бўлса... ». Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Бахтиёрга таънали нигоҳ ташлади.

— Эсиз опам! Эсиз-е! — деди. Йигидан бўғилиб, овози чиқмай колди. У поччасининг «эрталарга» деганига чидолмади. Демак, эртага ҳам ўтмас экан-да!

Барно:

— Ўзингиз биласиз... — деди-ю, эшикни қарсиллатиб ёлиб чиқиб кетди. «Опам шу сўтакнинг нимасини севган экан!» —

деб ўйлади ичида. Бахтиёр қайнисинглисинг бу фикрини ҳам укиб олди. Унга ана шуниси оғир ботди. Бахтиёрниңг уйидаги кор-холни ёшгина киз қайдан білсін, қайдан тушунсан! Раъно тушунарди...

Кейинги пайтларда Бахтиёр бир нарсаны тан олди: мұхаббатнинг бокийлигини, никоҳ осмондан тушишини! Авваллари турмуш кургач, киши ёри васлига етишігач, мұхаббат сұнади, деб ўйларди. Аммо ундай эмас экан. Раъно билан турмуш курганларидан кейин ҳам қалбіда мұхаббат ловуллади, сұнмади. Кундан кунга уни яхши күриб кетаверди... Бу худога хуш келмади шекилли, фарзанддан қисди.

Иккінчи хотинига уйланғанида ҳам у Раънони деди. Холидага нисбатан аввал-бошдан душманона кайфиятда бўлди. Аслида ҳам унда нима айб! У ҳам алданди! Қайси бир ёзилмаган конунларнинг курбони бўлди. Бир файласуф айтган экан: «Айбдорлар йўқ орамизда. Ҳаммамиз ҳам вазиятнинг курбонимиз», деб. Ӯша вазият – тақдир битиги эмасмикин?! Ким билади яна.

Раънонинг олдига қачон эди охирги марта боргани. Ўзи-ку, канот чиқариб турарди-я, аммо бу ёқда ота-онасининг дашноми, Холиданинг-ку чакаги очиларди. Отасидан албатта, сўкиш эшитарди:

– Бу кишимга икки хотинликни ким қўйибди! – деб кесатарди.

Иккінчи томондан Раънонинг уйидагилари ҳам уни хушла-майгина кутиб олишарди. Яхши гапиришарди, аммо гап орасида бир чимчилаб ўтишни унутмасдилар.

Бир сафар ҳатто қайнонаси:

– Қизимизнинг олдини тўсманг. Унга ҳам бола-чақали, бир яхши одамдан совчи чиқиб қолар, – деди. – Раънога сизнинг бундайин онда-сонда келиб-кетишингиз сира муносиб эмас. Шукр, Раъномиз – ҳаёли, иболи киз. Сўзга киради!

Буни эшитиб Бахтиёр ҳайрону лол қолди. Уларнинг бунақа нияти борлигини билмабди. Чунки Раъно ҳар сафар, сиздан бошқаси керак эмас, уйланган бўлсангиз нима бўпти, фарзанд учун-ку, деяверарди. Шу боис қайнонаси «қизимизга ҳам муносиб куёв чиқиб қолар!» деганида ёниб кетди. Раънога куёв, унинг хотинига-я! Ҳеч қачон ундай бўлмайди. Раънони бирорвга бериб қўядиган анойи йўқ! Шу топда ўзига ҳам қалай бўларкан,

дэйдиган одам топилмасди. Пичокни ўзингга ур, огри маса бировга! Огирканми?! Огриш ҳам гапми, хонумони ўртаниб кетди-ю... Кундошли ошни ит ичмас, деб шунга айтишади-да! Раъно шўрлик ичаётганди. Қанчалар азобли бўлмасин, қанчалар хўрлик туймасин, ичаётганди.

Бахтиёр Раъно билан бўлган сўнгги учрашувни эслади. Маош олганди. Шу боис Раъно сужидаган нарсалардан харид килди. Ҳомиладор хотинини ўйламади ҳам. Пулни чўнтағи коқлангунча сарфлади. Билади. Раънонинг уйидагилари бундан хурсанд бўлишмайди, ортиқча иззат ҳам қилмайдилар. Гарчи Бахтиёрни тушунсалар-да, кечиролмайдилар. Ахир, кора икра ёки пишлок билан Раънонинг бахти очилмайди-ку!

Бахтиёр кейинги пайтда бир тўхтамга келиб кўйганди. Ишлари юришиб кетса, Раънога уй олиб беради. Кейин бемалол яшайверишиади. Ҳеч ким уларнинг турмушига бурун тикмайди. Керак бўлса, Раънога меҳрибонлик уйидан бола ҳам олиб беради. Бирга-бирга катта килишади. Албатта, Бахтиёрнинг умидлари бўлакча эди. У режасини Раънога айтган, унга ҳам маъкул бўлганди бу фикр.

Бу уйга Раънони деб келарди. Анавилар кош-ковоғини уйса, уяверсин... Раънонинг биттагина табассумига арзитмайди бу камситишларни. У чидайди, Раънони деб. Билади, хотини йўлларига кўз тикиб ўтиради, кун санайди. У эса Раънонинг шўртганг юзларидан бўса олади-ю, ундан келган ўша қадрдон исдан бошлари айланиб кетади. Дунёларни унугиб юборади шунда... Шу тотли дамлар ҳамма таъна-дашномларга чидашига арзиди-ку! Бүёкка келса, кетгиси келмайди, аранг кетади. Раънонинг ўзи жилмайганча шоширади:

– Ишга кеч коляпсиз-ку! – ёш боладай лабларини чўччайтириб зрига танбех беради у.

Хуллас, ўша сафар Бахтиёр енг шимарид, ер чопишига тушди. Раъно гул-гул очилиб овқат қилди. Орада:

– Кўйлагингизни ювив кўяман! – деди жилмайиб. Бахтиёр чайналди:

– Кетгунимча куримайди-да!

– Қолмайсизми? – бўшашибгина деди Раъно. – Кейинги сафар коламан дегандингиз-ку!

– Қололмайман... Холида касал, – топган баҳонасидан хурсанд бўлиб кетди Бахтиёр.

Раъно хомуш тортиб колди. Аёл эмасми, кундошиининг хийлаларини кўнгли сезди чоғи. Бахтиёр акасини уйга боғлаб кўйяпти у! Хўп ўзига пухта эканми?!

– Дазмоллаб қуритиб бераман. Бунака юрманг! – деди Раъно кўйлакнинг ягир ёқасини кўрсатиб. У ҳам кундошиш кини билмас бир чимчилаб ўтди.

Кейинги пайтларда Холида боши коронғилингин баҳона килиб, кўп ётадиган одат чиқарганди. Аслида ҳам ўзи ивирсик. Энди ундан баттар бўлди. Ҳафталаб уй тозаламайди. Ҳовли-кўчани супуриб кўли тегмаётганини баҳона килади. Кир ювса, очилмайди, овкат килса, тагига олиб кетади. Ҳатто тунов куни онасига ҳам шанғиллаб берди. Ўзинг пиширган ошни айланиб ҳам ичасан, ўргилиб ҳам ичасан, деганларидаи, онаси индамали. Фақат шундай пайтда покиза, тил-забонсиз келини Раъонони ёслайди. «Тугмади-да. боякиш!» деб чукур сўлиш олади. «Ўзингдан чиккан балога, қайга борасан давога!».

Шу куни ҳаммалари гурунглашиб овқатланишди. Раъно Бахтиёрнинг кўйлагини ювиб берди. Фақат қайнонасининг чиройи очилмади. Юзидан заҳар томчилаб ўтирди. Раъно илиштоворокларни йигиштириб кетиши билан кизларини телевизор кўргани жўнатди-ла, тиканли нигоҳини куёвига қадади:

– Энди гап бундоқ, куёвтўра, – истеҳзо билан деди у. – Раънонинг бахтини ўйласангиз, бошқа келманг! Синган кўзани чегала бўлмайди. У барибири ўша еридан синиб тушади. Бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Ўтган ишга салавот, дейдилар. Раъононинг акли йўқ. Ҳис-туйғуга ионониб, иморат солиб бўлармиди?! Бу оҳ-воҳлар бир кун ўтиб кетади. Раъно туғмади, деб бошқа уйландингиз, биз монелик қилмадик. Яна ҳам ўн йил кутдингиз, шунисига ҳам раҳмат. Энди олдини боғламанг, умидвор килманг. Хотинингиз хомиладор экан, эшитдик...

Бахтиёр каердан билдингиз дегандай қошларини кериб кўйди, кейин айбдорона бош эгди.

– Бола туғилса, буни ташлаб кўясиз, биламан. Бу жуда оғир ботади, болам. Фарзанд шундай ширинки, уни деб ҳамма нарсадан воз кечиб юборасиз. Нарса-ку, майли-я, Раъно буюм эмас, чидолмайди! Чимчиласангиз оғрийдими?! – кайнонаси қоп-кора кўзларини ундан узмай қаттиқ-каттиқ гапирди.

– Ҳозир қийналса, кейин ўтиб кетади. Бир кун йиғлар, иккни

күн йиглар, борингки, бир ой йиғлар, кейин тамом кутулади. Сиңілан колса, бир умр йиғлаб ўтадими?! Кундош – бошингда топы күзингда ёш деганлар, күёв. Сизга ҳам маслағатим шу. Бир кинш әккі пичок сиғмас, болам! Ўйлаб иш килинг. Кейинги нағайта келишингиз ҳам камайиб кетди. Қизғинамни күриб, өзініб кетаман. Келмасандың сўлиб колади. Бизга жилмаяди-ю, ғұнсанға кил ҳам сиғмайды. Дарвозадан күз узмайды, боякиш. Өзінк очылса, чопиб чикади. Онаман, боламга ичим ачийди-да! Гүшүнаман, ўзингиздан ортмай қолгансиз. Иккі үйни эплаш сиғмас. Ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди бу! Агар Раъноны баҳтли бўлсин десантгиз, айтганларимни бир танангизга ўйланг. хўлми?! Кўзимиз тириклигига бундан ҳам хотиржам бўйайлик, дейман. Қайда бўлсангиз омон бўлинг. Биз ҳам шундай бўлсени, дебмизми?! Бизни тўғри тушунинг. Аммо... – қайноаси бирор тайсалланди, – Раънога индамонг! Билмагани яхши!

Буни эшишиб. Баҳтиёр кайнаб кетди. Ичидан айқириб келган норизоликни «құлт» этиб ютди. Булар ҳам уни нишон кишишмокчими?! Кейин кизларига «эринг ташлаб кетди!» деб бу-тунайбни унга ағдаришадими?! Бедодлик ҳам шунчалик бўлар! Раъно бошқасига тегса, баҳтли бўлармиш! Балки олтин қафас бўлар бошка уй, гўристон бўлар... йўқ булар... севги-муҳаббатни тушунишмайди. Ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиб, совукконлик билан ҳал қилиб кўйиншган. Унака ҳаёт туссиз, маъносиз бўлар ўзинг ҳозирги ҳаёти каби. Зўрлаб севдириш, муз устига бино журдириш эмасмикин? «Соф севги сотилмас, ё кесакдек отилмас», деганлар. Қайси бир файласуф айтган экан: «Муҳаббатдан ўзга ҳеч бир туйғу йўқки, бирваракайига кишининг ақлини, ҳаёлинини, қалбини – бутун борлигини банд этса», – деб. Бу шундай дардки, унга висолдан ўзга даво йўқ. Афсуски, ундан кутулиб ҳам, уни олиб ташлаб ҳам бўлмайди. Унинг ўз интихоси бордир, балки, бу ҳам номаълум. Мана. Раъно билан турмуш қуришганинга ўн иккі йил бўлибди. Ўргадаги муҳаббатга йиллар ҳам, ёш хотин ҳам ва ҳаттоқи, фарзанд ҳам завол етказолмади-ку, у нимадан қўрқсин, энди. Нега анавилар шуни тушунишмайди. Раъно билан унинг устидан хукм чиқаришади. Бу уларнинг ҳаёти-ку! Иккисигина ҳал қиласиди буни! Раъно кундошга рози бўлибдими, демак. Баҳтиёрга ишонади, ўзининг ҳам муҳаббатига ишонади! У ҳақми-ноҳакми, келажак кўрсатади буни! Баҳтиёр Раънони

ташлаб кўймайди, ундан юз ўгириб кетолмайди ҳам. Унинг чарос кўзларига караш туриб, қандай алдайди. Индамай кетпishi керакмиш. Қаранг-а! Энг пасткаш, субутсиз одамнинг иши-ку, бу! Раъононинг баҳтини ўйлаб, чидаши керакмиш...

Шу пайт хонага Раъно кириб келди. Қайноаси ўрнидан кўзғалди.

— Бўлти бўлмаса! — деди у куёвига маъноли караб, гапим-ган дегандай. Баҳтиёр индамади. Дастурхоннинг гулдан кўз узмази.

— Тинчликми? — деди Раъно эрининг қайфияти бирдан чап-пасига ўзгарганини кўриб. — Ойим... бир нима дедиларми?

Баҳтиёр қўли билан гулни ўйнади.

— Ҳеч... — деди у локайдланиб. Кейин ўрнидан кўзғалди. «Уларнинг гали бир тийин» хаёлидан ўтказди Баҳтиёр. — Кетпishим керак!

Раъно жилмайганча эрининг қўлидан тортиб, уйга сулрази. Унга ювиб, дазмолланган кўйлакни кийдираётib, бағрига сингиб кетгудай бўлди, лекин ўзини тийди.

Баҳтиёр мамнун жилмайди, хотинининг юзидан чимчинаб қўйди.

Коронги тушиб қолганди. Раъно эрини кузатиб эшиккача чиқди. Хайрлашаётib у хотинининг юзларидан ўлиб қўйди.

Карим аканинг севишганларга қўзи тушди-ю:

— Уларни икки дунёда ҳам ажратиб бўлмайди! — деди жаҳзи чиқиб. — Қизинг ҳам аҳмок! — хотинига юзланди у. — Эри келса, эсини йўқотади...

Озода ая индамади. Боя куёвини узиб-узиб олганиниш айтмади.

— Эси кириб колар ҳали! — деб қўйди сир бой бермай.

Баҳтиёрнинг Раъно билан бўлган сўнгги учрашуви шуңдай тугаганди. Аммо унда на Раъно, на Баҳтиёр бу охириги учрашув эканини билишмаганди.

Аввалига Баҳтиёр қайноасидан инжиб, уларникига бормай юрди. Менсиз қизига канчалар қийин бўлишини тушунсан, деганди. У Раъононинг ишхонасига қўнгироқ қилиб турди. Аммо охириги сафар айтишиб қолишиди. Раъно ундан хафа ёди. Унинг келмай қўйгани аёлга оғир ботарди. Ўн икки йил ардоқлаган хотини ўшанда унга қўпол муомала килди. У шуни кўнаролмади. Тўғри, Раъононинг бўлиб ўтган гаплардан хабари бўлди. Лекин

барибир... «Келсанг кел, келмасанг даф бўл!» қабилида айтилган сўзлар Бахтиёрнинг юрагига наштардай қадалди. У мени севмай кўйибди, деб ўлади саросимага тушиб. Бахтиёр шундан кўркарди. Аччикка аччик килиб, унинг олдига яна бормади, атай бормади. Ундан ажралолмаслигини билса-да, хотинининг муомаласи нафсониятига тегди. Унинг ҳам ўзига яраша эркаклик гурури бор, ахир... Кейин эса... кейин... Раъно ишга келмади, анча келмади. Уйига телефон килди. Қайнонасинг:

– Сиз унинг бошига етдингиз! – деганини эшишиб жони ҳалқумига келди.

– Тинчликми, ойи? Раъно соғ-саломатми, ишқилиб? – кўркиб кетди у.

Қайнонаси йиглашга тушди.

– Сени деб бўлди, ифлос. Болам, болам боякиш... сени ка-софатинг уриб, бедаво дардга йўликибди. У рак бўлиб қолди! Худога солдим сени, эшиздингми? Ўша ёш хотинчанг билан кўшмазор бўл, илойим...

Қайнонаси шундай деб ўшқирганча телефонни қўйиб қўйди. Бу гаплари билан у Бахтиёрни тириклиайнин кўмди.

Ана ўшандан бери тинчи йўқ Бахтиёрнинг. Ўлагани Раъно, тушида кўргани Раъно... У доим йиглаётган бўлади. Унга кўшилиб ўзи ҳам йиглайди. Бир куни тунда Холида буни сезиб қолди:

– Вой, Бахтиёр aka! – эрини туртиб уйғотди у. – Йиглаяпсизми, хой! Уйғонсангизчи!!!

Бахтиёр ўрнидан туриб ўтирди. Кўз ёшларини артиб, сигарет чекишга тутинди.

– Яна ўшани ўйляяпсизми? Ёнгинамда ётиб-а?! Уялмайсизми? Виждон борми ўзи сизда? – Холиданинг дийдиёси бошланди.

– Ўчир овозингни! – бақириб берди у.

– У суюкоёқ сизни бир бало килиб қўйган шекилли.

– уни тинч қўй дедим! – ғазаби қайнаб деди Бахтиёр.

Аммо Холида жим бўлмади. Кундошини не-не сўзлар билан ҳакорат килаверди. Охири-окибат жазавага тушган Бахтиёр хотинининг ёқасига ёпишди. Аччик алам устида уни бўғиб қўяёзди. Хотинининг кўзлари ола-кула бўлиб кетганини кўрибгина ўзига келди. Холида ўхчиб, йўталиб юборди. Кейин ёстиқка юзини босганча йиглашга тушди. Бахтиёр жаҳллан тушмаган. Холи-

дага ачинмас, бу кунингдан баттар бул дегиси келарди. «Шу ҳам ҳәётми, -- ўйларди у. -- Ит ётиш, мирза туриш... Бу турмуш эмас, азоб. Ёнингда бир қоп гўшт ётса, қандок кўнгил илисин?! Севгисиз турмуш... Жаҳаннам экан... Сув излаган саҳройига ўхшайди. Излайди, излайверади, аммо тополмайди. Оғзилари какраб, лаблари ёрилиб кетади. Сувсиз ҳәёт йўқ, муҳаббатсиз турмуш -- мушт деганлар. Ортиқ чидолмайди, тоқати ток бўлди. Ҳаммасига тупуради-ю, кетворади...

У Раънога бир-икки кўнғирок килди, лекин умрида эшитмаган ҳақоратларни эшитиб, хафсаласи пир бўлди. Биларди. Раъно унга илҳақ ётганини, лекин боролмади. Шунча пўписалардан кейин кайси юз билан боради. Ахир унинг ҳам орияти бор-ку! Орият эмиш... Орият ҳакида у гапирмаса ҳам бўларди... Қилган иши ориятли одамнинг ишими?!

Тунд кайфиятда, юраги ғаш бўлсаем, амал-тақал қилиб, иш билан овуниб юрганди. Аммо Барононинг келиб, йиғлаб кетгани ўлганнинг устига тепгандай бўлди. Энди бориши керак. Энди буни тайсаллаб бўлмайди.

Ишдан уйга кайтди. Холида келтирган мошхўрдага қарагиси ҳам келмади. Хотини шундан ҳам қийик топди.

– Ҳа, у ер-бу ерда қорнингизни тўйғазиб келдингизми? Анави меҳмон килиб юбордими? – жириллади у.

– Яна бошляяпсанми? Ўлгинг келяптими! – жини куришди Бахтиёрнинг. Кейин сўкинганча уйга кириб кетди.

– Бироннинг эрига кўз олайтирмасин! Тумаган хотин хотинми! – эрининг ортидан бақирди Холида. – Эпламадими, кисийб ўтирсин энди!

Зум ўтмай Бахтиёр кийиниб чиқди. Лаблари каттик кимтилган, қовоғи солик.

Холида билдики, у кундошиникига бормаган. У ёққа борса, ипакдай эшилиб келарди. Бир кор-ҳол рўй берган-ов...

– Ҳа, ҳозир келиб, яна қаёққа отландингиз? – қўлинин белига тираб сўради Холида.

– Ишим бор... – қисқагина жавоб қилди Бахтиёр.

Ичкаридан онаси чиқиб келди:

– Ҳа! Хуфтон бўлиб колди-ю, қаёққа кетяпсан шу бемаҳалда! – орага сукилди Салима ая.

«Оббо» – хуноб бўлди Бахтиёр.

– Ўз ҳолимга күясизларми-йўқми? Ишим бор дедим-ку! – охири бакириб берди у. – Ҳар бир қадамим ҳакида отчўт берайми? Нафас олсан майлими, ойи!!!

– Керак бўлса, ҳар қадамингни санайман! Яна ўшакқа югуряпсанми, бетамиз? Эшитдик касалини... Намунча ўша бир бурда хотинингга аза тутмасанг...

– Билган бўлсангиз бўпти. Бир бечоранинг бошига етдингиз, ахир...

– Вой, вой, вой! – ёқасини ушлади онаси. – Астафируллоҳ! Уни мен касал қилибманми? Ўзи нозиккина эди-ю, кечгача юмуш килиб, чўзилиб коларди, гап гапирсанг меровсираб эшитмасди. Энди менми айбдор?! Яхши ҳам мен борман. Мен бўлмасам, кимга тўнкардинг, яшшамагур!

– Ҳаммангиз айбдорсиз! Гўрга кирса, бориб тепкилаб келишдан ҳам тоймайсиз... Бу дунёга келиб нима кўрди у шўрлик. Бошламасига тугмас, кисир деб ҳақоратладингиз. Индамади! Кейин суюқоёкка чикардингиз. Ҳаммасига чидади у бечора! Агар сиз галиравериб, қулоғимни емаганингизда, уйланмасдим манавинга! Бу кўргилик ҳам йўқ эди менга!

– Оғзингга қараб гапир! Ҳали ҳам эсинг кирмабди, сен боланинг! Фарзандсиз оила оила бўлармиди? Унда ҳам менга сўншардинг... Яна менгина ўлгур айбдор бўлардим. Оналарнинг шўри курсин-а! Сени тумай мен ўлай-а!!! – изиллади Салима ая.

– Ойи!!! Нега бакирасиз? Қўшнилар нима дейди. Сизларни леб ўлим тўшагида ётган одамни кўриб келолмайманми??!

– Ўлим тўшагида ётганмиш! – бурнини жийирди Холида. – Іу ҳам бир хийла-да! Бормай қўйганингизга шунақа йўлга ўтган у суюқоёк! Ҳеч курса, ўзини хурмат килса бўларди...

Бахтиёр важоҳат билан хотини томон юрди. Аммо онасига кўзи тушинб тўхтади.

– Сизлардан ўлиб ҳам кутулмайди шекилли! ҳе, онасини... – Бахтиёр сўкинганча эшикни карсиллатиб ёпиб чикиб кетди.

Шу аҳволда бормаса ҳам бўларди. Ёқавайрон, дарғазаб! Холидага уйланибдики, аҳвол шу, жанжал-тўполон. Қачон кутулади булардан. Фарзанд дарлида кандок балога йўлиқди-я! Бирбегуноҳ ҳам шуларнинг қарғишига колди. Қайноаси тўғри айтди, касофатинг урди деб! ҳеч ким уни тушунмайди, ҳеч ким! Уни тушунадиган ягона инсон эса бу дунёни тарқ этиб кетяпти!

«Раъно, мени шуларга ташлаб кетгяпсанми? Қандок күзинг қияди! Сенсиз нима қиламан энди, сенсиз қандай яшайман!». Бахтиёрнинг томогига бир нарса қадалгандай бўғилди. Кўзларига ёш сизиб чиқди. Автобусда кетаётib, йўловчилар унга ажабланиб карашаётганини сезмади. Фикри-зикри унга илҳак ётган Раънода эди. У худди етиб боролмайдигандай шошарди. Аммо... Раъноларнинг кўчасига бурилганида бирор уни туртди:

– Ие, кўёвтўра! Хуш келибсиз! – масхаралади йўғон овоз эгаси. – Қайси шамоллар учирди биз томонга!

Бахтиёр ортига ўғирилди-ю, Раънонинг басавлат тоғасини кўриб, юраги шув этиб кетди. Бир балони бошламаса эди...

– Итдек хор килиб, энди кўргани келяптиларми? Сенга Раънонинг тирноғини ҳам кўрсатмайман, сўтак, хайвон!!!

Раънонинг бироз чапанирок бўлган Мурод тоғаси Бахтиёрнинг ёқасига ёпиши:

– Мишики! Эсингни киритиб қўяман, сени! Қани яна бир қадам босиб кўр-чи?

Бахтиёрнинг ҳам жаҳли чиқиб кетди.

– Мана, мана! Ўн қадам босаман, керак бўлса!!! – деди у ғазаб билан. Аммо худди шуни кутиб тургандай Раънонинг тоғаси Бахтиёрнинг қулок чаккасига «қарс» этиб туширди. Бир зумда каёқдандир икки-уч йигит пайдо бўлди.

– Урларинг уни! – буюрди тоға. Шундан кейин қасира-қусур муштлашув бошланиб кетди. Орага кексалар аралашмагунча Бахтиёрни роса дўппослашди. Унинг ёқалари йиртилиб, конга беланди, олд тишлари синиб, лаби ёрилди. Пешонасидан ҳам қон окаётганди. Бир ёқ кўли жонсиздай осилиб қолди. Чиқди, ё синди!!! Бахтиёр ўша ахвол аранг уйига етиб олди.

Уйда ҳам эшитадиганини эшитди. У ким билан муштлашганини айтмади. Айни безориларга тўнкаб кўя қолди.

– Бемахалда юрма, дедим-а, сенга! Айтдим!!! Ҳе, үлмай ўлсин, ўша мегажин!

– Ойи, янами?!

– Агар яна ўшаққа борадиган бўлсанг, энди оёгинги ўзим уриб синдираман!

Бахтиёр бир ҳафтача ётиб қолди. Ётган жойида: «Эй, Худо! Кечикмай-да, ишқилиб... » дея ёлворди. Бу орада Барнога телефон килиб, хотинининг ахволини суриштирди. Муштлашу влан

бекабар Барно Бахтиёр билан энсаси котибгинна гаплашди. Бунча миңгов бўлмаса поччаси...

— Тезроқ келмайсизми? Нега пайсалга соласиз... Кутавериб опамнинг ичи узиlldи-ю... Унга ачинмайсизми? Бечора шу ҳолига ҳар куни ювиниб, атириб ўтириби, — деди Барно.

Буни эшитиб, Бахтиёр ўспириндай шошиб қолди. «У мени ҳалиям севар экан!» деган фикрдан юракларі ҳаприкиб, ўрнидан туриб кетди.

— Сал тузалиб олай, учиб бораман!

— Почча... тобингиз йўқми?

— Ҳа, сал... шамоллабман! — дудмал жавоб килди у нима дейишини билмай.

— Э, шамоллаган бўлсангиз, келавермайсизми? Шу ҳам касал бўлтими?!

Аммо Бахтиёр ўша аҳвол кўчага чиқолмаслигини, ёрилган пешонаси-о, дўрдайган лабларини кўрса. Раънонинг ўтакаси ёрилишини қайлоқ тушунтиурсин, бу кайсар қизга!

— Бораман дедим-ку! — ўзини оқлаган бўлди Бахтиёр.

— Такси юбориш керакмасми, ишқилиб?! Керак бўлса юбортираман уни ҳам!!!

— Барно, кесатмасангиз-чи! Бораман дедим-ку! Аллў...

Барно бир нимага ҷалғиди, шекилли, жавоб қилмади, кейин:

— Опам билан телефонда гаплашасизми? — деб қолди туйкус. Кутилмаган таклифдан у шошиб қолди. Раъно билан биринчи марта учрашаётгандай Бахтиёрнинг юраги шуввиллаб кетди.

— Майли... — деди у ҳаяжонини босолмай.

Ҳали гаплашмай туриб, ҳали Раънонинг овозини эшитмай туриб, юракларини бирор пичок билан ўйди мисоли...

— Мана... гўшакни бераман... — деди Барно.

— Аллў... аллў... Раъно, тузукмисиз! — Бахтиёр тўлиқиб галиролмай қолди. У томонда ҳеч ким индамади.

— Раъно... гапиринг! Овозингизни эшитай ҳеч бўлмаса... Аллў...

У томон жимжит.

— Раъно... Раънойим! Нега индамайсиз? Аллў...

— Аллў... — деди Раъно заифгина.

Ҳа, бу унинг овози эди. Ҳеч кимникнига ўхшамайдиган, мулоийимлиги-ю, маъсумалиги фактат унгагина хос бўлган Раъ-

нонинг овози эди бу. Аммо севгилиси бундан ортиқ сўз айтмади.

Гушак яна жим қолди. Бахтиёр мижжаларидан оқиб тушган кўз ёшларини тез-тез артиб олди.

– Аллў... – бу сафар гўшакдан Барнонинг овози эши билди.
– Опам... У гапиролмаяпти. У йиглаяпти... – деди.

– Унга салом денг. Эртагаёқ боришимни айтинг...

Шу пайт Барно негадир:

– Раъно опа, опа... – деди бақириб. Кейин хайрни ҳам насия килиб, гўшакни қўйиб қўйди. Бахтиёр кайта қўнғироқ қилишга қанчалик уринмасин, улар билан боғланолмади. Барно шошиб, гўшакни нотўғри қўйган, шекилли, доим қисқа-қисқа тутутлаган товуш эши билди. Бахтиёрнинг кўнгли ғаш бўлиб қолди.

Эрталабгача мижжа қокмади. Кўз олдига йиглаётган Раъно келаверди. Ҳаёлидами, тушидами, ажратолмасди.

Бир пайт караса. Раъно унинг тўшагида оппок тўй қўйлакда ўтирганимиш. Чиройли бўлиб кетганмиш.

– Юринг, ЗАГСдан ўтишимиз керак. Ғафлат босиб ётишинингизни каранг! Шундай кунда-я?! – дермиш.

– ЗАГС? – Ҳайрон бўлармиш Бахтиёр. – Биз ЗАГСдан ўтмаганмизми?

Раъно эркаланиб, таънали нигоҳ ташлабди.

– Кейин... ажрашган эдик-ку! Энди бошқатдан ўтишимиз керак! Юринг... кутиб қолиши, – дермиш.

Раъно оқ қўйлакда, у эса тунги кийим – чоловорда кетаётганимиш:

– Тўхтант, кийиниб олмайманми? – дебди у.

– Мен боравераман. Ортимдан етиб оларсиз! – дебди Раъно хотиржам ёруғлик томон кетиб бораркан.

Бахтиёр ортига қайтиб, роса кийим излабди. Ювилган кийимлар хона ўртасида тоғдай уюлиб ётганмиш. Аксига олиб костюмини ҳеч тополмасмиш. Раъно кетиб қолади, деб шошармиш-э...

Шу пайт қаёқдантир Холида пайдо бўлди.

– Кайси гўрга йўқолди костюмим! Бу уйда ҳеч нима жойида турадими ўзи! – хотинига ўшқирди у.

– Яна ўшанинг кетидан кетмоқчимисиз? Бориб бўпсиз, – дермиш Холида.

– Сендан сўрамайман! – дебди у жаҳл билан. Кейин қўлига

илингган нарсанни устига кияр-киймас Раънонинг ортидан чопибди.

– Раъно, Раъно, тўхтасангиз-чи!

Аммо Раъно кетиб бўлганниш. Унинг ҳатто шарпаси ҳам кўринмасмиш. У эса Раънолаб чоловерибди... Ахийри ўз овоздан ўзи уйғониб кетди. Яхшиямки, Холида ухлаётган экан. Эшитмади.

Бахтиёр туриб ўтирди. Юрагида бир ноҳушлик тўиди. Соат тўрт бўлганди. Ҳеч тонг отмади шу бугун! Соат олти бўлишини қутди. Аранг сабр килди. Кейин кийиниб йўлга тушди. Намозга турган онасига бир сўз демади...

Худди аввалгидай Раъноларнинг кўчасига бурилганида соат саккизлар бўлиб колганди. Э, талабалик даврида бу кўчалардан юравериб товонлари тешилган.

Шу пайт Раъноларнинг кўчасидан чиқиб келаётган эркакларга кўзи тушди-ю. юраги оркасига тортиб кетди. Бошларида дўппи, паст осозда сўзлашишарди.

– Тунда жони узилганниш... Пешинга чикарамиз дейишяпти. Бугун жума, яхши кун! Жумага келган аҳли мўмин, ҳамма уни дую килади.

Бахтиёр келаётган жойида таққа тўхтади. Нима юз берганини англаб олмокчи бўлди шекилли. Бошига тушган мусибат залворини аниқламокчимиidi ё? Балки ўзига келиб олмокчи бўлгандир...

Яна ҳам дилида «Бошкадир... » деган умид бор эди. Унинг ҳамма эътимоди шундан. Аммо оёклари занжирбанд этилгандай аранг кадам босди. Боши караҳт, оёкларида мадор йўқ. Ҳарчанд үринмасин, ўзини қўлга ололмади. Бу не кулфатки, Раъноларнинг дарвозаси тагида уч-тўрт бел боғлаган одам турарди. Ана, қайнотасими, қўлида ластрўмол, қўзларига босиб йиглаляпти... Буни кўриб, юраги тушиб кетадигандай эгилиб колди. Бир зум еру осмон туташиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Худди Қиёмат кунидай. Ер ўз ўқидан чиккандай... Осмон унинг бошига қуладими, ё?

– Раъно!!! – бакириб юборди у. Армонда қолди, алданди!!! Раънонинг сўнгги нафасини эслади. Заифгина «аллў» дегани кулоқларида акс-сало берди. Шугина эдими висол??! Шуми?!

Унда каердан куч пайдо бўлди. ўзи билмайди. «Раънолаб» «ув» тортганча ҳовли ичкарисига отилди. Ҳеч ким билан

сўрашмади ҳам. Одамлар бу телбавор йиғлаётган йигитга «ким экан?» деб ҳайрон қарашди. Аммо таниганлар таниб олганди. Зотан, Раъононинг тогаси вожоҳат билан чиқиб келиб, унинг йўлини тўсади.

— Ҳақоратлагани келдингми, ит! — ўшкирди у. Кимдан ала-мини олишни билмай турган тоға Бахтиёрнинг юзи-кўзи аралаш бир мушт туширди. Унга яна икки-учта йигит кўшилди.

— Қоч йўлдан! Энди ўлигини ҳам кўрсатмайсанми? — ғазабдан вишиллаб деди Бахтиёр. — Ўлиги меники билдингми, меники! Қоч дедим йўлдан! — Бахтиёр унинг ёқасига ёпишиди. — Армонда кетди сени деб! Одамхўр... кўлингдан келса, ўлдир!

Бахтиёрнинг ҳам эси кетган эмасми, вожоҳат билан тогага ташланди. Жанжалга ичкаридан хотин-халаж чиқиб келди.

— Ҳой, ажратинглар! Ким бор! Уят-а, азали уйда!

Қайнотаси муштлашувнинг устига келди.

— Кўйиб юборинглар уни! — бакирди Карим ака. — Видолаш-син!!!

Шундок ҳам дарддан адойи тамом бўлган Бахтиёр ўз ахволидан хўрлиги келди. Ёкавайрон, калтакланган, шу азпоз ичкари кириб борди.

Марҳуманинг юзига оқ чит рўмол тортилган, тепасида киз-жувионлар йиғларди.

Бахтиёр ҳам «Раънолаб» бўзлади. Шу пайт марҳуманинг тепасида ўтирган Барно:

— Почча! — деди-ю, унга пешвоз чиқиб, Бахтиёрнинг бўйнига осилганча хўнграб юборди.

— Интизор бўлди-я сизга! Ҳар куни кутди, ҳар куни! Нега келмадингиз, нега умидвор килдингиз? Опажоним!!! Армонда кетдингизми-я?

— Кўролмай қолдим! Дийдорингга тўёлмадим. Раъно! -шу сўзларни пицирлаганча марҳуманинг пойига тиз чўкли Бахтиёр.

— Сенсиз кандок яшайман энди!

— Ўзингни юбормайман! Бирга кетамиз! Доим бирга бўламиз. Энди бизни ажратишолмайди! Тиригимизда уларга хўбам талаандик, ўлигимизга тегишолмайди. — Бахтиёр тек қолди. Кейин яна хўрлиги келиб кетди: — Ўлибгина кутулдинг-а, ўлиб кутулдинг... — дея ёзғирди у.

Марҳуманинг ювгани олиб кетишганида ичкарига олам кири-

тиб. куёв ташқарига чиқсин, юз-кўлини ювиб, эшикда турсин, лейиниди. Кимлардир Бахтиёр учун дўппи-кийикча олиб келди, юништиришди. Унга эса барибир эди ҳаммаси. Бахтиёр уйдан бир кадам ҳам чиқмайман деб туриб олди.

То майит тобутга солиниб, жанозага олиб кетилмагунча у мархуманинг тепасидан жилмади.

Бахтиёрнинг кўзлари шишиб қизариб кетган, қават-қават кўрнапарга ўраб, тобутга солинган майитдан кўз узолмасди. Наҳотки шу Раъно бўлса?! Унинг Раъноси... Кечаю кундуз кўрнишин орзу килган, биргина табассумига зор бўлган Раъноси, энди тобутда ётибди, каранг. Бир оғиз гаплашолмади, тирик рухсарини кўрлмади-я! Одамлар бунча тошбагир бўлмаса! Улар бир-биринсиз яшолмасди! Шуни билишса ҳам, атайлаб килишди. Қасдакиниб, дили оғрисин деб-а! Такдирнинг муштлари етмасмиди?! Ҳеч ким уларни тушунмади, ҳеч ким!

Шихоят, мархумани олиб кетишди. Ҳамма йиглади. Шундайм куёвнинг гапларига ҳамма ғалати қараб кўярди:

– Ортингдан бораман! Тез орада учрашамиз! Ҳеч ким бизни ажратолмайди, энди! – деярди. Унинг алмойи-алжойи гапларидан, куёвнинг эси оғиб колибди шекилли, дегувчилар ҳам бўлди.

У тобутга ёпишиб олган, ҳеч кўйиб юбормасди.

– Ҳой, куёв! Ўзингизни кўлга олинг! Эркак одамсиз! – танбех беришарди унга.

Шунда ҳам қайнонасининг энсаси котарди. «Ёшгинасига уйланиб олиб, артислик килишини...»

Аммо унинг «артислик» қилмаётгани девонавор тусидан шундок ҳам англашилиб турарди. Унга қайнотаси ҳам ачинди, хатто:

– Эсидан айрилмаса эди! – хўрсинганча деди у ўз-ўзига. – Ҳа, кайтар дунё дейдилар...

Майит кабрга кўйилгач, ҳамма кетди. Атрофга сукунат чўқди. Фақат янгигина дўмпайган қабр тепасида бир одам чўнқайиб ўтиради. Аммо ҳеч ким унга эътибор килмасди. Орасира кимлардир кабристонга келиб, яқинларига Қуръон тиловат килиб кетишлари одатий ҳол. Бунга гўрковлар ҳам кўниниб кетишган. Шу боис Бахтиёрга ҳеч ким «ҳой!» демади, унинг нега бу ҳол ўтирганини суринштирмади. Зотан, эртасига ҳам шу аҳвол давом этди. Қарасалар, кечаги йигит қабр тепасида ҳеч тусини ўзгартирмай ўтирибди.

— Дада, қаранг, анов кишини! Кечаям ўтирганди... — деди гўрковнинг ўғли ҳайрон.

Унинг ҳам кўнглига бир иштибоҳ оралади.

— Эси жойидамикин? Сомикин? — кўнгли ғашланиб Бахтиёр томон юрди гўрков.

— Ука, хой, ука! Қабристонда қолишнинг хосияти бўлмайди. Уйингизга боринг!

Аммо йигит лоакал қимир этмади. Ўша алпоз ўтираверди.

— Ухлаб қолганми, нима бало? — гўрков йигитга яқинроқ бориб, елкасидан туртиб уйғотмоқчи бўлди:

— Ука!? — аммо йигит бу ҳаракатдан ёнига оғиб йиқилиб тушди.

— Ука!!! Войй!!!

Қабристонга кечагидай яна одам ёғилди. Милиция-ю, «Тез ёрдам»... Чунки кеча келиб, тонггача қабристонда ўтириб чиккан йигит ўша алпоз жон таслим қилган экан. Шунга тўполон бошланганди:

— Вой, бечора-ей, ўша ўтирганча ўлиб қолибдими-я!? — дейишарди одамлар.

Майитни кўтариб, «Тез ёрдам»га ортишганида, кабр пастига бармоқ ботириб ёзилган жумлага кўзлари тушди.

— Сенсиз яшолмайман! — деб ёзилганди.

Йигитни билмаган-танимаган кишилар ҳам нима воеа юз берганини англаб етдилар, унга ачиниб йигладилар...

УРУЖ

Баҳор охирлаяпти. Саратоннинг ҳовури сезилиб колди. Жумла жаҳон рўзгор ташвишига чўмган. Уй олди, равон айвонга уя курган қалдирғочлар кун бўйи полапонларига емиш ташийди. Қори домла уларни завқланиб кузатади.

— Ҳа, жонивор-а! — деб кўяди ичиди. — Жингиртдек жонига шунча азоб. Нима зарил-а! — бунда ҳам бир хикмат бордек туюлади унга. Ҳаётнинг абадийлиги, даврийлиги зоҳир. Ҳеч ўзгаришсанз... Нега табиату жониворлар бир хилликни саклаб колади, факат одамзодгина ўзгараверади. Магар у ўзгармаганида эдими. Ҳаёти анча равон кечарди! Мана қалдирғоч. Ўша лойсувок

уя, ўша уч-тўртта полапон, бир хилда чириллайди. Забти ҳам ўзгармайди буларнинг. Ҳа, энди, чигиртка бўлмаса, каноат килсак, пашшами, чивинми, ермиз, демайди. Излайди, топади. Топмаса болалари оч қолади. Жонсарак, жуда жонсарак.

Шогирди Икромжон кўчадан ҳовлиқиб кирди. Нонга кетаётуб эди шекилли. Нимадан ҳовликади шунча.

- Устоз, устоз! – чакирди у.
- Ҳа, бўтам, нима гап! – вазминлик билан деди кори домла.
- Эшилдингизми? Анави аёлни...
- Қайси аёл?
- Касал ётган-чи! Уйига бориб эдик-ку...
- Ҳўш?
- Шу бандаликни бажо келтирибди. Тўккиз кун ичидагазрат...

Кори домлада ўзгариш сезилмади. Тошибагир эканидан эмас, шунчаки у ўлимни бошқача тушунарди.

Нуруллоҳ кори юзинга фотиха тортди.

Икромжон шошиб колганидан устозини ҳазрат деб юборди. Аслида домла шогирдларига бундай деб аташга рухсат бермасди. Бу риё, дейди. У шогирдига савол назари билан қаради. Йигит шуни айтмокчимиidi унга. Нуруллоҳ кори шогирдига тўккизта барг – бу тўккиз кун, деб айтганини эслади.

- Устоз... – бироз сукутдан кейин деди Икромжон. – Куёв ҳам ўлиби!

Нуруллоҳ кори шогирдига ҳайронлик билан қаради.

- Қайси күёв, бўтам...
- Ўша аёлнинг эри. Қабристонда кайтиш килибди. Эрталаб гўрков кўриб колганмиш... Зиёуддин акам ўша маҳаллага иш билан ўтган эканлар. Ҳамма ёқда шу гапмиш...

– Субҳоноллоҳ! – деб юборди кори. – Йигит ҳам жонига жабр килибди-да! Ўлганнинг кетидан ўлиб бўлмайди. дейдилар. На илож...

– Қайтар дунё дегандингиз, каранг. Йигитнинг ота-онасини худо урибди!

– Бераман деса бало йўқ, ураман деса, даво йўқ деганлар. – домла ўйга толди. – Шундан хавотирда эдим. Кўрдингизми, Икромжон, ҳеч бир адолатсизлик Оллоҳнинг назаридан четда котмайди. Ўзи жазолайди. У – олий ҳакам. Унинг кудратицдан

кўркмоқ, меҳридан қонмок керак. Меҳр берган меҳр кўради, иншооллоҳ. Ҳар ким қилса, ўзига килибди. Яхшилик ҳам қайтади, ёмонлик ҳам! Зоро, бунда ҳам ёмонликни кўрмаслик керак. Бу бир қонуният. Оллоҳ асли уларни бир-бири учун яратганди. Бир кунда беради, бир кунда олади. Ўзгаришлар оламида бу одатий ҳол. Тасаввур килинг-а, сарзамин доимо ўзгаришда бўлса, бандасига канчалар кийин. Оёқда муким қолиш мушкул ҳатто. Шунда одамзодга уч нарса мурувват килгай. Бири асо, бири зиё, яна бири таянч. Булар нималар?

— Бу оддият-ку, устоз, — кулди Икромжон. — Одам иймонга таянади. У инсон кўлидаги асо. Сабргагина суюнади, бу унинг таянчи. Зиё — бу илм, инсон кўлидаги шам. Маърифат унинг йўлини ёрнитгай. Иймонини басаломат килгай...

Қори домла шогирдининг бийрон жавобларидан хурсанд бўлди.

— Баракалло! — деб уни алқади. Икромжон қип-қизариб кетди. Негадир хаяжонланса, шундай бўлади. Ҳамон туйгуларини идора этолмайди. Лекин зукко. Бир нарсани дарров илғаб олади. Мана, бир-икки ойдирки, у фикр ўқийдиган бўлиб қолди. Оддий юмушларни домла айтиб ўтирамайди, Икромжоннинг ўзи билиб килади. Баъзida домланинг ўйларини айнан қайтаради. Шунда кулиб юборай дейди. Шогирд йигит айтганларини юракдан килаётганини кўриб тўликиб кетади. Устоз ҳам отадай меҳр кўяркан шогирдига, ҳаётда кокилмасин, деб қаттиқкўллик килишга тўғри келаркан баъзиди... Лекин кайтишига оз фурсат колганини унга айтиломаяпти. Гарчи шогирди илмли, эътиқодли эса-да, ундан айрилишни истамайди. Ота-боладай бўлиб қолишганди. Бир-бирларига карайдилару, асосий бир гап айтилмаётганини иккови ҳам сезади. Икромжоннинг ботини мустаҳкам. Баъзida хомушланиб қолишидан бу сирни билса керак, деб ўйлади домла. Охирги синов колди, сўнгги имтиҳон. У Икромжонни ишончли қўлларга топшириши керак... Йўкса, хотиржам кетолмайди

Бу кечу шогирди билан ботинан сухбат қуради.

Икромжон ҳам устозига анчадан буён зеҳн ташлаб юрибди. Биляпти, тайёргарлик қилаётганини... қандай билмасин... Бола отасига эргашиб йишлаганидай:

— Кетманг! — деб кўз ёши килолмайди. У тушунади

ҳаммасини. Бу оддий қонуният. Ақли түшүнса-да, лекин дили... Етимгина эмасми, ўзи. Шу бөнс устози билан бошқача қадрдон улар. Юралдан сезишади бир-бирларини. Эргашолмайды, ха! Аммо билмайды, устозисиз қандай яшаш мүмкінлігіні, тасаввур ҳам килолмайды буни... Ота-онаси-ку эрта ташлаб кетишган, лекин домла-чи?! Энди топтим деганда... Гоҳо нигоҳларида «Нима учун, нега бунча шошилинч!» деган савол зухрланади. Ҳақикатга етишган жонлар бу дүнёни ўзлари хохлаган пайтада тарк этишлари мүмкін-ку! Домласи ҳали ёш! Одамларга фойдаси тегиши мүмкін, ахир. Балки устозининг у дүнёда ҳам килалиған вазифалари бордир, буни Икромжон қайдан ҳам билсин. Қачонки, рухият сарҳадларида әнлигина тетапоя қилиб юра бошлаган бўлса... Уни ўша дунёда тумонат кутаётгандир, балки ўшаларнинг биргина васидан уни Икромжонгина мосуво айлаяпти. Билади, устози ҳам уни кўзи киймайди. Лекин... Нуруллоҳ кори пок иймон эгаси, бунакалар хозир кам. Магар одам бироз хасталанса, дарров бўшашиб тушади. Ҳамма ишини кўйиб, гушкунликка берилади. Гўё уни мудҳиш бир нима кутаётгандай. Устози эса... доимгидай тетик, хуш кайфиятда. Гўё фалон жойга, фалон ишни килиш учун кетаётгандай... Бир зумгагина! Қанийди шундай бўлса!? Баъзида шуни ўйласа, Икромжоннинг кўзлари ёшланадиган бўлиб қолди. Хилват жойда хеч кимга билдиримай артиб олади. Барибир, устози билади буни. Нуруллоҳ корининг тийрак кўзлари тўсик оша ҳам кўраверади. Шундай экан, яширишга на ҳожат. Асли йигитлик ғурури йўл қўймайди-да бунга. Қори домла шогирдининг дилгирлигини сезиб, мийигида кулиб кўяди. Ҳар қалай ўғил бола, эр кишидай бўлиб ўсгани маъкул... Бўйнида қиёмат карз маъсулияти бор. Келгусида у оила бокади, фарзанд ўстиради. Балки унинг каби шогирлар етишириар... Э, бола-я, бола!

Икромжон кўшни олиб чиқкан ок шўрвани устози олдига кўяркан, унинг кўзларига каради. Бу нигоҳда бепарволик ва қандайдир мунгни кўрди. «Ўтиринг-чи, бўтам!» деётгандай туюлди унга.

Нуруллоҳ кори шўрвага бир қараб қўйди-ю, истамайгина қошиқ ботирди. Ҳозир овқат ейишни ўйлармиди у. Лекин Икромжонни ташвишга қўйгиси келмади. Ўзи шундок ҳам ичидан эзилиб юрибди. Устози овқат емай қўйганини билса,

баттар куюнади. Ўқайтиш килса, бола бунга қандай чидайди?! Мулла йигитнинг кўзларида зоҳир бўлган меҳрни кўриб домла ҳам майнинлашди. Бу дунёнинг ишлари шунаقا ўзи. Ибтидоси бўлган ишларнинг интиҳоси ҳам бўлади-да! Бунга қўникмок керак. Оллоҳнинг иродаси вожиб. Нима ҳам келарди қўлидан.

Нуруллоҳ кори шогирдига меҳрли тикилганча ўйга толди. Шогирди дилидан ўтганларни англай оладими-йўқми, билмасди. Аммо бир кун келиб, ботиндан сухбат қуришни кўнглига тугиб кўйганди. Устозлар шогирдларни доим шундай имтиҳон килишган.

Яъни овоз чиқариб гапиришмаган. Улар фикр ўқишиган.

«Кўп ғалат туш кўрибман», – деди Нуриллоҳ кори овоз чиқармай. – Ўз руҳим билан баҳс бойлашибман. У кўз ўнгимда зоҳир бўлиши билан ҳаммасини эслабман. У дунёдаги ҳаётимни! Бирам соғинган эмишманки, чин уйимни! Соғинч ҳиссидан бағрим ўртаниб кетди. Руҳим кафасга тушган кабутар янгиғ, қанотларини потирлатиб ўзини панжарага уради. «Кетгим келяпти, кетгим!» дейди. Мен эса уни тўхтатишга уринаман «биroz шошма, шошмамасанг-чи! – дейман. – Бу дунёда қиладиган ишларим бор ҳали! – дейман, пича сабр қил!» У эса кетиш илинжида, жонсарак:

– Эй, нодон-а! – дейди у. – У дунё жамолини унугансан. Пайсалга солишинг шундан! Акс ҳол бу дунёнинг ишлари қачон битган?! – дейди дакки бергандай. Унга жавоб тополмай мулзам бўлиб қоламан. Аслида Икромжон, болам, сизни кўзим киймайди... Ишончли қўлларга топширсан эди, дейман!»

Назарида устози унинг учун қолаётгандай, буткул қолгандай бўлиб туюлди. Дилида кувонч туйди.

«Шошилишга на ҳожат, устоз! Қанча одам сухбатингиздан баҳраманд. амалингиздан саодат топяпти», – деди у ҳам овоз чиқармай.

«Шундайдир... лекин бу менга боғлик эмас, бўтам, яна бир нарсаннайтайдай... Озодлик арафасида турган рух учун бу дунёда бир кун ушланиб қолиш асрлар кадар узок вақтдай туюлади. Унинг ҳар сонияси азоб беради. Чунки ҳеч ким яшаб бўлган ҳаётини кайтадан яшагиси келмайди. Ўтмиш кўлга айланган хисоб. Кулни титкилашдан қандай маъно бор?!»

«Ўлимда-чи. ўлимда ҳам маъно бормикин?»

«Бор албатта, аммо унинг маъноси биздан яширин бўлса, не ажаб? Фикр қиласанки, рух умргузаронлик килар экан, ҳар хил ҳаёт шаклларини бошидан кечиради. Рухнинг она қорнига тушгунига қадар кечган ҳаёти, бу – бир босқич. Қаерларда юради, нималарни кўради? Эркин рухнинг она корнига тушиби, коронгуликка банди этилиши ҳам ўлимдай гап эмасми?! Инсоннинг туғилиши ҳам бир ҳаёт шаклидан бошқасига ўтиш демакдир. Фикри ожизимча, гўдак улғайиб, кексайгунига қадар яна бир туғилиш они учун стилиб боради. Бу тананинг ўлиши, рухнинг эса туғилишидир.

Ү ёғи эса биздан сир тутилган.

Кўрган тушим – бу пардани хиял кўтаргандай бўлди ва мен охират нафасини туйдим. Бутун борлиғим илингизни интилдим. Бу бежиз эмас, бунда ҳам бир ҳикмтот бўлиши керак. Ўша манзилимга тезроқ етсам, дейман... »

«Йўловчини манзилидан қолдириш хайрли бўлмайди, устоз, мени ўйламаг. Дилингиз буюрганини қилинг. Бу жудолик қанчалар оғир бўлмасин, берган ўйтларингиз унинг залворини енгиллатади. ҳаётда йўл кўрсатади. Худо хоҳласа. Йўлимдан адашмасман», – деди у.

Шогирдининг фикрларини ўқиб, кори домла хурсанд бўлди.

Икромжоннинг зеҳни баланд, шу кетишда юкори мақоматларга эришса ажаб эмас. «Сизга бир юмуш айтмоқчиман, бўтам, – фикран деди кори домла. – Фарғонадаги бош масжидга бориб мени кутинг! Ҳозир шу масжидни таъмирлаш ишлари кетяпти. Шогирд йигитлар учун маҳсус дарсхоналар ҳам қурилаётган экан.

Эртага эрта билан йўлга тушамиз. Мен кетаётиб, бир дўстимникига, Андижонга ҳам кириб ўтаман. Шу важдан сиздан эртарок кетмоқчиман. Бутам, сиз бу ерларни йигиб-териб, калитни эгасига топшириб кайтасиз. Кейинчалик балки бу гўшага яна келарсиз? Қайдам, Оллоҳ билгувчироқдир?!»

Устоз-шогирд соат тунги бирларгача сұхбат қуриб, нафл нағозини ўқиб ётдилар. Кори домла эрта азондан йўл тадоригини кўриб, манзилига жўнаб кетди. Аммо унинг дилгир кўнглида бир ғашлик бор эди. Икромжон унинг айтганларини тушундимикин?

Ахир у овоз чикариб гапирмади-ку! Улар ботиндан сұхбатлашдилар. Насиб этса, шогирди бу имтихондан ҳам яхши ўтади. Бўладиган бола бопидан маълум, ахир!

Икромжон устозиниң йүлга күзаттач, хоналарни, равон айвон, ҳовли-ю кичкина боғни бир-бир күздан кечирди. Ҳувиллаб колди-я, ҳаммаёк... Одам ҳам жойга жон киритар экан-да, фариштали одам деб бекорга айтмайдилар. Ўша фаришталар ҳам тарқ этиши бу ошённи. Шу боис сукунат ютаман, дейди. Аммо устозининг пойқадамлари теккан бу ерларга! Ҳар бурчак уни эслатади, эшик тутқичларида, зиналарда унинг зухри колган. Бу уйда икковлон ота-боладай яхши яшади. Қадрдонларни бир-бирига яқинлаштирган жой ҳам қадрдон бўлиб колди улар учун! Қўни-қўшни овқат олиб чикар, бирон маслаҳатли ишлари бўлса, юлдузлар чиккунича ҳам сұхбатлашиб ўтираверишарди. Богдаги олмани айтмайсизми?! Бошини еб килганки... кунда тўкилганини териб улгурмасди. Ярми кизил, ярми оқ, жоноки олма, еб тўймайди киши. Ыола-бакра, бутун маҳалла еди бу олмадан! Ҳатто домла кимки шаҳар тушадиган бўлса, «ҳой, ола кетинглар олмадан! Шаҳарда танқис пеъмат, ҳеч курса, болаларга улашиб юборасиз», дерди. Одамлар кулишарди, э, у замонлар ўтиб кетган, деб. Олмани текинга берсангиз ҳам одамларнинг иши қолади. Нега текин деб сўрашади, ҳеч бўлмаса?! Илгариги замонда «нон бўлса текин, сявер секин» дейишарди. Эндиги ёшлар эса «Текин пишлок фақат копқонда бўлади!» дейишади.

Устоз-шогирд табиблик қилишар, ҳак олишмасди. Бирда козон кайнар, бирда кайнамтс... Шунда устоз шогирд тиловат қилишга тушишарди.

— Очлик иймонни басаломат қиласди, иродани тоблайди, — дерди устози ва ҳар сафар пайғамбарларнинг «Кўп овқат ейиш бирла қалбларингизни ўлдирмангиз. Экинларни ортиқча сув ҳалок этиши каби, албатта, ортиқча емак ҳам қалбни маҳв этур», деган ўйтларини эсларди жилмайиб.

Сұхбат қизигандан кизирди:

— Қадимда бир авлиё ўтган экан, — деб ҳикоя килганди кори домла. — Ўзини овқатдан кайтариш учун, доим аччик бодом шимиб юраркан. Бир куни шу одамни худойига айтишибди. «Бир мазза килиб овқатланарканман-да!», — деб ўйлабди у. Шу аснода худойи бўладиган уйга кириб, меҳмонлар каторидан жой олиб ўтирибди. Неча хил овқат тортилишига қарамай, биронтаси унга тегмабди. Овқат тортаётган мезбонлар уни кўрмай ўтиб кетишармиш-да! Шу куни ҳам ўша авлиё қулбасига оч-нахор

қайтиб келибди! Худонинг амри вожиб, деганлари шу-да! Насиб килган бўлса ейсиз, насиб этмаган бўлса, базми-жамшиддан ҳам оч қайтаркан одам!

— Устоз, кани энди бир коса палов бўлса! Аччиқ-чучук қилиб, ёғларини оқизиб есак, — деди Икромжон.

— Устига қатигу мурч солинган чучвара бўлса ҳам ёмон бўлмасди, — кулди домла.

Кейин яна ўқишига мук тушишди. Шу пайт эшик тақиллаб, кўшни аёлнинг овози келди:

— Икромжон-у, хой Икромжон! Буёқка қаранг!

Икромжон чопиб бориб дарвозани очди. Қараса, остоңада кўшни аёл бир коса чучвара кўтариб турибди. Устига мурч, катик солинган! Икромжон буни кутмаганидан жувонга ҳайратланиб боқди.

— Домла билан ерсизлар! Тугун оши қилгандим. Акангизнинг ишлари юришсин, деб. Домлага айтинг, бир дуо килсинлар. — деди аёл илтижсли.

Аёлнинг эри корхона очиб эди. «Ичимлик суви» ишлаб чикарарди. Айни ёз чиллада текширувчилар босибди. Ҳужжатида чатоги бормиш. Буни кишлоқ аҳли эшитиб, тоза дарғазаб бўлиб юрганди. Одамлар ишга чиқишаётганди, шу ердан маош олиб, оила боқаётганди. Бу қанақа нағма бўлди. Ҳужжат чаток эмас, жигилдон чатокдир, дейишарди кулиб. Абдумўмин ака эса аччикка аччик қилиб ётиб олди. Бир ойдан бери шу аҳвол. Чучвара олиб чиқкан шунинг хотини эди.

Икромжон чучварани даст кўтарганча ҳам шод, ҳам ҳайратда устози ўтирган айвонга югорди.

— Устоз буни кўринг... чучвара! — деди у маъноли қилиб. — Айтганингиздай, мурч-катик солинган!

— Шундайми? — кулди домла. Кейин косадаги овқатни кўриб «субҳоноллоҳ!» деб юборди. — Ўзингга шукр! Берган неъматларинингга беадад шукр!

Бунака воқеа кўп бўлган. Домланинг кўнгли тусаган нарса ўша куниёк муҳайё бўларди. Икромжон кўп синаган буни. Шу сингари устозининг дуолари ҳам ижобат бўлмай қолмасди. Мана, Абдумўмин аканинг ишлари ҳам юришиб кетди-ку! Текширувчилар ноҳак бўлиб чиқди. Ўшаларнинг иши энди текширувдамиш...

Ха, домла билан бу уйда кўп яхши кунларни ўтказишиди. Дунё

тагутўларидан ҳоли, моддий мұуаммолар тазинк қилмаган маъсумгина, покиза гүша эди. Балки чинданам қайтиб келар бу ерга! Устози сингари табиблик қилиб, одам даволар, элнинг корига ярар, ахир! Ҳеч курса, дурадгорчилик ҳам кўлидан келади-ку!

Икромжон эшикни қулфлаётib кўзлари ёшланиб кетди. Гўе бу ўша машъум жудоликнинг бошланиши эди... Уй сохибига калитларни тутказар экан, кўп раҳматлар айтди.

– Мен қайтаман! Албатта қайтаман! – деб ҳам ишонтириди. Асосийси бунга ўзининг ҳам ишонгиси келарди. Кейин йўлга тушди.

Коп корайиб колганига қарамай, шахар чеккасига қатновчи машиналар тирбанд. Йўловчидан шофёр кўп. Қўли кўксисда:

– Қаёкка борасиз! – деб машинага таклиф килишади.

– Фарғонага битта жой ҳолди! – деди шопмўйлов йигит.

– Ҳе, бўлмайсанми? Шошяпбиз дедик-ку! Оласан пулингни! – «Нексия» машинаси ичидан бақирди бир барзанги. У йўл четига чирт этиб тупурди-ю, «педараз» деб сўқинди. Майкачан, кўлу кўкракларини жун босган, соchlари елка қадар узун... Терлаган баданига чиппа ёпишиб ётибди. Ўша аҳвол бўйинда занжир, билакда занжир, бир ёк қулоғида зирағи ҳам борми-ей... Икромжон буларни кўриб «Ё, астагфируллоҳ!» деб кўйди, ичида. Важоҳати кўзингни ўяман, дерди.

– Брат, сал шошманг! Мана, укамиз ҳам Фарғонага кетар эканлар.

– Одам олма, демадимми?! – яна бақирди у. – Ўзбекча гапирдим, шекилли... Ғалчамисан-а!

– Нега шунча бензин ёкиб, иккита одам билан кетарканман? Ёкмаса, ана бошқа машинага ўтиринг! Пулинни тўлармиш... Ҳих! Ҳаётда тўламайсан!

– Кетарканми? – барзанги машина ичидан Икромжонга имоқилди: – Ўв, сапляк, давай, чик машинага! Тез-тез! – шоширди у. – Вакт йўқ...

– Ука, кета колинг биз билан! – ялинди шофёр ҳам. – Ёнимда ўтирасиз...

Икромжон машинага чиқди. Қараса, салон ичидан анави барзангидан яна биттаси ўтирибди. Улар икки киши экан. Сочлари узун, кора кўзойнак таққан, соколлари чакиртикандай ўsicк. Бунисининг исми Салим экан. Кора кўзойнак таққан, сал босикроғи

ўзини Махмуд деб таништириди. Икромжон уларни ёқтирамади, лекин шунга қарамай улар томон йўналди.

– Ёнимга чиқинг! – таклиф килди шофёр.

Икромжон шофёр нега унга ёпишиб олганини энди тушуниди. Ҳар қалай, анавиларлан чўчияпти, шекилли. Шунакаларни машинага олиб нима килади, йўл узоқ бўлса?! Мулла йигит ён томонга ўгирилиб, оркадагиларга разм солди. Сездики, сёк остида турган йўл сумкасида пул бор. Сумканинг ичи тўла пул! Бирон 5-6 миллион бордир... Унинг кўнгли ғашланди. Ҳаромдан келган пулга ўхшаяпти. Яхшилик келтирмайди бу.

Шофёр билан Икромжон киши билмас кўз уриштириб олишиди. Шофёр йигит Олимжон уларни машинага таклиф килмаган кўринади. Уларнинг ўзи зўрлик қилиб чиқиб олишган, чоги. Шу важдан Олимжон ҳам асабий, ўзига қолса-ку, кувиб соларди-я! Буларнинг ахлат анқиётган шалок оғзиға чидаб ўтирасди.

Машина кўзғалиши билан Икромжон дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Анавиларнинг энсаси котди.

– Мулла эканми?! – кора кўзойнакнинг биқининг туртди барзанги. Кейин қих-қихлаб кулди.

– Дуо ўқийдими-ўқимайдими, барибир биззи айтганимиз бўлади! – деди униси қатъий қилиб.

Икромжон индамади. Атрофни томоша қилиб, тасбех ўгириб кетди. Қоронғида тоғу тошлар, дов-даражатлар бошқача сирли кўринади-да! Илоҳиёт пардаси гўё тунда кўтарилади. Дунёнинг оддий эмаслиги ойдай равшан бўлади. Мана, йўлда ястаниб ётган тош. Унда ҳеч бир маъно йўқ. Лекин бундек ўйлаб қаралса, бу тош дунё ибтиносига гувоҳ бўлган. Олам яралганда яралган, ахир. Ўшандан буён канча воқеаларга тилсиз томошабин, денг. Ҳамон томошабин! Аммо унинг тилини билсангиз, сўзлашади. Нафсилямини айтганда, шу тошнинг ҳам жони бордай, ўзига яраша хулқ-атвори ҳам бор. Одамнигига караб ўзгаради. Хуш кайфиятда бўлсангиз, шу тош кўхна тарих ифорини келтиради, асрларни тулаштирувчи бир занжир ўрнида. Кайфият тунд бўлганида дилга ботади. Юрак тошга қиёсланади. Яъни дарду аламларингизга локайд безрайиб тураверади, чунки унда ҳаёт йўқ. Ўзи қанчалар қаттиқ бўлса, туйғулари ҳам заранг, сизни тушунмайди.

Атрофга коронғилик чўкли. Оркадаги йўловчиларнинг

коринлари очди, шекилли, бир шиша арок очиб, уни уриштириб ичиб, тамадди килишга тушишди. Кайф ошгани сайн уларнинг килиғи ҳам қуюшкондан чиқа бошлади. Икромжон ҳижолатда, аzon айтиб, хуфтонни ўқиб олиши керак. Шундай қилса, анавилар билан ўчакишгандай бўлади, килмаса гуноҳи ўзига!

Икромжон таяммум килиб, азонни пичирлаб айтди-да, ўтирган жойида хуфтонни ўқишига киришди. Анавиларнинг эса кайфи тароқ.

– Ўв, муллавачча! Юзта-юзта қуяйликми? – ких-кихлаб қулади улардан бири. – Яшаб қолмайсанми, аҳмок! Гўрга киришга улгурасан ҳали!

Икромжон индамади, намозини ўқишида давом этди.

– Сурбет чикиб қолди-ку бу мишики! – мулла Йигитнинг чурк этмагани барзангининг нафсониятига тегди. У бир пиёлага арок кўйиб, Икромжонни туртди:

– Ич буни!!!

Икромжон кайрилиб ҳам қарамади.

Шофёр ўртага тушди:

– Йигит, бу билан ўчакишиб нима қиласан! Заҳарингга ичиб ўтиравермайсанми, индамагандан кейин!!!

– Ўв, лоҳ, оғзингга қараб гапир!!! Нақ кекирдагингни суғуриб олмайин яна!

– Кучинг етадими? Кўлиңгдан келадими? – жаҳли чикиб кетди шофёрнинг.

Барзангি рулга ёпишди. Иккинчиси унинг сочидан тортиб, ўтказиб кўйди.

– Тек ўтири, ит! Авария кильмокчимисан!

Барзангি шеригининг шаштидан қўрқди, мушукдай юввош тортиб колди. Кора кўзойнакли одам, каттаси шекилли, яна унга ўшкира кетди.

– Ишқал чиқарма, демабмидим, ҳайвон! Ҳали бир соат кимга вайсадим...

Орага нокулай жимлик чўкди. Кўп ўтмай, орқадан жанжал-кашнинг хурраги эшитилди. Асаби метин-а буларнинг, одам қанчалик безбет бўлса, асаблари ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади шекилли.

Икромжон эса хуфтонни тугатган, тасбех ўгириб ўтирас, лаблари каттик қымтилган, кўзларида норизолик аломати бор эди.

«Нима, энди тақвадорман деб бирорларнинг ҳақоратига чидаб ўтириши керакми?!» Йигит эмасми, қони қайнади унинг ҳам. Навоий ҳазратлари бежиз айтмаганлар: «Ит бўлур, эшак бўлур, асло бўлмас одамий» деб. Эй худойим, ҳайвонфёъл одамлар қайдан пайдо бўлади-я, ўзинг кечир! Ўзлари қолиб, бошқаларни ҳам гуноҳ килишга мажбур этадилар. Оллоҳдан ўзганинг бандаси айбини айтишга ҳаки йўк, асли. Чунки бу бефойда. Қорадори билан шугулланадиган кўринади булар. Ўшаларнинг лайчалиари... пул йиғишириб кетяпти шекилли. Бундайларни худойим бошқаларга ўрнак бўлсин, деб шу кўйга солиб қўяди шекилли. Охиратни ўйламайдими?! Бунакалар охиратга ишонармиди?! Ишонса, шу ишларни қиласмиди?

Қамчи довонига анча яқинлашиб қолгандилар ҳам. ДАН постида текширув бошланди.

Кора кўзойнак бесаранжом бўлиб колди. Шеригини туртиб уйғотди.

– Тур-э, хўқиз! Текширишяпти!

У ҳам кўзларини ишқалаб, атрофга бокди. Улар ўзаро бир нималар деб пичирлаб келишиб олишди. Кейин машина ойнасини тушириб, чека бошлашди.

– Энсани қотиради бу ментлар! Ҳар қадамда текширув! – пўнгиллади кора кўзойнак. – Бир ишни қойиллатса экан! Ана портлатиб ётишибди!

Икромжон ҳам, шофер ҳам индамади. Унинг фикрини хеч ким маъқулламагач, у ҳам жим бўлди. Арок ҳидини кетказиш учун сакич олиб чайнай бошлади. Барзангининг парвойи палак, ёнидан қизми-жувиоми ўтиб колса бўлди, чакаги ёпилмасди.

– Ў, зўр нарса эканми? Анавини кара! Ух! Жонни оладигани шу-да! Фарғонага етиб олайлик! – дерди кўзлари чакнаб.

– Ўчир чакагингни! Сенга нима дегандим? Оддин етиб ол!
– танбех берарди унга кора кўзойнак.

Маҳмуд ўйга толди. Ўшанда ҳам шунаقا «шилта» ишга бир жононни деб кўл уришганди. Шуни эслаб кўнгли зил кетди. Охири баҳайр бўлсин, ишқилиб...

У ҳеч қачон бу тўғри, униси нотўғри деб бош қотирмасди. Вижданни ҳам қийналмаган. Ўзини жони ичига сиғмайдиган бўз йигит ҳисоблардиги, холос. Онаси Зарина бева эди, кўп ичарди. Шимолини вожга татрофишаги каталакдай уйларнинг бирида аранг

кун ўтказишарди. Заринанинг кўшнилари ҳам, «улфатлари» ҳам ўзига ўхшаган ичклиникбоз, оғзи шалок одамлар эди. Маҳмуднинг асли исми Мамед бўлиб, кўпчилик уни Мамука деб атарди. Бир куни кўшнилари йўғида уларнидан онаси учун вино ўғирлаб чиқди. Ўшандада онаси бошини силаб:

– Мехрибоним! – деда эркалаб, ўғлининг иркит юзларидан ўпид қўйганди.

– Аҳмаклиғимда яхшиям түғған экенмен!

Ҳар калай, она-бала бир-бирини ялашиб-юлкашиб кун ке-чиришарди.

Кўп ўтмай, онаси билан уни ажратиб юбориши. Заринани оналиқ ҳуқукидан маҳрум этиб, Маҳмудни меҳрибонлик уйига топширдилар. Шу кундан зътиборан бўйинбоғ тақиб, папка кўтарганлар ва сўкмай гапирадиган амакилар тошбагирлик ва иккиюзламачилик рамзига айланди унинг учун. Онаси ичса, нима бўлти! Барибир у онаси эди, туккани! Боласига ичи ачири. Баъзида:

– Мини кешир, балам! – деб туни билан йиғлаб чиқарди.

Уни меҳрибонлик уйига олиб кетишаётган куни онаси ёнига ўтқазиб олиб, узок гапирди:

– Мин синга нима ҳам бира алардим, Мамука! – деди у йиғлаб. – Миндайин пянчуга бўласен, халас. У йирда девлет сини ўғитади. Компьютер ўрганасин! Мин сини кўргани бариб турем. Ҳар куни борем! Факат яхши ўқиғин! Адам бўл. Мамука! Мин гордитса итиб юрем, балакайим!

Чинданам, онаси ҳар куни келарди. Ва ҳар куни ҳайдаларди. Бу ерда маст ҳолда болаларни кўргани келиш маън этилганди. Онаси эса ҳар куни маст бўларди. Айникса, уни олиб кетишгандан кейин онаси кунига ичадиган бўлиб колди. Ахлатхоналардан овқат излаб юарди.

Бир куни Маҳмуд панжара ортидан онасини итариб ҳайдашаётганини кўриб колди.

– Мини шу йирда углим бар! – деди онаси. – Баламой! Мамед! – бақириб чакирди у.

– Сендай исқиртнинг қанака боласи бўлиши мумкин, – деди коровул йигит уни масхаралаб. – Ахлатхонага ташлаб кетган болангни айтяпсанми?

Онаси бу гапга чидолмай йигитнинг ёқасига ёпишди:

– Нига оскорбит итасин, сволиш! Мини балам, ўзим катта қылғанман! – деди у йиғламсираб ва йигитнинг юзига шапалок тортиб юборди. Йигит кутилмаган ҳаракатдан ўзини йўқотиб кўйди. Кейин алам билан аёлга бир мушт туширди...

Машинада кетаркан. Махмуд ўқинч билан ўтмишини эслади. Ўшанда бола экан. нима килаётганини ўзи билмай қолди. Коровуп йигит билан муштлашди. Аммо кучи етмади. Алами ичида! Пойлаб юриб, кунлардан бир кун унинг қорнига пичок тикиб олди. Шундан кейин болалар колониясига тушди. У ёғи эса уланиб кетди. Хулласи калом, феълинг қанақа бўлса, хаёт шунақасига ўйнатаркан-да! Энди у ўйламайди гуноҳ килаётганини, виждони ҳам кийналмайди. Улар уни онасидан жудо этишган. Бундай яшаш тарзи иштикомга айланган гўё. Аслида бу бир баҳона эди. Ўзини слаш учун... Чегарани бир буздингми, у ёғи халқадай уланавераркан. Жозибадор аёллар, ресторанлар, ичкилиkbоззлик... Асосийси, ўзингни ҳокимдай хис қиласан, одамлар тақдири сенинг кўлингда гўё... бунинг нашидаси бошқача бўларкан-да! Қачонлардир уни оёқости қилганлар, асосийси, ўша бўйинбог тақкан олифталар унга тиз чўкиб ёлборишиади. Оёғини ўпишади, керак бўлса! Инсон қадри бир чакага кимматлигини ўшанда кўрасиз... Одам ҳам,чувалчанг ҳам бир: оғриқдан бир хилда буралади. Жонзот дегани шу-да!

Сут билан кирган... деганларидай умр бўйи бўйинбог таққанларни ёқтирмай келди. Биринчи марта шуларни деб одам ўлдирди. Бу тасодиф эди, лекин барибир ўлдирди.

Наварни ювиб, ресторанда ўтиришганди, шекилли. Бир олифта жонони билан келди папкасини кўлтиклаб. Тилла ҳалли кўзойнак, бўйинбог, ёнидагиси эса, бай-бай! Бунақа ҳурликони умрида кўрмаганди. Ҳаммасининг сўлаги окди. Махмуд таниш официантга бир имо қилганди, аёлга шампан виноси билан қимматбаҳо шоколад олиб борди. Бўйинбог тақкан бир ғижинди. Аммо қўлидан нима ҳам келарди. Шампанни иткитиб, аёлга ўшкириш учун унинг одоби ҳалал берарди. Етмаганига Махмуд безбетларча аёлга тикилиб ўтираверди.

– Думини йўқотларинг! – буюрди у шерикларига.

– Бир мазза килайлик! Шундоқ жонон анави ҳезмiga увол эмасми? – улар киҳ-киҳлаб кулишди.

– Машинада кетарминкини?

– Билмайсанми, бунақалар метрода юрадп-ку! – улар яна кулишди.

Аёл-эркак ресторанни тарк этишди. Маҳмуд ҳам дарров кўзғалди. Машинага ўтириб, шу икки калтарчани шатакка олишиди. Кўлмак сувни атайлаб бошигача сачратиб ўтиб кетишди. У кезлари ёш, бўз йигит эди-да!

– Хой, кўз борми? – уларнинг ортидан бакирди бўйинбог таққан. – Одам эмас экансан!

Худди шуни кутгандай машина гийк этиб тўхтади. Сакич чайнаб, занжирини айлантирганча машинадан Маҳмуд тушиб келди.

– Таксир, бир нима дедиларми? – истехзо билан гап котди у. Зиёлиномо одам Маҳмуддан қилча ҳам чўчимади. Унга газаб билан тикилганча:

– Молхонада ўсганмиса і, нима бало! – деди.

– Ҳа, молхонада ўсганман! – тасдиқлади Маҳмуд киноя билан. – Аникроғи товукнинг катагида. Чунки эркалатиб кўядигаи дадачамиз йўқ эди! – шундай дея Маҳмудуни зарб билан урди. Шу заҳоти шериклари ёрдамга келди. Эркакни обдон дўппослаши. Уни ўлдириб кўйишганидан бехабар аёлни машинага босиб олиб кетишди... Ўшанда Маҳмуд 15 йилга қамок жазосига маҳкум этилди. Аммо «Хотамтой» лақабли бир одам ишга «аралашиб», уни муддатидан анча илгари қамоқдан чикариб олди. Жиноятчиларга «ғамхўрлик» килдиган шунаканги «ҳотамтойлар» бўларкан, карант. Қамоқдан чикканидан кейин шунга югурдак бўлди. Аввал-бошли югурдак бўлиш нафсониятига тегди. Кейин эса Хотамтойни отасидай кўриб, унга ўрганиб ҳам қолди. Кейинчилик ўзини «Буни ҳам эплаган эплайди» деб оқлайдиган бўлди.

Албатта, бу ишни Хотамтой буюрганди. Қамоқда бирга ётган ошиаси Салим бошлади. Хотамтой бунаканти шилта ишларга аралашмайди. Билса ҳам, соғ кўймайди.

– Навар бор, Мамука! – деди Салим. – Уддаласак, яхшигина пул ишлаб оламиз. Бир бойваччанинг ўғлига буйрак керак экан!

– Керак бўлса, бозорга тушиб олавермайдими?

– Одамнинг буйраги бозорда сотилмайди-да!

Маҳмуд унга ялт этиб қаради.

– Айтаяпман-ку, ўғлининг буйраги касал экан деб! Буйрак кўйдиргани чет элга олиб бораркан ўғлини. Донор топган куни-миз самолётида учиб кетаркан. Ўқимишли «кассоби» бормиши.

Биз бола топсак бўлди экан. У ёғини ўзлари тинчтар эмиш. Бир чамадон доллар кўрсатди, Мамука! Ох, омадимиз келди!

Махмуд ўйланиб қолди.

– Ҳм, ўтириб кўйган боладай мўлайиб қолдинг! Гапир...

– Хотамтой ўлдиради мени! Соғ кўймайди. Шу ишингга аралаштирма, оғайни! Шилтаси чиқади! Ўзи анавиндан сотиб, тинч юрибман! Керак бўлса, носвой сотишга ўтаман...

– Жиннимисан! Ўша Хотамтойинг эшак қилиб миниб олган сени. Арзимаган пул бериб... Ит ялоғимисан унинг!

– Ўчирр! – бақирди Махмуд.

Салим индамади.

– Ўзинг биласан. Бу ишга талабгорлар кўп. Ҳатто бир болани кўз остимга олиб кўйганман. Онаси алкаш. Боласини бир шиша ароққа алмашиб юборади. Қон гуруҳи тўғри келса бўлди!

Махмуднинг юраги зирқ этди.

– Детдемдан олсак-чи болани! Тарбиячилар ҳам арzon-гаров бола сотишармийш-ку!

– Э, бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси касал. Текшириб оламиз дейишияпти. Иш чиста бўлса, кейин пулинин бераркан!

Ўша Салим назарига олган бола билан танишиб олишди. Тамарани авраш кийин бўлмади. Болани докторга кўрсатамиз деб, қон гуруҳини ҳам текширитириб келишди.

Бир кун тайинланди. Тўрт яшар бола нимага ҳам тушунарди. Операция столига ҳам ўз оёғи билан чиқди. Факат оқ халатли докторни кўриши билан:

– Мен укол олишни ёмон кўраман! – деб йиғлаб юборса бўладими!

Шунда Салим:

– Нимани яхши кўрасан, тойчок! Сникерсни яхши кўрасанми? – деб сўради.

Йиғлаб турган болакай амакига караб жавдиради.

– Ма, ол, сникерс!

Бола хурсанд бўлиб кетди. Шоколаднинг бир учидан очиб тишлади. Шунга овуниб, докторга зътибор бермай кўйди.

– Ҳозир йиғламасанг, сенга бир талай сникерс олиб бераман! – деди Салим.

Бола наркоз никобига қўрка-писа қаради-ю, аммо йиғламади. Сникерсдан курук қоламан деб ўйлади, чоғи. Аммо орадан кўп ўтмай кўлидаги бир учи тишланган шоколад полга тушибди.

Унинг бу праклари олиниб, формалинга солинди ва зудлик билан аэропортга олиб кетилди. Бола ўлган бўлса-да, унинг буйраклари тирик эди! Чинданам Маҳмуд ҳамтовоғи билан бир чамадон пул ишлаб олди. Лекин... Кунларнинг бирида навбатдаги зиёфатдан фирт маст қайтаётганди. Йўл четида йиғлаб ўтирган болага кўзи тушди.

– Ҳой, тойчоқ, нега йиғлаяпсан! – чайкалганча унга юзланди Маҳмуд.

– Буйрагим, буйрагимни кайтариб беринг! – деди бола уввос солганча.

Маҳмуд болага тикилганча, котиб колди. Бу ўша бола эди. Гарчи унинг юзларига кислота сепиб, ёкиб юборилган бўлса-да, чехраси ўзгармаган... Юзлари оппок эди.

Кўркиб кетганидан Маҳмуд қочишига тушди. Бола эса кичкина кўлчалари билан унга тирмашди:

– Буйрагим!

Бу васвасадан у аранг кутулди. Аммо бу қайси бир нохуш воқеанинг бошланиши эканини Маҳмуд ўшанда яхши англаш олганди. Кўнглини қандайдир бўшлиқ қамраб олди.

Мана, ҳозир тоғ йўлида кетиб бораркан шуларни ўйларди. Юрэги ғаш эди. Ментларнинг текширув бошлагани чатоқ бўлдида! Уч-тўрт сўмга кўнадиганга ўхшамайди булар.

Бунақа пайтда кутишдан ёмони йўқ. Маҳмуд деганлари пак ёрилай дейди. Анави бемаъни эса хотинларни ўйлаяпти, хўқиз! Шу пайтда хотин кўнгилга сиғадими?!

Ниҳоят, милиционерлар уларга рўпара бўлишиди. Олимжон пастга тушиб, ҳужжатларини кўрсатди. Уларга бир нималар деб тушунтира кетди. Аммо ДАН ходимлари уни менсимайгина тинглашиди. Бу иш роса мейдасига ургандай орада биттаси чўзиқ ҳомуза тортиди. Бошқа бири машина ичидагиларни текшириди.

– Сумка ичиди нима бор?

– Кийим-кечак... – жиддий киёфада деди қора кўзойнак.

– Пастга олиб тушинг, текширамиз! – буюрди милиционер.

– Э, нимасини текширасиз, братан! – ялтокланди барзанги.

Милиционер унга ўқрайиб қараб қўйди.

Бу орада Олимжон қайтди.

Барзанги эса Олимжоннинг рулга ўтираётганини кўриб, хурсанд бўлиб кетди.

– Кетамизми, брат! – деди у.

– Э, қаёқда... машинани четга олиб күй деяпти!

Шу пайт кора кўзойнак чақонлик билан унинг елкасига тўлпонча тиради:

– Газни бос! – деди у тишлари орасидан вишиллаб. – Имилама, бос газни!

Шоффёр нима қилишини билмай каловланиб қолди.

– Барибир бефойда! Узилиб кетолмайсиз! Бир зумда етиб олишади!

– Буёгини менга кўйиб бер! Айтганимни кил!

Милиционерлар эса кора кўзойнак сумкани пастга олиб тушишини кутишаётганди. Олимжон газни босиши билан улар ҳам сергакланиб қолишли. Аммо машина ўт олмади, бир кучаниб ғинғиллади-ю, ўчди.

– Ўйин киляпсанми, бос! – овози борича бақирди кора кўзойнак. Икромжон унга нафрат билан караб кўйди-ю, тасбих ўгиришда давом этди. Бундан Олимжоннинг ҳам жаҳли чиқди. «Шундай пайтда тасбих ўгириб ўтирибди! – хаёлидан ўтказди шоффёр. – Чинданам иродаси бўшлар динга берилар экан-да! Кўркоқ... ». Мулла йигит унинг фикрини зумда укиб мийигида кулиб кўйди. Мотор нега ўт олмаётганини тушунмаяпти, чоғи.

Шу пайт кутилмаган ходиса юз берди. Корা кўзойнак сумкани олиб пастга тушди. Милиционерга юзланган бўлди. Аммо... чапдастлик билан Олимжонни рулдан иткитди-ю, сумкани ичкарига отиб, чақонлик билан машинага ўтирди. Аммо машина яна панд берди. Мотор ўт олмади.

Коракўзойнак пастга тушиб, милиционерга тўлпонча ўқталганча, ерда ётган Олимжонни бўйнидан бўғиб олди:

– Қимирласаларинг отилади! – деди у.

– Шух, тез бўл! Анави машинага ўтир!

Улар якин орада турган Жипга югуриб кетишли. Икромжон эса қилт этмай ўтирас, кўзлари бир нуктага қадалганча, котиб колганди. У тасбих ўгираётганди. Аммо Жип ҳам жойидан жилмади. Жиноятчилар ундан тушиб, шоша-пиша коча бошлашди. Олимжонни гаровга олиб, ўзларини пана қилдилар.

– Яқинлашмаларинг, отаман! – дағдаға киларди кора кўзойнак. Шунча одам, шунча милиционер ноилож жойидан жилолмади.

Шу пайт Икромжон тасбиҳини ўйнаганча, машинадан тушди. Бир милиционер унинг йўлини тўсиб:

– Жойингга бор! – деб ўдагалади. – Қимирлама!

Икромжон индамади. Милиционерга каттиқ тикилганди, у юввош тортиб қолди. Бошқалари унинг йўлини тўсиш ўрнига анграйишди. Бошлари карахт, нима бўлаётганини тушунмаётгандай эдилар.

Икромжон шу машинага ўтиргандан, манавиларга ошно бўлгандан ҳижолатда эди. Жиноятга нисбатан локайдлик, уларга шерик бўлишдай гап-да! Ёвузликни жазолаш керак. Кўлидан кела туриб, ёмонликни жазоламаган одамнинг узи ҳам ёмондир, деб ўйларди у. Билиб турибди, факат угина анавиларга бас кела олади. Бироннинг ҳисобига яшашни қўзлаганлар хаёти албатта, фожиали тугайди. Ўтарники, инчунун! Қўркоклик – мағлубиятдан дарак! Анавилар эса оёқ-кўли қалтираб кочяпти! Яна қаёкка денг – тогу томига!

У бошини азот кўтариб, кўлида тасбиҳини ўйнатганча, улар томон кета бошлади. Юзида масрурлик, ғолиблик аломати бор. Зеро, инсон узи устидан килган ҳар қандай ғалаба унга қурдат ато этади. Айни чоғда, Икромжон ҳам ўзини енганди. Иккниланишдан кутулганди. Мўминлик билан локайдлик чегарасини ажратиб олганди.

Жиноятчилар ўзларини ҳимоялаш учун Олимжонни олдинга ўтказиб, унинг панасида кетиб борардилар.

Қора кўзойнак йўл бўйи ибодатда бўлиб, чурқ этиб оғиз очмаган мўмингина муллаваччани бу сийратда кўриб, шошиб қолди. Гавдаси залворидан аста қадам ташлаб келаётган йўлбарсни эслатарди у. Махмуд кўркқанидан кўллари қалтираб, бир-икки отди. Аммо ўқ тегмади. Мулла Йигит буни олдиндан билгандай, ҳатто бошини эгмади ҳам. Икромжон тўппончада бор-йўги учта ўқ борлигини биларди. Албатта, барзанги уни ўқлаб олиши мумкин эди, лекин бунга вакт кетарди. Мулла Йигит бу ерларни илк марта кўриб турган бўлса-да, ботинида чор-атроф харитаси чизилди. Илон изи йўлларни аниқ-тиник кўрди. Шу боис жиноятчиларни жарлик томон ҳайдаб бораверди. Ортига ўтирилиб, милиционерларга «келаверинглар!» дегандай ишора килди.

Яна битта ўқ узилиши керак. Битта ўқни улар Олимжонга атаб кўйишиди, шекилли. Ҳар эҳтимолга қарши!

– Яқинлашма, отаман! – деди қора кўзойнак.

– Шофёрни отиб ташлайман!

Икромжон «отавер» дегандай кулди. Йигит эмасми, унинг оҳангида масхаралаш аломати бор эди.

Жиноятчи гаровдаги одамни эмас, йигитни қўркитиш ниятида отмокчи бўлди. Аммо тўппонча отилмади. У куролининг у ёк-бу ёгини кўриб яна отишга чоғланди. Бу сафар унинг нишонида Олимжон турарди. Не ажабки, тўппонча яна отилмади. Қора кўзойнак куролига алағда бўлиб жар ёқасига келиб колганини билмади. Оёги тойиб йикилди. Шунда ҳам жон ҳалпида ўша атрофдаги ўт-ўланларга ёпишди. Тўппончаси тушиб кетди. Аммо сумкани ҳеч кўйиб юбормасди. Оёги билан ер исказ типирчилар, аммо сумкасини кўймасди.

Икромжон у томон чопди. Кўпидан ушлаб, тепага тортиб олди. Чаён барибир чаёнлигини килади деганларидай, қора кўзойнак Икромжонни бир зарб билан кулатиб қочмокчи бўлди. Бирок кечикканди. Милиционерлар уни аллакачон курсаб олишганди. Бир зумда улар қора кўзойнакнинг ҳам, барзангининг ҳам қўлини кишанлаб, йўргаклагандай килиб, юзтубан ётқизиб кўйишиди.

Ҳамма Икромжонни кутларди. Унинг елкасига қоқиб, қўлини кисишаради.

– Балосан-ку, йигит! Шу ерликмисан? – сўрашарди ундан.

– Йўлни билармидинг?

Йигит бу кутловларга кулиб қўя коларди.

Икромжон нигоҳи билан шофёрни излаб топди. Унга ҳамширалар дори ичиришаётган экан. Бир зумда «Тез ёрдам» ҳам етиб келибди. Йигит ҳамширалар томон юрди. Шофёр ҳам Икромжонни кўриб ўрнидан турди ва уни маҳкам бағрига босди:

– Раҳмат, ука, бир умр унутмайман! – унинг кўзларида ёш йилтиради. Юзини терс буриб артиб олди. – Сизга ёпишганим бежиз эмас экан! Шулар машинамга чикқанидан бери кўнглим гаш эди. Азамат экансиз-ку, йигит!

– Оллоҳ қудратли, мен эса ихтиёриминн унга топширганман, – Икромжон мўминлик билан жилмайиб кўйди. – Оллоҳ ўзи суйган бандаларини ҳивзи ҳимоясига олади.

– Фалокатим ариди, иним. Уч болам билан касалманд онамнинг баҳтига омон қолдим, шекилли.

Шу пайт милиционерлардан бири уни штабга чакиришаётганини айтишди.

Икромжон ДАН назорати хонасига кирди-ю, жиноятчиларга кўзи тушди. Майор Зоҳидовнинг столи устида кора сумка турар, унинг ичи тўла пул эди. Бели бойланган бир даста долларлар! Йигитни кўриши билан барзанги тиши орасидан:

– Педараз! – деди-ю, чирт этиб тупурди. – Соткин! – деб бўкирганча, хезланиб ўрнидан тураётганди, милиционерлар жойига қайта ўтқазиб кўйиши.

– Ҳажи қиз! – газаб билан деди кўзойнак.

Майор Зоҳидов:

– Ҳамма ҳажи кизлар ҳам шунга ўхшасин экан! – деганди ҳамма шараклаб кулиб юборди. Икромжон Фарғонадаги манзилини айтди.

– Терговга чақириб қолишимиз мумкин! – огохлантириди майор. Икромжон «тайёрмиз» дегандай кўлинин кўксига кўйди-ю, хонадан чикди.

Улар Олимжоннинг ҳам манзилини ёзиб олишибди.

Бу сафар икки киши машинага ўтирилар.

Олимжон бир нохуш нарсани зслагандай, ҳафсаласи пир бўлиб рулни шапатлади:

– Эҳ, аттанг! Мотор ўт олмаётганди-ку! Энди нима қилдик?

Икромжон кулди:

– Сиз газни босиб кўринг! – муғомбirona деди йигит.

Шофёр газни босиши билан машина енгил ўт олди. Олимжон мулла йигитга ҳайратланиб караб кўйди. Йигит завқланиб кулди.

– Бу... бу... сизнинг ишингизмиди... қойилман! – деди у. – Қаердан ўргангансиз?

– Устозим ўргатгандар!

– Ҳайронман, қандай килиб ахир, моторни тўхтатиб кўйиш мумкин.

– Иймон кучи билан! – деди Икромжон жиддий.

Машина ўрнидан кўзгалди. Уларни ДАН ходимлари ҳам қўл силкиб кузатиб қолиши...

* * *

Нуруллоҳ кори Икромжоннинг ҳаяллаб қолганидан хавотирда эди. Ўшанда у кун иссик, тунда ўйлга чиқаман деб эди. Агар

шундай бўлса, у аллақачон Фарғонага кириб келиши керак эди. Аммо уни кутиб олишга чиккан йигитлар ёлғиз қайтишди. Шундагина қори ўйланиб қолди. Вазифасини тўғри англаганмикин? Адашиб бошқа ёкка кетган бўлса-чи? Ахир сухбат ботиний эди. Овоз чиқариб хеч ким гапиргани йўк! Нахот, наҳот у янгишган бўлса?!

Бу фикрдан қори бироз ғамгинлашди. Намозини ўқиб, шогирд йигитларга оятларни ўргатиб юраверди. Унинг суҳбатини тинглаган одам корининг васлига ошикарди, яна бир суханбозлик қилсам дерди. Аммо унинг нима юмуш билан келганини хеч ким билмасди. Факат дўсти, шу масжиднинг имоми Асадулла ҳожигина тахмин қиласади. Улар Икромжон ҳақида узок суҳбатлашиши.

– Мен бир зоҳид одамман. Энди ухравий бурчим ҳақида қайғурмасам бўлмайди. Икромжон бамаъни, жиддий йигит. Унга ғамхўрлик қилсангиз, савоб бўлади. Етимлиқда ўсган, менга жуда ўрганиб қолганди. Кетишга шуни кўзим киймайди...

– Ҳажга отланган кўринасиз? – киши билмас килиб сўради ҳожи.

Домла аввалига нима деб жавоб беришни билмади. Кейин:

– Ҳа, бу ҳам бир ҳаж... ундан-да олисрек! – деди у мужмал килиб. «Вакти қазойинг етгач, хеч ким сендан сўраб ўтирумайди. Зарур юмушинг борми-йўқми, ҳаммасини ташлайсану кетасан. Супра ёзуғлик бўлса, йигиб ҳам улгурмайсан. Ўша аҳвол ташлаб кетасан. Йиғиб ола қол, дегувчи топилмас... Ҳа!»

– Дўсту ёрлар чорлашаяпти денг! – Нуруulloҳ корининг обрў-эътиборини билган Асадулла ҳожи унга ҳавасланиб бокди.

– Яхши ўйлапсиз – меҳр меҳрдан қонади, илм илмдан, дейдиларку!

Домла «шундай» дегандай бошини эгиб жилмайди. Кейин кўшимча қилди:

– Икромжон яхши дурадгор. Масжид қурилишига ҳам карашиб юборади. Кейин янаги йилга ўқишга кирса деб эдим.

– Зехни баланд деяпсиз-ку! Ҳозир шулар ўқияпти! Ислом университетини кўп макташяпти. Ҳали замон довруги бутун дунёга кетгай, хориж давлатларидан ҳам келиб ўқишяпти экан.

Шу пайт шогирд йигитлар дастурхонга овқат келтиришди. Жаркоб устига кўкатлар тўғраб, шигтаҳали килиб сузилганди.

Аммо Нуруллоҳ қорининг егиси келмади. Овқатга кошиқ ҳам ботирмади. Ўйга толганча нон тишлаб, чойдан хўплади. Шу дам кўз ўнгидаги кўзичоги томон алпанг-талпанг туриб интилаётган она кўй гавдаланди. Уни кўйхонадан олиб чикишиди. Кўзичок онасининг кетидан баралла маъраганча колди. Иложсизлигини тушунгандай она кўй бошини солинтириб, кассобга эргашди. Кўзларидан бир томчи ёш юмалаб тушди. Боласига ўгирилиб:

– Им! – деб кўйди юпатгандай бўлиб. Ўзи ўляпти-ю, фикризикри боласида! Она-я, она!

Нуруллоҳ кори ўзига келди.

– Эсиз-э! – деди у. – Совлиқни сўйибсизлар. Кўзичоги бўзлаб колибди.

Ҳожи «каердан билдингиз» дегандай домлага ҳайратланиб каради, кейин айборона боғ: эгди.

– Тунов куни меҳмонга кегиб эдик. Болалар она кўйга кўп ем бериб кўйишибди. Олиб колишга роса уриндик. бўлмади. Она-боланинг бир-бирига интилиб баъраши юрагимни эзид юборди. Қассобга бериб билганингизни қилинг, жонивор ҳаром ўлмасин. дедим. Этини бева-бечораларга улашинг дегандим. Улашибди. Ўшалар катори бизга ҳам чикарибди. Нима қилай ахир, ташламайман-ку! Усталар бор, бу ёқда мулла йигитлар овқат қилиб ейишиди. Шундан бизга ҳам келтиришибди-да!

– Хижолат чекманг; ҳожи. Худонинг ишлари бу. Вақти қазоси етган-да жониворнинг! – Кори шундай дедику-я, лекин тотинмади. ~~Л~~андаги овқат шундок колди. Ҳожи килмишидан мулзам эди. Домланинг сезгирилигини биларди-я, лекин... Муллаваччаларга айтиб эди, бу гўштдан овқат қилманглар деб. Акс-да, акс.

– Шоқосим! – чакирди у шогирдлардан бирини.

– Манавиларни олиб кет, болам!

Йигит қўлини кўксига кўйиб, мулойим жилмайганча, хонага кирди-да, косаларни йиғди.

– Домлага бошқа бирон нима олиб келинглар. Эт кўшманглар, маъкулми?

– Овора бўлмангиз, – деди кори домла. – Мен ўзи кам томокман. Зеро жаноби Пайғамбаримиз «Озуканинг буғи фахму заковатга пардадир» деганлар. Икромжон иккимиз иккі-уч кунда бир овқат еб қаноатланардик. Шунга кўнинканман, ҳожи. Ҳеч хисқолат бўлманг. Факат... Ҳали замон Икромжон келиб колар, бундай...

– Эт емайдиларми у киши ҳам? – сўради шогирд йигит.

– Бунака гўштни ермиди? Ана ўрганинг домладан. Тақводор одам пархиз тутади. Жониворларга ситам килмайди. Сиз эса ўйламай-нетмай ҳар балони еяверасиз... Анави ривоятни сўзлаб беринг бунга ҳам, кори. – Асадулла ҳожи унга юзланди. Шогирд йигит ҳам қизиксиниб «кандай ривоят экан» дегандай косаларни тиззасига қўйганча чўккалаб ўтириди.

– Бир одам айтиб эди буни, асли ривоят эмас. У одам эт емас эканлар. Шунга доим одамлардан дакки зшитарканлар. Кунлардан бир кун меҳмонга айтишибди. Шўрвани ичибдилару гўштини емабдилар. Одамлар ҳайрон бўлишибди. Ҳайвонларга қасд килиб, этини ёёлмайман, – дебди у киши. Қўй жаннатдан чиккан-ку, еявермайсизми? – насиҳат қилишибди улар. Шунда ҳалиги одам бундай жавоб қилган экан: «Ия, қизик экансизларку?! Жаннатга кириш билан жаннатдан чиқишнинг фарки бор-ку, ахир!» деб.

Ҳожи ҳам, шогирд ҳам кулиб юборишиди.

– Албатта, кириш билан чиқишнинг фарки бор! – кула туриб деди ҳожи.

– Ғалат нарсаларни топиб юрасиз-да, домла!

Шогирд йигит чиқиб кетаётиб:

– Икромжонга ҳам тушлик тайёрлаб қўямиз. Бу гўштдан ишлатмаймиз! – деди хижолатпаз жилмайиб.

Нуруллоҳ кори пешин намозини ўқиб, хушуъга берилиб тасбих ўгираётган дам дарвозадан бирор кирганини ва ҳовлида юрганлардан бир нимани сўраганини сезди. Бошка пайт бўлганда-ку, писанд ҳам этмасди-я... Уйкудан уйғонгандай хушуъдан чиқиб, илкис кўнгли ёришиб кетди. Икромжоннинг овози-ку бу! Ҳартугул! Ўзингга шукр! Келибди, соғ экан...

Икромжон ҳузурига шамолдайин елиб кирди. Хушбаҳт, таассуротлардан тўлиқиб кетган. Уни бағрига босди. Биринчи кувончи омонлиқдан, иккинчи кувончи буюрилган вазифани удда қилганидан, учинчиси... эса соғинганидан.

Йигит йўлда кўрганларни, қилган ишларини ёшларга хос ғурур билан сўзлаб берди. Кори домла ҳам йўлда нимадир бўлганини сезганди-я! У шогирдининг ҳикоясини кулибгина тинглади. Ҳали болалиги бор бунинг... Аввалига «яҳши-яҳши» деб шогирдини алқаган бўлди. Кейин узоқдан гап бошлади.

— Дунёнинг ишлари жуда чигал асли, — деди у. — Унда адoлат ўрнатмоқлик ниҳоят мубҳам масала. Нисбий дунёда ҳамма нарса нисбий бўлади-да, бутам. Шунча йил яшаб, одамлар орасида юриб, дунё ишларига аралашолмадим. Дунёда шундай жиноятчилар борки, уларни кўз билан кўролмассиз. Ақл орқали иш юритгани боис биз уларни пайкамай ҳам қоламиз, йўриғига юрамиз. Аклингизга кириб, ичдан бузади улар. Бир жиноят содир бўлдими, унда битта ёки иккита одам айбдор бўлмайди. Унга имконият яратганлар-чи?! Умуман, ўзи имтиҳон топшираётган бир талаба бошқа талабани кайдан ҳам имтиҳон қилисинг. Айтмоқчиманки, жиноят ва жазо сиз ўйлаганингиздай оддий масала эмас.

Бир одам авлиё ҳузурига бориб: «Эй, пири муршид, менга сиҳат ато эт!» деб илтижо ғилибди. Пир ҳайрон бўлиб унга юзланибди:

— Соглом бўлиш, саломатлик — у нима дегани? Уни менга тасвирлаб бер! — дебди у.

— Соғлом бўлганимда танамга қувват киради, ўзимни ёшдай ҳис қиласман. — дебди хаста.

— Мен бунга тушунмадим, — ҳайрон бўлибди пири муршид.

— Фақат ибодат қилмасамгина ўзимни хаста ҳис қиласман. Мен учун шу икки ҳолатгина бор, холос. Бошқа ҳолатларни тушунмайман ва улар мен учун дахлсиздир, — дея жавоб қилибди пир. Шунинг сингари бўтам, вужуд оламида икки ҳолатгина бор, холос. Қолганлари ўткинчи. Залолатга юз тутгувчи воқеотларга нисбатан бепарво бўлинг.

Устоз-шогирд соғинч ила сухбатлашиб ўтирган бир пайтда Икромжонга таом олиб киришди.

— Бу деганимки, ҳаётингиздаги ҳодисаларнинг бари синов. Шошқалоқ талабадай мулоҳаза қилмай, жавоб қилсангиз янгилишиб қолишингиз мумкин. Дунёнинг ўзи-да катта жумбок. Чунки бир дарахтни икки одам икки хил нигоҳ билан кўради, бир воқеадан икки хил хулоса чикаради. Ажабки, уларнинг иккови ҳам ҳак бўлиб чикиши мумкин. Киши бир иш килганда охиратни ўйлаб қилмоғи керак. Охират қонуниятлари дунёвий қонуниятлар ила доим ҳам муштарак келган эмас.

Икромжон бош эгди. Бўлган воқеалар таъсирида қанчалар ҳаволалиб кетган бўлса, шундайин тез тушди.

— Ҳали ёшсиз, кези келиб айтганларимнинг мағзини чакарсиз... Умуман, жоҳил кишилар билан тенглашмоқлик мўмин одамга ярашмайди. Зўравонликка қарши зўравонлик ишлатиб, дилларга эзгулик уругини сочолмассиз. Одамлар ҳам мусулмон кишидан қаттиқроқ талаб қилишади. Тасбих кўтариб, килган ишини кўринг, дейдилар.

— Унда жиноятчилар бемалол оғусини сотсин, одам ўлдирсин экан-да!

— Мен ундин деганим йўқ. Уларга карши курашинг. Маърифат билан курашинг. Шундог илм олиб, ҳақиқатни кўндаланг кўйингки, уларнинг фикрлаши ўзгарсин. Акс ҳол, жиноятнинг илдизи тугаб битмайди. Бири килмаса, бошкаси қўл уради ўша ишга. Пул ва ҳокимият эгалари ундинларни қўғирчоқдай ўйнатади. Субҳоноллоҳ, ўзи ҳам такдир қўлида бир қўғирчоқ эканини билмас. Фикр! Ҳамма нарса фикрдан бошланади. Энг аввало ўшаларнинг фикрини ўзгартиринг. Фикри ўзгарган одамнинг ҳаёт тарзи ҳам ўзгаради. Ўшанда маҳкумларга жабр қилувчилар виждан азобидан қийналмайдилар. Ҳаммамиз ҳам худонинг бандасимиз...

Икромжон машинага бирга ўтирган, соchlари баданларига ёпишган икки барзангини ёдга олди. Миршаблар уларнинг қўлларини қайриб кишанлашганини, турта-турта ДАН хонасига судраб кетишганини эслади. Илкис уларга ачинди. Кўнглига ғашлик оралади. Ёшлиқ килибди, шошибди. Энди охиратда жавобини беради.

— Ҳай, майли, бўлган иш бўлибди. Ҳали сизга мукофот ҳам беришар, жасурлиги учун деб. Оллоҳ шу ишларга сизни сабабчи қилган бўлсин, илойим. Мухими, бу воқеотлардан қандай хулоса чиқарганингиздир. Чунки ана шу хулосалар моҳиятингизга таъсир этди ва сизга бокийликда йўлдош бўлади.

Шогирдининг ўйга толганини кўриб, меҳр билан унинг кифтига қокиб кўйди. Икромжон маъюсликка чўмган, қилган ишлари ҳақида ўйлаётганди. Анавиларнинг боллаб таъзирини бердим деганди. Ўша дам охират ҳақида ўйламаган экан-да! Бу қадар чалкаш ҳаммаси. Шу боис пири муршид ҳаётдаги икки ҳолатни танлаб ниҳояти тўғри иш қилган. Бир чеккаси отасидай бўлиб колган, доно устозига ҳаваси ортди. Бу зот учун чигаллик йўқ. Илми зиёда. Айтадиларки, от ўрнини той босади, деб. Аммо...

бу ҳайвонот оламига тақрибан айтилгандир, балки. Даҳолар, пиру комиллар ўрнини босгандар ҳам бормикин... Улар дунёга бир марта келадилар... бир мартагина. Гүё одамларга унинг нималарга кодирлигини, унинг аслиятини намоён этадилар. Ана аслияtingиз қандай, кўринг, ҳавас қилинг, ортидан боринг дегандай худди. Икромжон ҳам шуни истайди, лекин қўлидан келармикин?! Гап мана шунда.

Шу пайт ташқарида ғала-ғонур бошланиб қолди. Икромжон ўрнидан даст туриб, деразадан қаради. Бакир-чакир авжига чикди.

– Билинг-чи, нима гап экан. Субҳоноллоҳ, бунча бакирмасалар!

Икромжон ташқарига чикди. Ҳожи устага қараб норози оҳангда бир нималар дечтанди. Бир зумда ҳовлига одам тўпланди.

– Инсоф билан-да, уста! Бу тўсиннинг қанчага тушганини биласизми?! Келиб-келиб бир қарич калта кесасизми? Бир қарич-а! Ўзимнинг ақчамга келган бўлса ҳам, майлига эди. Эл-улуснинг устига-ку харажати. Хайр-эхсон ҳисобига қуриляпти. Яна нима деб улардан пул сўрайман. Шартта кесиб ташлаганингизни каранг. Ўлчаб кўрмайсизми аввал?

Уста бошини эгтанча мулзам турарди. Ноиложликдан йигларди.

– Қирк йил устачилик қилиб, ҳеч бунақа бўлмаган, – дерди у ёш боладай ҳикиллаб.

– Шу билан ўзингизни окламоқчимисиз?! Тўсин узайиб коладими шу сўзлардан. Суф-э. сиздай устага.

Одамлар ҳам устани сўкишга тушишли.

– Э, кўзга қарамайсизми, уста!

– Ўлчашга эриндингизми, нима бало!

– Шу ҳам иш бўпти-ю... олдингизда ёрдамчиларингиз бор, ҳеч курса шуларга айтмайсизми, ўлчаб кўрмайдими, буларингиз...

– Отамнинг ўлишини билсан, бозорга олиб чиқиб сотар эдим, дегандар. Билмаган-да, шўрлик! Атай килмаган-ку, нега ҳаммангиз бир одамга ёпишасиз, бўлди-да энди. – Ўша ерда турган Үсмон чол устанинг ёнини олди.

– Ҳўп... сиздайин юмшоқлик килдик ҳам дейлик. Тўсинни ўзингиз олиб берасизми? – деди ҳожи кулиб, жонингни оламан, дегандай.

Буни эшитиб Усмон чол жим бўлиб колди. Йиртиқ кавушини алмаштиrolмайди-ю, тўсин олиб берармишми...

– Ана кўрдингизми? Ҳаммаям шу. Ҳозир яна тўсин досам, улусга ҳам малол келади!

– Чатогини чикарибдими, ўзи тузатсин! Товон тўласин! – деди кимдир дарғазаб.

Уста яна йиглашга тушди. Юсуф уста деганлари кўли гул бўлса ҳам, одамлардан оғзини тўлдириб пул сўраёлмасди. Камбағалга, карияларга қайишадиган ҳилмгина одам эди. Аммо баъзи-баъзида шунака ишкал чикариб қўярди-ла! Шу боис уни бойлар устачиликка айттиришмасди. Бой икки харжат қилмагани учун ҳам бой-да! Кўнгли бўш одамдан бой чиққанмикин, дерсиз! Устанинг эгни бут, кора козони қайнаб ётибди, аммо тўсинга етарли пул қайда, дейсиз. Устига устак хотининг худо беради, энди. «Ана сизга одамларнинг раҳмати, ана яхшилик килишнинг оқибати, галирсам сўқиб ташлайсиз, ана энди болаларнинг насибасидан кийиб олиб борасиз... Тўсинга етгулик пул бўлса, томингизни ямамасмидингиз» ва ҳоказо.

Устанинг йиглашига ҳожининг ғаши келди.

– Э, нега йиглайсиз, кап-катта одам! Бўлар иш бўпти, бир йўриги чиқиб колар... Ишингизга боринг! – Ҳожи шундай деб турганида ичкаридан жилмайганча Кори домла чиқиб келди. Ҳамма жим бўлиб колди.

– Нечук гап бўляпти, ҳожи. Овозингиз каттиқ чиқялти!

Шугина сўзнинг ўзи ҳожини ҳушёр торттириди.

– Э, нимасини айтасиз. Устаси тушмагур, устунни бир карич калта арралаб, нес-нобуд қилибди, – деди ўзини оқлагандай.

Кори домла «шунга шунчами?» дегандай кошларини керди. «Субҳоноллоҳ!» деб кўйди ичида.

– Арзимаган ишни деб, устани ўкситиб ётибсизми? Бу бир тўсин экан-ку! Бирини берган Оллоҳ бошқасини ҳам беради.

Ҳожига домланинг гаплари малол келди. Зоҳид одам учун биргина тўсин нима деган гап. Гугурт чўпи нима-ю, тўсин нима! Тўсин бўлсаям ўтади куни, бўлмасаям.

– Арзимаган иш эмас-да, кори. Менга ҳам зарилми, бирорвни койиб, хунобим чиқиб. Мунн кўрининг арралаб расво қилибди. Бир кур кўз ташламайдими, аввал! – норизо гапирди у.

– Хафа бўлманг, ҳожи, бир иложи чиқиб колар... – кўлини

күксига күйиб деди у. – Бу дунёда битмаган иш борми? Худонинг синовида бу ҳам. Тўсин бир баҳона... Йўқса шундайин қўли гул уста тўсинни калта кесадими-я? Қани, кўрай-чи, дейди худойим, раҳмиллиги канча тураркин? Воеотларга холислик билан каранг-да мундок, жаҳл отига минмай! Бу тўсин эмас асли, бизнинг бир-бириизига кўрсатажак оқибатимиз! Икромжон, юринг-чи, болам, – шогирдини чакирди Нуруллоҳ кори. Кейин устага юзланди. – Сиз ҳам юринг...

Кори домла тўсинларни бирма-бир кўздан кечириб, қўлларини кокди. Чаккон ҳаракатлари, салобатли товушига, до нишманднамо киёфасига унчалик ҳам мос келмасди. Шу одам шундайин эпчил ҳаракат кила оларканми, деб ўйлаб қолардингиз. Бошига мушкулот тушганида ҳам юзи андак ўзгарган эмас. Ҳа, у билади, булар билмаган кўнчарсанни билади.

Кори домла гиштмиди, кипикмиди, ёғоч уюмлари-ю, яна алламбалолар ивирсиб ётган жойни Икромжонга тозалаттириди. Кейин тўсинлардан бирини олиб, унга тикилиб қолди. Бу пайтга келиб, халойик тарқала бошлаган, кимлардир, аллабир бекорчилар кизиқсиниб, нима қилар экан-а, дегандай корининг тепасига келишиди.

Кори домла «бисмиллоҳу рахмону роҳийм» деганча тўсинни кафтлари билан ишқалади, кейин ҳамир ёйгандай қилиб юматди. Ҳамма кизиқсиниб караб турибди. У эса бепарво. Беш-ўн дақика тўсинни шу тахлит юмататди-да, устага юзланди:

– Қаранг-чи, нечук бўлибди экан?

Уста тўсинни ўлчаб кўрди. Кўзларига ишонмай қайта ўлчади. Барибир ишонмади. Ўлчагичга бир бало бўлганми, деб ёрдамчилари билан тўсинни кўтаришиб, жойига кўйиб кўришди. Ҳеч қарич калта эмас-да, лоп-лойик. Уста кўзлари каттариб, домлага бақрайди:

– Нима қилдингиз! Муни кўринг, лоппа-лойик! Ё Оллоҳ кудратингдан! Таксир, тўсинни ўстирдингизми?!

Ҳамма ҳайрон, тўсинни келиб кўришди. Улар орасида кори домлага ҳадик билан қаровчилар ҳам бўлди.

– Ўстирса бўлар эканми, муни? Ё тавба-еъ...

Домла кулди.

– Худонинг ишлари бу, уста Юсуф. Ҳаммамиз ҳам Оллоҳ нуридан яралганмиз. Ўзидан яралганмиз ва ўзига қайтурмиз.

Қодир эгам ному каммалиқдан холи. Әкәт подон бандасигина ўзининг кимлигини билмайди. Бу ҳам бир зарранинг фазлу қамолида! Учқундан минг баробар кичик, уни рух деб атайдилар. Вужудимизга сингган рух. Унга томон йўл топсангиз бўлди экан, ҳаммасига шу сабаб. Сиз ҳам буни удда киласиз, уста!

Уста «йўғ-э» дегандай кулиб бош эгди. Гўё чатоғи биттанига энди ишонгандай, устанинг чиройи очилди.

Қишлоқ жода бунақа янгиликлар тез таркайди. Дарров атрофга одам ёғилади...

Ёш-яланг тўсин колиб, домлага кизиксениб қараётганди. Калта қирқилган тўсин аслига кайтганини кўрганлар ҳайрону лол. Бутун қишлоқка овоза бўлди, нак. Кейинчалик ҳам шовуршувур босилмади.

Қори домла Икромжонни имлаб чакирди.

– Буёгини ўзингиз давом килдиринг. Эртага бир... тайёргарчилигим бор... – деди-да, шогирдига оталарча меҳр билан қараб кўйди.

– Жума намозигами? – сўради Икромжон.

Домла бош қимирлатиб тасдиклади. Аммо кета туриб, бир муҳим гап ёдига тушгандай ўгирилди:

– Ҳа, айтганча, Икромжон болам, соат тўртларда бир хабар оларсиз, – деди одатича.

Йигит кўлини кўксига кўйиб, таъзим бажо айлади. У бунга ўрганиб кетган. Қори домла одатда соат уч-тўртларда туради. Тахорат олиб, ибодат килади. Куръон ўқийди. Икромжон ювишишга сув тайёрлайди, бомдодни бирга-бирга ўкишади. Шундан кейин домла ухламайди. Уйқусираб юрганини ҳам Икромжон хеч билган эмас. Шунча кучни каердан олади, ҳайрон. Чунки Икромжоннинг ўзи толикиб колади-да! Ўзидан ўзи уялиб юради кейин. Бомдоддан кейин пича ухламаса, мазаси қочади.

Иш охирлаб колди. Шунча маломат чиқарган тўсинлар ҳам ўрнатиб бўлинди. Усталар қўл-бетларини ювишга тушишди. Икромжон ҳам.

– Сизни қийнаб кўймадикми, меҳмон? – деди шогирд йигитлардан бири уни дастурхонга таклиф киларкан. – Овқат тайёр...

Ёш-яланг, муллаваччалар ўзаро гурунг килиб, овқатланишди. Оқкўнгил, дилкаш йигитлар экан. Икромжон ҳам дарров уларга илакиша колди. Кейин «бомдодга турни» учун ҳаммалари таркалишиди.

Икромжон ўринга ётаркан, негадир устозини эслади. Синчков, меҳрли нигоҳида маҳзунлик, бир маъюслик бор эди. Нега? Соғинганиданми? Чарчаганиданми? Баъзида «яшаб чарчадим» деяр эди-да, кейин:

— Хом сут эмган бандамиз. Баъзида ношукурлик килиб қўяминз, — дерди. — Оллоҳнинг қудратидан қўркмок керак. Буюклик ҳам юракка ғул-ғула солади. Негаки, ожиз тасаввуримиз ила уни камраб ололмаймиз. Акл етмаган нарса бандасига ваҳимали туюлади, субҳоноллоҳ...

Шуларни ўйлаб Икромжон ўрнидан туриб кетди. Кўз ўнгидага устозининг нигоҳи муҳрланиб колди. Худди уни чорлаётгандай...

* * *

Эртасига бомдод тугамай ҳам ҳовлига одам ёғилса, денг. «Эмишки, бир кори домла келиб, калта кесилган тўсинларни ўстирганмиш. Авлиё азим, пири муршид эмиш. Қўлинини бир теккисса, мажрухлар оёқланиб, кўр кўзлар очилиб кетаётганди... Факат ул зоти шариф буни улусдан яшириб юрганмиш... Содда одамлар-а, агар шундай соҳирлик қўлидан келса, элидан яшириб нима қиласди?!

«Нима гап?» деб ҳожи чиқди ташқарига. Одамлар музейга келгандай, ўстирилган устунни томоша қилишяпти экан. Оддий устунлардан фарқланса гўрга эди, нимасини қўришади буни. Фарғоналиклар, болами-каттами, касалларни замбилда, аравачада олиб келишганди. Кўпи майиб туғилганлар, фалаж ётганлар экан.

Нуруллоҳ кори ҳам элга рўбарў келди.

— Тўғри, табиблик отамдан колган хунар. Аммо сеҳргарлик килолмайман, Оллоҳнинг амрини бузолмайман, — деди у. — Устунлар... улар бошқа гап. Буларнинг жони бормиди?! Худонинг олдида савол-сўроғи ҳам йўқ.

Бир ҳафтача одам аримади ҳовлидан. Тузалган тузалди, тузалмаган гап қилди: «Кори бўла туриб, алдаганини қаранг! Қўлингдан келмас экан, одам йигиб нима қилардинг! Ё тавба-ей! Яна денг нозланишини-чи, пул олмайман эмиш. Борган-келган наматнинг тагига ташлаб чикканмиш назрини. Назр-ниёз олмайдиган домла борми ҳозир. Нимаси авлиё бунинг, тушунмадим...»

Нуруллоҳ кори бундайин иловур-шувурии эшигниб, жилма-

йибгина құя қоларди: «Эл оғзига элак ту гиб булармишмі, асли?». Шу куни ёшгина келинчак икки-уч ёшли боласини кутариб келди. Бола бошини ҳам тутолмас, оғзи очик, сұлаги оқиб ётарди. Ойдаккина келин бир йиглади, бир йиглади.

«Элнинг ҳам күнгли қолмасин. Шуни тузатайин!» – ўйлади қори домла.

Икромжон малҳам тайёрлашга тушди. Қори домла Қуръондан Исми Аъзам сурасини ўқиди, узок ўқиди. Ичида эса шу боланинг дард-гунохини ўзига сураб олди. Шогирд йигит малҳамни узата туриб деди:

– Тушунтирайми муни ишлатишни?

Домла «хожати йүқ» дегандай малҳамни нари сурди. Келиннинг икки кўзи дорида колди.

– Назрига... шафтоли олиб чиккандим. Уйда... пул йүқ эди.
– ийманибгина деди келин. Гўё пули бўлмагани учун булар до-
рини бермагандай.

– Ҳеч хижолат чекманг. Шафтолими? Жаннатнинг меваси-
ку! – деди домла гўдакнинг кифтлари, оёкларини силаб туриб.

– Дори... керакмасми? – сўради аёл жавдираф.

– Бу ўзи тузалади. Болага дори нимаси! Исми нима бунинг?
Баҳодиржонми? Бир полвон йигит бўлсинки ҳали... Баҳодир
полвон!

Муолажа тугагач, келин «раҳмат» айтиб, боласини даст
кўтарди. Кўтарди-ю оғзи очилганча колди. Ҳозиргина боши
осилиб, сұлаги оқиб ётган бола тикка турсами?! Кўркканидан
«вой!» деб юборди. Яхши ҳамки. Икромжон тутиб колди, йўқса.
болани каловланиб ташлаворадиган эди.

– Кўркманг, келин, ҳали замон юриб ҳам кетади! Шу
гапларимни укиб олинг. Худо бунингизни қайтариб берди. Ундан
тилаб олдик бу болани. Катта бўлса, яхши, зиёли, мўмин инсон
бўлсин, иншоаллоҳ...

Келин ҳаяжонда дам йиғлар, дам кулар, дам кори домлага
раҳматлар айтар, кўлларини олиб кўзига суртгудай бўларди...

Икромжон келинни кўчагача кузатиб чиқди.

– Кўрдингизми, Икромжон, – деди кори шогирдига. – Ўзи-ку,
майиб боласини тузатиш учун келди. Тузалганини кўриб, эс-
санда кетди. Бандай бечора-я, умиди бўлса-ям. ишончи

бўлмаган тузалишига. Аниқроғи, умуман ишонмаган! Ишонч-сизлик кўп ёмон иллат, болам. Кўп нарсани бузади. Дўстликни, муҳаббатни, иймонни... ниҳояти саломатликни ҳам...

– Энди бу келин ҳамма нарсага ишониб колса керак. Ўта ишонувчанлик лақматлик эмасмикин?

– Лақма деб ишонувчанларга эмас, ақли йўқларга айтилади. Фикр қиласлик оқибати бу. Мен эсам бошқа ишонч ҳақида гапирялман. Яхшиликка ишонч, Оллоҳга ишонч, ёрга ишончни айтаялман... Ишонч бўлмаса, яшаш кийин. У одамни локайд қилиб кўяди. Аслида локайдлик ҳам жиноят, бадаҳлоклик демакдир.

Нуруллоҳ кори пешин намозига тадорик кўра бошлади. Икромжон эса шу ердан кула йигитларга кўшилиб, курилиш ишларига карашгани чикиб етди.

Кори домла қайтишига ҳақирилик кўраётганди. Бу ерга келишдан нияти шогирди Икромжонни ишончли қўлларга топшириб, хотиржам бўлиш эди. Ана у тенгкурларига кўшилиб ишлайпти, эпчилгина йигит. Дарров ўзи каби мулла йигитлар билан апок-чапок бўлиб кетди. Бир карасангиз қорилардай мук тушиб Куръон ўқишида, ёзib чизишида, бир карасангиз, боладай бир-бирини қувлаб қолади. Баъзида намоз ҳам бузилади, субҳоноллоҳ...

Насиб этса, келиб-кетувчилар камайса, қайтарман, деб кўнглига тугиб юрган кори эртасига ҳовлини яна одам босганини кўриб, «Ё, Оллоҳ!» деди кулиб. Супраси ёзуғлиқ қолади чоғи. Келиннинг боласи тузалганини эшлиб, одам яна ёғилса, денг.

– Ҳай, майли, улгурганимча кўрарман! – деди у Икромжонга. Шогирди ҳам карашиб турди. Фақат лўмбоз қилинган куни қўли тегмади-да!

Икромжон кирса, устози ҳоргингина ўтириби.

– Одам кўп бўлди! – деди кори стол устидаги гиёҳларни йиғиб токчага кўяр экан.

– Ҳаммасининг ёзуви бор. Шунга қараб ишлатаверасиз, Икромжон, болам! Манови, дафтар. Бу ерда касалларга тавсия-номалар бор. Билмасангиз қараб оласиз. Исми Аъзам касалларга, иши юришмаганларга кўп шифо бўлади. Иши юришмаслик ҳам касаллик асли. Касалдан баттар килади...

Кори домла гап орасида нарсаларини ҳам йиғди. Икки-

үчта күйлагини тахлаб, рўмолчага туғиб күнди. Яна бир атлас қийиқчага сочиқмиди, дўлпимиди, дастрўмол, шунга ўхшаш яп-янги нарсаларни тугди-да:

– Бунисини сизга қолдирман! – деди.

– Кетганимдан кейин очарсиз... Ҳай, бир эсадлик-да мендан!
Бошқаларга ҳам улашинг.

Тўрда яна бир каттагина тугун турарди.

– Буниси нима? – сўради Икромжон.

– Э, буми? – кулди кори домла. – У дунёга олиб кетадиганим!

Шундан бошқа нимам бор яна...

Икромжон унга ҳайратланиб бокди. «У дунёга ҳам нарса олиб кетиларкан-да!», – деб ўйлади соддадиллик билан домланнинг гапига паккос ишониб.

Лўмбоз қилиб, чарчаган эмасми, эрталаб туролмай қолди. Уят бўлди-да! Ўзи ҳам тура солиб домласининг хужрасига бош сукди. Қарасаки, домла намоз ўкияпти экан.

Апил-тапил ювиниб ёнита чўкди. Койиш эшитмас-ку, лекин чатоқ бўлди-да. Устозига сув тайёрлаб улгурмади, савобдан курук қолди.

Икромжон намозни ўқиб тугатди ҳамки, устози қилт этмади.
Хафамикин ундан?

Кўлида тасбих, кўзлари юмук. Деворга суюнибгина ўтирибди. Ҳар бомдод шундай қиласарди. Жойнамозда ўтириб, узок тасбих айтарди. Баъзидиа кўзларидан ёш окканини ҳам кўрган, ҳавас килган. Нималарни армон қилиб йиғларкин... факат худони дебми? Болалик қилиб, шундогми, деб сўраб қолса. домласи кулиб:

– Буни ҳали тушунмайсиз, – деярди.

Икромжон жойнамозни йигиб, секин чикиб кетди. Ҳеч курса, нонушта тайёрлаб берар...

Ҳар тонг шогирдлар дастурхон тузар, домла таммадди хонага тушмагунча, ҳеч ким нонушта кимласди.

Соат еттидан ошиб, саккизга етиб борди, домланинг дараги бўлмади. Олдига «касал-пасал чиқканмикин? – хаёлидан ўтказди Икромжон. – Баъзидиа бир елимшак касаллар келадики, ҳайдаб кетказолмайсиз... » Шунда Икромжон аралашади. Акс ҳол, устози одамларга каттиқ гапиролмайди. Кўйиб берса, кечгача ҳам туз тотмай ўтираверади.

Икромжон тепага чиқди. Қараса, устозининг ўша ҳолат

ўтириши, тепада тугунлари... Шундагина эътибор килибди, устида шапалокдай қоғоз хат. Ҳаммаси ёзиб чизилган: «Икромжон, болам! – деб ёзилганди улардан бирига. – Сиз буни ўкиётганингизда мен узоқда бўламан. Ўгитларимни унутманг. Яхши инсон бўлиб. эл корига ярасангиз, руҳим шод бўлади! Биламан, аклли-хушили йигитсан, кайтишимни билиб. кўлам кайғурманг. Доим ёнингизда, мададкор бўламан. Сизни худога топиширдим, деб Нуруллоҳ кори домлангиз.

Буюмларимни хат-ёзувга қараб таксимланг. Бир-иккита янги охорли кўйлагимни ният қилиб ўзингиз кийинг.

Ота-боболарим Тошкентдаги Сағбон қабристонига қўйилган. Лекин сизларни ҳеч койитгим йўқ. Шу боис яқин ўртадаги бирон қабристонга кўярсиз. Сизга яқин бўлсанм. дейман, Куръон ўкиб турасиз... »

Икромжоннинг қўлларидан қоғоз учиб гушди, кўзлари жикка ёшга тўлди, ортига ўтирилиб:

– Устоз! – деганча ўкраб йиғлаб юборди. Нуруллоҳ кори эса ҳамон кўзлари юмуқ тасбих ўғираётган бир ҳолатда котиб қолган эди. У шу кўйи кайтиш қилиб бўлганди. Тугунлари ёнида... Икромжон болалигига бориб тушунмабди. Устози кетаман деса, Тошкентгами, деб ўйлабди. Қори домласи ҳам шу соддалигини суряди асли.

Марҳумнинг таниш-билишлари, қариндошлари чиқди. Улар жасадни Фарғонада қолдиришини истамадилар. Тошкентга олиб кетишли. Бир чеккаси Икромжон ҳам бундан ранжимади. Кейинги или ўқишга кирса, Тошкентга келади у ҳам. Устозига яқин бўлади, зеро, устоз-шогирд икки дунё вакиллари эсалар-да, сўзлаша олардилар. Лекин барибир Икромжон кўз ёшларини тиёлмасди... Ахир отасининг руҳсоридан жудо бўлди-ку!

Нуруллоҳ корининг Сағбон қабристонига қўйилиши, бу ерда уни марҳумлар азизу мукаррам этиб кутиб олишлари ҳакида илтариғи бобларда ҳикоя килган эдик. Буёғига ҳам ҳикоямиз усиз якун топмагай.

ЁНДОШ ОЛАМ – САРГАРДОНЛАР МАКОНИ

«... Ҳар бир рүх ўзи тарк этгән макон-манзилига қайтади ва бирор рүх жисемдән ажратгандан кейин ўз мақомини қўйиб, бошқа юқорироқ мақомга кўтарши олмайди. Аммо кимки бу жисемда иймон мақомини қозонмаган бўлса, у қайси даражада бўлмасин, осмонга қайтмайди»

Азизуддин Насафий,
«Зубдат-ул ҳақойик»

ХАЁЛИЙ ОЛАММИ БУ?

Бугун бирэм хурсандманки, той боламни топдим-а! У энди яшайди! Боламни онамга топширганим ҳам яхши бўлди. Дардлари кесилади. Мен эса... озод бўламан, ҳеч курса безовталиқдан кутуларман.

Қабристон тортаётганди. Барча марҳумларда бўладиган галат ҳолат бу. Кечки ибодат бошланди чоғи. Қизик бу ердаги ибодатлар намоз вакти билан бир хил-а! Ё, тавба илгари бунга сътибор бермаганимни қаранг. Фикру ҳушим Азаматда бўлганда! Яна ҳам ўлимдан кейинги ҳаётга кўниши осон кечмади. Азаматни соғиняпман. Унга жуда ўрганиб колган эканман. Энди билинняпти. Яхши ҳам ибодат маҳалига етиб келдим. Дилем куйяптики... Ҳаёт шунақа экан-да, энди овунчоқ топганингда... айриласан. Сен эса бунга кўнишига мажбурсан. Эътиroz ҳам билдиrolмайсан. Ҳаммаси тўғри, шундай бўлиши кераклигини англаб, ҳис килиб турасан. Мана якинда бир ёш жувонни олиб келишди. Менга ўхшаб саратондан ўлибди. Исмини Раъно дедилар. Эр хотин бир-бирини қаттиқ севган экан. Оқибат, эри аёлнинг қабри тепасида қайтиш қилибди. Ё раббий. Дунёнинг ишларига ҳайрон қоласан. У дунёда бирга бўламиз деб ўйлаганлар чоғи. Афсуски, ана энди аёлнинг ўзи мунғайиб ўтирибди. Э, буларнинг тақдирни жудаям чигал... Ихтиёр ўзингда-ку-я, лекин иложисизсан... Ана инон-ихтиёрсиз кабрга тортиляпқиан. Бу не синоат,

дерсиз? Қайдам... мозористонда (бу мен учун Эски жұва, Чорсу сингари оддий атама) ибодатдан ҳеч ким бүйин товламайды. Лекин ҳеч ким ҳеч зотни мажбур ҳам килолмайды. Назаримда биз келган дунёдаги ўлимдан кейинги мувакқат ҳолат (чин дунёга ўтиш тайёргарлигими, билмайман), ҳаётнинг моҳияти шу ва бунда мен англамайдиган ва балки англолмайдиган аллабир сир бор. Ҳар қалай қабрлар шаҳридаги ҳамма – сотувчи үтганми, ишчи-хизматчими, ишбилармон додахұжами, – барибир ибодат бошланған маҳал мушукдай мулойим бўлиб қолади. Ҳатто манави жаҳл отига минган Моҳигул ҳам. Қабри тепасида туриб, самовий мусикага сингиб кетади. Шундай бўлиши кераклигини ҳамма тушунади, аммо «нега шундай?» деб ҳеч ким сўрамайди. Бу бир қонуният...

Аммо ибодат маҳали мен бу ҳақда ўйлолмайман. Бутун маҳобати ила дунёни камраб олган шу мусиқа пардаларида дарёда оқкандаид оқиб кетаман. Ҳад-худудсиз осмон! У энди... энди... аввалгидай мен билган бўшлиқ, газлар уюми эмас... У... мени кутаётган, англаб бўлмас тилсим бир даргоҳ. Мени у ерда яхшилик кутяптими, ёмонликми, барибир қалбим унга томон талпинади, ҳад-худудсиз кенглик, ҳад-худудсиз эркинликни ваъда этаётгандай. Шамолда парпираб учган япроқдай... Ўйлаб кўринг-а, осмондай кенглик, қалбим ҳам осмон қадар кенгаяди. Қанчалар фараҳбахш бу!

Ибодатдан кейин одам сархуш тортиб қолади. Бир ниманинг мазасини түйсангиз, унинг узокрок давом этишини истайсиз. Ибодат дилимга олиб кирган ўша хушуъдан сармаст, осмоний туйғулар исканжасида ётгандим, юкорида бирор гапиргандай бўлди. Кимгадир ниманидир тушунтирмокда эдилар. Овоз Моҳигулники шекилли... Бирдан сергак тортдим албатта, марҳумлар товуш чиқариб гапирмайдилар. Улар фикрий мулокот килишади. Аммо фикрда ҳам тебранувчи товуш тўлкинлари бор. Мени ташвишга солган нарса Моҳигул эмас, кейинги пайтда унинг ўзгариб қолгани эди. Мана ҳозир ҳам... овози ғалати чикяптими?

Кимгадир гап уқтираман, деб уриниб ётибди. Чакаги тинмаялти. Бир кулади, бир дағдаға қилади.

– Ҳой, анқаймай... кавланг деяпман. Ҳой, қаёққа. Манави қабрни дедим-ку... калла борми! Тоштемир акам ҳам шу меровга уйлапиб, тоза бўлган экан! – Моҳигул хуноб.

«Нимани кавляяпти?» Ҳайрон бўлдим мен. Қабрни кавлаб нима қилади? Вой, Тоштемир акам, дедими? Ахир эри-ку бу! Қабр бошига тирикларни бошлаб келган чоги... жинни бўлибди! Вой ахмог-ей! Сирғалиб тепага чикдим. Чикдиму, манзарани кўриб, анграйиб қолибман. Моҳигул шаффоф кўлларини белига тираб олган, нариги томонда бир бегона аёл тупрок сиқимлаб, не қиларини билмай турибди. Уйқуда, ич кўйлакда. Жаҳлим чиқиб кетди.

– Моҳигул!!! – бакириб юбордим мен.

Тоштемир акасининг хотини шекилли, устидан кулмоқчими?

– Эсингиз жойидами, Моҳигул! Бу нима қилик?!

Моҳигул ёнимга париллаб учиб келди-да, пичирлаб деди:

– Уни жинни қиласман! – Ҳиринглачи у. – Ҳозир ўзига келиб, юраги тарс ёрилади!

Моҳигулга бошдан-оёқ ҳайратлашиб кўз ташладим.

Ишлар чатоқ, шекилли. Буни жинни қиласман, деб ўзи жинни бўлибди. Кўрганман... марҳумларнинг ҳам телбаси бўлади. Мурдахонада ҳар хилари бор эди. Бирори оёгини қидирган, бирори бошини қидирган... Тавба-ей! Астағфируллоҳ!

– Гўрни очамиз! – бир сирни айтгандай деди у, кўзлари чақчайди.

– Эсингизни ебсиз, ҳозирок бас қилинг майнавозчиликни! Бундан кўраси охиратингизни ўйласангиз-чи! Бу ҳам бир кун келар, ўлар... шошмасангиз.

– Ўшанда ҳам тинч қўймайман. Қасдимни оламан. Ит кунини соламан бошига!

– Сиз ўлган бўлсангиз, бунда нима айб? Пешонадагини кўрдингиз, ахир.

– Тоштемир акамни мендан айирган шу эмасми? Ҳеч курса, Куръон ўқиётганди ҳакимга. Энди эсламайди ҳам. Ер юткур, кўйлакларимни кийиб, такинчоқларимни такиб олиб, эрка хотин бўл ўтирибди, – Моҳигул аёлга юзланди. – Ташинг, ташийвернинг. Сизга тегишли гап бўлмаяпти. – шанғилларди у.

Аёл қўрқа-писа тупроқ ташишга тушиди. Сал эҳтиётсизлик қилинса, уйғониб кетадиган. Уйғонса, юраги ёрилади. Анови ахмок эса савқига берилиб, дўзахий бўлиб кетади. Аллақачон дўзахийдир-ку, барибир-да...

Аста учиб, аёлнинг ёнига кўндим. Билиб турибман, Моҳигулнинг кўзлари баканикидаӣ чақчайиб кетди.

— Ҳой, барака топгур, кавламанг-а буни! – дедим майинлик билан. – Юринг, уйнгизга олиб бориб қўяман, – оҳистагина аёлнинг кўлидан тутдим.

Моҳигул эса ғазабдан пароканда бўлди, ғувиллаб келиб менга даф қилса бўладими?! Кутимаган харакатдан пуфакдай учиб кетибман. Ерга қайта қўнганимда, яна Моҳигулга рўбарў келдим:

— Нега аралашасиз! – хириллади у. – Бу менинг ҳаётим, истаганимни киламан, билдингизми?! Дўзахга тушаманми, ундан наригами, менга барибир. Кўрдим кароматини! Агар яна аралашсангиз...

Моҳигул у ёгини гапиролмади. «Ўлдираман!» демокчи эди шекилли. Дағдағасидан шундоғам тушунарли бўлди. Ерда тирик юрганимда «балки ишдан ҳайдаб юборишар, ўлдиришмас, ахир» дер эдик, энди-чи! Ўлдиришга-ку, ўлдиролмайди, чунки ўлиб бўлганман. Унда нима қиласди?

Индамадим. Аёлнинг кўлидан етаклаб, йўлга тушганимни биламан, Моҳигул яна даф қилса бўладими?! Шунда унинг шаффоғ кўзларига қаттиқ тикилганча кўлларимни олдинга чўздим. Нега шундай қилдим, ўзим ҳам ҳайронман. Аммо қарангки, у гўё таҳтакачлагандай котди-қолди. Уни шу кўйи тўхтатган эдим. Қўлимдан келди, қаранг. Эзгулик йўлида юрганларга худонинг ўзи мададкор бўлади, дейдилар. Менга ҳам ғойибдан куч келганди. Йўқса, мендайин нозикойим билан етимхонада телишиб катта бўлган Моҳигулни солиштириб бўладими?!

У хурпайиб ортда колди. Ҳамма ўлаганларини чиппакка чиқардим. Энди кечирмайди мени. Зотан, бу билан икки бегуноҳни куткардим, ахир. Манави аёлни мукаррар ҳалокатдан, Моҳигулни эса осийликдан... ишқилиб, килганларим ҳайрли келсин!

Олдигинамда не киларини билмай, атрофга ҳам қўрқув, ҳам бегонасираб боқаётган аёлга раҳмим келди.

— Мен қабристондаманми? – сўради у илкис ҳайратланиб. – Шунақаям нохуш туш бўладими? Лекин таъбирномада тушида қабристонни кўрса, ўнгида дўстларини кўради, деб ёзилган.

Аёл уйғонаётганди. Чунки уйғонишига яқин одам туш кўраётганини англай бошлайди. Ҳозир уйғониб қолса борми?!

— Лекин... – деди у тусмоллаб. – Қабристон таниш кўриняпти. Тоштемир акам билан келгандик. Мархума хотинлари шу ерга

кўйилган экан, супириб-сидириб тозалаган эдим. Раҳматли рўшнолик кўрмай кетди, деб эслардилар. Менга билдирмай йиғлаган пайтлари ҳам бўлган. Ҳа, йиғлаганлар...

«Ана! – ўйладим мен. – У аҳмок бўлса! Ўлганда ҳам бандаси ношукур бўлиб колаверар экан-да!»

– Тўхтанг... – бир нимани эслагандай деди аёл. – Менга кесак ташитган ўша эмасмиди?! Суратини кўрганман... Ҳа бу ўша, худди ўзи! Нега бунақа килади? Нега муомаласи совук...

– Уни ҳам тушунинг. – дедим мулойим. – Якинда... кетамиз. У сизни бошка безовта килмайди!

Аёлни уйига, ётоғига олиб кириб кўйдим. Жуда noctor туришаркан, кора лойсувок уй, шифтга фанер ҳам кокилмаган. Бир уй, бир дахлиз. Кийишга кўйлаги ҳам йўқ шекилли, шўрликнинг марҳуманинг либосларини берибди при. Эрка хотинмиш! Балки эри Моҳигулни эслатиб турсин, деб унинг либосини бергандир. Бу калтафаҳм эса...

Аёл ҳомиләдор экан. Уни ўзи ҳам билмайди чоғи.

– Қиз кўрасиз! – дедим унга меҳрла бокиб. – Исмини Моҳигул кўйинг! Марҳумларнинг руҳи шод бўлади! Зора, шундан кейин Моҳигул ҳам тинчиса... Аммо биз бу пайтда билмадим кайси қозонда кувурилаётган бўларканмиз.

Бу фикрдан дилим пароканда бўлди. Ёруғ оламда одам келажакдан яхшиликни кутали, бу ерда эса... нима бўлишини билмайсан. Ё Оллоҳ, ўзинг асра! Шундай кезлари агар онам Қуръон ўқиётган бўлсалар, айниқса, худодан гуноҳларимни сўраб илтижо килсалар, дилим оройиш топади. Нохуш ўйлар кайгадир даф бўлади. Тириклик чоғимдай умид уйғонади. Дилим юксалади.

Қабристонга кайтдим. Моҳигул билан учрашувдан юрагим зириллаётганди. (Юрак аллакачон куртларга ем бўлганку-я, лекин бу ҳам бир ўрганишда. Йўқса ҳозирги холатимни қандай тушунтираман). Келсам. Йўқ жойнда. Афтодаҳол жасадига караб кўнглим ағдарилди. У ер-бу ерга ёпиштиргандай мөгор босган этни айтмаса, суюқ-саёғи колибди. Ўзи шу аҳвол-ку, яна эр ташленинига куясизми. бунинг?!

Орада онамдан хабар олиб келдим. Шаҳноза холам билан ошхонамиизда чой ичиб ўтиришган экан. Холамга кўрган тушларини тушунтияптилар. чоғи...

– Бир болани бомилаб келди. Ойи. бу сизнинг неварангиз!

— дейди. — Ўғлимиш... тавба. Биб-бинойидай бола. Чамаси 4-5 ёшларда бўлса керак-ов...

— Ўлган боланинг руҳимикин? — сўрадилар Шаҳноза холам.

— Вой, йўғ-а, Шаҳноз, бола ўлмаганмиш. Тирик кўмилганмиш, астафируллоҳ. Қазиб чиқариб олишибди. Касалхонада ётганмиш ҳозир. Муни кўр, — онам бир парча қоғозни Шаҳноза холамга тутдилар. — Адреси бу. Мана палатасигача ёзилган. Эсим борми менинг. Уйғонган заҳотим ёзиб кўйдим. Шу болани ўғил килиб олинг. Хужжатлари 2-мехрибонлик уйида, — деди. Опасининг оти Маликамиди, Марҳаматми... Ана, эсимдан чикипти. Ҳаҳ, ўлсин-а!

— Опа-ей, қизиксиз-да, кўрганингиз бир туш бўлса, шунга ишониб ўтирибсизми энди...

— Тушмас бу... — онам ўзиникини маъқуллади. Холам кулдилар. — Тўйдан келдим, — гапни узокдан бошладилар онам.

— Тоғорани бўшатиб, намоз ўқидим. Шу пайт Гули кўзимга кўринсами?! Сени кўргандай кўрдим, ишонсанг. Ёнида болатой ҳам бор эди. Намоз ўқиб бўлиб, пича кўзим илинибди. Шунда худди ўша кўринишда тушимга кирди. Шу энди тушми, Шаҳноз!

Холам онамга тикилганча маъюсландилар. Опамнинг эси оғиб қолибди, деб ўйлаяптилар. Фарзанд доғи ёмон. Аммо онамга ҳеч нима демадилар.

— Энди Шаҳноз, шу адресга бориб... текшириб кўрайлик, — ялиндилар онам, холамниг «йўқ» деб жеркиб ташлашидан чўчиб. — Шу ерда «шунақа-шунақа» исмли бола борми, деб сўраймизу қайтамиз. Вакting ҳам кетмайди. Шу баҳона бир кўчаларни айланиб келардик-да! Бир ўзим уйда ўтиравериб, зерикаман. Э... кун ўтмайди, билсанг! Гулийим бўлганида бошқа гап эди. Шуни деб ғимирлаб юарканман. Кун кеч бўлганини билмасдим, — онамнинг кўзлари ёшланди.

Холам бош эгдилар.

— Ўзим бориб кела қолай... Иссик кунда қийналиб, зарилми сизга?! ҳаммасини ўзим билиб келаман, а?

— Манам борай. Болани танийману, ўшами-ўшамасми, дарров биламан,— ёш боладай эргашдилар онам.

Улар касалхонага қачон боришни келишиб олишди. Кейин сухбат бошқа мавзуга кўчди. Маълум бўлишича, келгуси йили тоғам тўй қилмоқчи эканлар. Шуни маслаҳати бўлди шекилли.

Фотимани узатишмокчи экан.

Қабристонга қайтишим керак эди. Бу ёкка бирровгина келтандим. Ҳар қалай, бұлған воеалардан кейинн отамдан бир хабар олай дедим-да!

Келсам, Моҳигул яна йүк. Қайтмабди. Ибодат маҳали ҳам келмади. Бундай пайтда дүнёнинг чеккасидағи мархумлар ҳам қайтишади. Бошка илож йўқ. Унга бир нима булған! Бу фикрдан юрагим «шув» этиб кетди. Жаҳҳал устида бир балони бошлаган бўлса-я?! Вой худо, энди шу ҳам бормиди менга. Кетар чоги тинч ўтируса нима киларкин?!

Безовта учиб, қабристон оёғига бордим. Анави Раъно исмли аёл шу томонларда юради. Ниманидир излагандай, бир нимадан чўчиғандай мунғайиб ўтиради. Нимани изларкин? Бутасимон дарахтлар экилган, ўт-ўлан ўсиб ётибди. Шу пайт бир аёл олти ёшлар чамаси бир болани етаклаб ўтиб колди. Зиёратга келган, шекилли. Ҳаёлим бўлинди.

— Ойи, ойи, — онасини чакирди бола, — бу ерга одамларни экиб қўйишганми?

Аёл ҳайратланиб боласига каради. Уни биринчи бўлиб кўраётгандай. Бунака саволни кутмаган чоги, нима дейишни билмай каловланди. Жўяли бир жавоб тополмади. Бола ширин тиллари билан онасини яна саволга тутди.

— Кейин улар одам бўлиб ўсиб чиқишадими? — Бу фикр онани ҳам танг колдириди.

— Ҳа, тойчогим, — болага ўлимни қандай тушунтиришни билмаган она шу билан гапга якун ясади. Аслини олганда эса бола манткан ҳақ! Экилган нарса униб чиқиши керак. Одамни кўмиш уруғ экишга ўхшаши етти ухлаб тушимга кирмаган экан. Болалар хўб ғалати нарсаларни топиб юришади-да! Шу тоб Азаматимни эслаб жилмайдим. Бу болани унга ўхшатдим негадир.

Бир муддат шуларга алаҳисиб ҳаёлим кочибди. Ўзим билан бўлиб ўша атрофда юрган одамни ҳам пайкамабман.

— Болани топдингизми? — туйкус саволга тутди мени. Ҳайрон бўлдим. «Қайси болани айтгапти? Бу боланинг менга нима алоқаси бор?» Ҳаёлим ҳозир олдимдан ўтган болага кетганди.

Савол назарни билан сухбатдошимга карадиму, уни дарров танидим. Бундан бир-икки кун аввал Азаматжонни излаб шу томонга тара келган, ёндош оламга ўтмокчи бўлгандим. Бу ўшаку, менинг ёкка олиб ўтмокчи бўлган...

— Доим кімнідір йүкотиб юраман, — дедім хижолатли жилмайіб. — Бола топилди! Лекин... энді Моңғул йүк. Мендан хафа бўлиб қолдими, билмайман. Каёкларда німа қилиб юрганини... Ўша томонга ўтганникин деган хавотирим бор. Одамлар, йўғ-е, мархумлар бу дунёда ҳам тинч ўтиришмас экан-да?

У сўзларни дикқат билан тинглади. Жиддий мулоҳазакор, яна ҳам ибодатгўй... Факат кўзлари... қоп-кора кичкина, золдирга ўхшайди. Оғир ва беҳис. Караганида кўнгилда ғашлик уйғонади. Тушунарсиз...

— Юринг-чи... — йўл бошлади у. Инон-ихтиёрсиз эргашдим унга. Нега бундай килдим, билмайман. Оркасидан боши чўзинчок, оёклари калтадай туюлди. Умуман ғалати одам. Одамми, маҳлукми?

— Кўркяпсизми? Ўшанда ҳам кўрккан эдингиз... Кўлингизни беринг. бирга ўтамиз. бироз сукутдан сўнг таклиф қилди у. Унга шаффоғ кўлларимни тутганимни биламан. дириллаб ток ургандай бўлди. Кейин чор атроғ, дов-дараҳтлар сув сингари бир чайқалди-ю, менга таниш манзара ўрнини бегона сайҳонлик эгаллади. Илкис ажабланганим, атроғнинг кўнғир тусда эканидан эди. Куюқ хинаранг ҳавода пастда ўсиб ётган ўт-ўланлар ҳам корайиб кўринарди. У, бояги одам нимадандир хавотирда, мени тепага парвоз қилишга ундарди. Кейинроқ синчиклаб карасам, пастда ўсиб ётган ўт-ўлан эмлс экан. Бу қора-кура, аллабир ғалат жонзотлар, пастда уймалашиб, ғагиллашиб ётарди.

— У ёқка караманг, кучингиз борича тепага парвоз килинг! — буюрди у.

Буни қарангки, киши юкорилагани сайин ранглар ўзгара борарди. Қора, кизил, хинаранг, сарик, яшил, мовий, ўёғи яна канака, билмайман. Лолман. Бунақа рангларни умрим бино бўлиб кўрган эмасман, номини ҳам билмайман. Яна денг. атрофда нуртўплар учади, электр туташувидай бир нималар чарсиллаб атроғга учкун сачратади. Ора-сира оловли симлар пайдо бўлиб, яна йўқолади. Ё тавба, бунча чиройли бўлмаса-я!

Шеригим билан яна юкориладик. Буётин айтсан, оғзингиз очилиб қолади. Осмон кўчаларит дейиш мумкин бу ерни. Чунки ўртада йўл, икки тарағфа эса «иморатлар» қурилганди ҳудди маҳаллалардаги каби. Аммо бу... бошқача уй, кўнғил уйи лесаммикин... Чунки у юмшок, ҳаёт қувватидан яралган, хаёллай

олам. Бирининг уйи гуллардан курилган, бошқасиники яшил пальма дараҳти-ю, ўт-ўланлар ичида қўмилиб ётибди, яна бир уй узумзор экан, ларzon-ларzon осилиб ётган узумларни кўриб кўз кувнайди. Қанийди, бир донасини оғзимга солсам... Аммо шу пайт... қандай килиб? Сергак тортдим. Оғзимда (латиф танадаги оғзим) узум карсиллаб, ёрилиб шарбати оқди-ю, бутун танамни яратиб юборди. Мен бояги одамга яна таажжубланиб қарадим. У нима ҳодиса рўй берганини тушуниб жилмайди.

– Бу ерда нимани хаёл қилсангиз, вожиб бўлаверади? Бу уйлар ҳам шундай курилган. Сиз ҳам ўз уйингизни «куринг-да» яшайверинг, ана!

– Вой... Мархумлар осмонга кетмайдими?

– Истасангиз у ерда, истасангиз бу ерда... Нима фарқи бор.

Бу ер ҳам осмон бўлгандан кейин.

– Осмон? Ҳа, осмон! Аммо бу ер бошқа осмон-ку?

– Бошқа деганингиз нимаси? Ҳамма осмон бир осмон!

Ўйланиб қолдим, у нега бунақа гапирияпти... индамадим. Ўзим тушунмаган билмаган нарса ҳакида фикр айтольмайман. ахир.

Пастладикми, юқориладикми, англолмадим. қарасам, яна бир бошқа «кўча»дан чиқибмиз. Бу ердаги бинолар оддий, ердагининг кўчирмасига ўхшарди. Ҳатто бир уйинг мўрисини кўриб кулворай дедим. Бу ерда мўрига бало борми? Кўмир ёкармиди?!

Икки қаватли, шишадан курилганга ўхшаш бино ёнида тўхтадик. Шиша эмас, кишда сув атрофига пайдо бўладиган, муз маржонларига ўхшайди чамаси. Устунлари ҳам шунака. нақшинкор маҳобатли бурама-бурама сумалаклардан ясалган. атрофии эса оппоқ кор босган... Бу манзарага қарасангиз, аёз роса пишқирибди дейсиз, этларингиз жунжикиб кетади ҳатто. лекин совуғини сезмайсиз.

– Бу ер... каминаи камтариннинг уйи. – деди бояги одам.

– Ие! Музхонада яшайсизми? – деб юборибман. У бошини солинтириди.

– Бу унақа муз эмас, – деди секин, ўзини оқлагандек.

– Қанака муз бўлмаса? Бошқача уй ҳам қуришингиз мумкин эди-ку! Ахир одам нималарни хаёл қилмайди тагин ҳам. Кишининг ҳаёли афсонавий оламларни яратиб ташламайдими?!

– Ҳим, – мийнғида кулиб кўйди у. – Қанийди шунака бўлса... Ҳозирта қурбон ётгани шу!

У мени ичкарига бошлади. Йўлаклари ҳам маржон-маржон муз... юраётib тұхтадим. «Нега бу ерга келдим үзи? У мендан нима истайди. Бу ернинг Моҳигулга нима алокаси бор?» Тұхтаб колганимни күриб, у ортига ўтирилди.

— Ҳайрон бўляпсизми, нега бу ерга келдим, деб. Шунақа, хаёлий олам ҳам борлигини билиб қўйинг, демоқчийдим! Моҳигулингиз ҳам шу атрофда, кўнгил уйини ясаб олгандир, деб ўллабман. Яна билмадим... Қидириб кўрарсиз.. . — у шундай дея ичкари шўнғиди. Мендан хафа бўлди шекилли. Бу ёкка үзи бошлаб келиб, ташлаб кетгани қизик.

— Ҳой, бу ёкка чикинг! — бақирдим мен. Бу жойларни билмайман-ку!

Ичкаридан садо чиқмади. Ана, ана... этларим жимирилаб кетди. Энди совук забтига олди шекилли. Бутун дунёда ёлгиз қолдим-а... дунёми, коинотми, үзим билмаган бегона жойларда. Совуқни ҳис қилиш кишининг кайфиятига боғлик экан-да! Атрофга алангладим. Уй устида уйларми-ей... Чангалзорлар ҳам бор! Саванна-ю, тоғлар... Аллаканака, тажрибахонага ўхшаган имаратлар. Осмонда зинапояларнинг осилиб ётганини кўрсангиз... Оlam ичра оламлар, биридан бирига ўтилади. Атрофнинг ўзгариб кетаётганини энди пайқабман! Бир сония ичида-я! Вой, ана музлар окиб туиди, ўрнида яшил майсалар унаяпти? Паркудай, момик булултар устидаги яйловларни, биноларни ким кўрган? Бирпасда талмовсираб, кўркиб кетганимдан бақирворай дедим.

— Ёрдам беринглар, ҳой ким бор! «Адашдим, адашиб колдим...» деган фикр диплимни емириб юборди.

Чириллаб, безовта учишга ҳам кўркардим. Жойимдан жилмаганимга қарамай, атроф бутқул бошка эди. Умуман бегона! Уй, кўчалар булултардай учтиб юрса-ми агар? Минг йилда ҳам ўзимни тополмасман. Балки Моҳигул ҳам ахмоқлик килиб, шунақанги адашиб юргандир. Мен ҳам тентакман, ибодатимни килиб, ўтирамайманни жойимда! Манавинга ишониб, мен ҳам, тоза хато килибман.

— Қаердасиз, ҳой! Нега бунака киласиз?

Шундайин кўнглим потинч эди-ки, бир лаҳзада олам ютиб юборди мени, коинот ютди. Ўзимни дунёга киёсан кум заррасининг миллиондан бир улушига ўхшатдим. Бунча кичик бўлмасам-а, эй кодир худо!

Үша ерда турганимча, Раббимга илтижолар килдим. Балки ибодат маҳали бўлгандир хозир. Балки минг йил ўтиб кетгандир орадан. Мен эса бу ерда... Михлангандай турибман. Энди нима бўлади?

– Ҳой! Ким бор? Ёрдам беринглар!

– Намунча вахима қилдингиз? Нега бакирасиз? Ҳаёлимни буздингиз... – зарда килди у. – Бир нималардан шубҳа киласизмий, нуқул суриштирасиз. Нима энди, дугонангизни ялиниб топиб берайми? Истамас экансиз, боринг ўзингиз изланг...

Индамадим. Нима ҳам дейман. Боядан бери кимлигини билиш учун ижиклаётганимни билибди-ю! Шунга кириб кетган экан-да мени ўсал қилиб...

– Ҳеч курса, жойимга элтиб қўйи... – мулоийимлик билан дедим мен. – Қандай кетишни билмасам...

– Худога ишонган одам бунака кўркмайди. Коинотнинг у буржида бўлсангиз ҳам топасиз манзилингизни! – у «суф-э. сизга!» дегандай таънали нигоҳ ташлади. – Ҳали шу аҳвол бўла туриб, дугонамни изляпман, денг!

Мен индамай бош эгдим.

– Мен сизга намоз ўқидиган гўшамиз – Самои нурафшонни ҳам кўрсатмоқчи эдим. Бесабр экансиз. Ибодатингиз кам. Ҳамиша худони ўйласангиз, бунака бўлмайди. Ҳали ҳам у ёқ бу ёқка изғийвермай ибодат қилинг! – шундай дея у жим қолди.

Мен ўйлаётгандим. Шундоғам бир умр ўзимдан кўнглим тўлмаган. У эса камчиликларимни айтиб, мени баттар чўқтириб қўйди. Йўқолса йўқолар ўша Моҳигул. Боламмиди у! Кетиб юбораман. У ҳолда... Моҳигул анави аёлни калака қилган куни ҳам мум тишлаб ўтириш керак эди аралашмай, гўёки адолат пешвосидай. Ўз-ўзимга карши чиқдим мен. Менинг адолатим, карангки, ярим йўлдаёқ даф бўла қолди. Шу тупкага келгунча экан бу адолат кургур...

– Ҳа, нега жимсиз? – сўради у. – Излайсизми дугонангизни ёки кетасизми?

– Шуни ўйляпман, – дедим мен.

Унинг яна энсаси котгандай бўлди.

– Ўйлайверинг, унгача тасбих ўгириб тураман, – у беписанд ичкарига йўргалади.

– Тўхтанг, ҳой! – Унинг ортидан бакириб юбораёздим, яна ёлгиз колишдан кўрқиб. – Излай колайлик...

— Ҳм, — миңигида кулди у. — Ғалати қыз экансиз... Ҳозиргина кетаман деяётгандынгиз-ку... Сиз күнгил уйингизни қуролмас ҳам экансиз. Уйларнинг ўзгариб ётганини кўрдингизми? Ҳаёл ва кайфиятнинг муким эмаслигидан бу.

— Факат... — дедим мен чайналиб. — Йўқолиб қолманг-да!

Осмоний кўчалардан, жимиirlаб ўзгариб турувчи оламлардан ўтиб парвоз қиларканмиз, у бир оғиз ҳам гапирмади, тасбих ўгирди. Тасбих ҳам хаёлий шекилли, алламбало, мунчоклари ҳар турли рангда товланарди. У эса ўзига чўмган, масрур бир кайфиятда сел бўлиб қайси бир сурани куйлаяпти, ха куйлаяпти... Унга хавасим ортди. Нуруллоҳ корига ўхшаб тақводорми, дейман. Бунақа бўлиш қийин. Тақводор бўлса ҳам макоми кориникидан паст, шекилли. Мен эсам... факат ибодат маҳалигина худони ёдга оламан. Яна... ўзимни ожиз қис қилганимда! Бошқа пайт... Худо ҳакида ўлашга ҳаракат қиламану, бошка нарсаларга чалғиб кетаман. Яна буни уят бўлса ҳам, айб бўлса ҳам тан олишим керак, зерикиб қоламан. Бу ёмон, лекин нима қиласай, одам ўзини мажбурлолмас экан-да! Ўзликни англашни, ўзни идора килишни зоти олий руҳоний қўл билан бўронни тўсишга қиёслаган экан. Бу эса мантикан бажариб бўлмайдиган иш. Шундай эса-да, мен ҳам... сакиллаб юрмай ибодатга чўмишим керак. Ҳеч курса гуноҳларимдан кутулсан, дейман... Қанийди шунақа бўлса! Шудам мен ҳам хаёлан худони Ўлашга, билган сураларимни эслаб айтишга чоғландим. Мана, йўлда юриб ҳам вакт бесамар кетмас экан-ку! «Аузубиллаҳи минаш шайтониррояйм... Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.» Қанака жойлардан учиб боряпмиз, тасаввурга сифдириш қийин. Ҳам тасбих ўқиб, ҳам бу ахвол юриш. Моҳигулнинг буёкларгà кела олишига ишонолмай қолдим. Илк танишган пайтларимизни эсладим. Ташқарига чиқманг, бегона жойда юрманг, деб қулогимга куйганин куйган эди. Инс-жинсу ҳар хил маҳлукотлардан бирам кўркарди. Шу даража ўзгардими-а? Нега бунча жунуни қўзийди. Эрини қизғанибми? Хотинининг йили ўтмай уйланиб олгани учунми? Йил, йигирма-ю, кирк деган нарсалар бекорга эмас экан-да! Ўлдинг – ўчдинг эмиш. Ўчса шу кадар кийналармиди?! Умуман, бу девонаворликнинг бошка сабаби ҳам бўлиши мумкин. Вой-ей, хаёл кочганини кўрдингизми? Ахир мен «алхамду»ни айтиётгандим-ку! Бўлган-турганим шу, нима килсан бўлади-а ўзимни! Эй, худойим шу Моҳигул ҳам тезрок топила колсину. мен ҳам одамга ўхшаб ибодат қиласай...

– Унинг кайфияти қанақа эди? – Кутитмаганды сүради ҳамроҳим тасбих ўгираётіб.

– Кимни айтаяпсиз? – саволни дабдурустдан илғаб ололмайдым.

– Кимни бўларди... кимни излаётгандингиз ўзи?

– Ҳа, Моҳигулми? Расво эди кайфияти. Эри уйланиб, жинни бўлаёзди бу. Ҳаммадан хафа! Бутун дунёдан хафа... эди.

– Сиздан ҳамми?

– Биринчи ўринда! Келсам «ўлдиради» деб ўйлагандим, келгунимча қай бир гўрга даф бўлибди. Кечгача ҳам келмади...

– Бирор можаро бўлганмиди орангизда?

Ҳамроҳимга ҳадиксираб карадим. Жа суриштириб колди?!

– Можаро бўлмаса, тинч ётмасмиди гўрида! Ўшани деб бўлди.

– Ким, «ўша» деганингиз? Эрими?!

– Эри-да, ким бўларди! Тоштемир акаси...

– Энди... суриштираётганингма ҳайрон бўлманг. Топишимизга ёрдам қиласи бу. Чунки одам ҳаммадан кочса ҳам, ўзидан қочмайди. Қўнгил уйи ҳам кайфиятига монанд қурилади. Ҳозир ўзингиз кўрасиз буни...

– Сизнинг кайфиятингиз... муз каби эдими? – унинг муздан қурилган уйини эслаб сўрадим. Аммо у, жавоб қилмади. Бошқаларни сўраб-суриштиришга уста экану, гал ўзига келганда гунг-соков бўлиб олар экан-да! Сукут аломати ризо эмаслигини аллақачон тушунганман. Икки хил ҳолатда одам саволингизга жавоб бермас экан. Биринчиси, агар у сизга душман бўлса, иккинчиси, агар у сизнинг фикрингизга кўшилмаса! Ҳамроҳим кайси бирига мансуб экан, ҳайронман. Факат чўкиб ўлганидан хабарим бор, у ҳақда бошқа ҳеч нарса билмайман. Яна бир чеккаси, бу дунёда ҳеч ким ўзининг ҳакиқий киёфасини яширолмайди. Шу боис унга ишонган томоним ҳам бор.

Биз пастлай бошлидик. Пастлаганимиз сайин очик ранглар ҳам ўзгарди. Биз кулранг ва кора тусли оламга кириб бораётгандик.

– Энди эҳтиёт бўласиз! Бу олам жарликларида ёмон маҳлуклар яшайди. Улар сизга даф қилиб колиши мумкин, – огоҳлантириди у. – Кувватингизни олиниади. Рухнинг куввати камайса, у юкори макомларга кўтарилса отмайди. Булар ёмон

фикрлардан яралган нимарсалар, саргардон арвоҳлар! Улар жонталаб бўлишади... Бу ёкка якка кела кўрманг ҳеч!

Бир пастлаб, бир тепага учиб «улар» орасидан Моҳигулни ахтардик. Мушак отилгандай нур чакинлар, олов симлар орасидан ўтиб юриш мушкул эди.

Пастда эса кулранг тусли нимарсалар қўлларини чўзиб бизга ёпишишарди. Яна ҳам ғолат ҳолат. Туйқус пастда булат одам пайдо бўлди-ю, ўша захотиёқ магнит темирни тортгани каби ўз тўпига тортилиб қўя қолди. Бу шу қадар тез юз бердики, нима бўлганига тушунолмай қолибман. Кейин зътибор бериб карасам, пастда бу ҳолат мунтазам, давомий бўлар экан. Агар заррабин орқали хужайраларни кузатган бўлсангиз, бир-бирига тортилаётган атомларни кўрасиз, яна бу харакатлар тезлаштирилган кинолавҳаларга ўхшайди. Ҳаммаси бир-бирига тортилиб ётибди. Шунингдек, тепадаги, пастдаги латиф таналарга хужум килишади. Латиф тана кичрайиб кетишини энди кўрибман.

— Кичрайиб кетди! – деб юбордим ҳайрат ва кўрқувдан.

— Кичрайгани ҳам майли, унинг кўриниши ҳам ўзгариб кетади.

Бу янгиликдан яна ҳам саросимага тушиб кетдим. Қиёфаси ваҳшатли тусга кирган отин аёлни эслабман. Унга ҳам ўша нимарсалар ёпишиб олишганди. Шунга унинг юзлари кўпчиб тушган экан-да! Тавба-ей, ўзинг асра! Астағириуллоҳ!

— Унда... Моҳигулни қандай топамиз? Ўзгариб кетганмикин у ҳам? – сўрадим мен.

У индамади. «Билмайман!» дегандай норози қиёфада қараб кўйди.

Кейин кутилмаганда шаҳд билан йўналишни ўзгартирди.

— Унинг қаердалигини биламан! – деди вужудига келган фикрдан кувониб.

Мен ҳам курсанд бўлиб кетдим. Бояги нимарсалар ғимиirlаб ётган сайҳонликни тарк этиб, яна хаёлий оламларга қайтдик чофи. Аммо бу кулранг-кора тусдаги бир ҳаробазор эди. Ағдарилиб ётган бетон девору хилват жойдаги қоп-қоронги йўлаклардан ўтдик. Яна ҳам нураб ётган зинапоялардан пастга йўргаладик. Бу ер совук эди, роса ҳам совук... Боя муздан қурилган иморатни кўриб совқотмаган одам, бир зумда латиф танам хиралаши. Совукдан пароканда бўлмасам эли... Ана шундай, гўё. иморат

курилиши бошлангану, аммо бітказилмай ташлаб кетилған чоги. Бетон устунлари уй шаклида килиб үрнагылған, девор күйилиши лозим бўлған темирлари ҳам чиқиб турибди. Аммо ўша бетон девор ўртада қабрлай бир уюм бўлиб ётибди, нариги чеккада қурилмаган зинапоя... Атроф коп-коронғи, кишдаги каби кипяланғон дарахтлар ингичка, чангак мисол ёқимениз шохлари ила қурилмаган, ҳароб бу уйни исканжасига олгандай гўё...

Моҳигулнинг шу ердаллгини аник хис килдим. Кўнгил уйи вайрон бўлди унинг. Қурилмади ҳам.

Изиллаб учганча хилватлардан уни ахтардим.

... У қуюк дарахтзор ичида, таҳтаси чириб, тичирлаб ётган курсида ўтирган экан. Атроф булат босгандай зими斯顿. Япроқсиз, кокшол қариядай каккайған дарахтлар безрайиб турибди. Моҳигулдан ниманицир истагандай, ингичка, чивик қўлларини ёзиб, оч кўзларини унга ботирганча, кутишяпти. Жони бордай, нимадандир умидвор улар. Балки буларнинг барини Моҳигулнинг ўзи яратиб кўйған бўлса, не ажаб... Улар безрайиб эмас, норози бўлиб турнишгандир. Ана бизнинг оламимиз, продамиз, фикр-ўйларимиз шу калар аброр, бечораҳол. Ана сенинг ўзлигинг. Бундан ҳам тонасанми, эй, норасо вужул. Шундан кейин ҳам ўзгармокчи эмасмикин? Ўзи уинни бағди этган, ўзини кўнгил камоғига камаган олами кўрганмисиз. Ани у... шоҳ-шаббалар орасидан Моҳигулнинг маҳзун чехраси кўрилди. Мотамсаро, тўё кўзлари бир нуктага калалгану ўша ахвол қотиб колган. Атрофда нималар бўляпти, ким бору ким йўқ. қаерда ўтирибди, ҳаммасига мутлако бефарк.

— Уни бу ҳолатдан чикариш кийин бўлади. Чикмаса, бу ерлан кетолмайди! — Тушунтирли ҳамроҳим. — Бу ихтиёрий камок дегани!

— Бизнинг муддатимиз тугаянти. Якин кунларда олиб кетишса керак. Моҳигул мендан ҳам олдин кетади.

— Қаёкка кетасиз-а! Юравермайсизми яшаб! У ёк орзу қиласидиган жой деб ўйлајпизми?

— Ундей эмас-ку. лекин... Ҳар калай дунёда бир тартиб бор. Унга бўйсуниш керак.

У индамади, «Билганингиз» деб кўшиб кўйди ичида. Айни чогда унинг қалишга ундаётгани менга ажаб туюлди. Умуман олганила, ҳозир буни музоҳа яки иш ўтиради ан найт эмас.

Моҳигулга яқинлашдим. У хатто бошини күтариб қарамади ҳам. Ўша кўйи ўтириш.

— Моҳигул... Моҳигул! Мени танияпсизми?

— ...
— Бу менман! Мен — Гулхуморман! Кечирим сўрагани келдим!

У яна жим. Бундан кўраси даф килса ҳам майлига эди. Нега у бунака бўлади. Нега? Нега тушунмаяпти? Ўзини қатл этаётганини тушунмайдими? Моҳигул ўз руҳининг котили бўлишини истамайман. У кесакдай бир аҳвол ўтирган бўлса-да, ёлвордим:

— Енгилманг. Моҳигул! Енгилиб кўйманг. Шунча дардни кўтарган полвон вужудингиз шугина ҳакиқатни кўтаролмайдими? Ҳаётнинг, тирикликининг шунча залворини енгиб, рухингиз энди ором топганида нега ожизалик киласиз? Нега аламга бериласиз...

Моҳигул жим ўтиради. Гўё сўзларим кулогига кирмаётганди. Факат шаффооф кўзларидаги мунг, ҳозиргина зохир бўлган аллабир сизам мени эшиштётганидан дарак берарди. Бундан умидланиб. фикрларим жўшиб кетди:

— Сўрадим-суриштирдим. Уйларигача бордим. «ҳеч ким Моҳигулдай бўлолмайди энди!» — дебди эрингиз. У барибир сизни севади. Нега ишонмайсиз. Келиб қабрингизни суваб, тозалаб кетибти-ку! Буларни билмайсиз. Вужудингиз биргина алам билан ёнади. Биргина фикрга ёнишиб ёлангансиз. У эмас, асли сиз уни ташлаб кетдингиз... Дунёми бевафо, пешонами, билмайман. Уни ҳам тушунинг, демокчиман. Севсангиз, нега ўртанган дилини хис килолмайсиз. Хотини тушунибди, нега сиз тушумайсиз...

Моҳигул бошини кўтарди. Кўзлари ўйничокникидай бемаъно...

— Менга энди барибир ҳаммаси! — деди у оғир. — Ўз ҳолимга кўйинглар! Кетинг! Йўқолинг! Эниятисизми, даф бўлинг! Сиз... мени тушунмагансиз ҳеч качон, — аччиқ алам билан дели у. Мен эса унинг тилга кирганини кўриб, кувона бошлагандим. Аммо марҳуманинг кейинги сўзлари мени таңг қолдирди. — Акалли, канчалар азоб бераётганингизни билинг! Эй, худо. — нола килди у. — Йўқ бўлиб кетсам эди! — шундай дея Моҳигул хўнграганга ўхшашиб овоз чикарди. Ҳали ҳамон какқайиб турганимни кўриб, менинг итариб кетказмоқка чогланди. Факат шугина бўлса майли, соchlарини ёйиб... телбавор... увиллади.

Ҳамроҳим менинг кетишга унлади:

– Бефойда! Кетамиз!

Тепага учеб чиқдик. Дилем вайрон эди, энди Мөхигул шундайлигича коладими, деган фикр, кандайдир айборлик хисси мени чўктириб кўйганди. Айни дам, факат бир нарсани – кетишни истардим. Жойимда хотиржам ўйлаб оламан ҳаммасини.

– Мени оламимга кузатиб кўйинг, – дедим маъюслик билан. Ҳамроҳим негадир гапирмок илинжида оғиз жуфтлади-ю, аҳволимни кўриб, индамай йўл бошлади.

Яна пастда уймалашиб ётган нимарсалар устидан учеб, сайҳонликка келдик. Энди олов симларга ҳам, мушакдай отилаётган ёғдуларга ҳам эътибор килямай кўйгандим. Буёкка ҳам бирга ўтдик. У билан хайрлашар чоғида у тўсатдан:

– Исмим Ботиали, – деди жилмайиб. – Ҳеч курса исмимизни билиб олайлик.

– Меники Гулхумор! Энди борай... – дедим секингина.

– Ҳа, учрашармиз... – деди у ҳам шошган кўйи. – Эртага, шу маҳалда!

Индамадим. Йўлимга кетдим. У ҳам манзилига равона бўлди.

Ҳеч нима кўнглимга сиғмасди. Энди нима бўлади? Нима килиб кўйдим ўзи? Аралашиб нима килардим шунинг ишига. Ахир тириклар дунёсида ҳам кўнгил ишига аралашиб бўлмайди, айбор бўлиб қоласиз, дейишади-ку! Адолат қилгим кепти, қаранг! Қўлимдан келса экан... Энди бир бечора мени деб ўша ертўлада абгор ўтирадими? Мен килдимми шуни? Хатойимни кандай тузатай?

Бу ерга илк келган кунларимиз Мөхигул менга далда бўлган эди. Бир-биримизга суюнчик эдик. Буёғига ҳам умид килардим ундан. Ҳар қалай, икки ёрти бир бутун бўлиб, амаллардик каерга борсак ҳам. У менинг виждоним, мен ҳам унинг виждони эдим. Эрининг уйланишини туш кўрибманми?! Яна ҳам Мөхигул колиб, эрининг ёнини олибман. Ҳаётда тажрибам йўклиги билиниб қолди. «Сиз мени ҳеч қачон тушунмайсиз» дедими? Тўппа-тўғри, ахир мен эрга тегмаганман-ку! Жилла курса йигитим ҳам бўлган эмас. Бир сафар ҳам щуни писанда қилганди. Пешонам шунака бўлса, айб мендами?! Агар унинг ишига аралашмасам, ўзим кийналардим яна. Дўстнинг ишини қилимадим, деб ўйлардим.

Мөхигул ўтирган жойни эсладим. Ингичка, сершоҳ дараҳт-

лару бетон деворлар уюми. Устунларнинг тикка чиқкан, занг босган темирлари ёдимда қолибди. Бу унинг афкор олами энди. Қизиқ, менинг оламим қанақа бўларкин?

Шу пайт тепада гала-ғовур бошланиб колди. Эрта саҳардан нега шовқин солишади-я! Одамларми? Э, бу ер истироҳат боғи эмас-ку, секинрок гапиришса нима қиласкин?

Аста сирғалиб тепага чиқдим. Тумонат одам. Ҳайит намозга ўхшайди. Тинчликмикин? Ҳамма марҳумлар ҳам безовта ташқарига чиқиб олишибди.

– Нима гап экан? – қабри тепасида турган марҳумлардан бирини саволга тутдим.

– Жаноза шекилли? Янги «мехмон» келяптимикин?

– «Мехмон эмас, меҳмонлар» дениг! – сўзимизга кўшилди автоҳалокатга учраган аёл. Бу аёлни мен тез-тез кўриб тураман. Жуда қизикувчан, ҳар балони билади.

– Анавилардан эмиш. Афюнпараст. Бир-бирига укол қилиб ўлганмиш... Икки киши дейишяпти.

Марҳумлардан ҳеч зот уларни қарши олгани бормади. Ҳаммалари четланиб туришди. Фақат Нуруллоҳ қоригина уларга пешваз чиқди.

– Чин уйингиз муборак! У ёқда кўрган-кечиргандарнингиз охират учун сабоқ бўлсин, илойим, – деди.

Икки йигит – янги марҳумлар бошлари карахт, нима бўлганига тушунар-тушунмай туришарди. Тириклар орасида эса нақ киёмат бўлаётганди. Бир оиласиңг болаларнга ўхшаяпти! Ота кабр ичига тушиб олганча ётиб йиғлаляпти, тортиб ҳам чиқаришолмаяпти. Ёши элликлардами-олтмишми, билиш кийин.

– Вой болам, гуноҳкор отангни кечир. болам! – деб хўнграйди.

Анавилар эса ҳайрон. Отасини кандай овутишни билмаяпти. Мана шунака ситамгарлар ҳам бор дунёда. Ана, отанинг ҳам ҳаёти увол бўлди. Буларни кўриб, онамдан хабар олгим келиб колди. Моҳигул ҳакидаги ноҳуш ўйларим ҳам бир муддат мени тарк этди. Бораману келаман.

Уйга борсам, онам йўқ эканлар. Уйлар тартибли, саранжом-сариншга. Ивиситадиган одам ҳам йўқ. Фақат каравотим билан жавончани жойида қолдиришибди. Маърака кезлари йигишириб кўйиниганди. Яна ўз ҳолидай ясатишибди. Мен ётган хона ҳеч ўзгармабди. Онам атай йигиширмаганлар. Ҳагто кўйлакларимни

ҳам бермабдилар шекилли, ҳаммаси ишкопда турибди. Ана Нилунинг тўйига тиктирган гулли кўйлагим, стипендиямни йигиб, фалон пулга олган костюмим... асраб нима қиладилар. Барibir русуми эскириб қолади-ку! Кейин бирор киярмиди, денг. Ҳозирги ҳолатимда истаган либосимни кийишим мумкин. Бирон либосни хаёл килишим билан у эгнимда пайдо бўлади, тавба?! Айниқса, Моҳигул, тирикликда кийим кийиб ярамагани учун ҳар куни уч-тўрт бор «либос»ини ўзгартирарди. Энди эса корага бурканиб ўтирибди. Аза тутяпти. Севгилисидан айрилганига! Марҳумлар ҳам аза тутишар экан, қаранг! Қачонгача чўзиларкин бу азаси... Ишқилиб кимматга тушмасин-да!

Ошхонамизга чикиб ўтиридим. Шу жойни яхши кўрадим. Радио кўйиб олиб, қўшик тинглаб тамадди килар, баъзида шошар, баъзида чўзилиб, яйраб овқатланардим. Ўша кезлари ўлишни ўйламабман... Яқинда кетаман бу ерлардан. Айтишларича, кейин туғилган, ўлган кунларимиз, йилда икки марта ерга тушар эканмиз. Яна қариндошларимиз бошига мусибат тушганда келар эмишмиз. У ёқда туриб ҳам, ерда нималар бўлаётганидан огоҳ бўлар экан рух. Қариндош-уруғлар ўртасидаги ришта узилмас экан-да, тоабад! Қизик, ажаб дунё! Афкор этганинг билан, бу сир тубига етмассан...

Ие, онам... Азамат билан ўтирибдиларми? Қаранг, уйда туриб ҳам кўряпман ҳаммасини... Айни дамда Моҳигулни ҳам кўряпман, анави ғалати танишимни ҳам. Бир пайтда ҳамма нарсани кўриш кийин. Яна фақат сизга тақдирни туташ одамларни кўрасиз. Улар бирам кўп экан-ки! Қариндошлардан ташқари, бир сўз билан айтганда, сиз билан «борди-келдиси» бўлган ҳамма тақдирингизда иштирок этади ва уларнинг ҳаммасини кўриб, кузатасиз. Керак бўлса, хаётига аралашасиз... Ҳа, тирикларга мададкормиз. Акс ҳолда онам йўқ ердан ўғил неварали бўлармидилар?!

Азаматим анча соғайиб қолибди. Танаси анча вақт заҳда ётгани учун зотилжам бўлган экан. Бугун ҳарорати тушди.

Онам Азаматга меҳр билан термулганча унинг бошини силадилар. «Туш эмас экан кўрганларим!» – деб ўйляяптилар. Азамат топилдими, демак, мен ҳам каердадир борман. Онам ҳаётнинг бошқа шаклида бўлса-да яшаётганимдан ва улардан огоҳ эканимдан хурсандлар. Нихоят онам менинг «тирик» экан

нимни тушундилар. Жисмим ўлган бўлса ҳам, ўзим ҳаётман ахир. Худди ўша Гулхумордай фикрлаяпман. Факат илгаригидан хотиржамман ва улгайиб қолгандек ҳис қиляпман ўзимни, яна... қандайдир аввал билмаган кўп нарсаларни биламан.

Азамат кўзларини очди-ю, тепасида ўтирган онамни кўриб, ҳайрон бўлди. Онамга синчиклаб қаради. Бегона аёл нима қилиб тепамда ўтирибди, деб ўйлаяпти, чоги.

– Тузалиб қолдингми, той бола! – дедилар онам қулиб. Азамат «тузукман» деди секингина, овози хир-хираф чиқди. Нафас йўллари ҳам шамоллаб кетган бўлса керак. Кейин яна онамга қараб, кутилмаганда деди:

– Мен сизни танийман! Бувиммисиз...

Онам боланинг гапидан ҳайрон колдилар. Кейин бош силкиб тасдикладилар, кўзлари ёшлиниб кетди. Бир чеккаси юраклари орзиқиб, жилмайиб кўйдилар.

– Ойим ҳам келганимилар?

– Ойинг келмайди!

– Келаман деганлар-ку! Нега келмаяптилар? Ҳар куни пойлайман. Қоронғи тушиб кетса ҳам пойлайвераман...

– Ишлари бордир-да! Келаман деган бўлса, албатта келади.

– Буви, кеча Мамлакат опам келдилар! Тузалсанг, олиб кетаман деяптилар. Мени энди бувим бор. Ойим бувингга қараб тур, деганлар дедим. Буви, мен кетиб қолсам, сизга ким қарайди? – деди Азамат катта одамдай. Унинг бунақа меҳрибончилигидан ийиб кетдилар, меҳрлари товланиб:

– Бирам аклли бола экан-ки бу! – дедилар.

– Яхши бола бўлгим келяпти-да, буви! – деди у яна вазминлик билан. Онам кулдилар. Унинг юзларидан чимчилаб ўпиб кўйдилар. «Бола бор уйда гам чекинади», деб шунга айтишар экан-да! – ўйладилар онам.

Болагинамни четдан кузатар эканман, ачиниб кетдим. У менга зор бўлиб ётиби, бир кўрай ҳам демабман. Анави мендан безор Моҳигулнинг кетида овораи сарсонман ҳар кун. Бола мени кўрса яраси тирналади, дейман-да! Яна мендан узилолмайди. Майли, кечқурун бораман, тушига кираман.

Онам уйга кайтдилар. Ҳорғин, кўлларида каттакон ўйинчок машина, кайфиятлари кўтаринки! Чой куйиб ичиб олдилар. Кейин хужжат кидирдилар. Кўзойнак такканича артами, бир

нарсалар ёздилар. Болани үз номлариға расми таштирияттылар, менимчада.

Шу пайт телефон жириңглаб колди. Шахноза холам шекилли. Демак, онамга ишонмаганлар, касалхонага бормаганлар.

— Вой, Шахноз! — онам биринчи бўлиб янгиликни топширдилар. — Болани топдим! Ислим раҳматли кизим айтганда Азамат экан. Ҳамишрага учрашиб, «шунака-шунака» десам, у ҳам ҳайрон колди. Ҳаммаси тўғри чиқди. Боланинг акли бало экан. Шахноз! Менга «бувиммисиз» деса, ёка ушлабман. Бигта кўришда таниб олди-я! Факат сенгина ишонмайсан... Бўлти, Шахноз, келсанг гаплашармиз! — дедилар онам шошган кўйи, ишлари колиб кетаёттандай. Чиндан ҳам касалхонага олиб боргани овкат килдилар. Ўйинчоқ машинани менинг хонамга олиб кириб кўйдилар. Хонани йиғиштириб, супуриб-сидирдилар.

Онам ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолганларини кўриб хурсанд бўлдим. Саломатликлари ҳам яхшиланади энди. Армонда кетмайдиган бўптилар. Анави отин аёлга ўхшаб! Ёки Моҳигулдай тарк килиб юборармидилар дунёни!

Уйдан чиқиб, Азаматжон билан кўриншгани касалхонага учдим. Энди ухлаган, латиф танаси хонадан чиқмабди ҳали. Мени кўриб бўйнимдан ачомлаб йигласа борми?! Болатой-а, менга шунчалар боғланиб қолганмидинг?! У билан осмонга парвоз қилдик. Даражтлар шохига кўниб, электр симларига осилиб ўйнадик. Кейин уни касалхонага элитдим-да, ўзим қабрга кайтдим. Қарасам, қабрим тепасида бир одам турибди. Шундагина анави одам мени кутиб туриши лоп этиб ёдимга тушибди. Лекин унга ўхшамайди. Якинрок бориб карадим. Ҳа, бегона, шекилли. Уни таниёлмадим. Бўғик товушда бир нарсалар деб йигляяпти. Гулим, деса ҳайрон колибман. Мени айтаяптими?

— Менга қолса, шундай бўлсин дебманми? — дели у йиглаб. — Нега кийнайсан мени? Нега кета колмайсан? Юрагим адо бўлдику! Бу бечорада нима айб? Уям бир камбағалнинг боласи... Охират умиди билан яшаяпман, билсанг! Умрида намоз ўқиматан одам, ибодатни канда кильмаяпман. Қуръон тиловат киламан ҳар сафар. Сени деб-ку ҳаммаси! Мархума учун яна нима киlsa бўлади? Ўқиган Қуръонларим наҳотки сенгача етиб бормаяпти? Айт, яна нима қиласай? Хотиржам бўлишинг учун нима қиласай?

У йиглай-йиглай нари кетди. Мен эсам таажжубда колдим.

Нега бунақа деяпти? Камбагалнинг боласи деб кимни айтяпти?
Азаматними? Уни онамга қолдириб нотўғри қилибманми? Ни-
маси нотўғри...

* * *

Унинг бунақанги нолишларига чидай олмай, сирғалиб
тепага чиқдим. Кўриб, дарров танидим – Моҳигулнинг эри-ку
бу! Гулим эмиш... ўлгандан кейин. Охират умиди билан яша-
ётганмиш, қаранг, уйланиб олиб. Аслида-ку ҳаммани тўзитган
шу. Моҳигулнинг арвоҳини чиркиратиб. Вой, қаранг-а, ибодат
килаётганмиш, ҳаммасини сени деб киляпман эмиш. Ёлғонниям
сув қилиб ичарканми?! Бир шоир айтган экан, тириклар-ку, азага
келиб ёлғондан йиғлашлари мумкинdir, лекин ўликлар ёлғондан
ўлиб ётмайдилар деб. Нега кета қолмайсан эмиш. Қаёқка кетади,
олиб кетишса кетади-да! Ана, кетди шундоғам... Бунинг қилиғига
жаҳлим чикиб, бакириб ташладим.

– Эркакмисиз, хой! Шўрликнинг йилини ўтказиб уйлансан-
гиз асакангиз кетармиди?! Ана энди марҳумангиз ўтирибди, кўзи
кўр, қулоғи кар бўлиб. Эшилса экан гапингизни! Буёққа келиб
тавалло киласиз! Моҳигул йўқ бу ерда! Чириган жасади қолган.

Менинг бунақанги бақириб-чакиришим марҳумларга эриш
туюлди. Менга ғалат қараб кўйдилар. Кейин ўзимга ҳам таъсир
килди. Қизишиб кетганимни кўринг, ахир «жонвор» эшилмайди-
ку гапимни! Мен эсам бақириб ётибман. Қўлимдан бир иш келса
экан. Ана, кетворди! Буёқда мен сарсон-саргардон қаёқларга
бориб келмадим-а! Барибир кўнглим нотинч. Ботирали билан
Моҳигулнинг олдига боришга келишиб қўйганман, лекин... ўзим
бунга ишонолмайман. «Юр» деб чакирганга кўнганида ўша алпоз
ўтирмасди-ку, бечора.

Узокдан Ботиралининг ғамбода сиёҳи кўринди. Мени роса
кутгандир. Шунда ҳам кетиб юбормабди. Умуман бу марҳум
йигитнинг кетимда овораи-сарсон юргани ғалати-да! ҳарқалай,
бир сири борга ўхшайди шунинг! Кўзлари... бир хилда қотиб
турди доим, хурсандми, хафами, билолмайсиз. Туссиз, бемаъно
кўзларини жилмайиб, боодоблиги билан яширади. Аммо менда
нима юмуши бор унинг? Фақат менда эмас, умуман, доим шу
ёқда, кабристон оёғида изғиб юрганини кўраман. Қабри шу
ердамикин? Унда мен буни билган бўлардим. Ботирали бошка
кабристонга кўйилган бўлса керак?! Унда нега қабр бошига

бормайди. Муздан уй куриб ўтирибди. Умуман, нега у осмонда яшайди? Осмонда эмас, осмон остида... Ҳа, умуман бу ерда мен тушунмайдиган нарсалар кўп ҳали...

Ботиралига пешвоз чиқдим. Мени кўриб у ҳам хурсанд бўлиб кетди.

– Жуда ҳаялладингиз? – марҳумларга хос кўз юмиб саломлашган бўлди у.

– Анаи кепти-ку, Моҳигулнинг эри... Ўшанга алағда бўлиб. Одам эмас экан, туркинг кургур. ёлғонлаб бир тавалло килсами?!

Тўлиб турган эканман, шекили, ҳасратим очилиб кетди.

Ботирали кулиб қўйди. Унинг бунака кулганини энди кўришим.

– Ёш болага ўхшайсиз... Бундан баттарини кўрмагансиз-да! Қўяверинг... Алдайверсин, буёкка ўтганида уни ҳам боплашади!

– Қўйинг-э, нафасингиз курсин. Моҳигулнинг умиди борку акасидан. Ҳеч курса, охиратда бирга бўларман. дейди. Сиз бўлсангиз...

– Ёлғонларини эшитиб ҳам шундай дермикин? Одам жуда тез ўзгаради. Марҳумлар умуман бошқача бўлиб қолишади. Мана. Моҳигулингиз... ўтиришини кўринг... нима аҳвол!

Биз аввалги сафаргидай кўкка парвоз қилиб, осмоний кўчаларга шўнғидик...

Мевалари ларzon осилиб ётган богу роғлардан, пальма дарахтлари-ю, денгизлар устидан учиб боряпмиз. Мен ҳаяжонда, кўзларим кувнаб кетяпти. У эса оғир-вазмин, бепарво. Бу хаёлий олам менга ёқаётганидан хурсанд бир чеккаси.

Бошқа томондан яна ҳам ўша саволни ўйлардим. Ботиралиниг қабри каерда? Умуман, манави хаёлий уй эгалари кимлар?

Йигит кўксимда ғужгон ўйнаган саволлардан бехабар ёнигичамда парвоз қиляпти.

Моҳигулнинг «қароргоҳи»ни бу сафар тез топдик. Самоий «маҳаллалар»дан ўтиб паствладик. Ўша сафаргидай ранглар ўзгарди, ҳаво булат бўлгани каби, кулранг тус ҳам тўкариб борди. Охир кора рангга айланди. Тўғри ўша чакалакзор устидан чиқибмиз. Сайҳонликда осилиб қолган зинапоя энди узилиб тушибди. Биз ўтирган курси ҳам синиб ётибди. Чакалакзор қалинлашган. Чигал сочдай, ичкари кириш маҳол. Буталарнинг чивик шохлари бир-бирини ўраб, бураб ўсиб ётибли.

Зир югуриб Моҳигулни ахтардим. Йўқ, ҳеч ерда йўқ! Ғалати, тушуниб бўлмайди ҳеч. Ҳаёлий оламида ўзи бўлмаса... Ботирали ҳам роса излади уни. Унга юкиниб бокдим.

— Кеттганмикин?! — у хавотирли кўзларимга каролмай бошини эгди.

— У шу ерда! — деди вазминн. — Аҳволи оғир... Чакалакзор орасида бўлиши керак. Ҳа!

Албатта, деворлар орасидан сирғалиб ўтгувчи одам учун чакалакзор нима бўлибди. Аммо афкорий чакалаклар бошка гап экан, фикрлар тузоги бу. Шундай эса-да, бута шохларини карсиллатиб синдириб ичкари ораладик. Чакалак оралаб юрганимиз сайин, буталар калинлашаверди. Ё алҳазар, одам ҳам ўз-ўзини шунчалик ўраб ташлайдими, совуғи-чи бунинг! Буталарнинг тиконини кўринг! Ботир али олдинда, шохларни синдириб йўл очиб кетяпти. Қаердан ўрганибди экан. Менга, латиф танамга шохлар санчилади-ю, харакатим ҳеч кор килмайди уларга. Фикр билан фикрни кесишнинг ўзи бўладими?! Шу пайт кимдир ихраб юборди. Ботирали шаҳд ўгирилиб менга қаради. Яна ингради кимдир. Иккимиз шошганча олдинга чопдик. У ерда, чакалаклар орасида Моҳигулни каламушсифат нимарсалар талаётганини кўриб, хайратдан кўзларим каттариб кетди.

— Анавиларни қаранг! Вой, Моҳигулни еб ташлашяпти... — бақириб юбордим мен.

Биз келишимиз билан кора-қура нимарсалар гурра кочиб кетишиди. Моҳигул ҳамма ери тирналган, чивик шохлар билан чирмаб ташланган бир аҳволда ётарди.

— Вой-бўй, роса ўралибди-ку! — деди Ботирали Моҳигулни кўздан кечиаркан. — Кўрдингизми? Фикр-ҳаёлга ҳеч эрк берманг! Айникса, тушкун фикрлар одамни ёмон қиласди.

— Анавилар нима эди? — мен ҳамон ўзимга келмагандим, қўрқа-писа сўрадим Йигитдан бояги каламушсифат жонзотларга имо килиб. Улар ҳамон шу ерда эди. Шох-шаббалар орасига бикиниб, митти кўзларини пирпиратиб пайт пойларди.

— Улар шу Гул опангизнинг фикрлари!!! Ёруғ дунёда уларни кўрмайсиз. Латиф оламда улар ҳар турли шаклга эврилади. Масалан, кўрганингиздай, каламушларга! Фақат бу каламушлар дилингизни кемиради. Кўп кўрганимиз бунакаларни. Аксарияти, ўз фикрига ем бўлиб, катлиомга учрашади. Бошка йўли йўқ бунинг:

— Астагфируллоҳ! — деёлдим факат. Моҳигулни чакалакзордан аранг тортиб чиқибмиз. Сайхонликка ўтқазиб, дуои-фотиҳа ўқиб, вужудига сингдиридик. Тиловат ҳам мархумлар учун ғидо, озуқа экан. У тетиклашди. Лекин... шу аҳвол ҳам кўргулиги ёдига тушиб, бемадор йиғласа-да!

— Кўргим келмаяпти ҳеч кимни! — хир-хираф деди у. — Кетинглар...

Ботиали яна тиловат қилди.

— Бизни танигани — бу яхшилик аломати. Баъзилари, жунуни кўзиб, ҳеч кимни танимайди. Аммо Моҳигул яна ингради.

— Кетинглар... — бизни ҳайдаб солди у.

Менинг эса юрагим ғашланди. Унинг овозидаги тушкунлик ва мазкур ҳолатни у чин ҳақиқат деб кабул қилаётгани ачинарли ҳол эди. Бирон умид, илинжга ҳам у ўрин қолдирмаганди. Каловланиб қолдим. Ботиали эса... кетмокчи. Ғалати-да шу йигит. Бир савоб ишлар қилиб юради, бир манавинака, бирорга зигирча ачинмайди. Буни шу аҳволда ташлаб кетиб бўладими?! Аnavилар еб ташлашади-ку!

— Бекорга уриняпсиз, — фикримни уққандай деди йигит. — Аксинча, у сизни ҳам ўз кўйига солади.

— Нима бўлгандаям, уни ташлаб кетолмайман... Чунки бунда менинг ҳам айбим бор.

— Хато фикр. Сизда айб йўқ. Виждонли одамнинг ишини килгансиз. У эса тушунмаяпти. Нотўғри фикрлаяпти. Етимлиқда ўсгани ҳам сабаб бунга. Дили ўксик унинг... Ўзимдан қиёс...

Мен унга ялт этиб караб кўйдим. «У ҳам етимлиқда катта бўлган, шекилли» деб ўйладим. Мен уни нимани назарда тутаётганини тушунмагандим.

Ботиали кетди. Уни қолади, деб ўйлаган эканман. У шу қадар олижаноб эдики, мени ёлғиз ташлаб кетмас, дебман. Шу боис бироз хафа бўлдим, ҳамма эркаклар бир гўр дейшади-ку, бу ерда ҳам шундайдир-да! Моҳигул билан чакалакзорда ёлғиз қолдим. Атроф қоп-коронғи, яна ҳам совуқ. Шамол ғувиллайди устига-устак. Мен ҳам Моҳигулнинг ёнида тиловат килганча мижжа қоқмадим. Шоҳ-шаббалар орасига биқиниб олган қаламушсифатларни айтинг. Жингиртдай кўзларини узмай пойлайди. Вой-ей, бирам бадрўйки... Ер ютсин... фикр бўлсаям, бало бўлсаям. Туни билан бир хаёлга толиб, бир тиловат қилиб

чиқдим. Дам олганим йўқ. Ҳамиша фикрни бир нарсага жамлаш, яна денг атрофни назорат килиб туриш кийин экан. Бир чеккаси, зарурми менга, деб ўйлаб қоламан. «Зарурга зарур, нозарурга нима зарур» деган гап бор. Барибир қабр бошида ҳам тинч ўтиrolмасдим, билсангиз. Юрагим ҳапқириб кетади буни ўйлаб. Бунга ҳам ачинадиган кимдир бўлиши керак-ку! Ахир қабрга қўйилганимдан бери бирга эдим у билан. Энди ташлабгина кетамими?! Йўқ! Ҳаракат қилиб кўрсам, бирор мени жазолармиди?!

Ботирали ҳакида ўладим. У ҳам кетди мана. Бизни шу аҳвол ташлаб кетиш учун одам канчалик тошбағир бўлиши керак-а... Энди эсладим. Шу йигит ҳакида эшитганим бор эди. Доим кабристон оёғида юриб, ҳаммага ёрдам берармиш. Нега бунака қилишини ҳеч ким билмайди. Тушунарсиз. Энди бўлса, мана, кетди-ворди.

Шу пайт чакалакзорда бир нима шитирлагандай бўлди. Карасам. Ботирали, келяпти. Ичимда хурсанд бўлиб кетдим.

– Ҳа, ўтирибсизми, ҳалиям опангизнинг пашласини қўриб! – деди у ачитиб. – Ўтираверинг-чи, бу ёқда минг йил ўтиб кетади. – буни эшитиб ўрнимдан туриб кетаётдим.

– Ростданми? Минг йил дейсизми? – саросимага тушиб колдим. Бу дунёда вақт ўлчови ўйқда. Тун билан кун алмашгани билан у сизга дахл килмайди. Юълаб йиллар бир нафасла ўтаркан-кетаркан...

– Ҳали колиб ҳам кетарсиз шу ерда. Унда... менга яхши бўлади. Ўз оламларимизни куриб, яшаб юраверамиз. Онангизнинг олдига борамиз...

У менинг фойламни кўзлаб гапиргани билан фикри ёқмали. Нукул шу ерда қолишни гапираверади... Ботирали Моҳигулни кўриб, хайрагдан бакириб юборди:

– Вой, каранг! Сиз ечдингизми буни! Яшаворинг-э!

Карасам. Моҳигул ўралиб ётган чивикларидан халос бўлибди. Кўрмабман. Аниги, зътибор килмаганман, коронгилла кўриш ҳам қийин. Хурсандлигимдан тўлиқиб, йиглагудай бўлдим. Бориб, кўлларини юзларини сийпаладим.

– Моҳигул. Моҳигул! Мен сизни ташлаб кетмайман. Керак бўлса, колавераман шу ерда. Қабр тортмаса бўлди...

Гарчи у бандиляникдан озод эса-да, хушсиз ётарди. Афтидан ични олишиув жарбидан атия чеккан... Ором олсин лича. унгача

қараб турман.

— Ишларингиз бўлса, кетаверинг. Мен анча кўнигдим, ўзим.
— дедим Ботиралига.

У менга қараб жилмайди.

— Хафа бўлдингизми, дейман. Ибодатга бориб келдим. Бормасам бўлмасди.

Индамадим, мен бормасам бўлаверади, у эса... Умуман олганда мен «қол» ҳам деганим йўк.

— Кўп яхшилик қилдингиз шундоғам. Мен сизга ҳеч ким эмасман-ку! — дедим, гўё уни оқлагандай бўлиб. Бироннинг бадига тегиб, осилиб олишни ёмон кўраман.

— Моҳигул-чи, у ҳам сизга бегона-ку! Жон койитишингизни қаранг. Мен ҳам шу ибодатга бормасам бўлмасди. Ҳаёт-мамотим шунга боғлиқ, сиз билмайсиз... — маъноли килиб деди у. Кейин туссиз, мунгли кўзларини ерга қадади.

— Мен, умуман, кўп нарсаларни билмайман, — дедим унга тик қараб. — Масалан... Ҳатто сизнинг қабрингиз қаердалигиниям билмайман. Қаерда ибодат килишингизният, умуман, кимлигингизният билмайман. Нега бизга ёрдам килаётганингиз ҳам жумбоқ. Одам ўзига бир манфаат бўлмаса, қўлини совуқ сувга ҳам урмайди. Сиз бўлсангиз...

— Тўппа-тўғри, бу ерда ҳам шунақа... Демак, манфаатим бор. Яхшилик килиб, савоб йигишда кўп манфаат борлигини билмасангиз керак-да!

— Лекин ҳаммаям шунақа қилмайди-ку!

— Қўлидан келмайди! Бунинг учун менга ўхшаб уч юз йил сарсон бўлиш керак, уч юз йил, тушуняпсизми?!

— Уч юз йил!!! — эсхонам чиқиб кетди. Уни энди кўраётгандай хайратланиб қарадим. Уч юз йил шу ахвол юриш осонми экан!
Даҳшат-ку, бу!

У жим колди. Бир нуктага тикилганча тасбих ўгириб ётарди. Кейин мен томон ўгирилиб деди:

— Дунёда... қабрга кўйилмаган марҳумлар ҳам борлигини биласизми?!

Буни эшитиб шундай ўсал бўлдимки, илгарилари бу ҳакда ўйламаган эканман. У яна тасбих ўигранча сўзида давом этди:

— Ўз жонига қасд қилганлар... жасади топилмаганлар...
Халокатта учраганлар... Умуман... бунақалар кўп. Каерга бош

уришни билмай, осмон остида қўним топишган. Кўрдингиз буларнинг оламини! Баъзилари ҳалигача моддий оламдаги опласи, аллақачон бузилиб кетган уйи атрофида саргардон. Кетиб-кетолмайди, колиб-кололмайди... Ёмони шу. Баъзида Аросат деган жой шу ермикин, деб ўйлаб қоламан, яна билмадим. Бизга «у ёқка» йўл берк, охиратимиз нима бўлади. номаълум. Ҳамма умидимиз ибодатдан, билсангиз. Иродангиз етса, дўзахда ҳам Худога ҳамдлар айтиш мумкин-ку! Лекин бу аҳвол қанча яшаймиз, ҳайронман. Балки минг йил, балки миллион йил. Сизларни осмонга ўзлари олиб кетишади. Биз эса... ибодат килганимиз сайин ўзимиз юкорилаб бораверамиз. Айтишларича, биздан тепаларда ҳам марҳумлар бормиши. Факат... баъзида бир хиллик бадга уради. Шунданими, марҳумлар хаёлий уйларини ўзгартириб ётишади. Энди... Моҳигулингиз ҳам шунақа оламга тушиб қолди. Яна ҳам губанда у... ана сизга бор ҳакиқат. Сиз эса унга шерик бўлмокчисиз...

Ботирали жим тасбих ўгиришга тушди. Мен ҳам дилгир ўйга толдим. «Шундайлар ҳам бор экан-да! Худога шукр килсам бўларкан. Моҳигулни эса дўзахдан қуткариб, аросатга дохил килибман. Аросат... Уни дўзахдан ёмон деб эшифтаним бор... Энди нима бўлади? – Моҳигулга қараб ачиндим. Ҳафалигим баттар ортди. Ёмон қилибман. Дўзахга тушса-ку, бир кун покизаланиб чиқарди. Бу ердан-чи, качон чиқади?

Ёнимда ғужмайиб ўтирганча тасбих айтаётган Ботиралига зидан назар солдим. «Қайси қилган гунохига «бу ёқларда» юрганийкин?» У фикримни укқандай мен томон ўгирилди.

– Ҳайронмисиз? – мийигида кулди у. – Сувга чўкканман, деб ёлғон гапиргандим. Дунё тор кўриниб, сувга ташлаганман ўзимни. Ўртаҳол одамман ўша кезлари. Кабир этикдўзнинг кизига кўзим тушиб, севиб қолганман. Шундай сулув эдики... Кейин билсам, кўплар унинг ишқида гирён экан. Уйланиш эса менга насиб қилибди. Соҳибжамол аёл ҳам эркакнинг бошига балолар ёғдиришини билмабман. Билсам, ўлимимга уйланган эканман. Бир куни Қойилбой йўлга юриб, савдогарчилик қилишни таклиф килиб қолди. Янги уйланган кезларим, Саврихоннинг биргина табассумига жонимни тикишга тайёр пайтим, ўйлаб ўтирамай рози бўлдим. Унинг ниятидан бехабар. Ўрусиядан мол келтирамиз, кимматбаҳо мўйналарни кўрсангиз... Бирпаста кўкрагимга шабада тегди. Олти ой деганда пулга ўрганиб, катта-кичикни

менсимай, босар-тусаримни билмай қолдим. Аммо бу бойлик менга канчалар кимматга тушаётганидан бехабарман дөнгө

Түғон бўзчи ўғлини уйлантираётганди. Бўза ичиб, роса масти бўлибман-да! Ўрнимдан туролмайдиган даражада. Яна тахтимдан тушмасмишман. Бўзчининг ўғлига, куёв болага пул бериб, максимни ечирмоқчи бўлибман. У ялангоёқ бўйин эгмади. Жаҳлимни чиқарди.

– Ҳой гадойвачча, – дедим хезланиб. – Хоҳласам, гўшангага киритмай, авахтага тиқаман! – Буни еч-да, пулни ол! Хотинингга шириналик олиб берасан, – дедим масхаралаб кулиб. Унинг кўзлари ёниб кетди.

– Ҳаром пулларинг ўзингга сийлов! – деди у ғазаб билан. – Сен ўзи ким бўлибсан! Хотинини ўйнашларига ташлаб кетиб, пул топадиган бир даюссан-да! – деди шартта. Кайфим учуб, қандай ўрнимдан турганимни билмай қолибман. Шармисорликдан дилим қуйиб, нафасим ичимга тушиб кетди. Юрагим бошимгача чиқди-ёв, гурсиллаб уришидан томирларим ёрилгудай бўлди. Йигит кишининг уялгани ўлгани дейдилар. Қойилбой мени ўрусияга юбориб, хотиним билан шакаргуфторлик қиларканда! Яна дөнг... пулга шерик. Даствоя берганмиз, деб ҳар сафар фоизидан олишади. Саври... шунча гап бўлибди-ю, чурқ этмабди менга. Гапирсанг ўласан дегандир-да. Жон шунчалик ширинмичан. Уятдан ҳам-а! Талогини бердим ўша заҳотиёқ. Гумонаси бор эди, индамадим. Қойилбойнинг уйини ёқдим. Ёндики, гуриллаб... ўшанда ўзимни сувга отганман. Жасадимни ҳам топишолмаган.

Унинг ҳикояси менга ҳам қаттиқ таъсир қилганди.

– Астагфируллоҳ! Сиз-а! Шундоғ ақлли-хушли одам, шунака қилганимисиз?

– Ақл кетса, шу экан ҳолингиз. Шайтон йўлдан урмасин экан. Эсим энди кирди. Уч юз йил деганда эсимни йигдим. Қойилбой ҳам, хотиним ҳам ўтиб кетдилар. Ўшанда Қойилбойнинг бешикдаги боласи ҳам ёнган. Тўловини тўлади у. Мен тўламадим. Хотинимнинг гумонаси бор эди. Гуноҳидан кечдилар. Бу ёқда ҳам жаннат – оналар оёғи остида деб шунга айтишади-да? Фалакнинг гардишини кўрингки, улар билан учрашдим ҳам, лекин... индамадим. Улар ҳам терс бурилиб кетишли. Энди... лардим ичимда! Улар-ку, амаллаб тушар дўзахга, мен эсам... куним нима бўлишини билмайман... бу дунё шунака дунё. юнишатув-

чи далиллар бўлмайди, хукм ўқилмайди, аммо жазо мукаррар ижро қилинади. Шу боис ҳар гапингиз, ҳар харакатингизга эҳтиёт бўлинг. Мендан ўпкалашингиз ҳам тўғри эмас. Мен нима дардда-ю, сиз нима дардда. Шул сабаб, қабристонга бориб, ёрдамга мухтоҷларни излайман. Қўлимдан келса, қўмак бериб, енгил тортаман. Гуноҳим оғир, зилдай бўлиб эзиб ётибди. Ана, ҳаммасини билиб олдингиз энди.

Унинг ҳикоялари залвори босиб, оғирлашиб қолдим мен ҳам. Буни сезиб. Ботирали гап қотди:

– Билмаганингиз яхши эди. Лекин сиз сўрадингиз, мен жавоб бердим. Ҳар қалай, сабоқ бўлсин сизга ҳам. Ҳамма ўз жазосини олади, экканини ўради. Ёруғ дунёда экканларимизни охиратда ўтар эканмиз. Унинг ажр-савобларидан ҳам баҳраманд бўлиш насиб қилсин, илойим.

Орага оғир жимлик чўқди. Ботиралининг латиф танаси тўклишган, гўё воқеалар уч юз йил илгари эмас, ҳозиргина со-дир бўлгандай кийналарди. Уч юз йиллик асоратнинг залвори шундок бўлса-я!

– Сиз бораверинг! – деди у орадаги нокулай жимликни бу-зиб. – Опангизга ўзим караб тураман. Жойингиздан хабар ола келинг ҳеч курса...

– Ибодат-чи... – унинг ибодатта бориши кераклигини эслаб дедим мен.

– Э, кўяверинг ибодатни! Бир гап бўлар... – деди у локайд.

– Шунча воқеалар наздида у бир ибодат экан-ку! Опангизнинг ахволи меникидан мушкулрок. Ажаб эмас, ёрдамим тегса...

Шу пайт осмон томон чақин чаққандай ёришиб кетди. Фақат у бинафшаранг тусда бўлиб, само тўла юлдузларни яна ҳам яраклатиб юборди. «Вой» деганча савол назари билан Ботиралига қарадим. У мулоҳимгина жилмайди, бу яхшилик аломати демокчи эди, шекилли. Кейин «бораверинг» дегандай имо қилди... Мен ҳам бунинг нималигини фаҳмлагандим. Ҳаяжондан вужудимда титрок турди. Бугун осмон очилиб, фаришталар тушадиган кун-микин?! Мен ҳам кетсан-а!! Шу тоб ҳамма нарсани унутаёздим. Вужудим-да аллабир, тушуниб бўлмас қувонч порлади. Қабрим томон учдим. Бу ерга етиб келганимда осмондан ҳумо қушлари ҳамроҳлигига фаришталару неча юз йиллик марҳумлар тушиб келаётганди. Бундай пайтда қабристонда байрам бўлаётганига ўхшайди. Дийдорлашув... Ҳамма ҳаяжонда колди.

Қабрим тепасида бирор турганини кўриб, юрагим яна ҳам ҳаприкиб кетсами. «Менга келишибди!» деган фикрдан вужудларим яйради. Қабримга аста қўндину, турган одамларга синчиклаб назар солдим. Бир аёл билан бир эркак, яна ёш йигит ҳам бор. Йигитларнинг бу қадар кўркам бўлишини тасаввур ҳам килмаган эканман. Рангги тиник оқ, тим кора қошлари мавж уриб турибди, катта-катта шахло кўзларидан нур таралади, лаблари қизил тошга йўниб ишлангандай чиройли. Аммо келгандарнинг биронтасини ҳам таний олмадим. Бувим кейинги сафар сени ўзимиз билан олиб кетамиз деган эдилар. У кишини таниган бўлардим... Нега бувим келмабдилар? Энг ҳайратланарлиси, бу марҳумлар менга қайрилиб ҳам бокишмади. Олдиларига бориб, осмоний марҳумлар билан таъзим айлаб саломлашдим.

– Мени кутмаяпсизларми? – дедим ҳаяжондан овозим титраб.
– Ким бўласизлар?

Марҳумлар мен томон ўгирилиб жилмайиб кўйиншди.

– Моҳигулга келгандик. Унинг кетар пайти бўлди! – дейишди. Буни эшишиб юрагим шув этиб кетди.

– Тополмаяпмиз... нечук бунча ҳаяллади у.

Мен айборона бош эгдим. Ичимдаги талотўпларни сиртимга чиқармадим. Энди нима бўлади? Булар нима қилишади энди. Хаёлга толиб, каловланиб турганимни кўриб тушунтирилар:

– Биз... кариндошларимиз... бу йигит унинг ўғли – Шорасул бўлади!

Йигитга караб оғзим очилиб қолди. Чақалоклигига ўлиб кетган эди шекилли. Рухлар ҳам катта бўларканми?! Бунинг хушсуратлигини кўринг. Ирkit сўргичларни сўрган бола наҳот шу бўлса?! Фариштага ўхшайди-ку бу! Чехрасига қарагани ийманасан, киши. Шу қадар гўзал. Унга ҳавасларим ортдики... Ана, чаја, нимжон туғилиб, она меҳрига қонмаган эса-да, олиб кетгани келиби-ку! «Барibir она бўлган аёллар бошқача бўлишади, – хаёлимдан ўтказдим мен. – Она бўлгани гуноҳларига кафоратдир балки... »

– Илгариги сафар келганимизда волидаи муҳтарамам шу ерда эдилар! – деди йигит назокат билан. – У кишини тополмай ҳайронликда колдик.

Қаранг, илгариги сафар ҳам келган экан. Бир оғиз айтмаганли. «Делегация бўп кетишди!» деб кесатган эди.

Мен сўзлашга оғиз жуфтладиму ерга қарадим. «Нима дейман? Онанг аросатда колди, дейманми? Эрини рашк қилиб, чакалакзорда банди бўлиб ётибди деб айтайнинми?»

Улар иккиланаётганимни кўриб далда беришди.

– Билсангиз айтинг... балки ёрдам керакдир, – кўзларини жовдиратиб деди йигит.

Уни тинглар эканман, мархумлар аросат жойни кўролмас эканлар-да, деган фикр туғилди. Йўқса, рухлар учун масофа йўқку! Шу ердан туриб, коинот чеккасида нималар бўлаётганини билишади.

Уларнинг умид билан мендан жавоб кутаётганинни кўриб дедим:

– Моҳигул бу ердан кетиб қолган. Эри... уйланганидан кейин руҳи жуда тушиб кетди. Яшириб нима қилдим, аҳволи ёмон. Аросат жойга бориб қолган. Қанча уринмайлик, ўша ердан чиқаролмадик уни... Нима қилишимни билмайман. Ҳозир бир одам унга қараб турибди... Буларни уятдан ўлаёзид, аранг айтдим.

Лекин негадир айтганларим йигитга заррача ҳам кор қилмади. Кайфияти тушмади. «Нима бало, бу қадар тошбағирми осмоний рухлар», деб ўйладим йигитнинг очик чехрасига ҳайрон қараганча. «Кўрмади-да аҳволини, кўрсами, ачинарди!» Аммо бу хушнудлик руҳиятининг событлигидан эканини билмасдим. Бу унинг учун муаммо эмасдир балки.

– Анча бўлдими бунга? – сўради йигит юмшоқлик билан.

– Ҳа, шу бизнинг ҳисобимиз бўйича уч-тўрт кун бўлди-ёв... Ҳозир вактдан адашиб кетадиган бўлиб қолганман...

Йигит жилмайди.

– Ҳаммадаям бошида шунаقا бўлади. Кейин эса... вакт деган тушунчадан умуман қутуласиз. Факат ерга тушганингиздагина эслайсиз уни, – йигит жим қолди. Кейин қариндошларига қараб, маслаҳат соглган бўлди.

– Нима қиласиз энди...

Улар ҳам жим.

– Бунаقا мушкулотга ҳеч дуч келмаганман, – деди аёл.

Сукут саклаб ўтиришдан фойда йўқ эди. Ахир коинот қонуниятини шу кунгача ҳеч ким бузган эмас-да!

– Мен онамнинг олдиларига бораман! – деб қолди йигит кутилмаганда. – Бирга бора оласизми? – менга юзланди у.

Осмондан тушган рухларнинг қаерлардадир, кимларни дир излаб юришганини мен ҳам кўрмагандим ҳеч. Келишарди-кетишарди кариндошларини олиб. Шу боис иккиланибгина жавоб кайтардим:

– Ҳа, йўлни анча билиб қолдим, лекин... қолиб кетмайсизми?

– Қолсам коларман-да онам учун! Кейинги сафар кетамиз. Барибир онамсиз қайтмасдим-ку! – бу сўзларда мени ҳайрон колдирар даражада хотиржамлик, осудалик бор эди.

Унинг ҳамроҳлари ҳам Йигитнинг сўзларини маъқуллашди. Бизни қабристон оёғигача кузатиб хайларашдилар.

Йигитдан нур тарагиб туради. Тушунарсиз, аллабир тилсими ёиор эдикни унинг, салобати босар, унинг олдида кандайдир ўзимни нокулай ҳис қиласдирдим. Лекин бир нарсага ишончим комил эди. У онасини қайтара олади! Йигит пастда увалашиб ётган каламушифат жонзотлардан ҳам, сим чақину, олов шарлардан ҳам зигирча чўчимади. Ишонч билан парвоз қилди. Шунданми, Моҳигулнинг қаконига, зулмат қўйнига шўнгиганимизда ҳам ундан таралган ёғду атрофни машъаладай ёритиб турди. У ёна-ётган гулханчадай пастга тушиб бораради. Пастлагани сайин бир нарсалар шитирлар, чарсиллар ва гуриллаб ёна кетарди.

Кўп ўтмай, узоқдан Моҳигулнинг хираланган латиф танаси билан унинг ёнида тасбих айтиётган Ботирали кўринди. Бирдан атроф ёришдик... Саросимага тушиб, ортимга ўгирилдим. Қарасам... Моҳигулнинг чакалакзори гуриллаб ёнаётганди. Аммо бу ёлқин биз билган оловга ўхшамасди. Танани куйдирмасада, қизил, яшил тусда ёғдуланиб, харобазорни ютмолда эди. Ёнгиндан кейин одатда қоп-қорайиб куйган, хунук бир манзара колади. Бунда эса ўт олган жойлардан гуллар унаётганди. Кўз ўнгимда мени лол қолдирганча, харобазор ювилиб, ўрнида боғи Эрам зоҳир бўлаётганди. Бу ёнгин хароб этгувчи эмас, яратгувчи олов эди. Ботирали ҳам бизга қараганча, ҳайрону лол қолганди. Аслида у мендан кўра кўпроқ нарсани тушунарди. Балки уч юз йил ичидаги бунака воқеаларни кўргандир неча бор... Барибир лол эди!

Шорасул Ботиралининг пойига келиб, унинг оёқларига йиқилса бўладими?! Раҳматлар айтиб, пойини кўзларига суртсами?! Ботирали ҳам бу харакатдан шошиб қолди. Йигитни кўлидан олиб турғизди.

– Онаизоримни күтқарганингиз учун қарздорман, тоабад. Қиёматда ҳам узолмасман бу қарзни! – деди Шорасул майсадай майин киприкларини пир-пиратиб.

– Шундай фарзандлар ҳам бўлар экан-ку! – деб юборди Ботиали. – Сиз фарзанд эмас, худонинг раҳмати экансиз-ку, иним. Бир бечоранинг бошига раҳматлар ёғилгани шудир. Яратган эгам шундайин раҳмидилки, бандасини ташлаб кўймайди! – У тўликиб тапиролмай қолди. Балки аросатдаги дарбадарлик, сарсонликлардан безган дилига бир умид баҳш этгандир бу ҳолат. Унинг ҳам ҳаракатлари, оиласига, улусга қилган яхшиликлари, бу дунёга келиб ҳам тинчимагани, Оллоҳга-да садоқати бир кун келиб самара берар... Қалбida гулдай умид кўз очиб, муаттар хид таратган баргларида тонг шабнами кўринди. Бу кўнгил ёшлари эди. У Шорасулнинг ҳаракатидан, миннатдорлигидан очилган бир гул эди. Сувга данакдайин тош отсангиз, у сувни ўзгартиради. Атрофида доира тўлкинчалар ҳосил қилиб умонни ўзгартиради. Инсон ҳам шундай. Кимгadir арзимас яхшилик килса-да, бу билан у неча калбларни ўзгартиради, ниҳояти Коинотни ўзгартиради.

Шорасул ички бир ҳаяжонда онасининг бошига борди. Онасига интизор термулганча:

– Мен келдим, – деди аста. Унинг овози эшитилмади ҳатто. Аммо ўша заҳотиёқ Моҳигулнинг кўзлари очилиб кетди. Тепасида бош эгиб турган фаришгадай йигитга каради-ю, вужудла-ригача зиркиради:

– Болам!!! – у шундай дейиши билан атроф ўзгарди-қолди. Она она-да, барибир. Йигитлик чехрасида ҳам чақалогини таниди-я!? Ҳамма алам шунга экан-да! Уидан чақалогини. жонининг парчасини кизғонган дунёга экан-да! Моҳигул... у бир со-ния ичида буткул бошка инсонга эврилди. Юзидағи кишанчалар ечилиб жилмайди, кўзларида меҳр, раҳимдиллик ва дард омухта бир ҳаяжон зоҳир бўлди ва шу киёфада унга томон талпинган боласининг бағрига сингди.

Кейин бемадор ўрнидан кўзғалиб, оналарга хос бир гурур билан «кўрдингларми, бу менинг ўғлим!» дегандай бизларга мамнун караб кўйди.

У илгари бўлган, бўлиб ўтган воқеаларни эсламасди гўё.

– Гулхумор, ўғлимни кўрдингизми? Бу ўша Шорасулим... гапириб бергандим-ку сизга! Кагта бўлиб кетганини кўринг...

— меҳр билан йигитга термулганча деди у. — Мени олиб кетгани келибди!

— Ўзингиз... тузукмисиз? — дедим унинг сўзини бўлиб. Бир оз сукутланиб тургач. — Кетар экансиз-да! — дедим армон билан.

— Ҳа, кетаман энди!

— Ахир... бирга кетмоқчи эдик-ку!

У жилмайиб мени бағрига босди.

— Дунёнинг ишлари шунақа экан-да, сингилжоним. Биласиз-ку, у ёкда барибир учрашамиз! — шундагина у тинимсиз тасбих айтаётган Ботиралига зътибор қилди. Уни энди кўраётгандай:

— Бу одам ким? — деб сўради.

— Ботирали... сизга анча ёрдам қилдилар.

Моҳигул яна унга ҳайрон каради.

— ... Мен... касалмидим?! Марҳумлар ҳам касал бўларканми?

— Бўларкан-да, опажон. Тоштемир акангизга кўп куйдингиз...

Ботирали тасбих ўгиришдан тўхтаб, менга таънали нигоҳ ташлади. «Айнуб, зслатиб нима қилардингиз шуни!» дегандай. Мен индамадим.

— Сиз буни билишингиз керак эди. Тоштемир акангиз уйланганидан кейин...

— Биламан... — менинг гапимни чўрт кесди Моҳигул. — Биламан, лекин... энди бунинг аҳамияти йўқ. Ўғлим бор! — деди у мағур. — Сизни ҳам анча қийнаб кўйдим. Худо кўриб турибди, қилган яхшиликларингиз охиратда қайтсин, илойим...

Она-бала кетишга чоғланишди. Мен эса хаёлга толдим. Хуллас, у дунё қонун-коидаларини билиш қийин. Ҳар не қилганда ҳам бу худонинг марҳамати. Йўқса, шўрлик дугонам аросатда колиб кетар эди. Моҳигулнинг хушхол чехрасига карай туриб енгил тортдим. Ўзимни айблаб, эзилиб ётгандим мен ҳам. Марҳума эканимни ҳам унутиб юбораётдим. Яхши бўлди. Кейинги сафар мен кетсан керак. Ботирали эса қолади...

Улар билан қучоқлашиб видолашдик. Қайдам, у ёқларда кўришиш насиб этадими-йўқми, ким қандай жойга тушади, билиб бўлармиди?! Нима бўлганда ҳам бу ёкда бир-биримизга далда бўлдик, ёрдам қилдик имкон қадар, ёмон бўлмади. Унга анча ўрганиб қолган эканман. Бахтиёр чехрасига караб, ўртанаман. Наҳотки, охирги марта кўраётган бўлсам уни. Наҳот, энди учрашмасак тоабад.

Яна узок-узоклардан бинафшаранг нур устуни күринди.
Уннинг ичра хумо күшлари, олтин ҳалли самовий арабалар күкка
парвоз этди. Она-бала ҳам бир-бирининг бағрига сингганча, нур
устуни томон талпинди...

Биз Ботирали иккимиз, самоватга интизор термулганча
қолдик, худди бошка мархумлар каби...

ТУТҚУНЛИКДА

... Эй дарвеш, туз қопига тушган
нарса тузга айланади, ифлосликка туш-
ган ифлос бўлади, зера нопок ва палид-
дан нопок ва палид тугилади, сафодан
сафо ҳосил бўлади. Сендан тугилган
нарса соғ бўлиши учун аввал ўзингни
пок этишинг керак...

Азизиддин Насафий,
«Зубдат ул хақойик»

Рисолат отин энди қизидан ҳам нажот кутолмайди. Қўғирчок
ясад қабрга кўмилгандан кейин хафсаласи «пир» бўлди. Жони
йўқ экан-ку бунинг! Туқкан боланг ҳам ёрдам беролмас экан-да,
деб ўйлади. Уларнинг измиға бўйсунишга мажбурлигини тан
олди. Улар жуда ғалати жонзотлар. Нималигини ҳам, кимлиги-
ни ҳам тушунмайсан. Энг ёмони ўзлигини унугтаётгани. Тобора
онги хиралашиб боряпти. Алоғ-чалоғ туш кўраётган каби баъзи
маълумотларгина бор миясида. Насиба уннинг қизилигини би-
лади. Лекин у ёмон, нега ёмон... Балки унга ёрдам бермагани
учундир, аниқ билмайди. Анави мархумлар ҳам ёмон, ҳа, ёмон...
уни ҳайдашади. Одамлар ҳам. Манавилар ундан кучли, улар-
дан кўркади. Шуннинг учун улар нима дейишса, бажо килишга
тайёр. Аммо уларни ҳам жини сўймайди. Ўқиган қуръонлари,
ояти карималари-чи, дерсиз... «Ло илоҳа» ёдида колган, холос.
Калиманинг давоми борлигини билади, лекин... қанча тиришиб
эсламасин, бўлмаяпти, охири чидолмай жазавага тушиб кетяпти.
«Ло илоҳа» деяверади, ёйик соchlарини серкиллатиб. Ҳа, ўзи
ўзига ўхшамай қоляпти. Вакти келиб, ким бўлганини ҳам унугтиб

юборар... Онгининг қай бир тубида ўчмаган учкун бор, ҳали. Шуни ўт олдираман, деб хуноби чикяпти-да!

Турагерлари шу сайхонлик. Бу ерда баднамо нимарсалар уймалашиб, бир-бирини еб ётади. Арвоҳлар ҳам бор. Улар ўз жонига қасд қилганлар, аросатда қолганлар эмиш. Рўйи одам эмас буларнинг...

Кундузлари сайхонликда булутсимон, қора-кура галат шакллар пайдо бўлади. Тишли-тирноқли... Улар моддий оламдан тутундай ўрлаб чиқади. Бадбўй фикрлар уммони. Албатта, Рисолат отин буларнинг афкори омма эканини қайдан ҳам билсин?! Фисқи-фужур, кин-адоват, тухмат, ғайирлик ва ҳасад оқибатида оёкланган бадбин ўйлар, сайхонликка карбалодай ёпирилар, ёқимсиз тусга кириб, ҳар бири ўз тўпига тортиларди. Залолатдан озиқланган нимарсалар семириб, болаларди, яна гурухларга бўлинарди. Гўёки аскарлар сафидай бу тўдани, ундаги ҳаракатларни бирор атай бошқараётгандай, ҳар сафар ҳеч хатосиз тақрорланарди: бу ҳол. Ҳар сонияда залолатнинг ерни босгудай урчиётгани ваҳимага соларди кишини. Аммо сайхонликдаги жонзот борки, чақмоқдан кўркишарди. У қуёш нурида балқиган шамширдай ногаҳон пайдо бўларди-ю, жимири-жимири ҳавода тортилган олов симлар уларни куйдириб юборарди. Қора-кура маҳлукотлар ғувиллаб ўзларини четга отишларини кўринг ўшанда! Аччикни аччик кесади, фикрни фикр. Буни қарангки, одамзод дилидан чиккан ҳалимдай ўйлар, дилдор фикрлар, ояти карималар, чақинга алланиб буларнинг хонумонини куйдирап экан. Нафис фикрларда илоҳий кудрат борлигини бунда кўринг.

Ҳар сафар сайхонликда чақинлар авж олиб, олов симлар басма-бас тортилиши ҳамоно анави бадбуруш маҳлуклар бурчак-бурчакка биқиниб олади. Энг ёмони моддий оламдан ўзига паноҳ излаб қочади булар. У ёкдаги томошани кўринг кейин. Оллоҳ яратганми уларни ҳам? Инсу жинсми, алвастими, нима булар? Англаш мушкул оддий кишига. Лекин улар бор, факат кўзга кўринмайди-да!

Ўлжа бўлмади бугун. Бунақа пайтда анавилар, роса кутуради-да! Мушуклар баҳорда вағиллашгани каби, ёқимсиз овозлар чиқаришади. Қизиги, жаҳли чиқса ҳам, хурсанд бўлса ҳам бир хил, юз ифодаси ўзгармайди. Чилдирмани баданглатиб, чийиллашадики, «гурр» этиб у ер-бу ерда олов ёниб қолади. Бу

махлукотлар аспи оловдан құрқишиади. Олов ёнишига сабаб үша чакин симлар бўлади. Биз эса баногоҳ гулхан чиқкан жойда жин, алвости бор, деб ўйлаймиз. Асли улар оловдан қочишиади.

Ўлжа тушмаган куни отинга кийин. «Ўзларидан бўлмагани учун» қийнашиади уни, оғрик юборишиади... Ана яна бошландими?! Дод, дастингдан дод! Жисми бўлмаса, дўзахда кандай азоб чекади одам, деб ўйларди. Шунака бўларкан-да азоб! Имм... Их... У албатта фикр қилмайди, кандайдир вужуди билан хис қилади буни. Шу пайт ўртада олов ёлқин пайдо бўлди-ю, қарсиллаб нимарсаларни тум-тарақай қилди. У ҳам ҳалигилар билан бирга «гуvv» этиб учди. Ростакам арқон билан боғлангандай, ажралолмайди-я, ҳеч... Жилла курса, шунака пайтда айро бўламан дейди-ю, каранг. Бу «арқон»ни на узиб бўлади, на ғажиб ва на ёндириб. Ўзидан чиқкан бало-да бу! Яъники, фикр-ўйлари мақомати шунака экан-да, ўзига ўхшаганларга шерик килиб кўйяпти. Ўргилиб ҳам, айланиб ҳам ичяпти бу балони. Вужудида унган боласи ҳам уни куткаролмади бу таъвиялардан. Э, афсус! Эси йўқ экан үша маҳал!

Улар ғувиллаб учиб, латиф сарҳаддан моддий оламга кўчишиди. Аслида буларга шу ер тинчроқку-я, лекин одамлар яшатмайди, ҳали босиб олар, ҳали қарғар, ҳали дуо ўқиб кувар, камчи билан савалайдиганлари ҳам бор. Бу маҳлуклар сезармиди, дерсиз! Дуонинг кучи билан чунонам нимталанадики, воҳ, чийиллаб қолишади. Отинга ҳам неча бора тушди үша қамчин. Ўзи ҳам бир пайтлар шундай қилган эди-я! Қайтишини кўринг энди, тавба, шу ҳам кайтиби!

Мардон кираверишга тўкиб қўйилган, кум-шағални босиб, аранг оёқ ташлади. Аммо қаддини тутолмай йиқилди-ю, вадан-глатиб сўкинди. Яна... үша ҳид келиб кетди. Уфф...

– Д.. Дили! Дили ддедим! Ччиқ бўуёқка! – бакирди у. Анавилар эса унинг қўйнига кириб, гиж-гижлай бошлишади. «Қаттиқрок сўкин, яна, яна! Ур уни, ур!».

Аёл хонадонда қандай жанжал чиқишини энди тушунди. Айникса, уйда қурилиш кетаётган бўлса, яна ёмон. «УЙ зегалири» сарсон бўлиб қолади. Сарсон бўлгач, жаҳли чиқиб, тўполон кўтаришади. Қай бири гишт тагида қолар, лойга чапланиб кетар, тўсин тагида қанчаси мажақланади... умуман ҳар бало бўлиши мумкин. Энди бу аламзадаларга манавилар ҳам кўшилишди.

«Үй эгалари» билан бу алвастилар жангини кўрсангиз... Жўжахўроздай чийиллаб, тенишиб, бир-бирига чанг сола кетди. Отин бир бурчакка бикиниб олганча қора-қура алвастига ўхташ сарик сочи ғалати нимарсаларнинг жангини томоша қилди. Ҳа, ургочисининг кўзлари кийик, бурни узун буларкан. Тулкига ўхшайди... қаериидир. Эркаги қора жунли, тавба-ей... «Үй эгалари» қора каламушгами, мушуками ўхшайди. Роса вағиллашишди. Лекин... акли балойи азим. Мастни шунақаям гиж-гижлашди... Азал-азал Мардон хотинини ҳар кимдан қизғаниб юрарди. «Хотининг йўклигингдан фойдаланиб, ўйнашини обкелган. Эрталаб телефон гўшагини кўтардинг. Ҳеч ким гапирмади. Бу ўша эди. Ўша! Қидириб топ уни! Иккенинг сўйиб ташла! Сўйўй!». Улар гапирмасдилар. Бу фикрни арокхўрнинг миясига куишиарди. У эса шағал устида ағанаб ётганча хотини ёмон сўзлар билан сўкарди:

– Ддилли! – бакирди у аранг тили айланиб. – Ўйнашинг ббилан ёо... ётибсанми! Ннамунча иимилладинг... ччик, ттез! Ихх, ввой-ей! Бўнга эр ккерақмасс ээнди!

Остонада Дилнора пайдо бўлди. Эрининг ўласи ичиб олганини кўриб, ичидан зил кетди. Ичмай ҳар бало бўлгур, каттан чиқди-я бунақа қилик.

– Шунчалик ичасизми?! – жаҳли чикиб деди у. Эрининг кўлидан тортиб турғазаркан, деди:

– Уят ҳам қолмабди ўзи? Ким билан ичдингиз, ҳой! Пулни каттган олдингиз бу зормандага, а?

Эри унинг таъна-дашномларини эшитмади ҳам. Гандиракланча уйга кириб кетди. Ортидан хотини кирди. Ҳўрлиги келди.

– Турғунингиз бутун йиртиқ шиппакда кетди мактабга. Папкаси ҳам йўқ. Елим халтага солди дафтарларини! Отанинг аҳволи бу! Худога нима ёзган эканман-а! Шу заҳарга пул топган, нега болангизга топмайсиз! – Дилнора йиғлаб юборди.

– Ўччирр! Ҳоззир топламан уни! – Мардон гандираклаб, хонада солиғлик кўрпачаларга қокилиб йикилгудай ниманидир изларди.

– Ҳой, нимани қидиряпсиз? Арок ўлгурними?

Нимарсалар эса Мардonta уқтиришарди: «Жазманини топ. Ишкоп ичини кара. Унинг кўйлагини хотининг ўшоқقا яширган. Бола меники эмас, де!» – сарик соч, тулки кўз алвости Мардона тикилганча шуларни миясига қуярди.

Мардон илкөп ичинититкилади. Токчадаги ораста тахланган кирларни олиб отди.

– Мана! – деди у нихоят бир кўйлакни олиб қўлларида гижимлар экан. – Бу кимники?! Айт ҳхоззир! Моччағарр! Сў.. яман!

Шу пайтгача кўрқувдан кўзлари каттариб вокеани кузатоётган Турғун ичкаридан отилиб чикди-ю, дадасининг оёкларига ёпишиб олди.

– Ойимни урманг, ада! Жон ада! – Мардон болани ёқасидан олди-ю, мушук боладай иргитиб юборди:

– Ҳарроми!!!

Боланинг полга гурсиллаб йиқилганини кўриб Дилноранинг жон-пони чикиб кетди.

– Болада нима айб! Нега урасиз уни! – аёл йиғлаганча болани ўрнидан турғазмокқа чоғланди. Мардон эса, каёқдан куч келганини билмайди, хотинини даст кўтариб ўзига қаратди-ю, бўйнидан кисиб олди.

– Аайт!!! Ккимни ккўйлаги ббуу!

– Кимники бўларди! Ўзингизники-ку! – Дилнора кўркиб кетди. Томоги бўғилиб, хир-хираф аранг гапирди.

– Ўйнашингники... б билдингми! Шшу ерга яширигансан!!!

– Мардон кўзлари кинидан чиқаёзиб хотинини қаттикроқ бўғди. Бола не қиласини билмай ўзини йўқотиб эсанкираб туради.

Дилнора хир-хираф, жимиб қолганини кўриб, йиглаб юборди. Эмаклаб келиб отасининг оёғидан гарчча тишлади.

– Ихх! Войй, итт!

Бола шу алпоз онасини куткариб қолди.

– Ойижон тузукмисиз! – у онасининг юзларидан силаб ўпди. Сув берди. Отаси эса ғирт масти, болаҳонадор қилиб сўкинар, «тар» этиб кўйлакни йиртарди.

– Ҳарроминг билан ббиррга дафф бўлларинг! Йўўқоолл!

Дилноранинг гапиришга мажоли келмади. Фақат кўзларидан катта-катта ёш томчилари оқиб тушди.

– Кетамиз! Кетайлик! – бола онасининг қўлидан тортиб турғазди.

Дилнора ўртада бир уюм бўлиб ётган кирлар орасидан зарурини олиб, катта сумкасига жойлади-да, боласини етаклаб чикиб кетди.

Отиң аәл ҳайрону лол қолди манавиларнинг ишига. Ажаб дүнё! Инсон зоти буларни күрмайды-да! Ўртага адсоват солиб, ундан қолган «захарни» сипкоришиларини каранг! Хонада пайдо бўлган қора, бадбўй кувватни ютиб, ғалат қийшанглашяпти. Аәл ҳам уларга қўшилди, истамайгина. Ёмон ҳодисотдан яхши нарса қолармиди?! Ўша қора афюндан ютди у ҳам. Ичи зириллаб, киёфаси ўзгарганини, ёмонлашганини ҳис килди. Ўзини билмай қолди... Нимарсаларнинг тўлига қўшилиб кетди...

Мардон бугина жанжал билан тинчимади. Ҳамшишаларини чақириб денг, аламига ичди яна. Бир ҳафта шу ахвол давом этди. Ҳар куни «бош оғриғи», ҳар куни байрам! Уй отхонага айланди. Бу гиламу, кўрпачалар расвойи раддивало бўлди...

Дилнора ишхонасига бир ҳужжат керак бўлиб, уйга кирди-ю, ахволни кўриб, хуши учайди. Эри эса ичкари уйда думалаб ётарди. Ҳуррагидан деразалар зириллаб кетаётганди. Ўша куни ўртага итқитилган бир уюм кирни пойабзал билан босиб ташлагандилар. Кўрпачаларни эса... буни энди ювиб ҳам бўлмас. Дилнора ўша кунгидан ҳам баттар йиғлаб юборди. Онажониси ўз кўллари билан тиккан кўрпачалари-я! Эссиз-а! Нима қолди онасидан ёдгорлик! Ўзида ҳам айб бор, ҳаммасини йиғиб, хонани қулфлаб кетмайдими? Бу бечора эрим эпга келар деб у ёқда тўрт кўзлаб кутиб ётибди-ю, у бўлса ҳали ҳам маст! Йўқ, бунга хотин керакмас, бола ҳам увол бунга! Куйиб қўйгандай ўзига ўхшайдиган боласини ҳароми деб ўтирибди-ю! Ким чидайди бунга! Бу сонга кирадиган эмас... Ург-аймоғини бошлаб келиб, ҳамма нарсасини хатлаб, қулф-калит солиб қўяди. Бошқа гап йўқ!

Дилнора уй-жойига ачиниб, йиғлаб чиқиб кетди. Бориб отасига айтди ҳаммасини. Отаси аммасини чақиртириди.

– Хатлаб ўтирунглар! Юкини йиғиб, машинага ортиб кела-веринглар. Дилмурод ҳам боради сизлар билан.

Аммаси жим ерга қаради. Албатта, акаси алам устида шундай деяпти. Шунча келин-кеват бугинани чиқиширадими? Бугун-ку, майли, отанинг кўзи тирик. Эртага нима бўлади?!

– Ака, бунақа ишда шошма-шошарлик ярамайди, – деди у салмоқланиб. – Анави Эркин аканинг қизи бор эди-ку, Кундуз, ўша қаттиқ қистов қилиб, эри билан ажрашган эди. Энди униси ҳам йиғлармиш, буниси ҳам. Куёв боламни соғинидим деб кунда шунда эмиш. Сал нарсага қиз жизиллармиш. Э, охири икки

тентакни яраштириб кутулишди. Дилнорангизни биламан-ку, эри сал яхши гапирса, эриб кетади. Шуни ажрашади, деяпсизми?

— Ажрашади! Бир кун ҳам турмайды ўша уйда! Ичиб келиб, қалтисрок урса, догида куйиб ўтираманми, а?! Онасига күйганим етмайдими?

Аммаси Дилнорага қаради. Шўрликкина кўзини ердан узолмасди. Боласи бикинида, онасини ишонмай, ундан бир қадам ҳам жилмайтганди.

— Иримини қилиб кўрайлик... ўқитвориш керакмикин?! Мардон бунака йигит эмасди-ку! Нима жин уриб ичибди-а? — аммаси Дилнорага қаради. У елка кисди.

— Бу иккинчи ичишлари... Асли ичмасдилар. Энди... қаёқдандир «алкаш»ларни илакишириб олибдилар. Уйни кўрсангиз... — Дилнора ҳик-ҳик йиғлашга тушди. Унга сари боласи уни каттикроқ кучоқлади.

— Вой, йиғлама-я! Садқайи кўз ёшинг кетсин! Мол топила-диган нарса! Ишқилиб... эзингта куймаяпсанми?!

Дилнора баттар хўнграб юборди. Чопганча кўшини хонага кириб кетди. Ака-сингил ҳайронлиқда тек котдилар.

— Бунингиз эрини яхши кўради! Ажратаман, деб гунохга колманг, яна!

— Э-э-э! — жаҳл билан қўл силтади Сафар ота. — Хотинга ишонмаган эр эрми? Боласини ҳароми дебди, баччагар! Ўзи айтмовди, Тургун айтди болалик қилиб.

— Вой, тавба-я, бунака тухмати ҳам бор эканми? Куйиб кўйган адаси-ку бу! Вой, ифлос-ей!

— Бир кун ҳам яшатмайман! Йиғласа йиғлайверсин. Шундօғ афиғани булғабди бу ярамас! Сал қолса, бўғиб қўяёзибди. Буни ҳам Тургун айтди.

Амма жим қолди.

— Энди, ака, гап мундօғ! Дилнор шу ерда тураверсин! Бир иримини ҳам қилиб кўрайлик. Ажратиш қочмас. Истасангиз юкини ҳам обкелиб олинг!

Ота индамади, бироз юмшаб:

— Билганингни қил! Аммо чатоғи чиқса, ўзинг жувоб киласан! — деб юзини терс бурди чол.

Амма индамади. Туришга чоғланди.

— Дилнор! — жиянини чакирди у. — Эртага барвакстроқ отланниб тур! Бир жойга бориб келамиз...

Уй сохибаси йўқ. булар тоза яирашяпти. Бир чеккаси Мардон алкашларни зргаштириб келса, манавиларга ўхшаган пашшахўрдалар кўпаяверар экан... Яна денг, бу кети кўринмаётган «от-от»лардан кейин албатта бир муштлашувми, жанжалми бўлади. Нимарсалар бу заҳарни ютиб, семиргани семирган. Отин аёл ҳам шуларга кўшилиб, жазавага тушяптими?! Тавба-ей, ким эди-ю, ким бўлди?! Шундай кезлари ўзига келиб, бир бурчакка бикинади, кул босган онгини титкилади. Ўтмишидан бирон калима колганмикин?! «Ло илоҳа, ло илоҳа...» Буни илгари ҳам эсларди, яхшиямки шуни бўлса-да унутмайди. Манағиндай вазиятда бу кам эмас. Албатта, у булардан узилиб кетишчи истайди. Кутулиб кетишниң бирон йўли бормикин? Бўлиши керак. Қандайдир қонун бор... ир... Қонунлар факат дунёвий оламда бўлишини у қайдан ҳам бўлсин. Яшашни ўша ерда ўрганиш керак эди, асли. Одам бу ёққа ўтгач, ўзига ўзи ёрдам берада олади ва бошқа ҳеч ким... Булар... суврати қаери биландир одамни эслатса-да, одам эмас улар. Аёл нимаси биландир улардан устунлигини англарди. Ўша... бебаҳо бойлиги ўзи билан...

Чақин таъсирида бу маҳлуқлар парчаланиб кетганини кўрди неча бор. Лекин у ўзгармади. Ҳатто бир сафар олов шар уюрмасига тушди-ю, вужуди «лоп» этиб ёнди. Ўшанда доим айтиб юрган калимани эслади: «Ло илоҳа». Ўша уюрмага яна тушсами, бошқа марҳумларга ўхшаб, гуноҳу савоб ишлари ажрини олиб ётарди, ҳаммадай...

Негадир бугун анавилар безовта. Гарчи ичкиликбозлик авжиде эса-да, нимарсалар яираш ўрнига бурчакда бикиниб ётишибди. Баъзилари ҳатто фувва учиб кетди-я! Бир нима бўладиган бўлса, булар сезгирки, дарров билади.

Ярим тунда ёки тонгга яқинмикин... Тулкикўз алвости бошкаларни илаштириб, ташқарига чиқди. Буларнинг кайфијитини билиб бўлмасди. Ҳаракатлари кескин, мушуклардай вағиллашади. Кўзлари ва қўллари билан таъсир ўtkазишади. Нигоҳлари ўткир, караб кўркасиз...

Ташқарига чиқдилару, лекин учишмади. Бир пайт қандайдир бетона уй ичидаги пайдо бўлиб қолишиди. Уларга кўшилиб, аёл ҳам ўша уйда кўрди ўзини. Бу ёққа қандай келишганини тушунолмасди ҳеч. «Анави уй жонга тегиб, бунисига кўчдик, шекилли... – деб ўйларди у, – энди яна жанжал бўлармикин?»

Аммо ўйлаганидай бўлиб чиқмади. Улар астагина сирғалиб, бир кекса аёл ётган хонага киришди. Иккитаси эшик ёнида, бошқалари хонага шарпадай учиб ўтишди-да, бир нимани кутгандай кунишиб ўтирдилар. Отин аёл эса ҳайронликда воеалар нима билан тугашини кутарди.

Диванда кўрпаларга ўраниб олган амма ухлаётган бўлса ҳам, кўнгли ниманидир сезиб, кўзларини очди ва эшик тагида серрайиб турган ғалати маҳлукларни кўриб, кўркиб кетди. Кўркувдан тиллари танглайига ёпишиб, ўша ётишда котди. Юраги томоғига тикилиб урганидан нафас етишмай қолди. У умри бино бўлиб бундайин бадрўй маҳлукларни кўрган эмас. Бўйлари эшикдай, бири сарик соч, кийик кўз, бурни узун. иккинчиси қоп-кора жундор, коронгида уни ажратиш қийин эди. Улар жаҳлдор, нигоҳларида таҳдид бор эди. Нимадандир норози... Улар очик-ойдин аёлдан ниманидир талаб этмоқда эдилар. Ҳа, ана... тулки- кўз кўлларини олдинга чўзиб, «вағ» этди. Шунда аёл кўкрагига ларzonдай тош келиб тушгани каби қаттиқ зарб сезди-ю, нафаси қисди. Анавиларга даҳшат илиа бакрайиб, жон ҳалпида айтиш лозим бўлган калимани эсламоққа тиришди. Кўксига юрак потирлар, устидаги тош эса нафас олишга қўймас. Оҳ! Нима эди, нима эди? «Бисмиллахир роҳманир роҳийм!» – зўр-базўр калима қайтарди у.

Бильякс... анавилар йўқолмади. Нигоҳи ўткир, бегона дунё вакиллари... У эса ожиз... кўлидан ҳеч нима келмаслиги ҳам аён бўлди. Бир муддат бир-бирларига сассиз тикилиб туришид... Кейин анавилар хираланиб йўқолди, худди туш каби. Кўкрагини бостан «тош» ҳам қўйиб юборди. У енгил нафас олди ва илк марта ўлиш осон экан деб ўлади. Очифи, улар кимлигини, ундан нима истаётганларини тахминан биларди. Жияни Дилнора туфайли... Уй эгаларими ёки ўша уйга ин курган алвастиларми, ишқилиб, бир бало булар... Бекор аралашди шу ишга, акли етмаган нарсага бурун суқиб нима киларди? Дуо кор килмаса, кандай оғат экан-а булар?! Кўркуви ҳали босилмаган, шу боис илкис эртанги режаларидан воз кечиб юборгиси келди... Болаларига иш орттириб нима қиласди. Унга бир нарса бўлса, шулар куядида! Бошқа томондан, анавиларbekорга келишмади уникига... Bekорга таҳдид килишмади! Демак, кўркишаркан-да! Шуни фикр килди-ю, амманинг дили ёришиб кетди. Албатта-да, худонинг

олдида ким булар? Худога ишонган одам улардан чўчимаслиги керак... Шуни ўйлаб дадилланди ва йўлга отланди...

* * *

Уч киши – дуогўй олим йигит билан амма-жиян хонадонга этиб келишганида дарвоза ланг очилиб ётарди. Мардон бу пайтда уч-тўртта ҳамшишалари билан гузар бошидаги чойхонада ўтиради. Хуши ўзида бўлмаганми, ишқилиб, шундоқкина дарвоза тепасида турган калитни олиб, уни кулфлашга ҳам эринганди.

Гарчи уйда ҳеч зоғ бўлмаса-да, дарпардалар шамол бўлгандай силкиниб, ишкопнинг эшиги «гийик» этиб очилиб кетди. Мухаммаджон сергак тортди. Калима қайтарган кўйи симдан эгиб ясалган биорамка асбобини олди. Одам «уларни» оддий кўзлари билан кўрлмайди. Лекин манави асбоб «хис қилади». Номаълум кувват бор жойда у чирил таб айланиб кетади. Учта уйни шу кўйи бирма-бир текшириб чиқди. Асли Мухаммаджон уларни асбобсиз ҳам сезарди. Бунақа воқеаларга дуч келавериб, кўзлари пишиб кетган.

Дилнора дуо ўкиб, уйга пуркаш учун сув тайёрлади, ертўласидан исириқ олиб чиқди. Ўқиладиган нарсаларни йигитнинг олдига тахт қилиб чиқаётган эди, меҳмонхонадаги чинни идишлар зилзила бўлгандай туйқус шакирлаб кетди.

Мухаммаджон:

– Эҳтиёт бўлинг! – деб огохлантириб ҳам улгурмади. Ишкоп ичидан учиб чиқсан пиёла нақ Дилноранинг оёғи остига келиб тушди-ю, карс этиб синди.

Пиёлнанинг нақ иккига ажралганини кўриб Дилнора тоза кўрқди. Додлаганча хонадан қочиб чиқди. Аммаси унга дарров сув берди. Ўзи кўркаётган бўлса-да, жиянининг кўнглини кўтарди:

– Барибир тегмадику-я, лекин... сен килаётганингни сезганига доғман-да! Нима булар, ким булар, билолмайсан!

Аммо «жияним кўрқади» деб тунги воқеаларни гапириб ўтирамади.

Бу пайтда хонадаги нимарсалар бурчак-бурчакка бикиниб олишган, «катталари» «кўлингдан нима келаркин?!» дегандай нигоҳлари илиа Мухаммаджонни нишонга олишганди. Кўзлари хира йилтирасар, карашлари совук.

Йигит ҳаммасини сезиб-билиб турибди. Бу нигоҳ нигоҳ эмас, бўғзига кадалган ханжар... нимарсаларнинг кучини хўб кўрган.

...Ўша кезлари хотини ҳомиладор эди. Бир уйга чакиришиди. Хона ўртасида шундок пол юзасида кўлмак сув пайдо бўларди. Фойибдан... Ҳар куни пол артиб тозаланса-да, сув чиқаверарди. Гиламу кўрпачалар йиғиб ташланганди. Полни кўчириб ҳам кўришиди. Сув чиқиши мумкин бўлган ҳеч нарса йўқ... Ҳамманинг боши қотган. Хона яшаб бўлмайдиган аҳволга келганди. Энг ёмони сувдан пешоб ҳиди анқирди. Шу боис бадбўйига туриб бўлмасди. Сув текширирилди, қарангки, одамнинг пешоби эмас экан. Уч-тўрт кишилашиб роса ўқишиди. Ўн кунми, йигирма кун деганда сув чиқмай кўйди. Аммо бу орада Мұхаммаджон туғилмаган боласидан айрилди.

Улар гурухга бўлинисб, туни билан дуо ўқишар, шундай кезлари хотини уйда ёлғиз қоларди. Бир куни ногаҳонда эшик тақиллаган. Хотини чиқиб қараса, ҳозиргина кетган эри Мұхаммаджон турганмиш.

— Онанг оғирлашиб қолибди. Машина тутиб кетамиз! — дебди. Чинданам, Ойгулнинг онаси ётиғлик касал эди. Келин бечора хаёли кочиб, карахт бир аҳволда, бошига рўмол ўрабди-ю, уйчи кийимда чиқиб кетаверибди. Ойгул Мұхаммаджоннинг ортидан кувиб етолмасмиш, ҳали кетишармиш, ҳали кетишармиш, машина йўли чиқмасмиш... Ойгул ҳайрон бўлармиш. Гузар боши якин эди-ку, дермиш. Чор-а-роф зимистон, ой ҳам чиқмаган тунмиш. Юрагига кўркув кириб, «бисмиллоҳ» дебди. Бундок ўзига келиб қараса, бий далада якка-ёлғиз турганмиш... Ўшандан хотини хушидан кетиб қолган. Бир мироб тунда сув кўйгани чиқиб, бунинг жони фойдага қолди-я! Лекин шу воеа туфайли Ойгул гумонасидан айрилди. Ўшандан бери Мұхаммаджон бунақа ишларга кўл урмайман энди, деб ўзига сўз берганди. Бироқ одамлар кўйишмади. Йиғлаб келишса, «йўқ» деёлмайдида. Яхши кунидан келадими улус, бошига мусибат тушиб келади-да! Сўраганинг бир юзи, «йўқ» деганинг икки юзи кора бўлармиш. Кўзларингизга интизор караб. «уйим тўполон, кўчала ҳам яшашга тайёрман!» деб йиғласа, нима қиласиз... Бунақа нарса ёмон, асабни обдон қақшатади... Уйдаги ҳамма жаҳлдор бўлиб, бири-бирига ташланаверади. Уйдан файз-барака кетади. Шу сингари амма ҳам йиғлаб келди ҳузурига! «Жияним эри билан ажрашяпти, бир коракўз тирик етим бўляпти!», — деди.

Мұхаммаджон бу маҳлукотни-ку обдон ўрганди. Мұхими, күркмаслик керак улардан. Күркканингизни сезса бас, даф қилиб, кувватингизни чиқариб, симиради, семирса, килиги ортади. Гарчи ҳар турли өзимиси тураларга дуч келган эса-да, күниги кетган, уларни күрса, қылт этиб киприк қокмайди. Уларга алам қилади-ие! Шунинг учун ҳам ҳалигиндай ўч олишган ундан. Барыбир у ўзгармади, кочмади. Мұхаммаджонни таниб ҳам олишгандир... Бежизданми амманинг уйига келгани буларнинг!

Мұхаммаджон бутун иродасини йиғиб, вазминлик билан Қуръон оятларини ўқишига тутиндиди. Бу вазминликда ҳылмлик, сизми-бизми, дегандайин бир қатыяят ҳам мужассам әдики, бу ўзига ишонганидан. Шу боис ҳам унинг күнгириңдай овози чор-девории тутиб, бутун хонани нурга чүлгантырди.

Нимарсалар кирган тешигидан чи қолмай қолди. Бош чиқарса бас, гувва ёнади. Қироат авжга чиққан сайнин хона ёришаверди, ўртада олое симлар пайдо бўлиб, ҷарсиллади, йигитнинг кўлидаги хивчин ҳам оловланиб, уни силкиганида гувиллаб ҳавони бир кесди-ю, ўзини йўқотган, саросимага тушиб. Ҳонадан қочмокқа шайланган нимарсалар устига тушиб, уларни минг кирқим килди. Бирори кўйди, бирори ёнди. Бу олов гарчи дуолар бир ҳонада ўқилаётган эса-да, уйга ёнгин кетгани янглиғ бошқа ҳоналарга ҳам ўрлаб кира бошлади. Илоҳий нур забт этмаган тирнокдайин жой қолмади. Талотўп бошландики... Аnavilar вағиллашиб, бир-бирига даф қилишиб, куйиб, парча-пурча бўлиб кетдилар. Ана... қиёматни кўринг энди! Тулки юз совуқ нигоҳини дуохонга қадади. Ишкоп ичидан қўлига илинган чинни идишни олиб отди. Идиш Мұхаммаджоннинг нақ пешонасига учиб келди-ю, аммо тегмай, гўё деворга урилган кўйи тўқсон даража бурчак ясад, пастга тушди. Аnavи маҳлук норози вағиллаб, ўша ўртада нима киларини билмай, гарансиб турган отин аёлга чанг солди. Унинг панасига биқиниб, девордан сирғалиб ташқарига чиқди. Аёл бундок караса, бошқа нимарсалар ҳам ғувиллашиб, уйдан кочаётгандилар. Аёл ҳам инон-ихтиёрсиз шуларга қўшилиб, учмоққа маҳкум эди.

У билдики, йигит дуо ўқиётган пайтда вужудида нималар-дир ўзгарди. Онгининг кат-катида, караҳт ётган калималар бир чайқалди. Элас-элас бўлса-да, дилига тушди. Зероки, уларнинг бари увада фикр, увада сўзлардайин тушуниксиз эди... Аммо

бугина ҳам яхши эканини у англади. Манави маҳлуклар тўрига кўшилиб, зулумот кўйнида учеб борар экан, юрагида бир умид уйғонди. Ана энди илгариги вактидан анча хотиржам-ку! «Мени тирик кўмишди!» деб аюҳаннос солғанлари, ўз уйи деразаларини уриб ҳаммани бэздиргани-чи?! Насиба қизини «олиб кетаман» деб кистаб... Ана сизга дўзахнинг каромати... Ўтда куйиш бе-жизга эмас экан!

У ўз хаёлларига берилиб шу кўйи учар экан, узокдан қарғаларми, қузғунлар галаси кўринди. Шериклари безовтала-ниб қолди-ку... Узокдан пашшадай кўринаётган қушлар лаҳзада каттариб, карга тусига кирганини каранг.

«Жазира маҳлукларни бўлди-ку, карга қаёқдан пайдо бўлди?!» – Ҳайрон қолиб ўллади аёл. Кўнгли ғашланди. Ўзи ҳам, қагиллаши ҳам бир ёкимсиз бўлган, совукликдан далолат берувчи бу паррандани одамлар унча хушламайди. Яна ҳам қабристонларда кўп учрайди бу. Ёкимсизлиги бундан эмасдир ҳар қалай... Яна ҳам Оллоҳ билгувчи дир... Шунда лоп этиб бир воеа ёдига тушсами?! Илкис хотираси ёришганидан хурсанд ҳам бўлди.

Роса киш қаттиқ келган йил эди. Қор уст-уст ёғавериб, йўл очилган жойларнинг икки ёни белга қадар кўтарилиб қолганди. Оқлик кўйнига чўмган сукунатда бир таҳдид бор эди, билсангиз. Иссиқдан-ку одам ўлмас, лекин аёз қаҳрига олса ёмон бўларкан... Сукунатки, совукдан қушлар ҳам қагилламай кўйганди. Қор қалин ёғса, бу шўрликлар овқат топиб еёлмай қоларкан-да, тап-па-таппа осмонданоқ музлаб тушаверар экан. Тавба-я, ўшанда қарғанинг яхлаб колганини биринчи кўриши эди. Қарға совукдан эмас, оч қолиб яхлаганди. Бу ҳам худонинг бир маҳлуки, кел, шунга дон-пон берсам, бир ерим камаймас, деб ўллади. Аксига олиб, совлиги бир чимхўр, чимирилик чиқса-да! Вой, таннозхон-а! Пўчоқни кўйига ювиб берган одамни қачон эшитгансиз?! Кепак аралаштириб, туз солади, емайди. Тумшуғининг учи билан пўчоқни исқайди-ю, чирт бурилади-кетади. Овқат емай конига ташна килганди-ей! Шундан колганларини ўзи сайҳонлик ясад, паррандаларга атайлабдан тўғраб-да, сочиб кўйди. Аввалига гала-гала қарға учеб келсами?! Қагиллаб бир-бирини чақиради яна. Одам сал кўпроқ дон-дун йигса, дарров кўздан пана қиласди. Булар-чи, ёкимсиз эса-да, қагиллашиб бирор-бировини чақиради. Отин ўшанда роса ҳайрон колганди буларнинг

килигига. Қарғалардан колган-күтганини мусича-ю, чумчуклар баҳам күрди. Одати ғалатида буларнинг Навбатини билганини кўринг. Сочилганинг тим-тиригини ҳам қолдиришмаса-я! Бир чеккаси, ўзини бир кўрсатиш учун ҳам қилганди бу ишни. Қишик каттиқ келиб, отиннинг «карға боқаётганини» ҳамма билди. Ўшанда одамлар орасида «отин бежизга отин бўлмайди!» деган гап тарқалди. Аёлнинг фойдасига эди-да бу! Шунда эшигига на-жот излаб келгувчилар ҳам кўпайди, мавлуд ўқишига ҳам ўшанда тақвимга караб борадиган бўлганди. Худонинг марҳаматини қаранг, бирни берсанг, ўнни бераман, деган. Албатта, бу етимчаларининг ризки эдику-я, барибир... яхшилик яхши! Ризқимизни ҳақ таоло шу тахлит ерга сочиб қўйибди. Ким уни қандай териб ейди, ўзига ҳавола...

Кўз очиб-юмгунча бир гала карға безовта қағиллаб, буларни ўраб олди. Отин ҳайрон. Егулик илинжида келган десангиз, буларни еб бўлармиди?! Нимарсаларнинг шакли бору ўзи йўқ! Яна ҳам қагиллаб, чарх уришини кўринг... Булар еб, улар куруқ колганми? Полапонини йўкотганмикин? Биров-бировини чақиргандай, кўпайиб кетяптими? Қоп-қора, ёқимсиз куш гуррагурра атрофингизда учаверса, кўркаркансиз. Нима керак ўзи буларга... Вой, ҳаа! Ана қаранг... Булар уни ўраб олишяпти-ку, қора ҳалқа ясаб. Нимарсалар уларга даф қилмокчими? Буни кўринг, анавилар ташлангани билан қарғалар килт этмаяпти. Вой, бу куш манави жинларни кўрар экан-да! Одам кўролмайди, булар кўради. Нега уни ўраб олишади. Уни каёкка учириб кетишяпти? Аллабир қор саҳросига олиб бориб ташласалар-а... Энди нима қиласиди? Анавилар билан ўтган куни ҳам ҳолва бўлиб қолади, шекилли.

Қарғалар доира ясаб анча учишиди. Унгача-ку, отин аёлнинг бўлари бўлди. Кейин аёл руҳини кўриклагандай ўраб олиб, қабристонга аста кўндила. Отин аёл бу ерларни дарров таниди. Жасади шу ерга кўмилган-ку! Қабрини кўриб, кўнгли бузилди. Қарғалар эса дарахт шоҳларига кўниб олганча, орасира қагиллаб, уни безовта кузатардилар. Гўгри иш килдикми, дегандай. Отин аёл шундагина тушунди нима ҳодиса рўй берганини. У озод бўлган, анавилар измидан қутулганди ва буни ўша «ёқимсиз» қарғалари амалга оширганди. Аниқроги, уларнинг рамзу шамойилида Оллохнинг унга юборган омонлиги. унга килган меҳрибончилиги эди бу.

Аёл қабрига сингиб, жасади тепасида күнишіп ўтирди. Нималарнидир айтиб бўзлади. Кўзларидан ёш эмас, дуру маржонлар оқди. Бу ҳам хурсандчилик, ҳам ўкинч ёшлари эди. Йиглагани сайин рухсори ҳам ўз ифодасини топди, аслига кайтди. Мархумлар дунёсини шунинг учун берган худойим, сабоқ бўлсин, деб. Чинданам одамзод оқу корани фафлат дунёсида ажратолмас экан. Бирон иш манфаатига тўғри келса, яхши-ю, тўғри келмаса, ёмон бўларканми? Қачон нафс эзгулик ва ёвузлик тарозиси бўлибди. Манфаат ҳам нафс эмасми асли, унинг маданий кўриниши... Барибир... унинг кибрланиб қилган ишини яхшиликка йўйибдилар. Яхшилик, ўз исми билан яхши. Унга бошқача ном кўйиб бўлмайди, бўлакча таърифлаб ҳам бўлмас. Кибрланиб қилдингми, мақтанибми, ачинибми ва ҳатто миннат билан... яхшилик барибир яхши. Ана унинг меваси – у энди озод. У рози, ҳаммасига рози! Қилмишларига яраша жазосини олсин, дўзахда куйсин, факат ўзлигидан айрилмасин, факат далли-девона бўлиб, жаҳолатда қолмасин... факат шу... дилидаги тарк этмаса бас уни.

* * *

Рисолат отиннинг қанчалар хотиржам тортгаки ўзига аён. Энди ҳамма қатори ибодатга берилади. Илохий мусикадай янграётган бу ояти каримадан сел бўлади, вужудини роҳат, ҳаловат чулғаб олади. Эй, худойим, дўзах азоби бундайин бўлса, жаннатда чеккувлик фароғат қандай экан-а, деб ўйлайди. Албатта, у дўзахни кўрмади ҳали, лекин... Ҳис килди. Пичагина! Шу ҳам дунёга татиди-я... Ёмон ишлар қилгани учун бир жазо эди-да бу! Болаларим оч қолади, деб кўркканди. Оқибати бу бўлди. Айтадилар-ку, менинг нафсим балодур, ёнар ўтга солодур деб!

Бўлган воқеаларни бир-бир эслади. Айникса, Насиба қизига ачинди. Аинча қийнади уни. Қизи бояқиши отадан эрта айрилгани етмагандай, онаси ҳам, мана, эгасига топширмай кетди. Бош фарзандлари оиласи, бола-чақали, бугина унга боғланиб қолганди. Усиз қандай яшаётганийкин? Ака-опалари хабар оляптимикан ундан? Ҳаммаси ўзидан ортмайди. Қизлар – бирорнинг ҳасми. Уни кўргани келишганда ҳам типиричилаб туришарди. Ўғли – кимсан, фалончи! Хабар олгани вақти ҳам етишмас. Қизгинаси ўз ёғига ўзи қовурилиб ўтирибдимикан? Қанийди, узатганида, хотиржам кетарди-я?

Лекин у билади ҳаммасини. Қизи Исмоил исмли муҳандис йигитга турмушга чиқишини. қиз ва ўғил фарзанд кўриб, баҳти яшашини билади. Қандай килиб билади, ўзи ҳайрон. Бундан ташқари у яна кўп нарсаларни билади, англайди, фақат айтиб беролмайди-да! Диlidан сезади. Бўлажак куёви Исмоилни кўрган ҳам. Кўркам, дилкаш йигит. Бир оилани гуллатади ҳали. Қизига жуда муносиб. Шунча қийинчилик кўрди Насибаси ҳам, энди яйрасин... ундан ўзи хабар олиб туради...

Рисолат отин қабридан сирғалиб чикди-да, юлдузлар шамалоқдай порлаб турган самода парвоз қилди. Анавиларсиз, эркин... Шамолда хилпираган ҳарир матодай париллаб учди. Қалби бир уйғунликни ҳис этди шунда. У ўз дарвозасига кўниб, аста ичкари ўтди. Аввалига ҳовлисини айланди. Қийғос очилган атиргулларни сийпалади. Муаттар исларини симириди. Эмишки, атиргулдан жаннат ифори келар экан. Илгарилари ичкари киролмай безовта қолган уйга девор орасидан бемалол сирғалиб ўтди. Нега киролмади экан ўшанда. Қизлари саловат айтиб, Куръон тиловат қилишиб, тўсик кўйишганмикан. Куръон – кўрғон бўлади, деб бежиз айтишмас экан-да!

Отин ўзи яшаган хоналарни бирма-бир айланиб чикди. Қизининг дарс столида турган суратини кўриб тўлиқиб кетди. Қўллари билан сийпалади. Кейин аста қизи ётган хонага кирди. Чўчитиб юбормаслик керак. Балки юрак олдириб қўйгандир шўрлик. Насиба катта невараси Гулнора билан ухлаёттанини кўриб, шодланди. Шукр, болалари кенжасини ташлаб қўйишмабди! «Бошиңг тошдан бўлсин, уйингдан баҳт аrimасин, илойим!»

Қизлар уйкуда бўлсалар ҳам, латиф таналари бу ерда эмасди. Улар қайси бир оламларга сайр килиб кетишган, чоғи. Қайтишларини кутишга тўғри келди.

Ана, Насибанинг ўзи ҳам келиб колди. Эшикдан сирғалиб кирди-ю, онасиги кўриб қувониб кетди.

– Ойижон! Ойижоним... Сизни ҳам кўрар кун бор экан-ку! Соғиниб кетдим... – Насиба ҳеч хайикмай ўзини унинг бағрига отди.

– Тузалиб кетдингизми энди?

– Мен яхшиман, болам. Ўзинг қийналмаяпсанми?

Насиба онасига караб тўймасди.

– Чиройли бўлиб кетганингизни! Жуда кўргим келаётганди. Анави қизларингиз уришавериб безор қилишди. Айтинг уларин-

тизга! Мени ҳеч тушунишмаяпти. Уларнинг оиласи, бола-чакаси бор, менинг кимим бор, ойи! Нега мени ташлаб кетдингиз? Ойи, кимларга ишониб кетдингиз, мени! – Насиба йиғлаб юборди. Ўксиб-ўксиб йиглади.

– Йиғлама, болам! Ҳали ҳаммасидан баҳтли бўлиб кетасан. Уларга айтаман, – отин шундай дея кизини бағрига босди. Икки юзидан ўпиб, кетишга чоғланди.

– Ойи, кетманг. Мени ташлаб кетманг! Сизсиз нима қиламан? – кизи яна йиғлашга тушди.

– Бунақа қилсанг, кетолмайман-да, жоним кизим. Хабар олиб тураман дедим-ку, яна келаман, ҳали...

Аёл шундай дея манзилига йўл олди. Қизи эса тушида алаҳлаб, ҳамон йиғларди. Шунданми. Рисолат отиннинг кўнгли ғашланди. Лекин ундан узилчб кетишга ўзида куч топди. Ана-вилар билан юриб, иродаси тобланган кўринади. Бир ёмоннинг ҳам яхши томони бўлади, дейдилар-ку!

Осмонга кетиши олдидан ҳамма фарзандлари билан видолашди ҳали. Насибанинг ҳам олдига келар... Бошида қийинчилик кўрган одам кейин яхши бўлиб кетар экан. Э. дунё! Илойим шундай бўлсин-да! Анави илгариги райком секретарининг ўғли Шерзодни айтинг. Отасининг эркатоий эди. Либосининг рангига қараб машина минарди. Энди-чи?! Худонинг раҳми келсин-а! Отасининг даврида бир касбнинг бошидан тутмаган экан-да! На бир хунари бор, на муомаласи. Хотиннинг ҳам тили етти карич. «Мени ҳисобимга яшаяпсан!» деб кўзини очирмади. Қайнатасининг даврида-ку, фалончининг келиниман, деб атрофдагиларни оёқучида кўрсатарди. Кейин-чи, заҳрини эрига сочди. Бор будини сотиб бўлишди. Бир тирикчилик қилиш керак-ку, ахир! Аммо ётиб еганга тоғ чидамайди, дейдилар. Хотиннинг дастидан бу ичкиликка берилди, охири Пошшахон эрни ҳам ҳайдаб кутилди. Ўлимидан илгари Шерзодни бир искирт, ичкиликбоз аёллар билан ҳамшиша бўлиб юрганини кўриб ичи узилганди. Туфлисига гард кўнмаган йигитнинг кексайганида қават-қават пайпок кийиб, тагига картон боғлаб юргани ҳаммани зил кетказди. Пешонадан бу! Шунинг учун бўёғи бутун бўлсин экан. Баҳти бутун бўлсин, дейди эскилар. Шукр, болалари ҳаммаси ўзига тўқ. Қизларига ҳам хунар ўргатди, ўқитди. Ўзи ёшгина бева қолгани учун қийналди. Шу сабаб қизларига каттиқ қаради. Мустақил қилиб ўстирди. «Ўзларингга пишик

бўлсангиз – бироннинг қўлига мўлтаймайсиз!» – деди. Тўғри қилган экан. Қизлари ҳам кам бўлмади-ку! Бири ҳисобчи, бири тикувчи, мана кичиги дўхтири. Ҳаммаси эл корига ярайди. Шундан кўнгли тўк. Фақат... ўзи қийналди. Охирати ҳам шунинг касрига қолди. Тириклилик тошдан қаттиқлигини кўрди. Болалари кичиклигида ваҳима босиб кетарди-да! Энди... ортда қолди ҳаммаси. Баъзида бошқача йўл тутиш ҳам мумкин эдик, деб ўйлаб қолади. Ўшанда бафуржа ўтириб ўйлашга имкон бўлибдими, дейсиз. Полапонлари чағиллаб турса... Зир югуриб кетарди. Майли, кўргулиги бор экан-да... Ҳаммасини тушунди энди... хатоларини! Қабристонда тунги ибодат бошланганди. Отин аёл бошқа мархумлар каби қабр бошига бориб, осмонга маҳзун тикилганча тек қотди. Илоҳий мусика янграётганди. Охиратдан дарак бергувчи бу куй дил-дилларига сингиб, вужудини тўлқинлари или оқиза кетди. Бу мавжудиятдан, тирикликтан-да устун, ҳоким бир ҳолат эди...

РИЗО ВА ТАСЛИМ ЙЎЛИ

*Халифанинг руҳи жисмидан аж-
ралган заҳоти обадий Қодирироҳмани-
роҳийм ва Раббил оламин ҳузурида
фарогату роҳатга эришади ва Ҳаллоқи
оламнинг қаријиб (яқин)ларидан бўлади.
Бу танланганларнинг жаннати ва ко-
миллар манзилидир...*

Азизиддин Насафий,
«Зубдат ул ҳақойик»

Албатта, солихда ҳадик бўлмас. Нуриллоҳ кори вужудини шундай тарбият этганини, ҳар қандай азобларга чидайди. Афкори олами бошқаларникига сира ўхшамас. Бир ери оғриса ҳам сафо чекади. Бу ғалатилиқдан баъзида ўзи ҳам ҳайрон қолади. Унга кўп нарса керакмас. Ўша жаҳаннам тубида ҳам Оллоҳни зикр қилолсайди, унга ҳамдлар айтольсайди, бас. Оз қолди, жуда оз...

Қабрга қўйилганидан кейин биринчи куниёқ малакут оламидан малоиклар тушнаб келишди. Учта хушуврат йигитларни

күриб, уларни дарров таниди. Парвоз олдидан болалик чоғида илк бор уруж қылганини эслаб жилмайди.

Элас-элас ёдида. Ўспирин эди. Кечалари ухлашга күркиб юрган пайтлари. Тунда аллакимсалар келиб, оёғидан тортганга ўшарди. Оёқлари осмон қадар күтарилигандай туулар, гүё хозир учеб кетадигандай күркәнидан ўринга қалишиб оларди. Унинг галат чиранаётганини **куриб** буваси **уйғотарди**.

– Нуриллох, хой Нуриллох, тинчликми, бұтам?

– Олиб кетишмоқчи, мени олиб кетишмоқчи! – дерди у алахлаб.

– Вой, бола-я, калима қайтариб ётганмидинг? – сўради буваси. – Калимаи шаҳодатни доим айтиб ёт деганман-а, боласи тушмагур-а, эсдан чикқандир, – у шундай дея кўзини юмиб, бир нималарни ўқир, неварасига лам соларди. Шундан кейин бола тинч ухлаб кетарди.

Аслида у доим калима қайтариб ётарди. Кўркәнидан ҳам айтарди. Лекин барибир... Нималар бўлаётганини бувасига билдиргиси келмасди. Жинни деб ўйласа-чи?!

Тун. Шу куни ҳам у чироқни ёқиб ётганди. Туйқус тепасида нимарсалар ғувиллаб учайтганини сезиб колди. «Ҳозир... Ҳозир яна оёғимдан торта бошлишади!» – ўлади у. Чинданам оёғи тепага кўтарилигандай енгиллик сезди. Йўқ, у ўзини учар шардай хис килди. «Кўркмайман, кўркмайман!» – ўзига ўзи далда берди у. «Қани, ўзимни бўш қўйиб ётай-чи, нима бўларкин?» Бу сафар кўркмади. Оғир, узок нафас чикарди – «уфф!» Кейин ўзини шифтда кўрди. Деразаси очик, хонада чирок ёниб туриди, танаси эса уйқуда тош котгандай. Ёдида, дераза раҳига кўниб, «шу ердан учеб чиқса бўларкан... » деб ўйлагани. Чинданам ташқарига чиқди-ю, аста парвоз килди. Биринчи сафар дарахтлардан сал тепароқ учди. Бу ахвол узок колишдан кўркиб дарров ортига қайта колди. Танасига кирганида оёқ-кўллари ток ургандай дириллаб кетди. Жисми музлаб ётганди. Кўрпага бурканиб, исиниб олди. Ўзи хурсанд. «Учдим-а, қуш каби!» деб ўйларди. Ўша дам ёнида тушунксиз жонзотлар уни кузатиб боришганини хис қилганди. Аммо уларни ҳеч кўролмади. Иккинчи куни яна шу такрорланди. Энди юлдузлар гужгон ўйнаган само қўйнида учди. Шамол ҳилпиратиб ўйнаган қуш патидай, парпираб, парвоз килди. Бобоси сезса, танбех беришини билиб,

тунги ўйинкароклигини айтмади. Бола экан, күркмабди. Учинчи мартасида яна ҳам ҳаддидан ошди. Роса баландлаб кетди. Қалби сафога тўлиб учаётган дам, кимдир дилига қуиди: «Бу қадар бебошлик килаверсанг, рухинг учқундайин бутун коинотга сочилиб кетади! Кейин вужудингни минг йилда ҳам йифиштириб ололмайсан! Ортингга қайт!» – деди. Шундагина тушунди қалтис иш килганини. Ахир фалакларда адашиб кетса, жисмига кайтолмай ҳам колиши мумкин эди-ку! Қилган ишини кўринг, ўшанда. Демак, вужуд сочилиб ҳам кетиши мумкин экан-да!

Мана энди орадан йиллар ўтиб, ҳакиқий уружи билан юзмаз юз бўлиб турибди.

Қабр ичи икки газгина, холос. Лекин у мисоли дорил бақо даричасига ўхшайди. Бу ерга кириб у кора тупрокни эмас, сўнгсиз коинотни, ҳад-худудсиз самоват қўйнидаги жаннатий гўшани кўрди. Арикларидан суту асаллар оккан, ларзон-ларzon мевалари кўзни олгувчи бир афсонавий гўшани кўрди.

Боғ гулларга, ям-яшил дараҳтларга кўмилиб ётарди. Дараҳтзор орасида уйлар, уйларки қасрга ўхшайди.

«Ҳа, иймон-эътиқодли кишилар тириклиқда эзгу ишлар килиб, ибодатда бўлиб беҳишт боғларида қурган уйлари будир...» ўйлади домла. Уйлар орасида бир музайян бино азим дараҳтлардан ҳам баланд, пештокларигача дуру жавхар қадалиб қурилган экан. Узокданок кўриб сехрланиб қолади одам.

– Бу кимнинг уйи бўлди?. Авлиёникимикин? – у ўз-ўзига саволлар берар, ғойибдан саволига жавоб ҳам оларди.

– Йўқ.

– Ҳажга пиёда боргандарданми?

– Йўқ.

– Онасини Маккагача елкасида опичлаб кетганми экан?

– Йўқ.

– Ибодатгўй зоҳидми?

– Йўқ.

– Унда ким?

– Оддий бир деҳкон. Қишин-ёзин далада ишлаб, юртни боккан, сабзавотларини арzon-гаров сотиб, дуо олган. Бу ўша дуолардан бино бўлган уй. Бешта боласи ёнида учта етимни елкалаб катта қилган оиласпарвар, ғояти юмшоқкўнгил, кечиримли зот. Дилининг тозалиги авлиёники қадар...

— Субҳоноллоҳ! — Ҳайрон қолди қори домла. — Шунакаси ҳам бўлар эканми?

— Ёнидаги уй сизники... — деди ғойибий овоз.

Бу уй ҳам деҳқоннинг уйидан қолишмасди. Тенг баробар кўринарди. Ана сизга ҳақиқат, ана Оллоҳга садоқат. Бандасини деган, Оллоҳни дейди деб бежиз айтмас эканлар-да!

— Қиёматда келар уйингиз будир...

Қори домла индамади. У бундайин ҳашаматга кўникмаган. Энди кўникадими? Бир чеккада Худо-Обло деса бўлди-да! Яна ҳам ўзи билгувчироқдир.

Буни қарангки, у ҳаммасини билдим, деб ўйлаганди. Билмаганларини кўзлари билан кўрди, яна шуури ила англади. Вужудигача сингди бу илм. Факат худони дегани билан жаннатга кирмас экан-да одам. Яланг жаннатга киришни ўйлаб, худо деганлар худбин кишилардир. Ҳаллоқи олам яратган дунёни обод этганлар, синовли дунёда бир-бирини суюганлар асл жаннатийдир балки. Мана бир дехкон, умр бўйи кора меҳнат қилибди, орзухавас кўрай. ҳашамдор бинолар қурай демабди, ўша иморатни фаришталар унинг учун буёкка қурибдилар. Қиёматгача қанча бор, ҳали яна қанча савоб ишлар қиласди у. Шу тобда қори домла якингинада Сағбон мозорига кўйилган академик Ҳикматиллани эслади. Чўкки соқол, думалок юзли, миқтигина одам. Жилмайганда болатбиатлиги баттар сезилади. Қори домла ҳам илк кунлари унинг беғуборлигидан роса завқланган эди. Бу одамнинг ҳам диний, ҳам дунёвий илми бор экан. Бир куни айни шу масалада мунозара қилиб эдилар. Ахли қабр жон кулок бўлиб тинглади буни. Кўп аҳамиятли фикр айтди бу одам. У ўшандада ризо ва таслим йўли ҳақида гапирган эди.

— Ризо ва таслим йўлини тутганларгина албатта ғолиб бўладилар. Бу нима дегани ўзи? — қори домла жилмайиб тингловчиларга каради. — Кўпни орзу килса-да, камидан қаноатланган одам, бошига мусибат келса-да, ризо бўлган одам шу Йўлни тутган бўлади. Азизиддин Насафий дейдиларки, саъй-ҳаракатинг оркали дунёвий неъматларга эришиб, мол-дунё ва мансабга эга бўлсанг ҳам, зартага нима бўлишингни билмайсан ва билолмайсан, соғу саломат турасанми, дардга чалинасанми... Ахир дунё талотўплирида қанчадан-қанча ҳукмдор сарнигун бўлиб, қанча бойлар қашшоққа айланди. Фалакнинг гардиши шу таҳлит ай-

ланаверади, тұхтамайди ҳеч. Шу боис рұхим басаломат бұлсин, деганлар, ризо ва таслим йүлидан борадилар. Одам ҳәётлигіда нафакат тана, рух озиғи ҳақида ҳам үйлаши керак бундок. Мулоҳаза қылса, тириклигимизда мудом тана қайғусида юрар эканмиз! Суфийлар айтадилар, инсоннинг вазифаси қалбини нур билан тұлдириш деб. Бу илм руҳингиз қанчалар маърифатта тұла бўлса, у шунчалар юқори фалакларга кўтарилиб, ўзи сингари сафо соҳиблари билан бирга бўлади. Куйи рух (нафси мулк) эгалари эса ой осмони остида қолиб, фалак оламига кўтарила олмайдилар. Шу боис руҳни мажруҳ қилманлар, унга кўмак беринг, ибодатдан тийилманг, деганди.

Аммо ўшанда Ҳикматилла олим ҳам бир яхши фикр айтганди.

— Тақсир, шундайку-я, лекин тириклик оламида босган ҳар қадамингиз ибодат эканини айтмадингиз, агар у эзгуликка хизмат этса! Истасак-истамасак – ҳаммамиз зиммамизга юкланган вазифани бажарамиз. Чўпон бўламиزم, олимми – бу илоҳийдан берилган аъмолимиздир. Демак, биз оддий ошпаз бўлсак-да, илоҳий бурчимиznи бажараётибмиз ахир. Зероки, шу оддий юмушда ҳам маърифат бор-ку! Одамларнинг корига ярашдан ҳам улуғроқ маърифат борми, денг. Яъники, булар фалак дунёларига факат муллаю анбиёлар борар экан, деб ўйламасинлар-да! – деганди.

Ана бунинг исботи – қаршиисида боги Эрамни безаб қад кўтариб турибди. Яратган эгамиз асли бирорни бирордан кам қилмаган. У ҳеч кимни ажратмайди, авлиёни ҳам. Ота-она нобакор фарзандини ҳам сужди. Фақат яхши бўлсин, деб жазолаб қўяди. Дунё бир синов бўлса, демакки, ундаги энг залворли муаммоларни ечган одам руҳи ҳам шунга яраша юқори мақоматларга эришади. Ҳар бандасини тенг яратгани шу экан-да! Ҳар бир касб эгаси, астойдил, охирати-ю, худони ўйлаб фаолият қилса, музaffer бўлур...

Мулоҳазакор бўлгани боис беҳишт боғларини кўриб, ўзига бир хулоса чиқарди. У ердан масрур бир қайфиятда қайтди. Асли қайтмаслиги ҳам мумкин эди. Лекин... биларди, юмуши бор. Аввал бошда уруж қилишига халал берган ўша муаммодилини тимдаларди. Ҳа, у ибодатгўй, ҳа, у зоҳид, аммо инсон ҳам! Кўнглида меҳри бор, шогирдларига бўлса-да. оқибатли.

Ҳар не қилганда ҳам у беҳишт боғларини кўрди, шундан хушбаҳт эди. Жасадига назар солди. Келтирилганига неча

кунлар бўлиб кетди, ранг-рўйи ўзгармабди. Ўша-ўша уйкуда фароғатга чўмган каби ётибди. Кўрганларидан завқланиб, Нос, Фалак сураларини оҳанг билан тиловат қилди, шу алпоз худди тириклигидаги каби хушуъга берилди. Ҳамма нарсанни унуди. Латиф танасида ибодатдан келгувчи сафо ҳам бўлакча эканини у аллақачон билганди. Биринчи сафар ҳатто бу кадар кучли ҳузур чекишга дош беролмайманми, деб ўйлаганди. Шунакаси ҳам бўларкан-да, каранг. Ҳузурга ҳам дош беролмайди одам. Гўё хурсандликни кўтаролмай, юрак ёрилгани каби. Дунёда хурсандликдан ўлганлар ҳам бор-ку! Аста-аста кўнидди бунга. Шу боис баъзида Ҳикматилла олим билан сайд килишади, ахли қабр тўпланиб, у дунёлардан сухбат бошланади. Мархумлар ҳайрон қарашади уларга, наҳот, иккисининг руҳий мақомати тенг бўлса деб. Акс ҳол шу кадар илоҳий улфат бўлармидилар денг.

Шу пайт кори домла турбатига бир шарпа инганини хис қилди. Аёл сувратидами?! Оқ ҳарир рўмол билан юзиши тўсган кўйи турибди. Аёл эркакнинг лаҳадига кирса-я! Мұхтоҗликдандир!.. Балки... Уни дарров ҳаёл олиб кочди. Бу ёқда ҳам китмир аёллар бормикин?! Дунё оламида баъзи шўху шаддод хотинлар уни синамоқ пайида бўлардилар-да, чинми муни зоҳидлиги деб. Кори домла барча аёл зотига онадай ёхуд ҳамширасидай каарди. Бошқа талаби ҳам йўқ зди-да, асли. Бу фикрини ёки ҳолатини бошқаларга тикиштирмаса-да, айрим тор фикрли хотинлар буни ҳеч ҳазм қилолмасдилар. Бу ўзига хос қизғанишмиди ёки ўзларини инкор этилгандай хис қиласмидилар, номаълум. Ҳарқалай, кайси бир ниятда қош қоқиб, кўз сузишарди. Аммо охир-оқибат қорининг Оллоҳга бўлган садоқатидан завқланардилар. Бу даргоҳга бошқа ниятда келиб, билъакс руҳлари ёришиб чиқиб кетардилар. Яхши одат ҳам, ёмон одат ҳам юкумли-да, деб куларди домла уларнинг аҳволи руҳияси ўзгарганини кўриб. Бир ишни шундайин сидкидилдан, астойдил қилингки, бундан бошқалар ҳаваслансан, шунда чеккан риёзатингизни ҳам, фаолиятингизни ҳам Оллоҳ қабул қиласди. Буни ул зоти шарифнинг ўзи сизга бир марҳамат кўрсатиб билдиради.

Кори домла ўзи умрида кўрмаган аёлга юзланди.

– Менда бирон юмушингиз бормиди? – саволомуз аёлга қаради у. – Сизни танимайроқ турибман. Қариндошмисиз?

– Ҳа! Деярли қариндошмиз... Боламга оталик қилган одам кариндош бўлмай ким бўлади? Илоҳим, охиратингиз обод бўлсин! Шу вақтгача болам сизнинг қўлингизда эди, хотиржам эдим. Энди... қийналиб колди. Уялиб олдингизга келолмаяпти. Қилган ишидан пушаймон. Виждон азобида қовурилиб ётибди, болам бечора. Фалакларда бўлсам ҳам шу ёлғизимнинг ҳолидан огоҳ эдим. Она шўрлик осмонга кетиб ҳам боласидан тинмас экан, мана!

– Икки барзангини мелисага тутиб бериб, гўрлик килибди. Шуларнинг руҳи қўймаяпти энди. Қамоқда хорликда ўлибнетганми, дейман. Ҳар тун уйқусида азоблаб ётишибди. Агар ишга аралашиб, буни тутиб бермаганингда эди, бир кун келиб тавба килардик, сендейин намоз ўқирдик, дебдилар. Соддагина болам, бунга пақъос ишониб, куйиб ётибди. Мен билмайман, қандай ёрдам қилишни. Виждон азоби ёмон, биласиз. Унга қўмак беринг, шу ёшида руҳи синса, кейин қаддини қандай ростлайди...

Аёл бир фурсат жимиб қолди. Гапларим кори домлага қандай таъсир қилди экан, деган истиҳолада унга назар ташлади. Нуриллоҳ кори ҳам сукутда эди. Чунки шундай бўлишини аввал бошдан билганди. Икромжонни ҳам огоҳлантирганди бу ҳакда. Аммо бўлар иш бўлганди, буёги синганди. Бир чеккаси, унга қандай ҳам ёрдам килсин. Истаса-да, ўшаларнинг руҳи билан юзма-юз бўлолмайди. Таниш-билишчилик бўлмаса бу дунёда. Ҳаммалари оёқ чўзиб ўлиб ётган бўлсалар, нима ҳам кила олади. Аёл ҳам буни тушунган чоғи. Зероки, ўзи ҳам марҳума экан. Худои Таоло шунаقا, суйган бандасига бир залворли синовларни юборади. Шундай қилибдими, яратганнинг ҳам бир нияти бор, асли. Иншооллоҳ, кейинчалик ошкор бўлади бу! Тириклик дунёсида ўлимдан ўзгасига чора топилади, дейилган. Лекин ўлимдан кейингиси хақида индамаган эканлар-да!

– Сиз кўп безовта бўлманг! – деди кори домла юмшоқлик билан. – Шояд бир давоси чиқса... Билингки, тириклика ечимсиз муаммолар бўлмайди. Имтиҳонда ҳар саволнинг жавоби бўлгани каби, бунинг ҳам бир иложиси бордир. Ҳеч курса, унинг ўзига далда бўлайлик. Худо дилига солса ажабмас... Шу йўлдан борсак, иншооллоҳ янглишмаймиз.

Аёл миннатдор бош силкиди. Кейин шошган куйи деди:

– Кетишим керак. Буёкка бир ҳамроҳим билан жавоб олиб

келганимиз. Ҳаяллаб қолсак яхши бўлмайди, – шундай дея аёл қабрга қандай бесас инган бўлса, шундайин тез ғойиб бўлди. Нуриллоҳ қори эса ўйга толди...

* * *

Воқеа бундай бўлганди. Гарчи Мамукага бу ишни ўзи тақлиф килган бўлса-да, терговда ҳаммасини унга тўнкади. Жиноятчиларни юзлаштирув ҳам ҳеч қандай самара бермади. Мамука шеригининг пинак бузмай алдаёттанини кўриб чидолмади.

Важоҳат билан Салимни бўғиб қўяёзди. У эса қизариб-бўзариб нобоп сўзлар билан сўкина кетди. Ҳатто терговчи Салим ё айборд эмас, ёки боплаб роль ўйнаяпти, деб ўйлади.

Махмуд ҳайратдан котди.

– Имконим бўлгандами, куён юрагингни олиб итларга единардим.

– Ақлим бўлса, сендай бир палид билан ҳамтоворок бўламанми?! Айтдим-а, сенга шилта иш деб. Тинч қўй дедим, мени! Ҳайвон...

Улар судда ҳам бир-бири билан ёқа бўғишиб кетди.

– Бу ҳам кам ҳали сенга. Сендақалар қамоқдан тирик чиқмайди! – деди Махмуд Салимга.

– Ўчирр! Сендай олифталарни-чи, кетига чўп тиқиб, хўрозқанд килиб сотишади! – деди истехзо билан у. – Кўталанг! Битта муллабаччага бас келолмади. Сендан кўра анави Какиён дуруст эди, хотин бўлсаям. Менам қўшилай деганди. Сенга ачинибман, пул ишлаб олсин дебман. Ҳожангнинг туфлисини ялаб, носингни сотиб юравермайсанми, ит. Мана энди оқибат...

Хукм эълон қилинганда ҳам иккови бир-бири билан юмдалашгундай бўлди. Салим ўта ҳавфли жиноятчи сифатида 20 йилга, Махмуд эса 15 йилга кесилиб кетди.

Лекин суд карори чикқанидан кейин маҳкумларни ярим ой, бир ой жойларига жўнатгунга кадар шаҳарда ушлаб туришади. Мабодо улар суд кароридан норози бўлса, шикоят аризаси ёзилиб, иш қайта қўрилади. Одатда ҳамма шундай килади. Ҳатто аҳвол ўзгармай қолишини билганлар ҳам нимадандир умидли бўладилар.

Салим билан Махмудни бошқа-бошқа камерада сақлашди. Кейин маълум бўйича, Махмуднинг камерасига белгача сув тошиб,

уч кун ўша ахвол ётибди. Буйраги шамоллаб, уни «Санггород»да олиб колишибди. Салим унинг жонлантириш бўлимида ётганини маҳбуслардан эшилди. Балки Қоровулбозордан кўра, шуниси яхшироқдир. Қамок ўз номи билан қамок-да! Яна денг, бу ерда маҳбусларнинг ўзи чикарган қонунлари бўлади. Аламзадалардан нима қонун чиқарди денг. Аввалги сафар ўтирганида ёдида, бир милисани урган пандаваки бор эди, ҳамма ўшанга куллук киларди. Бу-ку, паханларнинг товонини ялаб кун кўради-я, энди-чи? Нима учун камалганини билишса, тамом. Бурдалашади буни. Айбни Мамукага ҳам тўнкай олмайди. Улар эшиitmайди ҳам. Бирони дўппослаб аламдан чикса бўлди.

Салим шуни ўйлаб юраги сикилар, жойидатинч ўтиrolmasdi. Сочи олингандан кейин башараси баттар безрайиб колди. Кўзининг кўкарган жойлари-ку, одам сиёқига ўхшатмай кўйди уни. «Нечевў, – ўйларди у. – Булар-ку. ўтиб кетади. Жилла курса. бир марта уришар... Кейин бировини ака, бировини ука, деб чиқишволади. Керак бўлса, «зўри»нинг кетини артиб қўяди. Ҳа, у шунака... бировлар ҳазар қиладиган ишни ҳам тап тортмай бажараверади. Балки у каламушдай ёқимсиздир. зато жони омон қолади! Айтадилар-ку, қиёмат уруш бўлсаям, шу ёқимсиз каламушлар омон колармин деб. Маълум муддат каламуш бўлса, нима кипти, жони гаровда бўлгандан кейин».

Аввалбошда ҳаммага «контрабанда» билан тушдим, деб роса кўпирди. Улар хайрон қарашди: бу сўзни анчадан буён ҳеч ким эшиitmасди. «Ўқимаганлар! Балони тушунадими булар!» деб ичиди улардан кулди ҳам.

– Энди янгиси чиқибди, – деди у калтираб. – Озиқ-овқат ҳам контрабанда эмиш.

Зўр индамади. Бир-икки кун билмагандай юришди.

Ўша туними ёки ундан сал олдинрокми, Салим бехузур бўлиб уйғонди. Улар ётган баракнинг ҳавоси бирам оғир эдикни... Ёз, чилла, нақ чўлу биёбоннинг ўртаси. Ювингани сув кайда. Чалаярим амаллаб ҳўлланишиб ётишади. Ҳавоси сассикки, шунча эркак бир хонада тикилиб ётгач нима бўларди...

Хуллас, ўша туни кўнгли айнаб уйғонди. Ўлакса ҳид етмагандай, баракнинг бурчагида кимдир гингиллаб йиғларди. Ёш боланинг овозига ўхшайди. Унинг бир хилда минғирлаши эзардики юракни. ким у миянги?! Салим вожоҳат билан даст

ўрнидан турди-да, овоз келаётган бурчакка йўналди. Девор тагида гужанак бўлиб ўтирган болачани кўриб такка тўхтади. Аслида у баракдаги бирон хотинчалиш йиглаётгандир. деб ўйлаганди. Бола бу ерга қандай келиб қолди экан. Адашган десалар, бу ер маҳаллами, гузар боши эмас-ку! Чўлу биёбон. Мелиса-пелисанинг боласимикин?! Йўлини тополмай йиглаётгандир...

– Ўчирр овозингни, хе энангни... – сўкинди Салим. – Ярим тунда уйқуни ҳаром қилдинг, педараз!

Бола ўша кўйи юзини қўллари билан чанглаб, гингиллаб йиглашда давом этди.

– Нега йиглайсан, адашиб қолдингми, ҳой? – бу ғалатилиқдан ҳайрон қолиб сўради маҳкум. Унинг тоқати тоқ бўла бошлади. Бола эса лоакал бошини кўтармади.

– Ўтириб кўйганмисан, ит! Нега гапга жавоб килмайсан? – бақирди Салим. Болани бир туртмокчи эди, қўллари ҳаводан ўтиб кетди. Йигит ҳайрат билан болага бақрайиб қолди. Юраги томоғига тикилгундай ура кетди. Шундагина бола бошини кўтарди. Жикка ёш кўзларини Салимга қадади. Бу ўша эди! Уни дарров таниди. Ўша бола... буйраклари олиниб, формалинга солинган бола.

Салим қўрқанидан кўзлари кинидан чикаёзди. Арвоҳ-ку бу, арвоҳ!!!

– Йўқол, даф бўл! – жиннисифат киёфада бақирди у.

Бола яна йиглади. Тиланчидай қўлларини чўзиб:

– Буйрагим... буйракларимни кайтариб беринг! – деди у. Йиглаши мушукникига ўхшаб ёқимсиз, қўркинчли эшитилди.

– Ким олган бўлса, ўшандан сўра! Кет, кет! – қўллари билан уни ҳайдади.

– Сиз олгансиз, сиз! – бола инжиқланган кўйи бир гапга ёпишиб олди. Жимит қўлчалари билан уни таламокқа чоғланди. Буни қўрингки, боланинг ўткир тирноклари баданига бигиздай санчилсами! Салим жон азобида:

– Йўқоол! – деб бақириб юборди. Бу ўкириқдан бошқалар ҳам уйғониб кетди.

Баракда чирок ёқилди. Салим эса бир бурчакка тикилганча қўлларини силкиб, бирорни ҳайдамокқа уриниб ётганди. Фақат пешонасига келиб тушган каттик зарбдан ҳуши ўзига қайтди.

– Ухлашга қўясанми-йўқми, ҳайвон! Ўзи ит ётиш бўлса, шуни ҳам бузасанми, ҳўқизга ўхшаган!

Ҳартугул баракдагилар уни бир-икки төсүб тинчишди. Уллагани ётди ҳаммаси. Факат анави «тулки» ёмон караш килди. Үйкусини бузгани учундир...

Тушлик пайтида ҳам ундан күзини узмади. «Зўр» билан бир нималарни шивирлашди. Салим гап ўзи ҳакида кетаётганини сезди-ю, думини кисган кучукдай писиб колди. Чинданам Тулки унинг ишларини суриштириб юрганди.

Тулки деганлари «связной» экан. Мелиса билан маҳкумлар ўртасида алокачи. «Зўр» эса баракнинг каттаси. Ўзи ҳам, мушти ҳам зўр. Мелисани урганимиш деб эшилди. Шундан маҳбуслар орасида хурмати баланд. «Зўр» без котган нигоҳини Салимдан узмай Тулкига юзланди.

– Шу тирраки «контрабанда»ни эпларканми? Бир ифлос иш килган бу! Билдингми, нимайкан?

Тулки овқатни чайнай туриб бош иргади.

– Шилта иш. Чет элликларга бир боланинг буйрагини сошибди. «Контрабанда» деб лакиллатяпти! Лох қиляпти ҳаммани!

– Шунақами?! – «ҳап сеними» дегандай чўзиб деди «Зўр».

– Бизнинг кимлигимизни билмабди чоғи. Нима, биринчи «ўтириши»ми?

– Илгари судланган. Биттаси разбой, ўғирлик, иккинчиси, бир аёлни зўрлашганмиш.

– Ҳмм! – деди «Зўр» қўлинни иягига тираб. – Роза қўлларинг кичиётганди, мазза қиласидан бўпсанлар. Бир эсини киритиб қўйларинг-чи!

– Шарип-Мърипларинг биладими?

– Билишади...

Бир-икки кун тинч ўтди. Салим айбини унутиб, ўзини эркин хис қила бошлади. Ҳатто баракда ўрни устига ташлаб кўйилган Тулкининг пайғоғигача ювиб кўди. Лекин... Тулкининг рангрўй очилмади. Ўша вазмин, қўроғоиндай нигоҳи билан юрагига гул ғула солаверарди. Уларнинг бир сўз демай индамай юришгани Салимни баттар эзарди. Зотан, улар аллақачон у ҳақда далил тўплаб кўйишган, кулай фурсат пойлашаётганди. Салимнинг зонадаги тартиб-қоидалардан хабари бор. Ёлгон сўзлаганларга қанақа «жазо» берилишини биларди. Лекин, хом сут эмган банд... нимадандир умид қилаётганди.

Салим хўрдани ҳам урди. бўрдани ҳам. Факат уни зимдан

кузатаётган Тулкига қараб-караб кўярди. Унинг бунақанги тикилишидан ичидагашлик сезди. Алдаб бекор килдим, деб ўйлади шу топда. Урса-ураверсин эди. Энди алдагани учун ҳам жонини олишади...

Ниҳояти у шўрва ўрнида берилган шилдир сувни ичиб туғатди. Энди чойга кўл узатаётганди, Зўр гап котди:

– Кўркқанингдан тагингни хўллаб кўйма, яна! – масхараомуз деди у. – Чойни бу ёкка узат!

Салим буни ҳазилга йўйиб, ўз устидан ҳи-ҳилаб кулди-да, кружкасидаги чойни жилпанглаб Зўрга узатди. Айни дамда Тулки уни атай туртиб юборди-ю, идишдаги қайноқ чой Зўрнинг кўлларига тўкилди. Ҳаммаси кўз очиб юмгунча содир бўлди. Салим мерайиб сочиқни олганча Зўрнинг кўлларини артишга тутинди. Асабдан иситмаси кўтағ илиб, нақ бошигача кон тепганини сезди. Уч-тўртта маҳбус важоҳат билан ўрниларидан турдилар. Салим иккита югурдак эшикка чопганини эслаб колди, холос. Пойлокчиси бўлса керак. У ёги нима бўлганини билмайди...

Лазаретда кўзини очди. Ҳа, аввалига атрофга босиб, шундай деб ўйлади. Бошини ўгирмокчи эди, оғриқдан додлаб юбораёзди. Роза коптоқ қилишган шекилли. Юзлари шишган, оёқ-кўлларини чандиб боғлаб ташлашибди. Даҳани ғалати туртиб қолганми-её?! Иягини қимирлатиб, ҳаммасига тушунди. Оғзида биронта ҳам тиши қолмабди. Ў! Роза дўппослашибди-да! Ўзи-ку, бу ёқдагилар аламзада, биронни уриб заҳрини сочишга баҳона қидиради. У тайёр гўшт бўлди-да булар учун. Кунми-тумми, қанча ётди бу ерда номаълум. Бутун танасини лоқайдлик камраб олди. Ўзини ғарип, бенаво сезди. Факат азоб, факат оғриқ бор, холос.

Нурсиз кўзларини эшикка қадади-ю, ғалати ҳолни кўриб, илкис ҳушини йиғди. Ё, тавба, алҳазар! Анавиларни кўринг! Яшил-кулранг тусли бадбуруш нимарсалар у ердан хонага осонгина киришяпти экан. Салим ҳайрон кўзлари каттариб, яна ҳам тикилиброк қаради. Йўқ рости билан... тумшуғи-ю кўзлари каламушсифат, бадрўй бир балолар юрибди хонада. Ундан кўз узишмаяпти. Қарашлари ҳам совук. Бири кирса, бошқалари эҳтиром билан жой бўшатяпти. Ниманидир кутган кўйи ўтиришибди. Буни кўриб юраги ғалати ғижимлади Салимнинг. Ҳа, ҳаммаси жуда оддий. Уни олиб кетгани келишган. Бунга шубҳа йўқ. Йигирма йилга кесилганини эшитиб ҳам бунақанги аҳволга

тushmanгди. Буларнинг еб юборгудай тикилиши-чи! Хонадан қочиб чиққиси келди. Лекин ётган жойидан қимирлолмади. Түғри, у бунаканги ажиналардан кўркмайди. Даҳшат киноларни кўравериб дийдаси қотиб кетган. Лекин булар... кино эмас, бор нарса-ку! Уларнинг мавжудлиги ва у тушунмайдиган қандайдир оламлардан келгани юрагига кутқу соларди. У олам яхши жой эмаслиги манавиларнинг турки-тароватидан маълум. Безрайиб, тик караган кўзларини нақ ўйиб олсанг-да, хумордан чиқсанг! Афсуски... Улар шундай килишди. Ҳа, айнан у ёмон кўрган ва балки ўлгундай кўрккан одамлар сиёқига кириб, Салимни мас-харалай бошлишди. Бири Салим ҳамтовороқлари билан ўлдирган кўзойнакли «таскара»га айланди, бошкаси буйраклари олинган бола тусиға кирди. Унинг қабих, жирканч ишларини ўрнашиб ўтирганча, кўзларига тикилиб, роса м. ҳокама қилдилар. Ҳаммаси хотирасида сақланиб қолганини кўринг! Суюқоёқ аёллар билан ишрат қилгани борми, укол уриб, нақ жинни бўлаёзганими, содда бечораларни алдаб қақшатганими, бева аёлни тунаб, қаршилик кўрсатгани учун дўппослаганларими, ҳаммасини айтдилар. Салим бемаъни, бемақсад ўтган кунларидан, қилган жирканч ишлари ошкор бўлаётганидан қаттиқ изтироб чекарди. Афсус-надоматлардан ўзини кўярга жой тополмасди. Одам ўз айбини билса, ёрилиб ўлармиш, деган гап бор. Энг даҳшатлиси шундаки, у ўлолмади, яширинишга ҳам жой тополмади. Айниқса, болани сникерс билан алдаган лавҳалари такрорланавериб, жонидан тўйдирди. Яқин-ўртадаги деразагача судралиб борса-ю, ўзини пастига отса... Уларнинг бирлари олиб, бирлари кўйиб, кўзларини Салимга лўқ қилганча дердилар:

- Сникерсни яхши кўрасанми?
- Ма, ол, сникерс!
- Ма, ол, сникерс!
- Буйрагим, буйрагимни қайтар...
- Ма, ол, сникерс!

Кўз ўнгига яшил каламуш ўша бола киёфасига кириб, буйракларига кўл чўзди. Фақат қўллари... Қоп-кора тирноклари кайрилган, жундор кўллари боланикига ўхшамасди ҳеч. У бигиздай жон ўяр бармоқларини Салимнинг корнига ботирди. Ҳатто бинтнинг тирт этиб йиртилгани ҳам эшитилди. Ичида бир нарса билқиллаб кетди. Бирор ичагини ағдариб ташлагандай оғриқдан

ўлаёзди. Лекин... ўша, ўша бола тирикрай унинг буйракларини суғуриб олди-ю, килқиллаб турган, конталаш бир нимани унинг кўзига сукди.

– Ма, ол, сникерс! – кейин у кулди. Болаларча хиринглаб кулдикি, Салимнинг асаблари дош беролмади бунга. Додлага-нича пастга қулади. Қулайверди, қулайверди коронғуликка... Бундан ўзи ҳайрон. Наҳотки, шунчалар баландда ётган эди. Нега ерга туша колмайди?! Аммо... қизиги ўзини пастда эмас, тепада кўрди. Шифт остида... Ҳайрон бўлди. Пастга қулаш ўрнига тепада юрибдими? Нега у иккита бўлиб колди? Танаси каравотда бежон, кўзлари ярим очик, бир алпозда ётарди. Аnavи бадрўй тавиялар каёққадир гум бўлишганди. Қилар ишни қилиб кўйиб... Йўқ... у янглишган экан. Ана! Бурчакка тикилиб олишибди-ю, бит кўзларини ундан узишмаяпти. У ғазаб билан тишларини ғижирлатди. Аммо тишлари йўқ эди унинг. Шундагина эслади – тишларини қоқиб олишган-ку! Ўлганман деб ўйламасди шунда ҳам. Факат ичи бўм-бўш, ғалати.

Бир маҳал доктору ҳамиширалар чопиб қолишиди. Ҳаммаси йиғилиб олиб, оғзига бир балоларни тикиб ташлашиди. Юрагига ток беришяпти шекилли. Ҳар ток юборилганида танаси лопиллаб кетяпти. Тинч кўйсалар-чи уни!

Улар ярим соат чамаси уринишди. Бўлмади, шекилли... Қандайдир тоқатсизланди. Танасига безовта қаради.

– У ўлди! – деди докторлардан бири.

Унинг шундай деганини аниқ эшилди. Лекин ўлганига ишонгиси келмади.

– Муштлашганда буйракларини ёриб юборишган экан! – аниқлик киритди бояги доктор. «Педараз, – ғижинди Салим. – Ўлган бўлса, қандай эшиятити. Дўхтирлари ҳам лоҳ ҳаммаси. Ўлганмиш...»

Танаси томон пориллаб учди.

– Мен ўлмаганман, яхшилаб қараларинг!

Гўёки у йўқликка бакиргандай ҳеч ким унга парво қилмади.

– Маҳкумнинг қариндошлари бор эканми? – сўради докторлардан бири.

Ҳамишира бош чайқади.

– Унда... кремацияга тайёрланглар!

Бу сўзни эшитиб кўркди, хавотири янада ошди. Бир тожик

бала ўлганда ҳам шундай дейишганди. Ўшанда сўраб билса, бу жасадни кўйдириш дегани экан. Ие?! Унинг танасини ёкишадими, ҳали?! Тирик бўлсаямми? Балки ўлгандир... У безовта учганча танаси оёғига бориб қўнди. Ранг-рўйини кўриб, хафсаласи пир бўлди. Ростдан ҳам ўлганга ўхшаяпти... Барибир... Нега ёкишади, ахир. У хинд эмас-ку! Одамга ўхшиаб кўмишсин! Шунда маълум бўлади. Тирик бўлса, танасига кайтади. Қабрда тирилганлар қанча... манави лохлар тип-тирик одамни кўйдирмоқчи-я!

— Ҳой, мени ёкманлар! Мен тирикман, ахир! — Бир нимани исбот этмоқчидай у докторларнинг олдига бориб серрайиб туриб олди.

Шу пайт доктор деганлари гўё у ҳаводан ясалгандай нак унинг ичидан ўтиб кетса бўладими?! Бу ҳолатдан ҳанг манг бўлиб қолди. Ўлганмикин-а?! Йўғ-э. эшитяпти, кўрятти, нафас оляпти. У нафас олмоққа тиришди. Афсуски. ўша ҳаво ичига эмас, йўқликка сингди. Тавба, илгари ҳеч бунақа бўлмаган. Демак... ўлиб қолганинга тобора ишона бошлади. Энди нима бўлади? Нима киласи энди?

— Ҳеч курса, жаноза ўкиб кўмларинг! Мусулмонман ҳар қалай... — алаҳлаб бақирди у. Бу сафар ҳам овозини ҳеч ким эшитмаса керак, деб ўйлаганди, бурчакдан бирор гап қотди.

— Мусулмонлиги эсига тушиб қолибди. Қаранг-а! — деди у аччик истехзо билан.

Салим шаҳд ортига ўгирилди. Орқасида иршайиб турган бадрўй маҳлукларни кўриб, бир бўшашдики... Малайлар! Шайтоннинг малайлари! Уни олиб кетгани келишибдими?

Бу пайтда унинг жасадини замбилга солиб олиб кетаётгандилар. У ҳам оқ ҳалатлиларга эргашди. Негадир танамнинг ёнида бўлишим керак, деб ўйларди. Лекин... кутилмаганда бошига тушган қаттиқ зарбдан чил-парчин бўлаёзди. Қараса, анавилар масхараомуз тикилиб туришибди. Улар Салимнинг латиф кўлларидан омбурдай бураганча қаёққадир судраб кетишиди. Атроф зимиston, ҳеч нимани кўриб бўлмасди. Қаерга келди, қандай жойга ётқизишиди, билмади. Бу номаълумлик яна ҳам қийнарди одамни. Дод деб бақиргиси келарди унинг. Уни кизиб, нақ чўғга айланган занжир билан роса дўппосладилар. Ўша чўғ занжир зулмат қаърини тилиб, гувиллаб ҳуштак чалганча нақ бошига тушарди. Шунда зарбдан боши иккига ажрагандай, ўрни

тагида йўқ кўзлари отилиб кеггандай бўларди. Ҳар зарбадан у ўларди. Чинакамига! Лекин яна тирилар, ўша азоблар давом этарди. Ўзи тушиб қолган ҳолатдан ўзи ҳайратда эди. Танаси йўқ эса-да, бошига тушаётган қалтаклардан чувалчандай бураларди. Шундай хароб килишдики улар. Бир пайт малай кўлларидан тутиб турғазди.

– Энди ювиниб ола қол! – дейишди.

Бир фильмда кўрганди. Маҳкумларни обдон кийнаб, кейин устиларидан муздай сув қуишиади. Бу ерда ҳам шунака бўлса керак-да, деб ўлади у. Уни яна қаёккадир судраб кетдилар. Атроф жарликка ўхшарди. Ҳидининг бадбўйлигини айтинг, бурунларини беркитиб олгиси келар, лекин бурунлари йўқ эди унинг.

Тоғми, баландликми бу ер, англомади. Лекин бир нарса хайрон колдирди. Тоғ худди кимирлаб турганга ўхшарди. Қандаи қимирляяпти? Нега кимирляяпти? Ҳозир устига куласа-я? Гарчи анавилар силталаётганига қарамай, ўша тепаликка зеҳн солиб каради. Каради-ю, этлари жимиirlаб, додлаб юбораёзди. Бу тоғ эмас, аслида биланглаб, бижирлаб ётган, кўриниши кўнгил озар даражада хунук қуртлардан ясалган тепалик эди.

Шайтон малайлари:

– Бор, ювиниб ол! – дейишди-ю, уни ўша бижирлаб ётган тепаликка итариб юбордилар...

Унинг қўлидан эса ҳеч вақо келмасди. Ўша бадбўй, қуртлар бижирлаб ётган тепалик устига қулашдан ўзга иложи йўқ энди унинг. Ит азобими бу! Салим дунёда бунақанги ҳўрликлар бўлиши мумкинлигини билмаган экан. У ночор нотавонлигидан йиглаб юборай деди. Аммо йиглолмади. Ҳа, у йиглашни ҳам унутиб қўйганди... Балки охири марта ўспиринлигига йиглагандир?! Эсида, болалигига йиглаган. Ўшанда у қўшни бола, тенгдоши Ортиқхўжанинг ўйинчоқ машинасини олганди. Дадаси роса урган... Энди эса факат куларди. Истехзоли, ёқимсиз кулгуси бор эдики, уни шунинг ўзи учун ҳам бўғизлаб қўйса арзирди. Бу ҳаётдан тўйганидандир балки. Катталар «ўйини»дан безганини ўзи ҳам билмас. Нима бўлганда ҳам буйраги олинган ўша болани у тутиб берди. Охир-окибатда ўзини ҳам тутиб, мелисага топширдилар.

Салим ўрнидан турмокчи бўлар, кўллари билан бижирлаб,

билқиллаган куртларни сиқимлар, лекин ўрнидан туролмасди. Чукуррок ботарди улар ичига.

«Озрок ичиб олсам яхши бўларди, – деб ўйлади у ўша атпоз пиячиллаб ётиб. – Бу азобларни сал бўлсаям унутармидим...»

– Ичгим келяпти, – деди Салим базур. – Бошқа чидолмайман! Арок беринглар! – ёлворди у.

Малайлардан бири думларини ликиллатиб кўзларини гилай килди.

– Ҳозир... бир зумда «ест» қиласиз! – деди у.

Шиша келтирдилар. Салимнинг оғзидан қандайдир суюклик кўйгачдилар, бундан у баттар типирчилаб қолди. Ичига «олов» кириб, бутун бадани эриб тушди. У яна ўлди, тирилиб кайта азоб чекиш учун ўлди...

У нималар бўлаётганини фаъллай олмасди. Бир азоб бошқаси билан алмашар, Салим эсл буткул гангиг қолганди. Гўё у кимлигини, нималигини унутаётганди. Ҳадеб жон азобда бўлсаям одам локайд бўлиб коларкан. Локайдлангани сайин азобларнинг зўрини ҳозирлашарди. Охир-оқибат у «Бу дунёда яшашнинг ўзи бир гўр, ўлиш эса ундан ҳам баттар бўларкан!» деб ўйлаб қолди. Бундай ночор, ноилож ҳолатдан кутулишнинг имкони бормикин?

Оғриқ, азоблар одамни маънан юксалтиради дейдилар. Аммо бу ёруғ оламда шундай. Бу ерда ҳар бир чеккан уқубатингиз онгни хиралаштиришини билармидингиз?! Кейин эса эрксиз бир маҳлукка ўхшаб қоласиз.

Шундагина Салим тушунди бу ер нималигини! Айниқса, охирги манзили... тасвирлаш ҳам кийин буни. Қон тўла кўлу, кўл ичиди чаёну илонлар бижгиб ётарди. Уни кўлга туширишлари билан чаёнлар ҳар томондан талаб, уни чака бошлашди. Кўлда ундан бошқа осийлар ҳам бор шекилли, бирини бири бўктириб, кўлдан чиқмокка интилиб ётарди. Шундайин азобли аҳволда у тирикликда килган, бошқаларга кўрсатган ситамларини эслади... Буйраги олинган боланинг илтижоли кўзлари, дўупосланган бева аёлнинг қора конга беланган юзи, олим одамнинг чил-чил синган кўзойнаклари... Шулар кўз олдидан ўтар экан, у кўл ту-бига янада чукуррок гарқ бўлаверди, бошқа осийларнинг оёғи остида колиб кетди...

* * *

Шу куни Икромжон ёмон туш кўриб уйғонди, кўксига туфлаб, сув ҳам ичиб юборди, ҳатто... кўрган манзараси кўз ўнгидан кетмасди ҳеч.

Ҳаммасига ўша сабаб бўлди, асли – судда катнашгани! Анавиларни панжара ортида кўриб... тақир бош... озиб, кўзлари олайиб колган, рухиятлари бежо, бир аҳвол. Ё ҳалиюллоҳ деб юборишдан ўзини аранг тийди. Суд залига бир зумга кирди-ю, юрагида тош билан чиқди. Гўё у бошқа олам даричасидан мўралагандай бўлди. Ўшандан берি кўнгли нотинч. Ўйлайверади, ўйлайверади шуни. У ҳақиқатни йўқотиб кўйди. Шу кунгача билган, ишонган ҳақиқатини! Устози айтган эди-я, заҳарни заҳар кесади, лекин ёмонликни ёмонлик билан ҳаргиз тузатиб бўлмайди, деб!

Энди ўқишига кириб кувонганида, шу ҳам кўнглига сифмат колди. Юраги кисилиб, тарс ёрилай деяпти. Намозларида адашиб кетаётгани етмагандай, тунов куни тасбиҳи тўклиб тушди. Бежизгами буларнинг бари? Ҳақ таолонинг ўзи қайси ишинг хайрли ёки нобоп бўлганини шу тахлит билдиради, дейдилар. Ахир ўша тасбиҳни устозига Маккадан келтиргандилар. Не ниятлар билан унга совға килиб эди. Э, у дуо кетган тасбиҳ асли. Шу боис ҳеч кўлидан кўймасди. Тасбиҳи ёнидами, демак, устозининг дуоси ҳам у билан эди... Устози ундан нега ҳам норизо бўлсии, ахир! Ҳеч бир кун йўқки, унинг ҳаққига тиловат қилмаса, дуо айтмаса! Унда гап нимада колди? Юраги негаям ғаш? Билмайди, лекин гумони бор. Ундан бир хатолик ўтган... У хатолик эса оддий дунё конунлари билан ўлчанмас балки. Охират конунлари каби. Устози охират конунлари дунёвий конунлар билан муштарак келмаслигини айтганди. Хўш, булар ўртасида қандай фарқ бўлиши мумкин? Ёмон барибир ёмон-ку! Охиратда ёмон яхшига айланиб қолмас, ахир. Лекин... ёмон нега ёмонлиги ҳақида ўйлаб кўрганми ҳеч?!

Икромжон тушини эслади яна. Ҳовуз ичидан чиққан бош кўз ўнгига намоён бўлди-ю, юраги сикилди. Ана жавоб ҳамма кўргуликларига жавоб! Салимнинг ҳам, Маҳмуднинг ҳам деярли тақдирни бир. Ота ташлаб кетиб, она қўлида қолганлар. Маҳмудни етимхонага топширишган. Салим эса... онаси билан ўғирлик қилиб катта бўлган. Кўпинча онаси уни кетида эргаштириб

юрарди. У уйларга кириб биридан пиёз, бунисидан картошка олиб чиқар, Салим эшикда пойлокчилик киларди. Ўшанда у болалитига бориб, ҳамма уйдан ҳар нарса олса бўларкан-да, деб ўйлаганди. Биринчи марта ён кўшниси Ортиқхўжанинг машинасини олиб кочди. Аслида уни бой-бадавлат кўшнилар уйларига киритишмасди. Битлики, бирон касали юқади, деб болаларини ҳам бирга ўйнатмасдилар. Салим узокдан уларнинг ўйинини томоша килар, ҳаваси келиб кўшилса, катта болалар уни ўйиндан итариб чиқариб юборишарди. У бурнини шўлқиллатиб тортганча ариллаб йиглар, нега бундай қилишларига ҳеч тушунмасди. Четдан уларни мўлтираб кузатарди, холос. Баъзизда у дадам йўқ бўлгани учун шундайдир, деб ўйларди.

Кўшниси Ортиқхўжа билан тенгқур эдилар. Бир куни дадаси унга «пульт» билан бошқариладиган ўйинчоқ машина олиб берди. Ҳакиқий юқ ташийдиган машҳа. Болаларнинг роса кўзи ўйнади. Салимга эса, ҳатто кўрсатмадилар ҳам. Якинрок бориши билан итариб хайдашга тушишди. Бир куни қарасаки, ўша бир силаб кўришга зор машина шундок эшик тагида турган экан-да! Олди-ю қочди... Кейин Ортиқхўжанинг дадаси билиб қолиб уни роса дўппослаганди. Ўшанда Салим шашкатор йиглаб онасиға бақиргани эсида.

– Нега менинг дадам йўқ? Нега дадам йўқ! – деганди.

Онаси ҳам унга кўшилиб йиглаганди ўшанда. Салимнинг мўматалок бўлиб кетган қўл-оёғига шўрпахта босиб, роса йиглаган.

Албатта, Икромжон буларни қайдан ҳам билсин. Зотан, унинг ўзи ҳам етимликда ўсганди.

... Ҳовуздан чиқкан бош балки ўшадир... юзлари шишиб, кўзу бурун чаплашиб кетган бир алпоз башара шуникидир балки. Шундай деб ўйлашига асос бор эди.

– Ҳаётимга аралашишга нима ҳаккинг бор! – деди бош таънали бокиб. – Оч қолиб, онам билан ахлат титганимда қаёқда эдиларинг! Эндими ҳаётимга аралашасан!

Бош бир сувга фарқ бўлар, бир юзага қалқиб чиқарди.

– Сени барибир топаман! – деди у ғазаб билан. – Охиратда бўлсаям топаман!

Ана шу сўзлар Икромжоннинг дилини илондай чакди. Тўғриси-да, ўшаларга бармок учida бўлсаям яхшилик қилмаган экан, уларни тутиб бериб нима обрў топди энди... Бошқа томон-

дан у индамаслиги керакмиди?! Ичиб, маст-аласт бўлиб, бирорнинг боласини ўлдирган каллакесарлар олдида нима гуноҳ килди у. Бир жомадон шулни олиб, кочиб кетаверсин экан-да булар?

Икромжоннинг тушунмай колган томони шунда эди. Тӯғри, ўшанда қилган ишини устози ҳам маъқулламади. Лекин... барига бир у ҳак эди.

Мулла Йигит тасбих мунчоқларини эринмай битталаб кадади-да, йўлга тушди. Мозорбошига боради. Кўнгли бундан бошка ҳеч нимани тусамасди.

Бекатдан тикилинч, ичи тўлиб келган автобусга чиқди. Чўнтакка солингтан тасбихни бармоқлари билан сикимлаб, саловат айтмокка чоғланди. Бекор кетгунча шуниси маъқул-да! Бирок одамлар кўймади бунга, бири туртиб ўёкка ўтар, бири туртиб бу ёкка ўтар. Яна болачалар оғада тирмашади. Оркада турган бир одам тушиб, аҳвол сал енгиллашди. Икромжон одатича қўлинни яна киссасига олиб борди. Шунда унинг чўнтағида ғимирлаётган бегона қўлни шартта ушлади. Буни ўзи ҳам кутмаганди асли. Болачанинг қўли экан. Силтаниб чиқиб кетишга роса чиранди-ю, эвии қилолмагач:

— Амаки, мени қўйиб юборинг! — деб росмана йиглаб юборди. Овозлари чиёндай. Ўн бир ёшлар чамаси бола. Жулдуровки... Кўзларининг бежолигидан қорни ҳам оч шекилли. Лекин лўли болага ўхшамайди.

— Жим бўл, ҳозир менисага топшириб юбораман! — пўписа қилди Икромжон. Бола бақириб, ҳамманинг эътиборини тортмасин деди-да!

Қараса, унинг шериклари ҳам бор экан.

— Кўйвора қолинг! Бошка қилмайман! — мўлтайиб ялинди у.

— Кейинги бекатда тушамиз. Ўртокларингга ҳам айт!

Бола кўркиб кетди. Ҳойна-ҳой урса керак, деб ўйлади.

— Пулингизга тегмадим-ку, кўйворинг! — ялинди яна.

Икромжон индамади. Унинг шерикларига караб, олдинга ўта бошлади.

— Сенлар ҳам тушларинг! — оғир-босиклик билан буюрди у.

Автобус тўхташи билан болачани етаклаб тушди. Аммо шериклари ура кочиб қолишиди. Икромжон бўйинини кисибгина унга эргашаётган болага қаради-да, автобусга имо қилди.

— Кўрдингми ўртокларингни? Қочиб колишди. Шуларга ишониб юрибсанми ҳали? Шу ҳам ўртокчилик бўлдими?

Бола қовоғини үйиб олди.

— Кўркиб қочишди-да! — Йиғламсираб деди у.

— Нега кўркади? Ёмон иш қилаётганини билган-да чунки. Кўркмайдиган, яхши ишлар киладиган ўртоқ топиш керак, тушундинг?!?

Бола индамади. Ҳикиллаб йиғлашга тушди.

— Мелисага обкетяпсизми? — сўради у.

Икромжон индамади. Ичида кулворай деётганди. Атрофдагилар ҳам фариштадай охорли кийинган, дўппилари ўзига ярашган мулла йигитга ва унга йиглаганча эргашиб кетаётган манави ирkit болага ҳайрон қарашарди. Буларнинг ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин деб

Йигит нигоҳи билан бирон тамаддикона излаётганди. Болани овқатлантириб, кейин қўйиб юбор: ди. Ота-онаси бўлса, улар билан гаплашади.

— Ишга кеч қолмайсизми? — йиғлашдан тўхтаб деди бола. — Бошқа унақа қўлмайман. Мени деб кеч қолманг, ишга!

— Қарасам, муғомбир ҳам экансан-а? Бугун ишга бормайман, — ичида кулиб деди Икромжон.

— Отдихингизми?

— Ҳа, отдихим, — Икромжон болани кўча юзидағи ошхоналардан бирига бошлаб кирди. Болани кран олдига олиб бориб, ювингирди. Қорамагиз, лўтти юзли, чарос кўз бола экан. Яна ҳам уни мелисага олиб бориш ўрнига овқатхонага бошлаб кирган амакига ғалати, ажабланиб қарашлари ҳам ширин.

— Биб-бинойидай бола экансан-ку! — деди Икромжон жилмайиб. — Қиб юрган ишингни қара!

Бола уялиб ерга қаради. Барибир хавотири ошиб сўради.

— Мелиса танишингиз шу ерда ишлайдими?

Икромжон боланинг елкасига уриб, пўписа қилган бўлди. Яна кулворай деди.

— Ўзим-ку мелиса! Яна шунақа қилганингни қўрсам қамаб қўяман.

Бола унга ҳайратланиб қаради.

— Мелисамисиз? Ўхшамайсиз-ку! Формангиз қани унда?

— Биз безформа юрамиз!

— А?! Алдамант-да! — боланинг чиройи сал очилди.

Айниқса, овқатлар қатор терилган пештахтага яқинлашгач тамшаниб кетди. Икромжон болага кабобу ошу салатлар, ширин-

ликкача олиб берди. Бола шошиб-пишиб, оқизиб-томизиб овкат ер. ора-сира уни дўппослаи ўрнига роса зиёфат килиб сийлаётган амакига ажабланиб караб қўярди.

Икромжон эса уни кулибгина кузатарди. Болаларча содда, ҳайрона кўзларига бокиб ўйларди. «Бунинг ҳам шу кунгача билган ҳакикати бузилди. Асли ёмон иши учун жазоланиши керак эди. Бу эса мукофотланди. Бола буни қандай қабул қиласкин?!» У ўз болалигини эслади. Бир пайтлар онаси ўлгач, у ҳам оч колганди. Очлик нималигини, одамни қанчалик хўрлашини ўшанда билган. Ўн бир ёшда эди чамаси. Отаси марҳума ерга топширилган куннинг эртасига ёк уйга оғайниларини бошлаб келиб, ўласи бўлиб ичганди. У бир-икки кун уйдаги қолган-кутганни ёб юрди. Кейин бувиси келиши билан унга йиглаб берди. Ўшанда бувиси қарғана-қарғана уни олиб кетди. Тирик отаси кўйиб, Икромжонни холасига ўғил қилиб бердилар. Холасининг бусиз ҳам бешта боласи бўлиб, поччаси кўп яхши мусулмон одам эди. Ҳажга боришга йиккан-терганини шу етимга сарфлади. Ёшига етгач, яхши кори домлага ўкишга берди. Ана энди юрибди аълочи талаба бўлиб. Бир инсонни камолга етказишида қанча одамнинг меҳнати, меҳри синггади. Биз шунни биламиزمи? Акс ҳол Икромжоннинг ҳам манавиндай дайдиб кетиши ҳеч гапмасди. Холаси ўша пайтда олтмишларда эди. У вояга етгунча раҳматли бўлиб кетди. Лекин кариндошлари бор корига ярайдиган, ҳали ҳамон хабарлашиб туришади.

— Ота-онанг борми? — сўради у боладан. Аммо бола жим, мум тишлигандай ўтираверди.

— Ҳой, сендан сўраяпман?

— Билмайман!

— Ие? Ким билади унда?

— Бувим... билан тураман. Ойинг эрга тегиб кетган, дейди. Бошка шахарга кетганмиш. Ўшатда ишлайди. Келмайди. Йўл киммат дейди.

— Ҳмм! Бувинг... бунақанги ишларингни биладими?

Бола бошини сарак-сарак қилди. Йигитнинг кўзларига карашга ботинмади.

— Бувингга айтайми?!

Бола бошини шаҳд кўтариб унга каради.

— Билсалар, Йиглайдилар! Қарип қолганлар...

— Яхшими энди шу? Яна ўғирлик килсанг, камап қўяман! Аяб

Ўтирмайман, – жиддийлик билан деди Икромжон. – Тур, кетдик!

Мулла йигит йўлдан бозор килиб, болани уйига олиб кетди. Йўлда музқаймок ҳам олиб берди. Унинг кекса бувиси билан танишиди.

– Кувватдан қолдим, болам, – йиғламсираб деди аёл. – Онаси ўлгур, бир чет эллик билан топишиб кетган. Эр куриб колган экан буёкда! Боласидан хабар олай демайди. Илгари пул жўнатиб туарди, энди шу хам йўқ. Эри ташлаб кетганми, ёки ўзи жижилаганми, худо билади. Келишга юраги бетламайди, чоғи. Онаям, болаям керакмас буларга. Қариган чоғимда шу такани туғиб менга ташлаб кетди, укам. Кошки муни эпласам. Гапга кирмайди, бир қулоқсиз бола бўлди.

Бу орада бола чой қайнатиб келди. Қора бўлкани кингир-кийшиқ кесиб, ўртага кўйди. Яриғ пиёлада мураббо, эскиб куртлашга келган ёнғоқ олиб келди.

– Амаким мени роса меҳмон қилдила! – мақтанди бола.

– Қайси қилинг ишингга меҳмон қилди амакинг? Иш-пишига боқишидингми?

Бола индамай бош эгди. Айтиб қўймасмикин, деган хавотирда амакисига бир қараб қўйди. У жилмайиб кўзини қисганди, бола дадилланди.

– Буви, сизга ҳам олиб келдим! – деди у қоғозга ўроғлик нарсани дастурхонга кўяркан.

Икромжон қоғоз ичидағи бир-икки бурда ёлган нон, кабобнинг жазлари-ю, ош устидаги гўштни кўриб ҳайрон қолди. Қачон олиб улгурибди экан? Чойга кетганидамикин? Балки ҳисоб-китоб қилаётганида туғиб қўйгандир?! Пишиклигини кўринг буни? Шу ёшида қайси бола бувисига нарса илинади. Нонни «нанна» деб юргани қанча!

Кампирнинг кўзлари ёшланди.

– Сўраб олдингми, ишқилиб. Ўзинг еявермайсанми, Акрамжон болам-а! Биз вақтида роса еганимиз бунакаларни. Обкўй ҳалиям, кечкурун ейсан...

– Буви! – дўқ қилди у кампирга. – Сиз ҳам енг-да! Яхши овқат есангиз, қарип қолмайсиз! – деди у меҳри ийиб.

– Чайнай олсан экан буни? – кабобнинг битта жазини оғзига солиб айлантиаркан деди кампир. – Қаримай нима, келин бўлармидим энди...

— Касал бўлманг дейман-да, буви, — деди бола хомуш тортиб. Ҳолбуви қиши чиллада қаттиқ оғриб қолганини эслади.

— Болам боякиш, кўркиб қолтан, — деди у Икромжонга юзланиб. — Қишида бош кўтаролмай ётиб колдим. Муштдек бўлиб тепамда ўтири шу. Сабзи-пиёзини алмойи-алжойи артиб, гўштни қатирмоч килиб куйдириб бўлсаям овкат килди, обкелди олдимга. Овқатга қийналди. Хуллас, шунака қилиб, она-бола амаллаяпмиз, укам. Ҳаа... ота-онасининг ўрни бошқа эди. Нимаям қиласардим, боши омон бўлсин, илоё.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Икромжон кўзгалди.

— Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш, дейдилар, укам. Келиб туринг, мана, кўриб олдингиз. Бунгаем сизга ўхшаган aka керак. Умрингиздан барака топинг, илоё...

Она-бола уни кўчагача 1.узатиб чиқишиди. Ҳуфтон бўлиб кетибди, Икромжон билмабди буни. Энди мозорбошига боролмайди, кеч. Эртага ўтар. Икромжон илдамлади. Аср намозини ҳам ўқимиади, шошилиши керак. Шунда руҳида бир енгиллик сезди. Юрагини босган тош қайгадир ғойиб бўлганди... Устозининг кўп яхши гапи бор эди: «Дуолар ижобат бўладиган бир ҳолат борки, буни кўпчилик билмас. Дейлик, кўчада кетаётисб, бир одам оёғингизни ғарчча босса, сиз уни койиш ўрнига ундан кечирим сўрасангиз, у ҳам сизга узрини айтса, шу сонияда дуолар ижобат бўлади. Яъниким, жабр кўрган ҳам, жабр қилган ҳам хатолигини тушунса, бир-бирини кечириб, раҳмини еса, ана шу онда дуолар ижобат бўлади, бўтам. Буни унутманг. Раҳмдиллик, кечиримлилик ғоят улуғ фазилатки, тош юракларни эритар, одамларни ёмонликдан қайтарар. Шу боис ҳам бундай дақиқалар илохийга ўтади», — дерди. Мана Икромжон бунинг маъносини энди тушунди. Бир ҳақиқат ўрнини бошқаси эгаллади...

Бу дунё шундай дунё. Ҳар куни ҳар дақиқада имтиҳон топширамиз ва ҳаётнинг илгари-да билмаган, мутлақо тасаввур ҳам қилмаган ғойибий ҳақиқатларини англайверамиз. Шу тахлит инсон комиллик сари одимлар балки...

* * *

Салим кўл тубида азоб чекиб ётарди. Бу сафар ўзини лоқайд қилиб кўрсатишга ҳам қўрқди. Билдики, бепарво, лоқайд бўлгани замон жазонинг янгисини ҳозирлашади.

Нурсиз кўзларини осмонга қадади. Қоп-қора... Йўқ, тим-

күк эмас, айнан қора. Күл эса қорамтир-қызыл. Бу хам қора-да, барибир. Қора рангнинг мунчайин хунук бўлишини билмаган экан. Асли бу рангни яхши кўрмасмиди у ёқда?! Ахир у тунда овга чикарди-ку! Қоронғида кўз илғамасин учун қора кўйлак киярди, қора кўзойнак жони эди. Одамлар танимасин деб такиб оларди. Кундузи тирқиш-тешикка бикинганд суворакдай писиб ётиб, тун киришини юраги ҳаприкиб пойларди. Ғафлат босган тун роса эш келарди-да қиликлариға. Ўғирлик қиладими, карта ўйнайдими ёки бирор жонон билан ишрат қиладими, ҳаммасига-да тун яхши эди. Ана ўша тун энди ўзини катл қиляпти. Йилт этган, игнанинг тешигидай ҳам нур йўқ. Бирор бирорнинг башарасини ҳам кўролмайди. Оғрик бор. суюкликтин шалоплаши-ю, бандаларнинг инграгани эштилади. Яна манави газандалар бор. Оҳ, чақди-ку яна бири! Суякларигача зирқиратиб юборди. Уҳ! Аслида унинг суяклари йўғ-а, шунга ўхшаш оғрик хис килди.

Баъзида тоқати ток бўлган бандилар бирининг устига бири чиқиб, гўёки «қирғокка» талпинишади. Бильякс, бу ерда кирғоқнинг ўзи йўқ. Салим буни аллакачон тушунган. Тубсиз, кирғоқсиз ҳовуз. Ҳеч ким ҳеч ерга чиқолмайди. Нимарсаларнинг яна бири тишлади-ёв?! Салимнинг кўзларидан ўт чиқиб кетди. У ўзини ўнглаб ҳам ололмаганди. бирор унинг бошларига кўлини кўйиб, дод-вой кўтариб юкорига интилди. Оқибатда Салимни ҳам, ўзини ҳам баттар гарқ этди.

Салим аллазамон ўтиб, аранг юкорига калқиб чиқди. Оёғига нимадир ёпишиб олган... Оёғини типирлатиб, уни туширмокқа уринди. Эплаётмади. У эса ҳадеганда ҳовуз тубига тортарди. Салим ирода кучини тўплаб, суюклик саҳнида туришга ҳаракат килаётганди. Чунки қанча чукурга ботгани сайин газандарнинг алмойи-алжойи турлари жон-жонидан ўтказиб чақишга шайланарди. Шу боис у қийин бўлса ҳам, у тепада туришга уриниб ётганди.

Оёғига илакишган нимарса, яна уни кўл тубига торта кетди. Буни қарангки, кўлнинг ичи тўла биж-биж одам экан. Гўё у озодликка чиқаётгандай жон ҳалпида ҳаммаси унга илашиб чўкиб бормокда эди. Улар кайси томон юкори-ю, қайсиниси кўлнинг туби эканини фаҳмлаб ҳам ололмасдилар. Шу даражада эсадан оғган, бир алпозда эдиларки, кайси томонга бўлса-да, кетсалар бўлгани эди. Бу талотўпа унинг ҳар еридан, оёғи-ю кўллари, сочларигача ёпишиб, чангаллаб олгап бандилар дастидан Салим

хушидан кетди. Бүёғи нима бўлганини билмайди. Қанча чўқди, қаерга чўқди, кўлнинг қайси жойига етди, бехабар. Ўзига келтанида кўл мутлако ғойиб бўлганди.

Қандайдир оппок дарвоза қаршисида одам гуж. Уларни кўриб Салим ҳайрон қолди. Шуларнинг бари унга илашиб чиқдимикин? Ўн мингга яқин одам-а?

Аммо эндигина азоблардан кутулган одамлар хавотирда, бўйинларини қисганча ўтирадилар. Гўё уларга тин олиш учун бир сониягина имкон берилгандай. Кимдир йиғлар, кимдир қалтирас, баъзилар эса оғриётган жойларига кафтларини кўйиб даволаган бўлардилар. Бандиларнинг бари бир хил, жуда нозик матодан тикилган энгил-бош кийишганди.

Салим бунга эътибор қўлди. Ҳаммага маҳсус кийим берилдими, демак, ҳовузга қайтиш майди эди. Бундан хотиржам.

Бандилар бирин-сирин дарвозадан ичкари кирап, лек у ердан қайтиб чиқиши йўқ эди. Қандай жой бўлди экан бу ер?

Шу хаёлда Салим эшик тагида ўтирган донишмандинамо бир чолга яқинлашди. «ҳаркалай, у-бу нарса билса керак», тусмаллади у.

Бошқалардай дод солмаяпти, кўзларини бир нуктага қадаганча сокин ўтирибди. Шундай нуроний чолнинг у билан бир ҳовузда азоб чеккани ғалати туюларди.

– Каердамиз? Ҳеч нимага тушунмаяпман? – деди у донишмандинамо чолга юзланиб. Чол илкис ердан нигоҳини узиб унга каради.

– Ҳа! – деди бир нимани эслагандай. – Вақти илоҳий дейдилар буни. Асли ердаги воқеотлар билан бизнинг ахволимиз ниҳояти бир-бирига боғлик. Агарки, мулк оламидаги бирон солих ззгу ишлар қилса, бу ерда азоб чекаётган бандилар маҳфират этилгувси. Ҳозирда ўн мингга яқин осий киёматга қадар авф этилди. Бизга мувакқат ҳолат инъом килинди. Тушунишимча, хатоларимизни тузатишимиз учун яна бир имконият берилди шекилли. Уёгини... Ҳали тушунтиришади. Мен ҳам элас-элас билганларим. Бу дунёга ким келиб кўрибди, дейсиз...

– Сиз ҳам ҳовуздамидингиз? – савол назари билан қарияга каради Салим.

– Ҳайрон бўляпсизми? Ҳаа, – деди у чўзиб. – Дунёнинг ишлари. Беайб парвардигор, дейдилар, – у бир муддат жим қолди. Кейин эса кутилмаганда аччик истехзо билан деди:

— Хасис бўлганиман! Кўп билиб, билганларимни одамларга ўргатмаганман, — чол яна нигоҳини бир нуқтага қадаб ўйга толди.
— Балкі энди бу хатойимни тузата оларман... ким билади? Эдам буёкка ўтганидан кейин ўзгарар экан.

Чиндан-да шундайлигини Салим биринчи куниёқ сезганди. Лекин сира тушунолмаётганди.

— Куюқ, каттиқ жисмингиз нобуд бўлгач, хулкингиз ҳам, истакларингиз ҳам латиф танангиз сингари майинлашиши табиний-ку!

— Ўзим ўзимга ўхшамай колдим. Қай бири менман асли, ҳайронман.

Чол мийигида кулиб кўйди.

— Ростига кўчсак, ҳозир ҳам сиз сиз эмассиз. Латиф танани ташлаб, руҳингиз осмонга кетади. Ўша руҳингиз аслингиз бўлади, биродар.

— Ҳозир-чи? Ҳозир каердамиз дўзахда бўлмай? Тушган еримиз дўзах эмасмиди ҳали.

— Дўзах... у ёкка киёматдан кейин кирилади. Кўрганларингиз тасаввур эди. Танишув... Энди келган жойимизга ёки турбатга кайтарилсак керак. Буёғи нима бўлишини, очиги, билмайман. Фақат бир нарса аён. Бизга ёлғон муҳлат берилди! Чунки чин муҳлатимиз тугаган. Буниси бир имконият. Умрингизни сарҳисоб килиб, хатоларингизни тушуниб олинг. Худди ўша муаммоларга кайта дуч келишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Айниқса, гуноҳ каердан, қачон бошланганини. Ҳамма гап шунда. Ана энди акл ишлатиб ҳам жаннатга кириш мумкин экан, деб ўйляяпсизми?! Акл ишлатиш деганда илми илоҳийни айтдим, янгишманг. Бизнинг ердаги муносабатларимиз ҳам асли илоҳийдандир.

Чол ўрнидан турди ва дарвоза томон одимлаб кетди. Салим ҳам унга эргашди.

Одамлар анча тинчланган, оппок дарвозадан оқиб кириб бормоқда эдилар. Шу пайт Салим улар орасида таниш чехрани кўргандай бўлди. «Ўхшатдим, шекилли!» деб ўйлади аввал. Йўқ, ўша — Маҳмуд! Бошини этган кўйи хомуш кетяпти. Жуда чарчаган. Унга рўпара бўлишдан чўчиди, негадир. Гарчи судда ўзини жабрдийда қилиб кўрсатган бўлса-да, аввал-бош уни шу йўлга бошлаган, унга устозлик килган шу Маҳмуд эмасмиди?! Тўғри, кейин ажралиб кетдилар. У ёғлиқкина, бехавотир жой топиб олдику-я, аммо Салимни аро йўлга ташлади. Болалигидан

ўғирлик килиб суюгы қотган Салим не қиларини билмай қолди. Қилмаган ишини қилди, билмаганини ўрганди.

«Яхшиси, манави чолдан қолмаслик керак, – ўйлади у. – Балони билар экан!» Салим чолнинг микти гавдасини кўздан кочирмасликка уринди. Уни коралаб кетаверди. Лекин... Ҳали ҳеч нима бўлмай туриб дилгирилик бошланганди. Чунки у биларди, бир кунмас бир кун албатта, Махмуд билан юзма-юз келади. Бу мукаррар. Шундан юраги ғашланди. Ҳозиргина азоблардан кутулиб, эркин-эмис одимлаётган Салимдан асар ҳам қолмаганди. Бир файласуф ҳали юз бермаган баҳтсизликни ўйлаб сиқилган одамнинг ўзи ғирт ахмоқдир, деган экан.

Бу дунёи синоатда уни нималар кутаётганини қайдан ҳам билсин. Махмуд ҳам ўзгәргандир, ахир. Ҳар қалай дўзахий қиймалагичдан ўтиб, у ҳам илгариги заҳарли, ҳокимпараст хулқидан қутулгандир. Ҳа, ҳар не килганда ҳам эндиги муносабатлар бошкacha бўлса керак...

* * *

Фалакка уруж қилган руҳ ўз мақомигача кўтарилади. Қолган руҳлар ҳам шу тариқа то Арши Аълогоча, яъни Хотамул-анбиё мақомигача кўтарилади. Зоро, ҳар бири ўзининг илк мақомига етиб боради ва ўзининг илк мақоми – асл ватанини четлаб ўтольмайди.

**Азизуддин Насафиӣ,
«Зубдат ул ҳақойиқ»**

Қори домла шу вақтгача турбатини тарқ этмаганди. Бошқалардай қизикувчан ҳам эмас, бунга фурсати ҳам йўқ. Ҳамиша ибодат-да! Боз устига қабр аҳли унинг ўгитларига муҳтоҷ.

– Мувакқат ҳолатдамиз, азизларим–дейди у. – Гўёки бошқа юртга учиб кетаётгандай тайёрагоҳда ўтирибмиз ҳозир. Вақтимиз зиқ. Ибодатга шошилиш керак. Аксинча, нималаргадир улгуролмай қолишимииз мумкин.

Умуман олганда ёруғ дунёда уни нима ҳам қизиқтириши

мумкин. Ноз-пельмагларми, орзу-хавасми – пима? Үнисини ҳам, бунисини ҳам неча минг маргалаб татиб күрди. Ҳаммаси қайтакайта кўрилавериб сийқаси чиккан киноларга ўхшайди. Жонига теккан бу сунъийлик.

Бу одамнинг ўзи колиб, унга тегишли лаш-лушлар томошасига ўхшайди. Мана, Икромжони ҳам вояга етди. Ботиний маннода. Сабаб ва окибатнинг моҳиятини тушунди. Ўшандада «Нега жиноятчиларни ҳимоя қиласиз!» деб роса хуноби чикканди.

Энди у жиноятга нима сабаб бўлганини англади. Окибатни даволаб бўлмайди, лекин сабабни бартараф этиш мумкин. Масалан, уруг ерга қадалмаса, у униб чиқмайди. Агар бир нима сабаб бўлмаса, жиноят рўй бермайди. Бу бир оддият. Лекин... унда ҳаракатлантирувчи куч, мукаммаллик бор. Сабаб ва окибат фалсафасини тушунган одам ҳаётга қоқилмайди...

Унинг йўлга отланганини кўриб марҳумлар ҳайрон қарашди.

– Зиёратга! – деди у саволомуз нигоҳларга жавобан. -Тириклар ҳолидан хабар олиб, уларга далда бўлиш ҳам бир зиёратdir!

У осмонда оҳиста парвоз килди. Шунда бир пайтлар тушига кирган ҳолатни эслади.

Ўшандада ўз-ўзи билан баҳслашганди.

– У дунё жамолини унугтансан. Нодонлигинг бу – сенинг баҳтинг! – деганди руҳи. Дили айриликдан, асл Ватанидан фироқда юрганидан ўртанганди. Осмонда парвоз қилаётib, бу эркинликдан масрур, яна ўша ҳолатни тўйди, кетгиси келди. Лекин... Ҳозир эса видолашгани шогирдининг ҳузурига ошиқаётганди. Атаян унга ёрдам қилмади. Вокеа нима билаи тугашини собитлик билан кутди. Негаки, мустакил бўлсин деди, энди доим ёнида бўла олмайди, доим йўл-йўрик кўрсата олмайди-ку! Бу ҳам бир синов, имтиҳон эди.

У талабалар ижарага олган уйга келиб «қўнди». Йигитлар ширин уйқуда, бомдодга турамиз деб эрта ётишган.

Қори домла шогирдининг ўрнига. оёқ томонига аста ўтириди. Уйкуда ётган бўлса-да Икромжон буни сезди, кўзларини очиб:

– Устоз? Сизмисиз... – дея жилмайди. Бирорларнинг руҳи ухлок бўлади. Умргузаронлик килиб, етмишга кириб ҳам уйғонмаслиги мумкин. Бунинг руҳи бедор. Қалб кўзи билан уни кўра олади. Ана ҳозир ҳам билди, кўряпти чини билан.

– Кутаётгандим! Роса кутдим сизни!

- Биламан, –шогирдига меҳр-ла бокиб деди у.
- Кетасизми?
- Хайрлашгани келдим, ўғлим...
- Икромжон бироз жим қолди. Айрилиқдан тўлиқиб кетиб, гапиролмади. Кўзларида ёш ҳалқаланди.
- Энди кўришмаймизми? Рузимаҳшарга колдими висол? Ў, яна қанча кутишим керак...
- Э, бўтам-а!. Кўз очиб юмгуңчалик вакт эмас-а бу! Коинот киёсида неча асрлар бир «уф» дегунча ўтиб кетади. Вакт кўзга кўринмайди, борлигини билдирамай ўтиб бораверади.
- Фоний дунёда, –деди, домла майнин товушда. –Одамни чалғитувчи нарсалар кўп. Шу боис эҳтиёт бўлинг. Оддий яшаб юксак фикрлашни ўрганинг. Туйғуларга қул бўлманг. Зоро, биз туйғулар маҳсули эмасмиз. Зі и ламизга юклантган вазифа ғоятда улуғ. Тана – биз учун либос. Сиз ўзингизни «либос»га қурбон қилманг. Аслият учун яшанг. Зоро, моддий дунёда бутун бошли фабрикаю заводлар «либос» учун ишлайди. Бир файласуф бозорга бориб, «у ерда мен учун кераксиз матоҳлар бунчаям кўп-а!» деган экан. Дунё ҳам шундай. Биз учун кераксиз нарсалар ниҳоятда кўп. Керагини ажратса билинг. Дилингиз истаги Оллоҳ иродаси билан муштарак келса, ҳаётингиз осон кечади. Худога мақбул иш тўсиқларга учрамайди. Асли шундай бўлиши керак.
- Сўзларимдан кониқдингизми? –худди илгариги вактлардай кулиб сўради қори домла. Икромжон бош иргади. Ўрнидан туриб унга томон интилди. Устоз пешонасидан ўпиб, бошини силадида, қандай туйқус пайдо бўлган бўлса, шундайин бесас ғойиб бўлди. Икромжон нигоҳи билан уни излади!.
- Устоз! –чакирди у. –Алвидо...
- Бу уларнинг охирги учрашуви эди.
- Қори домла ярим тунда турбатга қайтди. Юлдузлар шамалоқдай порлаган осмонга тикилганча ибодатга чўмди. Шунда одам шамойилидаги латиф танасини ҳам тарқ этганини хис килди.
- Оний лаҳзаларда вужуди буткул ўзгариб кетди. Энди у одамлардай фикрлолмасди. Қандайдир бошқача бўлиб қолганди. Тана емирилгач, у билан боғлиқ ташвишлар ҳам йўқ бўлади, руҳият, фикрлар тарзи ўзгаради. У соғ онг холига ўтади. Тана тутқунлигидан қутулган руҳ ўзлигини якқол кўради, онги яна-

да тиниқлашади. Аммо шахслик фазилатлари, моддий дунёда шаклланган қувваи ҳофизаси ўзгармайди. У ўша шахс эканини англаб туради, фақат бошқача фикрлайди.

Соф онг шаклига кўчган хилқат осмонга парвоз этди. У ўзининг илгариги Нуриллоҳ қори эканини англаб туарар, лекин айни чоғда у эмаслигини ҳам биларди. Қизиги шундаки, икки хулоса ҳам тўғри эди.

Пастда қори домланинг ибодат қилаётган латиф танаси колди. У бир неча кун қабр атрофида изғиб юрди, ибодатда бўлди. Лекин одамлар билан гаплашмади, сўзлаша олмасди ҳам. Атрофдагилар эса унинг ўзгариб қолганидан ҳайрон эдилар.

У жилмаяр, лекин сўрокларга жавоб қилолмасди. Буни фақат хикматилла исмли олим одамгина тушунди.

— Қори домла турбатни тарқ этибдилар, —деди у. —Илоҳим охиратда юз кўришишлик насиб қилсин! — осмонга тикилганча кўшимча қилди олим. Вужудида аллабир ҳаяжон туйди. Бир кун келиб улар ҳам кетадилар-да!

Латиф тана орадан икки-уч кун ўтиб, хираланди ва йўқ бўлиб кетди. Энди у Ерни бутунлай тарқ этганди. Ерда қори домлани эслатгувчи дўмпайган қабр қолди, холос. Йўқ. у одамлар хоти-расида, шогирдининг қалбida қолди...

АРМОНЛИ ДУНЁ

Қабристонда унган кўм-кўк майсалар
Киприкдайин маъсум, маъюс тизилган.
Баргларнинг учида шабнам томчилар
Куз ёшидай мунгли, гамгин сизилган.

Дилором Абдураҳмон

Майитни «Тез ёрдам» га солиб олиб кетдилар. Форма кийган мелиса Йигитлар эса суриштирув ишларини бошлаб юборишиди. Марҳумнинг кимлигини ҳеч ким билолмади. Ёнида на бир хат-хужжат бор, на бир манзилгоҳ. Факат гўрковнинг ўғли:

— Кечаги жанозага келган одам эди, — деди. — Кун бўйи шу аҳвол ўтирувди.

— Кеча? Кеча кимни олиб келишганди? —калаванинг бир учি топилганидан жонланиб сўради мелиса Йигит.

Ўғланинг ўрнига, бу сафар гўрковнинг ўзи жавоб қилди.

— Карим аканинг кизи дейишди. Биринчи тупикдаги. Ёшгина экан. Роса қиёмат бўлди. Тўхтанг... шуни эри бўлмасин яна. Боя бир йигит сўраб кеганди. Қабристондан уйига қайтмаганмиш. Бошка хотин олган экан. Ўшанинг укаси «поччамни топиб берасанла» деб азахонада роса тўполон кўтарибди. Ҳой, мусулмон, кеча кабристондан ҳамма қайтган деб тушунтиришибди, тушунмасмиш. Буёқдагиларга ишонмай уй ичини қараб чиққанмиш...

Мелисалар сергак тортишди. Карим аканинг манзилини ёзиб олишди-ю, гўрковга раҳмат айтиб, жўнаб кетдилар.

Мелиса йигитлар дўкон ёнидан тор кўчага бурилгач, бел бойлаб турганларга кўзлари тушиди. Ҳойна-ҳой шу уй бўлса керак. Фотиҳанинг иккинчи куни бугун.

Мелиса-машина келиб тўт ғанидан ҳайрон Карим ака уларга пешвоз чиқди. Аммо улар узоқ ушланиб колмадилар. Куёвнинг манзилини билдилару жўнадилар.

— Эрталаб... одам келиб эди-я уларнидан! —хаёлчан деди Карим ака. Бир ёмон хабарни сезиб, юраги увишди.

— Озод! — хотинини чакирди у ичкари кириб. —Аёлининг юргилаб чиққанини кўриб деди.

— Кечакуёвинг уйига бормабди!

— Войй!!!- оғзига дастрўмолчасини босиб бакириб юборди аёл. — Ишкилиб тинчлик бўлсин-э! Тавба-ей, тавба!. Энди шу ҳам бормиди бизга! Аҳмоқ бола-я, аҳмоқ бола! —деди у. Кейин ёдига бир нима тушгандай хавотирланиб сўради. —Мелисалар нега келишибди?

— Эрталаб қизингни қабри тепасида бирор ўтирганмиш. Бориб карашса, ўлиб бўлган экан.

— Астағифируллоҳ! Ўзинг асраре! — Озода ая «ув» тортиб йиглаб юборди. Нахот, куёви бўлса-я ўша одам. Бояқиши-э, чидолмапти-да! Чиндан яхши кўрган экан-а!. У эса маза-бемаза гаплар билан уни узиб-узиб олганди. Яна «бопладимми» дегандай ичидан яйраганди. Бу шўрликнинг дарди ичидан экан-е!

— Мусибат келса, кўша келади, деганлари шумикан-а? Бу дунёда нима кўрди у бечора!—деб йиглади Озода ая...

Бу пайтда бўлган ишлардан мутлак бехабар Холида жаҳл отига минганди. Ҳомиладор хотининиям ўйламайди бу одам. Ўлганинг кетидан ўлиб бўладими?! Кечаси туриб кетганча бир

кун ўтди, ҳали йўқ. Бир оғиз телефон ҳам килемайди. Ой-куни яқин бўлса бунинг. Шуларни ўйлаб Холиданинг юраги сикилди. Салима ая ҳам ўғлидан хавотир олаётганди. Келинининг гарстурс қилаётганидан тушунарли ҳаммаси. Ўғли ўшаёқда юрса, бунинг жини қўзийверади. Ўғлига ҳам ақл кирмади ҳеч. Эртага ота бўлади, юриши бу. Аммо уларнинг ҳеч бири ёмон хаёлга бормасди. Азахонада ётволиб хизмат қиляпти, деб ўйлашарди. Тўғри-да, уйдан соппа-соғ, икки оёғи билан чиқиб кетган бўлса, яна нима деб ўйлашсин. Бироннинг ичини бирор кўрмаса, ичи адойи тамом бўлганини қайдан ҳам билсинглар.

Кутимаганда дарвоза тагига машина келиб тўхтади. Салима аянинг юраги бир орзиқди. Бахтиёрим келди деб ўйлади у. Дарвозани очишга югуради. Аммо не кўз билан кўрсинки, эшик тагида иккита мелиса йигит турарди.

– Нима бало бўпти яна? – мелисаларга савол назари билан каради у. Кейин эрини чақирди. – Дадаси, эшикка каранг, мелиса келди!

Наримон ака эгнига енгил камзулини илиб ташқарига шошилди.

– Нима гап? – Йигитлар билан кўришаркан ҳайрон бўлиб сўради у. – Тинчликми?

– Бахтиёр Мирраҳимов шу ерда турадими?

– Ҳа! – яна ҳайрон бўлди ота.

– Биз билан боришингиз керак!.

– Нега? – Наримон ака гарангсиб туриб қолди.

– Биз билан юринг, ўша ерда тушунтирамиз! – деди мелиса йигит бир аёлга, бир отага қааркан.

– Болам, нима гап бўлиби, айтинг юракни сикмай. Бахтиёрим тинчми? – деди Салима ая.

Мелиса йигит индамади. Нима дейишини билмади чоги.

– Тинчлик... – деди у ковоғини уйиб. Аммо турк-тароватидан тинчлик эмаслиги шундоккина англашилиб турарди.

– Битта-яримтаси минам муштлашибдими яна!. Бурунги сафар ҳам калтак еб келганди ўшатдан. Барibir оёғини тортмайди бу...

– Кўп гапирма, уйга кир! – кўчалик костюмини кийиб чиқсан ота хотинини койиди. – Буларни ишлари кўп, вактини олиб нима киласан? Ишингга бор...

— Адаси, ўшатдан тилпон қилинг. Үнгача юрагим ёрилиб ўламан.

— Бўпти, бўпти, — зарда килди чол, мелиса йигитлар билан олдинма- кетин машинага ўтиаркан.

— Бахтиёр бир ишкан қилибдими? — сўради ота машина ўрнидан кўзгалгач. Аммо йигитлар жўяли бир нима демадилар. Саволга савол билан жавоб қилишди.

— Ўғлингиз... кеча жанозага борганими?

— Ҳа, борганди, — жанозанинг бунга нима алокаси бор экан деб ўйлади чол.

— Кейин қайтмадими?

— Йўқ?! — яна ҳайрон бўлди ота.

— Бир одамни мозор бошидан топиб олишган, - узоқдан тап бошлади йигит. — Шу... сизнинг ўғлингиз эмасмикин, деб гумон қиляпмиз.

— Ўзи соғми?

— Соғ эмас-да ота!

— Ичганми?

— Йўғ-э...

— Беҳушми, унда? — Ҳайрон бўлди ота. Мелиса йигит нима дейишни билмай колди. Кейин:

— Ундан ҳам баттар! — деди бошини згиб.

— Баттар деганингиз нимасси?

— У ўлган!

— Ё раббий! Астафируллоҳ! Туф-туф... Битта-яримта алкаш ўлиб қолгандир. Жанозага соппа-соғ чиқиб кетувди. Адашяпсиз, ўғлим...

— Илойим, адашган бўлайлик, ота! Бу бир гумонда... Гўрковнинг ўғли кечада жанозага келганди, деди. Кун бўйи қабр тепасида ўтирганмиш. Эртасига эрталаб ҳам шу аҳволмиш. Алкаш-палкашмикин, деб елкасидан туртишса, йиқилиб тушибди. Жони узилган экан, ота!

Наримон аканинг лаблари қимтилди, пешонаси тиришди. Юрагини тош босди гўё. Кимдир «бу сенинг боланг, бу Бахтиёр!» деётгандай юраги гупиллаб уриб кетди. Узун асфалт йўл ҳеч качон тугамайдигандай сиқилиб, кетди, атрофда визиллаб учётган машиналар ғашига тегиб, асабини баттар қайради.

– Ўғлингизнинг бирон белгилари бормиди? – оғир жимликни бўзиб сўради мелиса йигит. – Масалан, холими, догими бормиди, баданида?

Ота ўйланиб қолди, кейин бирдан жонланди.

– Ҳа, бор! – деди шошганча. – Бўйнининг пастида тукли холи бор. Асли исмини Холдорвой қўйишим керак эди. Онаси Баҳтиёр қўямиз деб туриб олган. – Холи борми, топилган одамнинг? – сўради ота умидланиб.

– Бор шекилли... аниқ билмайман, – мавҳум жавоб қилди мелисанер.

Машина бир бино қархисида тўхтади.

Йигитлар отани даҳлизда қолдириб, ўзлари ичкари кириб кетишди.

Наримон ота атрофга аланглади. Мелисаҳона эмас шекилли бу ер.

Акли етди бунга. Атрофда оқ ҳалат кийганлар юрибди. Бирон балнисамикин, ўлади у. Отада яна умид уйғонди. Ўғли балки бетобдир... Тўғри-да, собик келини Раънони жуда яхши кўрарди. Иккинчи хотинга уйланганида ҳам уни ташламайман, деб туриб олган. Вой, унинг сўкканлари... ана оқибат. Отанинг юраги сиқилиб кетди, икки кўзи эшикда, йигитларни ана чиқар, мана чиқар деб ўсал бўлиб пойлади. Юраги нақ томоғида ураёт-гандай нафас олишга қўймасди. Вой, чиқа қолсачи-я?

Бир пайт эшикда таниш мелиса йигит пайдо бўлди.

– Ота... киринг! – деди у секин. Уни етаклаб катта хонага олиб киришди.

Ўртадаги баланд катда устига оқ чойшаб ёпилган мурдани кўрди-ю, отанинг кўз олди тиниб, ичи ағдарилаёзди. Оёғидан мадор қочди. Аранг, амаллаб унинг тепасига борди.

Мелиса чойшабнинг бир учини кўтариб очиши билан ота бақириб юборди.

– Ё Раббий! Болааам!

Бу Баҳтиёр эди. Юзидан қон қочган, соchlари тўзиб ётганига қарамай, уни дарров таниди. Ота бошини чангллаганча ҳўнграб юборди.

– Нималар қилиб қўйдинг, болам?!

Мелиса йигит Наримон отани ташқарига олиб чиқди, дори ичирди. Ота ҳамон ўзига келолмасди.

— Ота, одам одамга ўхшайди. Нишонини кўрмадингиз-ку, ҳали..., — уни овутган бўлди Йигит. Лекин ота ноумид кўл силтади. Чунки бу барибир ҳеч нимани ўзгартирмасди. Мелисанинг ўзи ичкари кириб кетди. Сал ўтмай ранги ўзгариб чиқди.

— Елкасида ҳоли бор экан! — деди у секин.

— Ота, бардам бўлинг! — Наримон ота яна хўнграб йиғлади.

— Бу не кўргилик бўлди, болам! — мелисага қараб деди у. — Хотини хомиладор эди. Ўн йилда энди фарзанд бўлувди. Курмади-я боласининг рухсорини. Насиб қилмаган экан. Кўшгани билан кўшмазор бўлди-я...

Мелиса йигит унга ачинганча индамай кутди. Ҳозир отага ҳужжат ҳакида гапириш ортиқчадай туюлди. Лекин иш, ишда!. Ҳужжатсиз ҳозир ўликни ҳам кўмомлайди. Ҳужжат бўлса, одамсиз бўлмаса йўқ.

— Энди ота, бўёғи ҳужжатлар битгунча битта-яримтани чақиринг ёнингизга!. Уйга хабар бериш керак...

Отанинг кўлига телефон тутказишиди.

Юраги зил-замбил. Бу хабарни уларга қандоқ айтади? Нима дейди? Онаси нима қиласди энди? Ёлғиз ўғил эди-ку! Тобуткаши... ота аранг ракам терди. Яхшиямки телефонни келини опди.

— Алий... Холида... келин?! — у гапиролмай йиғлаб юборди.
— Бахтиёрдан айрилиб қолибмиз, болам! Аянгизга ётиғи билан айтинг! Қўни-қўшинига чиқинг... Йиғламай гапимни эшитинг аввал, ҳой келин!. Тайёргарлик кўраверинглар. Дилшод тогангиз билан Дилмурод бу ёққа келишсин. Мошин керак. Ҳаммага хабар берийла! Йиғламанг дедим-ку, келин, — каттиқрок гапирди Наримон ота. — Ҳозир бошингизга тумонат ёғилади. Уёқ- буёғингизга қараб кўйинг ундан кўраси.

Ота шундай деб гўшакни кўйди-ю, яна сим қокди. Жияни Дилшодга! Машина билан тезда етиб келишини буюрди. Келинига ишонмади.

Ўлимнинг тўсатдан келгани ёмон.

Тўй маслаҳат билан бўлади, ўлим кутмайди, кунни ҳам, аҳволингни ҳам хисобга олмайди. У мархумни чиқариш ҳакида ўйламаётганди. Аввал уни бу ердан олиб кетиш керак. Касал одам ўлса, осон экан. Кекса бўлсаям йўриғи бошқа. Соппа-соғ одам, акс бўлиб кўчада ўлса, буям ёмон бўларкан. Текшириш керакмиш. Балки бирор қасддан ўлдиргандир, дейди бу мелиса.

Куни билан шу ерда қолиб кетади шекилли. У йиғлар, муштими тугиб у ёқдан бу ёқка юрар, барибир бўлмасди. Ўтирган ўрни тикан, юрган йўли тош эди. Вакт ўтмасди. Соат миллари бир жойда тўхтаб қолганди.

Шу пайт жиянлари хонага шитоб билан кириб келишди.

– Тинчликми, тога?! Нима гап?

Наримон ака, шундок оғир-вазмин одам, жиянининг бўйнидан кучиб йиглаб юборди.

– Бахтиёрдан айрилиб қолибмиз...

Дилшод жияни – опасининг ўғли, дарров ичкари кириб кетди. Мелиса-ю, дўхтирилари билан гаплашиб, ишни ҳал қилиб чиқди. Наримон аканинг ўзи шалвираб тушди. Атрофда нималар бўлаётганини англаш ҳам ололмасди.

Ҳали аза эълон қилинмагани бисс ташки эшик ёпик, узок-якин қариндошлар шошиб келмокда эдилар. Лекин ичкарида бир дилгирлик, бир асабийлик бор эди. Одамлар шивирлашиб гаплашишар, ора-сира йиги овози эшитилиб қоларди. Гарчи айтилмаса-да, Бахтиёрнинг кабр тепасида қайтиш қилганини ҳамма билиб бўлганди.

Ора-сира қўни-қўшни кирар, шунда ивир-шивир гаплар бошланиб қоларди.

– Раъно келин бор эди-ку, ўша ўлганмиш. Кўзи очиқ кетибди.

Буни ҳам ўша олиб кетди, дейишяпти. Мозорда ўлиб қопти...

– Вой тавба-ей, энди бу келин жинни бўляпти?!

Холида меровсираб қолган, Салима ая эса нима деяётганини билмас, атрофдагиларнинг имлашига қарамай:

– Кўшмозор бўлган болам-ей! – деб бақиради.

Янги кудалар Холида оғироёқ бўлгани учун «чиллалик» қизимизни олиб кетамиз, деб туриб олишди. Келин йиғлар, кетмайман, деб тихирлик қиласди.

– Бир йил ҳам эрлик қилмаган кишига аза тутиб, нима киласан? – жеркиди уни онаси. – Сени хотин ўрнида кўрганмиди ҳеч? Тур, кўзингни сидигини окизмай! – Хотин қуда атайлаб, теккизиб гапирди. Гарчи ҳозир гина-кудуратларнинг фурсати бўлмаса-да, ёшгина қизларининг бева қолгани алам қилаётганди. Устига-устак куёвларининг бундайин аҳмокона ўлимини ҳеч ҳазм килолмаётгандилар.

– Ўша хотинини шунчалик яхши кўрар экан, нима киларди бошқа уйланиб, сениям баҳтиқаро қилиб... Боласиниям кўрмади мана! – деди онаси.

Бир чеккаси Холидадан ҳам айб ўтди. Бирорнинг ошига қошиқ соглан асли у эмасми? Баҳтиёр очигини айтганди унга. «Хотинимни ташламайман» деганди. Холида буни уйидаги-лардан яширди. Бу гапга парво қилмай тегиб олди. Бола туғиб берсам, менга чиппа ёпишади, деб ўйлади. Калта ўйлаган экан. Ахир икки-учта болалик эр-хотинлар ҳам ажрашиб ётишибди-ку! Демак... гап болада эмас! У билмайдиган яна нимадир бор! Мұхабbat деганлари шумикин?! Ўша сүяқ-саёқнинг нимасини яхши кўрган экан. Дўмбиллаган Холида қаёқдаю, ўша танноз итирики қаёқда!

Бу эса... Холида азиз бир нарсасидан айрилгандай ичи ёнарди. Эри ўлди, оддийгина ўлса ҳам майлийди-я! Анавиниси билан кетди. Ўлиги ҳам уники экан, қаранг. Холида аҳмок эр меники деб юраверибди. Аслида у бегона аёлнинг эри эди ва охиригача шундай бўлиб қолди.

У шунисига чидолмаётганди. Такдир уни нега бунчалар каттиқ жазолаганига ҳеч тушунолмаётганди. Чинданам кетгани яхши. Бу ерда қолиб нима каромат кўрсатарди энди. Одамларнинг нигоҳи чакиб оляпти. «Бунга қандок таъсир қилибди?» деб ҳаммаси бир чигирикдан ўтказяпти. Бунча тошбағир бўлмаса бу одамлар! Нима бўлганда ҳам ўша одам билан бир йил яшади, бир йилдан бери ўрганиб қолган экан. Кўнгли хувиллаб қолди. Баригириб умиди бор эди-да! Бола туғилса, ўзагаради деб ўйлаганди. Насиб қилмаган экан.

Бирор у деди, бирор бу деди, аммо Холидани ота- онаси олиб кетди. Азага ҳам ўзлари келдилару, Холидани келтирмадилар.

У ёқда эса марҳум Баҳтиёрнинг хат-хужжати битиши қийин бўлди. Эрталабдан бошланган дилхунлик кечгача давом этди. Бунака пайтда мелиса ҳам, дўхтирлар ҳам ўзидан кўркар экан. Пулга ҳам кўнмади, текширамиз деб туриб олди. Кундошининг уйидагилар «захар бергандир», эмиш. Қизининг касали туфайли айблаб, қасос олган бўлишлари мумкин, дейди. Лекин Наримон ота биларди, қудалари ундай кишилар эмас. Ўқимишли, мусулмон, пок одамлар. Факат келиннинг тогаси бемаъни, ўпка

Йигитлардан эди. Барибир... бирорни ўлдиришга кўли бормас ҳар қалай...

Майит мелисаҳонада бир кун қоладиган бўлди. Ҳонадои эгаларининг эса ичи узилди кутавериб.

Наримон ота қайтди. Эшик ланг очиқ, уй ёқавайрон одамга ўхшарди. Бетартиб ҳаммаёқ. Сандиқлар очилган, уй эгалари бу аҳвол бўлгани учун бош-бошга қовушмасди. Шу куни таомилга кўра уйда овқат қилинмади. Кўни-кўшни чеълакда мошхурда, ош чиқарди. Келиб-кетгувчилар ҳам шундан тотиндилар.

Қариндош-урӯғ бир бўлиб, маросимнинг маслаҳати қилинди. Жигарингиздан айрилсангиз-у, яна келиб-кетгувчилар учун олинадиган ноз-неъматлар рўйхатини тилсангиз. Наилож, одатимиз шунака экан-да! Ўзбекнинг тўти ҳам, азаси ҳам ош-сувсиз ўтмайди эмиш.

Бироқ Салима ая бундайин маросимда катнаша олмади. Ичкари уйда ҳаёли кочган бир аҳвол бўлиб ётарди... бу пайтда эса марҳум не қиларини билмай уйма-уй саросар кезинарди. Бир кўнгли Раънода, бир кўнгли бу ёқда эди.

Нима бўлганини ўзи тушунмас, лекин бу ҳукм адолатли туюларди ўзига. Тириклар бир кунини кўриб кетади. ота-онаси ҳам кўникар бу йўқотишга. Лекин Раъно... У коронғуликдан кўркади-ку!

– Қабр ичи қоронғи, коп-коронғи! – деб Йиглади у. Шу боис ёнида колди. Далда бўларман, деди. Умуман Раъно ўлганидан кейин, бўш идишга ўхшаб қолди. Фикри ҳам. ўзи ҳам тўзиб кетди. Лекин... ўламан деб ўйламаганди. Ўлим шунаقا осонми, экан? Қачон ўтганини билмай колиб, рози-ризолик ҳам тилашмади бундок. Фақат қиб қўйган ишидан уялди. Онасига, бир чеккаси Холидагаям ачинди. Аммо ўша пайтда, бу ҳақда ўйлолмасди, бу кўнглига сиғмас ҳам эди. Энди эса кеч... Ҳеч нимага улгурмади-я...

Арвоҳ аста онаси ётган хонага ўтди. Билади, онаси мудраб ўтирибди. Ухлаб ухлолмайди, бедор бўлиб бедор змас. Бунака ҳолат гаплашиш учун кулай. Уни кўриб кўркиб ҳам кетмайди. Туш кўряпиман деб ўйлайди. Онаси уни кўриши билан қалқиб оёкка турди. Боласининг бўйниларидан ачомлади.

– Бахтиёр, болам!!! – Энг азиз нарсаси топилгандай деди у.

— Тузук экансан-а! Жоним чикай деди-я! — Онаизор боласининг ўлганини тушига йўйди. Айни ҳолатни эса ҳақиқат деб тушунди.

— Жиннимисан! Одамни шунака қўркитасанми? Бу нима қилик?

Бахтиёр индамади. Хомуш эди, жудаям хомуш.

— Ойи... — деди у онасининг гапларини эшитмагандай. — Мен кетяпман. Хафа бўлманг, ойи. Розиман, денг. Розиман дей колинг, — ялинди Бахтиёр.

— Ҳозир келдинг-ку, каёкка кетасан яна? — одатча боласини тергади она. Аммо ўғлини бунақангি ялинчоқлиги галати туюлиб жим бўлиб қолди. Бўйини қисиб гапиришлари ҳам ўзига ўхшамасди ҳеч.

Айникса, кейинги довур серзарда бўлиб қолганди, Холидага уйланганидан кейин. Юраги бир нимани сезиб «зирқ» этди. Бунга бир бало бўлган!

— Бахтиёр..., — она нима бўлганини ўзидан сўрамоқчи бўлди. Аммо ҳозиргина мулойим турган ўғли бирдан ўзгарди.

— Кетишим керак... — деди у шошиб. — У кўрқяпти. Бир ўзи кўркяпти. Ойи, — деди яна гап бошлаб. — Дадамга айтинг, мени Сағбонга кўйишсин!

Бахтиёр бошқа ҳеч нима демади. Қандай кутилмаганда пайдо бўлган бўлса шундай ғойиб бўлди. Салима ая тушида уйма-уй юриб ўғлини роса қидирди. Бахтиёрнинг шиппаги бормишу ўзи йўқмиш. Қарамаган жой, колмабди. Бир чеккаси ўғлининг хайрлашмай кетганидан аччиғи чиқармиш-э...

Ая босинқираб уйғониб кетди. Тушини, Бахтиёрни эслаб ўпкаси тўлди. Ўқраб юбормаслик учун оғзига дастрўмолчасини босди. Кейин ўғлининг «Сағбонга кўйинглар...» деганини эслаб, Наримон акани чакиртириди.

Хориган, ғамбода эри келиб, теграсига ўтирган заҳоти ая йиглашга тушди.

— Яна ўшани деялти бу. — кўз ёшларини бармоғи билан сидирганча деди у. — Уни Сағбонга кўмармишмиз...

Наримон ака ҳайрон бўлди. Кўнглига гулу оралади. Бошига мусибат тушиб, хотини эсдан оғган бўлса-я!

— Ўшани, деганинг нимасси? Ўлган одамларни гапириб нима киласан! — жеркиди у.

— Э, — деди аёл кўл силкиб, — ўлиб ҳам тинчимади булар.

Ўғлингиз тушимга кирибди! – Ётиғи билан тушунтира бошлади ая. – Мани Сағбонга қўйинглар деб кетди. Раъно... коронгидан кўркар эмиш... Шундаям бизни эмас, ўшани дејти, – яна йиглай бошлади ая.

– Эсинг борми, сен хотиннинг! – уни койиди эри. – Шу пайдаям ўғлингни кизғанасанми? Нима бўлса бўлди энди! Охиратини сўра ундан кўраси, – чол шундай дея жим колди. Кейин яна гап бошлади.

– Мен ҳам буни ўйлагандим, – салмоқилаб деди ота. – Лекин... Сағбонда жой йўқмиш. Марҳума билан бир қабрга қўйиш мумкинмиш факат... Уйидагилар рози бўлса агар!

– Ие?!- Ҳозиргина йиглаб ўтирган аёл бирдан хезланди. – Ўша мегажинни ёнига қўйди ракарканмани? Ҷоламни шу ўлдирди-ку! Ўшанга куйди бунингиз. Боласини ҳас, бizzиям ўйламади. Ана, энди аҳвол. Бошида бир чақаси йўқ, топганини ўшанга ташиган. Охиратда ҳам чиркиратсинми энди! – бобиллаб берди ая.

– Ҳой! – танбих берди Наримон ота. – Секинрок... Одамлар эшитса нима дейди. Ўликни обчиқмай туриб кўрсатаётган машмашангни қара! Пешонасиға битилгани шу экан. Яхшиси Куръонингни ўқи, розиман дегин, сўрок-саволи осон булсин дегин, тупроғи енгил бўлсин де, – Наримон ота охирги сўзларни йиглаб гапирди. – Мен қудалар билан гапиришаман. Раъононинг қабрига қўйиш учун рухсат олиш керак...

– Вой, тўба, тўба! Астопирилло! Улар ҳам қизи касал бўлгандан бери бизни қарғаб ётганди. Энди қабрга қўйдирадими? Қарғишига қолдик. Қарғишинага қолдик... – деб ёзғирди Салима ая ўрнидан тураркан.

Наримон ота индамади. У ўғлининг оромини ўйларди, жойида тинч ётсин деяётганди. Ҳамма уринишлари шунга эди-да! Ҳеч курса марҳумнинг сўнгги илинжини бажариш савоб-ку! Лекин қудалари бунга кўнадими-йўқми, билмайди. Ишониб-ишонмай уларникига одам жўнатди. Дилшод жияни уларга ҳаммасини ётиғи билан тушунтириди. Лекин... қабрни очолмаймиз, дейишибди улар. Марҳума безовта бўлади, деганишлар. Янги қабр очилмайди, эмиш. Уяммас-буяммас, исташмаган аввалбош. Уларнинг ҳам дили оғриган, буларники ҳам... Марҳумларни эса чен ким ўй ташаббусиди.

Наримон отанинг қадди букилди. Сунгги умиди ҳам пучга чикқанди. Мархумнинг сунгти истагини бажариш ҳам одамга таскин бўларкан-да! Наилож. Нима ҳам киларди энди! Октеага, ўзларининг хилхоналарига кўйдиради-да!

Соат тунги тўртлар бўлиб колганди. «Тез ёрдам» машинаси чирокларини ёқиб бу кўча томон бурилди-ю, эшик тагида тўхтади. Машина келганини билиб, эркакларнинг танбих беришига қарамай, уввос согланча хотин-халаж ҳам ташқарига отилди. Устига оқ чойшаб тортилган майит касалхона замбилида ичкарига олинниб, аввалдан тайёрланган кўрпачаларга ётқизилганида кимдир додлади, кимдир хушидан кетди... Тонггача саловат айтилди. Барча таомиллари бажарилди. Бироқ майит бомдодга эмас, пешинга чикарилди. Чунки бомдодга улгурмадилар. Одамлар орасида эса ҳар хил миш-миш юрадди. Эмишки, азага борган күёвни Раъно келиннинг тоғаси пичоқлаб кўйганмиш. Faccop майитни юваётуб пичоқ изларини ўз кўзи билан кўрибди. Тогани ўша куниёқ мелиса олиб кетибди. У ҳозир сўрок бераётганмиш... Яна бошқа бирорлар Бахтиёрни кўчада ўлдириб кетишибди, дейишарди.

Унинг танасини кўрикдан ўтказган шифокорлар аник бир фикр айтолмадилар. Чунки юрак соппа-соғ, фақат уришдан тўхтаганди. Биронта ҳам аъзоси шикастланмаган. Майитнинг текширувда узок ушлаб туришига ҳам шу сабаб бўлди.

Қон таҳлили олинди, ошқозон текширилди. Шунда ҳам мархумнинг ўлими сабаблари аниқланмади. Балки севгилисига далда бўлмоқ ниятида танасидан чиккан рух ортига қайтолмай колгандир. Буниси энди коронғу.

Тушга яқин қизил духобага ўралган тобут азот кўтарилди.

Одамлар денгиз қалқитган кемадай, тобутни қўлма-қўл қилиб кўтарганча олиб кетдилар. Орқада соchlари тўзиган, бошидаги рўмоли ерга тушган бир алпозда онаси колди.

– Кетди-я! – деди у телбанамо. – Ростдан ҳам кетди!

ГУЛХУМОРНИНГ КЕТИШИ

Билгилки, жон танаðан ажратгандан кейин агар у компилликка эришигап бўлса, уруж (аслига қайтиб), асил ақллар ҳузурига қайтади ва гаш олами жони билан қўшилади. Чунки инсон руҳининг камолоти ақллар ва фалаклар олами руҳи билан вобастадир, зоро фалаклар оланинг барча жонлари ва ақллари маърифат ва сафо соҳибидирлар.

**Азизуддин Насафиий,
«Зубдат ул ҳақойик»**

Юра-юра қабристон оёғига кели ў қолибман. Баногоҳ пастак-кина бута ортида бир жуфт қабутардай қўнишиб ўтирган руҳларга кўзим тушди. Ие, ҳайрон қолдим мен, бу ерда ҳам бўларканда «канавинакалар», яъни «севишганлар» демоқчиман.

Даст орқамга бурилиб кетмоқчи эдим, назаримда киз йиғлаётгандай туюлди. Кўнглимга бир иштибоҳ оралади. Нега у йиғлаяпти? Шу ҳавотирда бутанинг у томонига мўрладиму, оппок кўйлакли кизни таниб қолдим. Бу ўша қиз эди. Доим шу томонларда маҳзун, маъюс бир киёфада тентиб юарди. Кўзлари қайгули... Уни биздан анча кейин қўйишган. Нега бу ахвол юришини ҳеч ўйламабман. Бир дарди бор-ов, яна ким билсин қабр хаётига қўниколмаётгандир.

Кейинги пайтларда қандайдир локайд бўлиб бораётганимни сезяпман ўзим ҳам. Ким ким билан, нега бунака деган саволлар ўтмишимда колган. Ҳозир тўқсон ёшли кампирдай ҳеч нарсага ҳайратланмайман. Лекин... унинг ёнида ўтирган одамга кўзим тушди-ю, ҳайрон қолдим. Ботирали-ку бу?! Нима килиб ўтирибди у билан. Тавба... бурун тиқмаган жойи йўқ бу одамнинг. Қиз йиглаб бир нималар деяпти, у эса одатича тасбих ўгириб уни маъюс тинглаяпти. Шу тоб мени кўриб, шошиб қолди. Кўли билан:

— Кетинг! Даф бўлинг!—дегандай ишора қилди.

Ҳайронликда, дилим ғаш ортга чекиндим. Нима бўлдийкин? Одамлар ўлиб ҳам тинчимас экан-да! Шу ерда ҳам йиги-сиғи! Мени ҳайдагани ортиқча яна. Нима, ҳайдамаса, тепасига бориб

олармидим. Шу Ботирали ҳам ажойиб ўзи. Менга ҳам «німа дардингиз бор» деб ёпишиб олганди. Ҳаммага шунақа киларканда! Ҳай майли...

Ҳилпираган матодай қабристон кеза бошладим. Дўймлайган қабрлар хувиллаб колган. Атрофда маъюс хотиржамлик, маъюс сукунат ҳукмрон. Қабрларнинг жони борга ўхшайди. Марҳумлар тириклардан бир сирни яшириб, ҳаловатда ётгандайлар гүё. Негадир энди бу ерда колишининг маъноси йўқдай туюлди менга. Мен билганлар ҳаммаси кетиб бўлди. Кори домла, Моҳигул, Сафар ота, Назира ая, Отин аёл – ҳаммалари кетишиди. Онам ҳам ўзидан тинди. Ортиқ безовта қилмаяптилар. Факат анави бизнесмен олифталар колишган. Зерикишяпти, шу сабабли тирикларнинг ишига аралашиб юришиби.

Нима кераги бор, де́ман мен, уларнинг қисматини ўзгартиrolмагандан кейин. Қайтага ҳаммасини баттар чалкаштириб юборишиди. Бу дунёга ўтиб ҳам ўзгаришмади-я! Кўлида бузилган «сотка», кетида мулозимларим бор. Адолат ўрнатишармиш. Қандай ўрнатишади?! Яқинда бозорда бир ишкан чиқаришибди. Ўшандан бери қабрдан чиқишмади. Шунака хато қилганларни, гуноҳкорларни қабр кўйинб юбормайди...

Воқеа бундай бўлган. Бир чол автобус бекатида памилдори сотаётган экан, мелиса келиб:

– Ота, бу ерда нарса сотиш мумкинмас! – дебди яхшиликча. Мўйсафиднинг қайсарли и тутиб бакириб берибди.

– Нега мумкинмас! Шу ерда сотганим сотган! – деб икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олибди.

Мелиса бола:

– Мошин босиб кетади, ота! Четроққа ўтинг! – деб чолнинг кўлидан тортган экан, у паққа йикилиб берибди. Шуни кўриб, «анавилар» оламонни гиж-гижлашибди. «Мелиса 70 яшар чолни урди!» деб гап тарқатишибди. Бозорчилар мелисаларни ёмон кўради. Доим бир-бирини қувиб юради. Шу баҳона одамлар меслисани дўплослай кетибди. Чол билан ҳеч кимнинг иши йўқмиш. Қайтага тўполонда памилдориси челак-пелаги билан ағдарилиб, томатга айланибди, отахон йиқилиб, оёғи синибди. Ана энди бозорга ҳам чиқолмай ўтирганмиш... шуми энди адолат. Чол бечора нон пулисиз колибди, бор гап шу. Оёғи качон битади, номаълум.

Одам ёшлигини кўмсаганидай, марҳумлар бу ёқка ўтиб

дунёвий ҳаётни қўмсашади. Ўшаларга ўхшаб яшагиси келади. Лекин... яшолмас экансан.

Анавилар сингари баъзи руҳлар уйларида қолиб кетади. Ботиралига ўхшаб неча юз йилдан бери сарсон юрган руҳлар қанча!!! Тирикларга осилиб олган руҳларни ҳам кўрганман. Охири касал қилишади ўша одамни ҳам. Шифоҳонада саратонга чалингган аёлнинг гарданига бир арвоҳ мингашиб олганди. Аёл ўлганидан кейин ҳам арвоҳ уни қўйиб юбормади. Домлалар ўқий-ўқий, аёл рухини базур куткариб олишди. Маълум бўлишича, зулукдай ёпишган рух уканинг арвоҳи экан. Иродаси бўшлар шунаقا қилишади. Ёруғ оламда оёқ остида ер бор, таянч бўладиган ҳеш-акробо-ю, дўстлар бор. Бу ерда... рухингизга монанд руҳлар бор, холос. Сиз учун ер ҳам йўқ, қабр бор. Аввал бошда мен ҳам онамга ёпишганимни слаб ғалати бўлиб кетаман. Аслида онам ҳадеб йиғлаб-сиктагани учун шундай қилгандим... Шаҳноза холам мени ҳайдаб-солиб тўғри қилганлар. Мана, онамнинг умриларидан бор экан, яшаб юрибдилар. Ҳаётдан мамнунлар ҳар калай.

Бу ёкка ўтиб яна бир нарсани тушундим. Аммо уни очик айтолмайман. Ҳаётнинг шундай бир тилсими борки, поймонаси тўлган одамгина буни англайди. Бирор 20 ёшда, кимдир 80-90 га чиқиб тушунади буни... шунга ўхшаб осмонга кетар фурсат етганини билар экансан. Дилингда илоҳий бир соғинч уйғонади. Аччик соғинчки, оғриғига чидаб бўлмайди. Факат йиғлагинг келади. Адоғсиз самонинг қай бир бурчида кадрдан гўшант борлигини биласан. Синовлардан ўтиб, адашиб-улоқиб, обдон қийналиб, ота уйига қайтган дайди қиз мисол ўқраб йиғлагинг келади...

Ҳаёлга чўмиб, олдимдан одам чиқканини сезмай қолибман. Урилиб кетай дедим. Қарасам, Ботирали, айборона бош эгиб турибди.

– Доим бир муаммо билан келаман ёнингизга! – жилмайди у. – Боя.. хафа бўлмадингизми?

– Нега? – кулдим мен. – Факат у қизни танишингизни билмас эканман. Негадир чехраси маҳзун. Ўзи дилдор бўлсаем, қисмати оғирмикин...

– Билибсиз, – ўйга толиб деди Ботирали. – Бечорага қийин экан. Эр-хотин бир кунда жон берибди-я! Тириклика фарзанд

күрмаганлари туфайли катталар күймай, ажратиб юборишибди. Йигит бошқага уйланибди. Орада аёл касал бўлиб ўлган. Ўша куни кечга томон эри хотинининг қабри тепасида жон берибди... – Ботиали жим қолди. Кейин яна сўзида давом этди.

– Уларни бир қабрга кўйиш керак эди аввалбош. Лекин буни иложини қилишолмаган. Аникроғи, икки томон бир-бирига душман бўлиб қолган. Энди эса эр бошка қабристонда азобдамиш. Бу ёкка ўтолмаяпти дейди. Ўзи эса нима қилишини билмайди. Қабристон оёғида йиглаган кўйи ўтиради.

– Бу ҳақда мен ҳам эшитгандим. Ўша қизнинг қабристон этагида ғамгин юрганини кўрардим. Эрининг ёнига ўзи борса бўлмасмикий?

– Боролмайди... уларнинг руҳий мақомати турлича. Охиратда борар жойи ҳам бошқа. Йигит сабр килганида охиратда кўришардилар. Энди эса... унга катта айб кўйиляпти. Ундан ҳамма норози! Ота-онаси ҳам, қайнота-қайнона ҳам, иккинчи аёли ҳам. Уларнинг фигонида бу куйяпти. Унинг қилмиши ўзини ўлдирган билан баробар эмиш. Бўшлиқ килган. Ким нима деса қилавериш ҳам гуноҳ экан. Бошқаларнинг гуноҳи ҳам бунга ўтади энди. Чунки бу ижрочи! Бундай тоифа одамлар руҳан камол топмайдилар.

– Энди тоабад кўришолмайдиларми?

– Ким билсин... Агар аёл савоби ажридан берса, уларнинг руҳий мақоми тенглашади. Исодатгўй, комила аёллар ҳам эрларини куткара оладилар. Бунинг учун Раъно ҳамма нарсага рози. Лекин эри уни аросатга тортиб кетмаса эди, деб кўркяпман.

– Мен унақа бўлмасам керак... - аёлнинг фидойилиги назаримда бемаъниликтай туюлди. Ўзингнинг аҳволинг-ку бу, яна кимгадир ёрдам бераман деб, ўлиб ётса, ғалати эмасми? Гарчи ўша одам эри бўлсаям.

– Сиз уларни ҳеч қачон тушунмайсиз, – маъноли килиб деди Ботиали.

Нимага шамаъ қилаётганини илғаб индамадим. Жаҳлим чиқди. Моҳигул ҳам бир пайтлар шундай деб юзимга солганди. Мен эрлик хотинларнинг аҳволини тушунмасмишман. Ҳай, майли, нима деб ўйласа, ўйлайвермайдими?! Айни пайтда мен барибир ҳеч нимани исботлай олмайман-ку! Шу боис беларво қўл силтадим. Лоқайдлигим Ботиалига ёқмади.

– Кетяпсизми? – түсатдан мавзуни ўзгартириб сўради у. Қаердан билдийкин, дегандай унга ҳайратланиб қарадим.

– Бу шундоғам сезилиб турибди-ку! – деди у жилмайиб. Кетаётгандар доим шунақа лоқайд бўлиб қолишади. Ахир... уч юз йилдан бери шуни кузатаман-а!

– Ўйдагилар билан видолашиб керак. Лекин ёқтирумайман буни. Сўнгги қунда онамни ухлатиб қўйганман... шунақа гаплар...

Ботиали ғалати мунгайиб колди.

– Бу дунёда қизик ишлар бўлади. Бир дўстим бор эди. Савдо-га чиққанимда ҳамроҳ эди менга. Хорижда эроний қизни ёқтириб колди. Унга ҳаммоллик қилди. Улар кун бўйи бирга бўлишиди. Бир кунгина!! Эртасига эрталаб киз опаси билан жўнаб кетди. Видолашаётуб иккиси ҳам хўнг-хўнг йиллади. Кейин дўстим бир умр ўша қизни гапириб юрди. Оради н қанча йиллар ўтиб кетса-да, эроний қизни унуполмади. Дўстим мен ҳаётимда бир кунгина яшаганман, фақат бир кун!—дерди... Инсон тақдири шунақа экан.

Ботиали ўйга толди. Кейин бошини кўтариб менга қаради.

– Биз ҳам энди... кўришмас эканмиз-да!—деди у сўниқ то-вушда. Бир фурсат ҳижолат чекиб, нима дейишимни билолмай қолдим. Кейин бу гапларга унча эътибор қилмаганимни билди-риб, яна ҳам уни ҳафа қиласлик учун:

– Бу дилимизга боғлиқ, —дедим. —Агар сиз ҳам, мен ҳам буни истасак, албатта учрашамиз...

– Учрашишни истармидингиз?—тасбих ўгирганча кўзларини бир нуктага қадаб сўради у.

– Охиратда ҳам сиздай бир дўст бўлса, бунинг нимаси ёмон. Лекин... вужудим нимани исташини билмайман. Чунки ўзгаряпман...

– Чиндан ҳам! – тан олди Ботиали. – Бу менга ҳам сези-ляпти. Ҳали... ўзим ҳам ўзгарсам керак. Лекин кетсангиз... менга жуда билинади, – деди у. Индамадим. Ботиали кетаётуб ортига ўгирилди, гўё хайрлашаётгандай жилмайиб қўйди. Мен эсам унинг ортидан тикилганча ўйланиб қолдим. Кетар жафосига айтган гаплари ғалати туюлди. Ҳаммага ҳам шунақа гапираве-рармикин? Армонда кетмасин одам деганларича бор-да! Чунки бу дунёга ўтиб ўша илинж баттар кучаяди. Анави бозорни тўс-тўс қилган ишбилармон Йигит-чи, ўша аслида оддий аравакаш бўлган экан. Бир умр, бор-йўғи 26 йил яшаган, ўзи бизнесмен

бўлишни орзу қилган. Афсуски, неки орзуси борки, ҳаммаси машина тагида қолибди. Ана энди юриши бу – бозордан бери келмайди. Айтишларича, уни худди ўша бозорда юк машинаси босиб кетган экан.

Ботирадининг ҳам бир армони бор шекилли-да?! Билмадим, тушунмадим...

* * *

Кабристон этагини айланиб ўтиб, уйим томон учдим. Шунда оппок кўйлакли қизнинг ибодатда тиз чўкиб турганига кўзим тушди. Вужудимда аллабир титроқ турди. Бу оддий ҳол, оддий муҳаббат эмаслигига ақлим етди. Эр- хотин охиратда ҳам ковушсин, илоё деб дуо қилдим.

* * *

Илгарилари бунака ҳолатни сира ҳис қилмагандим. Матодай ҳилпираб учмоқдаман. Гул ифорини ҳар ён тўзитиб бағримдан шамоллар ўтади. Энди тоғдан бош кўтарган қуёш нур ипларини бир текис тараб, вужудимдан сочади гўё. Табиатнинг бир бўлаги бўлиш қандай яхши-я! Илгарилари, танамиз борлигида буларга эътибор қилмаганмиз. Миямиз бошқа ташвишлар билан банд бўлган-да! Сўкирдайнин бу гўзалликларни кўрмай ўтган эканмиз.

Ўша дераза раҳига «қўуни» сирғалиб балконга тушдим. У ердан ошхонага кирдим-да, қадрдон уйимни, хоналарни бирмабир айланиб чиқдим.

Шаҳноза ҳолам келган эканлар. Ошхонада онам газ-ўчоқ тепасида бир нима пиширятлилар. Шаҳноза ҳолам ўша ерда чой ичиб ўтирибдилар. Бир нималарни гапириб роса чақчаклашишяпти. Онамнинг хурсандлигини кўриб дилим яйради. Уни илк марта хушҳол кўришим, озмунча қийналмадилар шўрлик.

Ўзимнинг ётогимга кирдиму, ўзгаришларни кўриб оғзим очилиб қолди. Мендан бирон хотира қолмабди-я! Бир чеккаси шуниси ҳам тўғри. Одам хотиралар билан яшолмайди-ку! Келажакка интилиб яشاши керак. Келажак эса, кичкинагина келажак менинг кароватимда, оппоқ пахтадай ўрин-кўрпада пишиллаб ухлаб ётарди. Китоб жавонимга эса ўйинчоқлар териб кўйилиби. Китобларим кани экан? Ўша севикли китобларим. Мен ўз ҳаётим билан яшамаганман. Китобдаги бирорларнинг

ҳаёти менинг ҳаётимга айланган. Шунинг учун ҳам китобларни яхши кўрардим. Истаган қаҳрамонингга айлан-да, яшайвер... Хоҳла Фарида га айлан, хоҳла Жамилагага...

Китобларни меҳмонхонага олишган кўринади. Бола қўли билан чизилган суратларни деворга ёпишириб кўйишибди. Азamatники бўлса керак. Ҳаммасида мени тасвирлабди. Қизиги, у мени қанотли қилиб чизган. Гарчи қанотларимни умри бино бўлиб кўрмаган бўлсаям. Бирга чизилган суратларимизда ўзининг ҳам қаноти бор. Бир суратда учовимизни тасвирлабди: мен, бувиси ва ўзи. Болаларнинг тасаввури қизик-да! Агар ўқитувчи нега онангни қанотли қилиб чиздинг, деб сўраса, буни тушунтириб беролмайди. Аслида биз руҳлар оламида парвоз килганимиз учун ҳам шундай тасвирлаган.

Бошқа суратларда у бувиси билан бирга, мен эса осмонда учиб юрибман. Бувиси «Онанг осмонга кетган» деган бўлсалар керак-да!

— Болажоним, тура кол, қашанг пишди! — ошхонадан чақирдилар онам.

Шу пайт хонада Азamatнинг латиф танаси пайдо бўлди. Тушида кайларга бориб ўйнаб келяпти. Мени кўрди-ю, бағримга стилди.

— Ойижон! Келдингизми! — бўйнимдан маҳкам қучоқлаб деди у.

Аслида унинг тасаввурида «ачомлашдик». Латиф танада бундай қилиш қийин. Чунки бу ҳолатда кўлинг одамнинг ичидан ҳам ўтиб кетаверади.

— Сизни роса соғиндим...

— Юр, айланиб келамиз, — дедим мен. — Анави тўлқинларга осилиб аргимчок учмаймизми?

Азamat ўйланиб колди. Авваллари олдимга тушиб чопа кетарди.

— Нима мен ёш боламидим, — деди у қовоғини уйиб. — Бувимни ташлаб кетолмайман-ку!

Унга караб жилмайдим. Боргиси келаётгани учун ҳам қовоқлари уюлди-да!

— Бирпасга борамиз, тойчоқ... Мен билан ўйнагинг келмаяптими?

Бола бошини кўтариб менга каради.

— Бирпасга бўлса майли, — рози бўлди у чиройи очилиб. Катталарга ўхшаб қолибди. Анча улғайган.

Азаматнинг кўлидан ушлаб осмонларга учдик. Тоғ чўккиларигача борибмиз. Роса корбўрон ўйнадик, Қорбоболар ясадик. Яна самодаги кўзга кўринмас тўлқинларга осилиб учдик.

Бу тўлқинлар балки уяли алоқа телефонлариникидир, балки радиотўлқинлариридир, билмайман. Бу ёқда улар шаффоф ипдай хилпираб ётади. Тўлқинни маҳкам тутганча узок-узок учиш мумкин. Бу жудаям марокли.

— Ойи роса мазза-да! — деди Азамат болаларча кувониб. — Ростдан учяпман-а, ойи. Бу тушим эмасми...

Мен меҳрла кулиб кўйдим.

— Ростдан учяпсан, болам...

Шу пайт шамол овозларни злас-элас келтиргани каби онамнинг чақиргани эшитилди.

— Азаматжон, болам, халиям ётибсанми? Вой уйкучи-ей!

Бола сергакланди.

— Бувим чақиряптилар, — деди у кетгиси келмай. — Овозлари шу ёққача эшитиляпти, қаранг. — Кетамизми? — менга савол назари билан қаради у. -Кетмайлик! — ялинди яна.

— Кетмасак бўлмайди. Бувинг хавотир оладилар.

Кўз очиб юмгунча Азаматжон ётган хонада пайдо бўлиб қолдик. У бўйнимдан кучди.

— Ойи, яна келасиз-а?

Унинг бошидан силаб, юзидан ўпдим.

Онам хонага кирдилар.

— Хаҳ муғомбир! Уйғоқ бўлсаям, келишимни пойлаб ётади бу!

Азаматжон кўзларини очиб, эснади. Кейин бувисига қаради.

— Ойим қанилар? Ҳозир шу ерда эдилар-ку!

— Ойингни туш кўрдингми? Ўзим ўргилай сендан.

— Тушимда эмас, ростдан кўрдим-ку! — болалигига бориб киқирлаб кулди у. — Шуниям билмайсизми, буви! — ақлиларча деди у.

— Яхши, яхши,— дедилар онам ўзларини билмаганга олиб. — Кашибон совияпти, тура қол тезрок.

Азаматжон кийиниб, ювениш хонасига кириб кетди. Онам Шаҳноза холамга гапирганча қозон кавлашга тушдилар.

– Бу болам бошқача чиқди-да, Шаҳноз. Вой, бирам меҳрибон. Иш буюрсанг суюниб кетади. Овқат есам косамни текширади. «Ҳаммасини едизми, буви. Савзисини ҳам енг», дейди. Емаганимга қўймайди. Кўп овқат есангиз, бўйингиз ўсади! – деб қўяди. Онам кулдилар. – Вой, ойиси тилидан тушмайди. Ҳар куни Гулхумор ҳақида эртак айтамиз. Болалигидан тортиб, келин бўлганингача, худонинг ўзи кечирсин, ёлғонни.

Агар охиригача айтмасам, «Ойимнинг келин бўлганлариниям айтинг», дейди. Айтаман. Бир куни бошқа эртак айтдим. Йўқ, ўтмади. Энди ойим ҳакидагисини айтиб берасиз дейди. Шундан кейин ухлади. Бир куни дадасини сўраб қолса бўладими?. Нима дейишимни билмайман. Даданг учувчи бўлган, самолёти кулаб тушган, дегандим, хафа бўлиб роса йиғласа-да! Ҳеч овутолмасам-а!. Бир чеккаси боладан чиқиб қолибман, деб ўйладим. Йўқ овунди кейин.–Буни обкелиб яхши қилибман, ба-рибир,—дедилар ойим. Бу орада ваннахонага ўтиб, ўйинқароқлик килаётган Азаматдан хабар олдилар.

– Тунов куни налувчи келувди. Электрга! Қарзимиз кўпайиб кетибди. Бунга энгил-бош олиб берай, кейин тўлайман карзни, дегандим, ҳеч унамаса бу налувчи. Бир кўрс-кўпол йигит. Қари кампир демай, роса бақирди. Болам нозандай мани ҳимоя қилди.

– Бувимга бақирманг! – деди ҳиқиллаб. – Мени бувим яхшилар!–деганча итариб даҳлизга чикариб қўйди. Налувчи ҳайрон. «Болангизга тарбия берсангиз бўлмайдими», эмиш.

Шаҳноза холам шараклаб кулиб юбордилар.

– Вой, боласи тушмагур-эй! Боплабди-ку, опа!

– Анави ўлгур бир менга, бир болага қараб, индамади. Фаришталар ҳам етимгинанинг раҳмини еди, Шаҳноз. Боланинг фариштаси бошқача бўлади-да!

– Ҳа-а!–дедилар холам ўйга толиб. – Бир сафар тумонат меҳмон уйингизда, ўшандаям токни ўчириб кетганди. Гулий-ингиз, коронғида маставага қурук чой тўкиб юборганди, кейин бошқа овқат қилганмиз.

– Шошқичда бўлган-да! Хуллас, ўша кўрс муштдай боланинг гапига қўниб, чиқиб кетди-я?!

– Жуда яхши бўлди-да, опа, шу ишингиз. Кўрдингизми, нима қилсаям ўғил бола-да бу! Ҳимоячи. Ана ўзиям келиб қолди. Ке, қўришамиз.

– Ассаломалайким! – Шаҳноза холам Азаматжонни кучоқлаб, юзларидан ўпиди кўйдилар.

– Катта йигит бўл қопти-ку!

Онам кашани сузиб, боланинг олдига қўйдилар.

– Буви, сизам едингизми? – Онам бош силкидилар.

– Кўп-кўп едингизми? Буни еган кучли бўлади, а?

– Полвон бола бўлади! – дедилар онам.

– Энди нима қилмоқчисиз? Буни боғчага берасизми? – сўрадилар Шаҳноза холам.

Азамат бир онамга, бир холамга қараб қўйди.

– Боғчага бораманми? – норози оҳангда деди бола.

– Холанг галираверади Нага боғчага берарканман, – холамга юзланиб дедилар онам. – Ишласам ҳам уйга иш оламан. Олдимда юради дўмбиллаб. Боғчани оқати овқатмиди?!

– Унақа, деманг, опа! Ҳамманинг боласи борялти-ю!. Мани-киларам боришади...

– Санлар дангасасанлар. Овқат қилишга эринасанлар. Бола билан ўйнашга вақт тополмайсанлар. Уйда ўтирадиган хотинларам боласини боғчага обориб ташлайди.

– Фақат бунга эмас. Болаларга кўшилсин, дерканси. Боғчада ҳар хил машгулотлар ўтишади, ўқиш-ёзишни ўрганишади.

– Ўзим ўргатаман ҳаммасини. Балодай ҳар куни попкасини кўтариб келади. Буви мактаб-мактаб ўйнайлик, дейди. Математика ишлаймиз, ҳарф ёзамиз, сўз ёзамиз. Ўзи ёзади. Билмаган ҳарфини сўраб олади-да, ёзади.

– Бўладиган бола экан-да, опа! Илоё умри билан берган бўлсин!

Улар чой ичиб, овқатланиб бўлишди. Шунда бола даҳлиздан уларни кузатиб турганимни кўриб колди.

Қизик. Катталар кўролмайди. Лекин болалар покиза, бегубор бўлгани учун бу оламни кўришар экан. Дарров ўзимни панага олдим. Кейин бир нима ёдига тушгандай деди:

– Буви-чи, буви, бугун ойим келдилар!

Онам холамга маъноли қараб қўйди.

– Ойинг?! Ойинг келдими? Боя ҳам айтувди буни. Ойинг нима қилаётган экан?

– Китобларим қани, дедилар. Кейин биза бирга ўйнадик. Буви, тоғда қор кўпми?

— Токқа бордингларми? – холамга юзланиб дедилар. – Түшида күрган!

– Қорбўрон ўйнадик. Кейин учдик, роса учдик.

– Ҳа! Жойи жаннатда бўлсин! – дедилар холам.

– Хола, жаннат узокми? – тўсатдан сўради бола.

Холам нима дейишини билмай, болага караб қулди.

– Шунака! – дедилар онам маъноли килиб. – Бир саволлар берадики, жавоб тополмай қоласан.

– Жаннат узок, болам. У ёкка ҳаммани киритишмайди, – унинг саволига онамнинг ўзлари жавоб бердилар.

– Ойимни киритишадими? Бизани-чи?

– Илоё, биз ҳам кирайлик-да, той бола. Кирмасак, ойингни кўролмаймиз-ку?

Ҳаммалари кийиниб, йўлта тушишди. Аввал ҳатхужжатларни тўғрилагани ҳокимиятга ўтишар экан, кейин Отчопарга бориб Азаматжонга бир-икки сидра кийим оладиган бўлишиди. Онам «майкаси битта, ҳадеб ювавериб, жони қолмади» деб зорландилар.

Уларни кўриб, кўнглим хотиржам тортди. Лекин улар мени кўришолмади-да! Тонгда учрашишга ултураман, деб ўйлагандим, афсус. Асли онам бомдод номозини ўқигач, пича ухлаб олардилар. Шунда кўришишга умид килгандим. Лекин ишлари кўп бўлгани учун ётмабдилар-да!

Майли, омон бўлишсин! Бу ҳам худонинг хоҳиши асли.

Уларни ҳокимиятгача кузатиб бордим-да, қабристонга кайтдим.

Буталар оралаб, кетаётгандим, кўзим яна ўша оппок кўйлакли қизга тушди. У қўлларини азот кўтарганча, бир нималар деб ибодат киласарди. Шу пайт кимдир оғир ингранди. Имм... бу овоз бутун қабристонга акс-садо берди, гўё. Имм... овоз яна кучайди. Ким экан-а жони азобда колган. Атрофга алангладим. Шууримга қўйилган инграницаш сўзларга эврилди, сўзлар мисраларга айланди:

Тупроқ эмас асли ётган жойларни,

Азиз авлиёлар ҳоки-пойи тушган.

Кўзларим нигорон йўлларингда ёр,

Илоҳий ҳажердан диллар ушишган.

*Азизам, бўзлами, қалбим яратаб,
Сассиз кўз ёшингга чидайман қандоқ?
Не қилақки, мен бир осий бандаман,
Ҳар сўзинг, меҳринг ҳам мен учун қийинок!*

*Сенсиз яшолмадим, дунё бўлди тор,
Ҳам масини ташиладимту, кетдим тоабад.
Бунда мен ётарман абгор, хокисор,
Юпанчим, паноҳим ёлгиз муҳаббат!*

У инграб, «оҳ» уриб шу сўзларни айтаётганди. Қиз эса латиф қўлларини осмон қадар кўтариб, йиғлаганча нималарнидир тиларди Худодан.

Қизга, умуман, уларга ачі низб кетдим. Нега дунё бир-бирига интилганларни айришни яхши кўраркин? Бу билан нимани исботламокчи бўлади у? Билмайман. Шунинг таъсиридами, баҳор эпкинидай енгил сузиб, қабримга сингдим. Орада ибодатлар килинди.

Лекин қалбим бўм-бўш эди негадир. Кўрганларим туфайлими, ғамгин тортиб қолгандим. Мен бу саволга жавоб топаман, албатта. Одамни писта пўчогидай чирпиратиб ўйнатган чархифалак сирлари бир кун келиб ошкор бўлади барибир...

* * *

Ярим тунда еру осмон туйкус ёришиб кетди. Нур устуни «хобгоҳим» га сутдайин сизиб кирди. Бу ёғду бағримни нурларга чулғади-ю, мен инон-ихтиёrsиз юкорига тортилдим.

... Яна ўша манзара. Самоват қўйнидан бинафшаранг палагини ёзганча афсонавий гўзаллик оқиб келмокда эди. Нафармон тусдаги нафис ёркинликда олтин юлдузларнинг чақнаши бўлакча.

Нақшинкор канотларини кенг ёзганча хумо қушлари учиб ўтади. Олмос фойтунлардан нур ҳилқатлар тушиб келади...

Буни кўриб вужудим қувончдан минг кирким бўлди. Уларга талпиндим. Мана ҳақиқат, менинг ҳақиқатим! Шу тоб бутун дунёни унутдим, яшаган умрим ҳам ёдимдан учиб кетди. Фақат бу мен эканимни биламан, колган ҳамма нарса худди жисмим каби йўқликка юз тутди.

Икки фаришта қизлар, хеш-ақраболарим төгірамда тұхтадилар. Мен билан юз күришиб, муборакбод этдилар. Бувим бошимни силаган күйи бағрига босди.

– Умрингнинг яна бир босқичи сархисоб қилинди! – дедилар.
– Энди чин уйингга олаб кетамиз. Факат... лиbosингни алмаштириб ол.

– Лиbosимни! Қанақа лиbos... – бувимга хайрон қарадим.

– У ёкқа янги лиbos кийиб борилади. Яқинроқ кел, саодатим!

Лиbos деб латиф танамни айтәётган эканлар. Чиндан ҳам гүё лиbos ечгандай латиф танамдан чиқдим-да, бувим берган лиbosга кирдим. Келинлар күйлагидай оппок, гүё унга бош-оёқ дуру жавхар кадалгандай күзни олиб нурланади. Бирам енгил, бирам чиройлики...

– Жуда ярашди, болам! Гүзалсан, рухинг гүзәл...

Вужудимда оромбаҳш қувонч. Учиб кетгим келяптиki... Ичларим ёнятти, машъаладай чақнаётганимни үзим ҳис қиляпман! Ҳозир онам күрсами эди!

Лоп этиб онам ёдимга тушди. Волидам билан хайрлашмай кетяпман-а? У киши билан учрашмай-я? Үзим хеш-ақраболарим ҳамроҳлигига Олмос фойтуң томон кетиб боряпману онамни ўйлайман. Юрагим хижил. Қадамларим секинлашды. Баногоҳ мұлтираб ортимга қараб қўйдим.

– Нима бўлди? – сўрадилар бувим. – Нега безовта бўлиб колдинг?

Гап нимадалигини айтишни ҳам, ҳеч нима демай кетаверишни ҳам билмасдим.

– Бирон армонинг борми? Ҳозир айт кеч бўлмасдан.

– Онам! – дедим бувимга қараб. – Онам билан видолашмадим...

Бувим «шугинами» дегандай жилмайдилар.

– Майли, – дедилар бироз сукутдан кейин. – Улгурамиз ҳали!

Тўпдан айирилиб чиқиб, уйим томон ошиқдим. Бир томонимда бувим, бир томонимда Робия холам, таниш дераза раҳидан ичкари ўтдик. Аксига олиб, онам уйда эмас эканлар. Азаматжон ҳам йўқ, кароватчаси бўм-бўши. Шу шошилинчда қаерга кетишибди экан-а?

Хонама-хона изиллаб учарканман, онамни чорлардим. Қаерла бўлсаям келсин:

– Ойижон, қаердасиз? Ойин...

Тунов куни Азamat билан токка борганимизда овозлари ўша ергача эшитилди. Нега мени эшиштмас эканлар. Албатта эшигадилар. Шу дам жавоб келмагач, бувим ҳам ташвишланиб қолдилаар.

– Кетамиз...

– Ойин, қаердасиз?

Хартугул, ниҳоят онам жавоб қилдилар.

– Гулхумор... болам, – волидамнинг овозлари злас-злас эшитилди.

– Биз бу ёқдамиз. Шаҳноза холангнидамиз! Кела кол...

Бу ерда масофа йўқ. Зум ўтгунча ўша жойда пайдо бўласиз.

Дарров Шаҳноза холамнинг уйлари қаршисида зохир бўлдик.

– Ичкари ўтмаймиз. Шу ердан хайрлаш! – дедилар бувим.

Биз дераза қаршисида муаллақ турибмиз. Оппок чиройли кўйлакда икки ёнимда хеш-акраболарим. Онам мени кўриб хайрон қолдилаар.

Гулхумор! – Ҳайратланиб дедилар онам. – Чиройли бўлиб кетганингни қара!

Мен жилмайдим.

– Ойижон, хайр... биз шошяпмиз. – Ўзингизни эҳтиёт қилинг, ойи.

Уларга қараб жилмайдим. Бувим ҳам, холам ҳам онам билан хайрлашишди.

Волидам биз томонга термулганча хомуш қолдилаар. Кўз ёшлари ёноқларидан из қолдириб оқиб тушди.

– Биз яна келамиз, ойи, – ортимга ўгирилиб дедим мен.

Шошилганда эътибор килмаган эканман. Фойтун гўё шаҳар марказида, осмонда муаллақ тургандай. Унинг хар тарафидан бинафшаранг нур устуни тушиб келарди. Бу нур устунларидан шаҳарнинг хар чеккасидан одамлар оқиб келмоқда эдилар.

Биз ҳам ўз тўпимизга кўшилиб олганча баландлай бошладик. Гўё ўргадаги олмос фойтун қаҳрабодай бизни ўзига тортаётганди.

– Ҳеч нимадан кўркма саодатим! Биз ёнингда бўламиз... – дедилар бувим. Нега бундай деганларини кейин тушундим.

... Олмос фойтун ичига киришимиз билан унинг шакли ўзгарди. Назаримда у ўтиш кувури эди. Негаки, деворлари яшил, қизил туусда товланиб, хар сония шаклини ўзгартираётган кувур ичидан шитоб билан учиб кетдик. Ҳатто тезлик залворидан

күзларимни чирт юмиб олгим келди. Афсуски, иложсизман, ахир күзларим йўқ-да менинг, билъакс ўзим улкан кўзга айлан-гандай эдим. Ўормага тушган хас чўпдай чирпираб кетяпману ҳаммасини кўряпман, ҳис қиляпман. Ҳатто нурхилқатлар қўлимдан тутганини ҳам. Бу бор-йўғи руҳий паноҳ, руҳий кўмак эди.

Шу тобда ҳеч нимани фикр қилолмасдим. Олдинга, факат олға интилиш кераклигини билардим, холос. Мен кўзни олар даражада чиройли, нақшинкор қувур ичра, дилим қўмсаган ўша олис, ўша қадрдон оламлар сари учеб бормоқда эдим...

Тошкент,
2003-2006 йил.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	5
Жон қандай күчади?	9
Қабристон бир гаройиб шаҳар	15
Донишманд ва шогирд	60
Ҳалос бўлган руҳ	73
Узвийлик	94
Қисмат	109
Уруж	127
Ёндош олам – саргардонлар макони	162
Тутқунлиқда	197
Ризо ва таслим йўли	214
Армонли дунё	244
Гулхуморнинг кетиши	256

НИГИНА НИҖЭЗ

СҮНГИ КУН

*Хаёлий қисса
I-китоб*

*Тақризчи: Эркин Усмонов
Муҳаррир: Ҳикоят Махмудова
Бадиий муҳаррир: Бехзод Ҳайдаров
Мусахҳиҳ: Маҳмуда Абдуллаева
Компьютерда саҳифаловчи: Нилуфар Мавлонова*

Нашриёт лицензияси AI № 104, 15.07.2008 йил.

Босишига 02.04.2012 йилда рухсат этилди.

Қоғоз бичими 84x108 ¼, Шартли б.т. 17,0.

Нашр табоги 15.8. Адади 3000 та (1- завод 1000 та).

Буюртма № 52.

«Meriyus» хусусий матбаа-нашриёт корхонасида чоп этилди.
Манзил: 100055. Тошкент ш., Генерал Узоков кўчаси, 2А-уй.
Тел.: 228-94-11.